

336.8
Д.65

ҚУВАСОИ УҚУВ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИ

ФАРҒОНА ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Ю. Т. ДОДОБОВ, М. А. СОБИРОВ

БАНК ИШИ

(Олий ўқув юртлари, коллежлар, академ
лицейлар ўқувчилари учун дарслик)

І ҚИСМ

Тошкент — 1999 йил

17. 65
ЎУВАСОЙ ЎЎУВ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИЎАРИШ
ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИ

ФАРФОНА ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Ю.Т.ДОДОБОВ, М.А. СОБИРОВ


БАНК ИШИ

(Олий ўқув юртлари, коллежлар, академ лицей-
лар ўқувчилари учун дарслик)

1 - ҚИСМ

71715

Тошкент , 1999 йил



Уқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 1995 йил 28 август 344 - сонли
қарорига ҳамда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-
га асосан тайёрланган.

Мухарририят:

Раис - Академик Усмонов С.Н.
Маъсул мухаррир - Академик
Додобоев Ю.Т.

Тақризчи:

Иқтисодий фан номзодлари:
Холмирзаев Б.Х., Рахматов М.Р.,
Хамидов М.Х., Гофуров С.Г.

КИРИШ ҚИСМИ

Банклар - бозор тузилмалари тизимининг марказий буғинидир. Уларнинг фаолиятини ривожлантириш ишлари - бозор механизмини чиндан барпо этиш зарур шарт - шароитларидан биридир. Иқтисодий ислохотлар жараёни банк тизimini ислох этишдан бошланади. Бугунги кунда ҳам ушбу жабҳа ҳаракатда ривожланмоқда.

Узоқ давр мобайнида банклар давлат идоралари сифатида амал кўрсатган ва маҳмурий - буйрукбозлик тизими орқали иқтисодиётни бошқариш тадбирининг "устунли асоси" вазифасини бажарганлар. Охир - оқибат мамлакатда банк ишини ташкиллаш анъаналари ва Россия банклари тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари йўқолган. Бугун Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётини барпо этаётган даврда биз кўздан чиқариб юборилган имкониятларни қайтариб олиш учун ҳаракат қилишга мажбурмиз. Қисқа муддатларда жаҳон паражасида банк ишини замонавий ташкиллаш даражасига ёришиш талаб этилади.

Шу нуқтан назардан дарсликда нафақат Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятининг амалдаги тажрибасига онд тавсиф, балки ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларнинг шу соҳадаги тажрибаси ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболлари катта эътибор билан ўрганилади.

Банклар турлича вазифа бажариб ўз ўрталарида маҳсуллик ҳаётининг бошқа субъектлари ва маҳсуллик ҳаётининг бошқа субъектлари билан мураккаб алоқада бўладилар. Шу муносабатда "Банк иши" ўқув қисмидаги масалаларни тизимли тарзда ўрганиш зарур бўлади. Бунга тегишли равишда банкларнинг пул - кредит соҳасидаги вазифалари жамоатчилик таъсирини кўрсатиб чиқариш жараёни билан тўғридан - тўғри ба

тескари алоқада бўлишини ҳисобга олган ҳолда ўрганилади, банк тизими билан банк фаолияти тузилмавий бўлимлари ўртасидаги узаро таъсир таҳлил этилади.

I Боб. БОЗОР ШАРОИТИДА ХЎЖАЛИК ИЭРИТИШДА КРЕДИТ ТИЗИМИ.

1.1. Бозор иқтисодиётини ривожлантиришда кредитнинг ўрни.

1.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кредит тизими ва унинг ривожланиши.

1.1. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КРЕДИТНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасининг бозорга кириб келиши кўп жиҳатдан кредит муносабатларига оид имкониятларнинг амалга оширишга боғлиқдир. Шунинг учун пул муомаласи ва кредитни тубдан ислоҳ қилиш ишлари бозорни шаклланишнинг зарур шартларидан бири деб ҳисобланади.

Ислохотнинг асосий вазифаси - пул маблағларининг марказлашган тарзда қайта тақсимлашни имкон қадар қисқартириш ва молиявий бозорда уларнинг ҳаракатини деярли бир ясси чизиққа ўтказишдан иборатдир. Молиявий бозорнинг барпо этилиши халқ хўжалигини бошқаришда кредит институтлари аҳамиятининг тубдан ўзгаришини ва иқтисодий муносабатлар тизимида кредит ўрнининг юқорига кўтарилишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтаётгани шароитида кредит - қарз сармояси, яъни қарз тарзида тақдим этилган пул сармоя ҳаракати шаклига эгадир. Кредит пул сармоянинг қарз сармояси шаклига ўтишни таъминлайди ва кредиторлар билан қарз олувчилар ўртасидаги муносабатларни инфодалайди. Унинг ёрдамида корхона, хусусий шубба, давлат бўш пул сармоялари ва даромадлари бир жойда жамланиб

қарз сармоясига айланади ҳамда ҳақ эвазига вақтинча фойдаланишга берилади.

Сармоя жисмонан, ишлаб чиқариш воситалари кўринишда бир жабҳадан бошқа жабҳага ўтмайди. Одатда бу жараён пул сармоя ҳаракат шаклида амалга оширилади. Бозор иқтисодиётида кредит, авваломбор, сармояни бир жабҳадан бошқа жабҳага ўтказиш ва фойда меъёрини тенглаштириш мослашувчан механизми сифатида айнан зарурдир.

Кредит - ишлаб чиқаришнинг бир жабҳадан бошқа жабҳага сармояни бемалол ўтказиш зарурияти ва ишлаб чиқариш сармоясининг маълум бир натурал шаклда ўрин эгаллаши ўртасидаги зиддиятни ечади. Шунингдек, яқка тарздаги сармоянинг чекланганлиги каби тўсиқни олиб ташлашга имконият беради.

Шу билан бир вақтда кредит амал кўрсатаётган корхоналарнинг жамғарма маблағ айлануви узлуксизлигини сақлаб туриш, ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиш жараёнига хизмат кўрсатиш учун зарурдир ва бу жиҳат бозор муносабатларини ўрнатиш шаронтида айниқса муҳимдир.

Қарз сармоясини турли соҳалар бўйича тақсимланади ва бозорни ҳисобга олган ҳолда кўпроқ фойда келтирувчи ёки Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш умумиллий дастурга мувофиқ устивор ҳисобланган соҳаларга йўналтирилади. Шунинг учун кредит қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Ушбу вазифа жамоатчилик сифатига эга бўлиб ишлаб чиқариш муганосиблигини мувофиқ ва пул сармоя йиғиндисини бошқаришда давлат томонидан фаол қўлланади. Кредит - пул миқдори ва тўлов пул айлануви ҳажми ҳамда тузилмаслиги, пул муомаласи тезлигига фаол таъсир кўрсата олади, турлича шаклдаги кредит пулларини тадбиқ этиш орқали ўтиш даврида нақд пулсиз ҳисоб - китобларни ривожлантириш, уларнинг янги услубларини жорий қилиш учун

асос яратади. Буларнинг ҳаммаси фойдаланиш чиқим-харажатларини тежашга ва умуман жамоатчилик такрор ишлаб чиқариш самарасини оширишга кўмаклашади.

Кредит воситасида фойдани пулга айлантириш, бинобарин ишлаб чиқаришни бир жойга жамлаш жараёни янада тезроқ амалга оширилади. Корхоналарни акциядорлаштириш асосида давлатга қарашли ва давлат мулкани хусусийлаштириш дастурини амалга оширишда ҳам кредит катта аҳамият эгаллаши мумкин. Бу йирик пул сармояларни кредит тизимида жамлаш - акцияларни бозорда жойлаш шароитларидан биридир. Банклар номидан амал кўрсатаётган кредит тизими акцияларни чиқаришда ҳам, жойлашда ҳам фаол қатнашади.

Кредит муносабатларидан фойдаланмасдан ва уларни ривожлантирмасдан бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди, қолаверса бозор учун зарур инфратузилмани яратиб бўлмайди, иқтисодиётнинг амал кўрсатиш самарасини ошириб бўлмайди.

Кредит маҳсулдор ривожлантиришни рағбатлайди, илмий - техник тараққиёт ютуқларига асосланиб такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сармоя манбаларини шакллаш ишларини тезлатади.

Қарз сармоялари бозорида қарз олувчиларнинг сонини мувофиқлаш ва ҳукумат имтиёзлари ҳамда кафолатларини тақдим этиш орқали давлат банкларининг фаолиятини ижтимоий - иқтисодий ривожланиш умумаллий дастурини амалга ошириш вазифаларига мос фаолият юритаётган корхоналарни ва тармоқларни кредитлаш афзаллигига қаратади.

Давлат томонидан кредитлар сармоя қўйилmalarини, уй-жой қурилишини, товар - маҳсулот экспортини рағбатлаш ва қолоқ худудларни ўзлаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Фермер хўжалик, кичик бизнес корхоналарининг тез ва тараққий даражасида оёққа туришини, шунингдек ички ва

ташқи иқтисодий майдонда бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини жорий қилиш ишларини кредит воситасидан фойдаланмай таъминлаб бўлмайди.

1.2. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИДА КРЕДИТ ТИЗИМИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кредит тизимини ўрганишда унинг узоқ ривожланиш тарихига эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтаётган даврдаги барча иқтисодий ўзаро алоқалар тизимасида бирлаштириш вазифасини бажараётган мураккаб иқтисодий муносабатларнинг амалга оширишга асосланишини ҳисобга олиш зарур.

Кредит тизимига онд икки тушунча мавжуд:

1) кредит муносабатлари, шакллари ва кредитлаш услублари йиғиндиси (функционал шакл);

2) бўш пул маблағларни жамлаб қарз тариқасида тақдим қилувчи молия - кредит муассасалари йиғиндиси (институционал шакл).

Биринчи шакл нуқтаи назаридан кредит тизими банк, истеъмолчилик, тижорат, давлат, халқаро кредитлар орқали тақдим этилган. Шу турдаги барча кредитлар ўзига хос шаклдаги муносабатлар ва кредитлаш услубларига эгадир. Бу муносабатлар эса иккинчи (институционал) шаклда кредит тизимиши ташкил қилувчи ихтисослашган муассасалар томонидан амалга оширилади. Кредит тизими институционал тизимасининг етакчиси бугинги банклардир. Кредит тизими Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар йиғиндисидангина иборат бўлган банк тизимига қараганда анча кенг ва чуқур тушунчадир.

Банк бу - юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб этиб, ҳақ тўлаш ва муддатда қайтариб бе -

риш шарти билан ўз номидан уларни ишлатувчи ҳамда ҳисоб-китоб, воситачилик ва бошқа амалиётларни бажарувчи тижорат муассасаси.

Банк тизими 1987 - йилгача учта якка - ҳукмрон банклардан ташкил топган : СССР Давлат Банки, СССР Қурилиш Банки ва СССР Ташқи савдо Банки.

Шунингдек Давлат меҳнат омонат кассалари тизими ҳам мавжуд бўлган.

СССР Давлат Банки банк тизимида асосий ўрин эгаллаган.

Эмиссия институти ҳисобланган СССР Давлат Банки қисқа муддатли кредитлаш, хўжаликда касса ва ҳисоб - китоб хизматини кўрсатиш маркази ҳам бўлган.

Эмиссияни амалга ошириш ва жиҳозларга ҳисоб - китоб-кредит хизматини кўрсатиш вазифаларининг биргаликда бажарилиши ва бир банкка бириктириб берилгани СССР Давлат Банкини давлат бошқариш ва назорат идорасига айлантирди.

Маъмурий - буйруқбозлик тарзида иқтисодиётни бошқариш шароитида кредит муносабатлари юзаки бўлган. СССР Давлат Банки кредит маблағ манбалари хусусида чексиз якка ҳукмронлик қилган. Барча буш пул маблағлари автоматик равишда унинг ҳисоб рақамларига тушурилиб жамланган ва умумдавлат қарз жамғармаси барпо этилган. Ушбу жамғармадаги маблағлар тасдиқланган кредит режаларга мувофиқ марказлашган тарзда тақсимланган. Асл моҳиятига кўра жойлардаги кредит муассасаларининг ўрни йўриқномага мувофиқ ҳолда ва режада кўзланган мақсадлар учун маълум қарз олувчилар ўртасида кредитларни тақсимлашдан иборат бўлган. Банк муассасалари мижозлар олдида эмас, балки юқори ташкилотлар олдида жавобгар бўлганлар.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётни марказлашмаган тарзда бошқариш амалиёти шу механизмдаги банк тизимининг ўрнини ўзгартириш заруратини туғдириди.

Банк тизими 1987 йилда ислоҳ қилина бошлади. Ислоҳат жараёнида банк тизими ташкилий тузилмасини ўзгартириш банкларнинг аҳамиятини ошириш, халқ хўжалиги ривожланишига кўрсатаётган таъсирини кучайтириш, кредитни кучли иқтисодий таъсир воситасига айлантириш кўзланган.

Ислоҳатнинг биринчи босқичида давлат банкларининг янги тузилмаси барпо этилди. Ушбу ясалган шакл қуйидагилардан ташкил топган:

- икки поғонали банк тизимини барпо этиш (эмиссияни амалга оширувчи марказий банк ва бевосита хўжаликда хизмат кўрсатувчи ихтисослашган давлат банклари);
- ихтисослашган банкларни тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялашга ўтказиш;
- турли хўжалик тармоқларидаги корхоналар билан амалга оширилаётган кредит муносабат шаклларини ва услубларини такомиллаштириш.

Давлат банки мамлакат кредит тизимида марказий ўрин эгаллаши керак эди. Илгари давлат банки томонидан халқ хўжалигининг турли тармоқ корхона ва ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб - китобларни амалга ошириш ва кредитлаш юзасидан бажарилган вазифалари тегишли ихтисослашган банкларга топширилди.

Шу равишда эмиссия фаолиятини кредитлаш фаолиятдан ажратиш кўзланган эди. Давлат банкига ихтисослашган банклар фаолиятини мувофиқлаш ва барча банклар учун ягона бўлган давлат пул - кредит сиёсатинини амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Қолган банклар халқ хўжалигига хизмат кўрсатиш (СССР Саноат Қурилиш Банки, СССР Агросаноатбанки, СССР Уй-жой қурилиш ва ижтимоий ривожланиш банки) ёки айрим фаолият турларига хизмат кўрсатиш (СССР Жамғарма банки, СССР Ташқи иқтисодий фаолият банки) хусусида ихтисо -

слашган.

Банкларни хўжалик манфаатларига яқинлаштириш истаги ислоҳат ўтказиш учун асосий сабаб бўлди. Ислоҳат маълум даражада банклар фаолиятини фаоллаштирди, лекин вазиятни тубдан ўзгартирмади, чунки иқтисодий муносабатларни ўз ичига киритмаган эди.

Ушбу вазифалар ташкилий томондан ҳам ўз ечимини топмади. Қуйи бўгин даражасида банкларнинг чинаккам ихтисослашувини таъминлаб бўлмади. Ихтисослашган давлат банклари кўп жиҳатдан маъмурий - назорат тарзида мижозлар билан иш олиб бориш услубидан воз кечмадилар ва босқичма-босқич бозор муносабатларини тиклаш жараёнига мос равишда қўшила олмадилар. Ихтисослашган банк қуйи муассасаларининг кредит маблағ манбаларини тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқлари бир мунча кенгайтириб берилди. Мижозлар билан шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш ва уларга берилган кредит маблағларининг сарфланиши учун маъсулиятни кучайтириш мақсадида ихтисослашган банк қуйи муассасалари хўжалик ҳисобига ўтказила бошлади. Ихтисослашган банклар билан мижозлар ўртасидаги муносабатларда шартномалар қўллана бошлади. Банкларни ихтисослаш ишлари маълум даражада уларнинг хўжалик билан алоқаларини, пул кредит муносабатларининг ишлаб чиқаришга кўрсатаётган таъсирини кучайтирди ва кредит қўйилмалари тузилмасини яхшилаш имкониятини берди. Бироқ ушбу ижобий бошланишларга кўп жиҳатдан эскича тарзда кредит ва пул айланувчини маъмурий бошқариш услуби орқали эришилган, бу услубга эса ўз виқониятларини деярли йўқотган.

Банк ислоҳоти жараёнида пул айланувини иқтисодий бошқариш самарали амал кўрсатувчи тизими барпо этилмади, бу эса иқтисодиётдаги товар - пул мувозанатида мавжум потенциални янада кучайтирди.

Ислоҳат “юқоридан” маъмурий услубда амалга оширилади. Тармоқ жиҳатига қараб мижозларнинг ихтисослашган банкларга “бириктириб” қўйилиши барпо этилган ихтисослашган банклар уртасида пассивларнинг нотекис тақсимланишига сабаб бўлди. Кредит тизими халқ хўжалигида кредит маблағ манбаларининг бир жабҳадан бошқа жабҳага қўйилишини таъминловчи етарлича мосланувчанликка эриша олмади. Шу билан бир вақтда банкларда бошқариш аппарати нооқилона равишда кўпайтириб юборилди.

Кредит муносабатларининг негизи ўзгармади: кредитлаш ишлари ярим автоматик тарзда давом эттирилди, кредит маблағ манбаларини тақсимлаш маъмурий услуби сақланиб қолинди, банк тизимининг яккаҳуқумронлик тузилмаси йўқ қилинмади, ихтисослашган банкларнинг таъсир доираси идора тобелиги тамойили асосида тақсимланди холос, бу эса рақобатчиликка йўл бермади, лекин идора ичидаги тарқоқликни бартараф этиш имкониятини яратди. Қарз тариқасида маблағ бериш ишларининг мақсадга мувофиқлиги ва фойдалилиги банк фаолиятида асосий мезон бўла олмади.

Кредитга оид иқтисодий муносабатлар тизимини ялпи ислоҳ қилишга қаратилган банк ислоҳатининг иккинчи босқичига объектив зарурат туғилди. Бу босқич 1988 - йилда банк соҳасида бозор муносабатлари ва тузилмаларини шаклланиш учун асос бўлиб хизмат қилган биринчи тижорат банкларининг барпо этилиши пайтидан бошланди. Шу каби бозорнинг яратилиши маъмурий - буйруқбозлик муносабатларини ўрнига молиявий маблағларни энг самарали бўлган жабҳага ўтказиш-мосланувчан иқтисодий услубларнинг келишини билдиради.

Ислоҳатнинг янги босқичи пастдан кўрсатилган ташаббус асосида бошланганини таъкидлаш лозим. Бу босқичнинг асосий вазифаси - молиявий маблағ ҳаракати доирасида рақобат ва тадбиркорлик учун шароит яратилишини таъминлай олувчи

қатый ташкилланган бозор тузилмаларини барпо этишдан иборатдир. Банклар халқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш ва мувофиқлаш таянч нуқтасига айланаиб қоладилар.

Хўжаликда хизмат кўрсатаётган банклар фаолиятининг тижоратчилик мақсади фойда кўришдир, бу эса мижозлар билан алоқа қилишда мосланувчанликни ва пассив, актив, тижоратчилик воситачи амалиётларни бажаришда тадбиркорликни талаб этади.

Тижорат банклари мижозларни ва кредит маблағ манбаларини жалб қилиш ва уларни фойдали қўллаш жабҳалари учун иш юзасидан рақобатни ривожлантириш асосида амал кўрсатадилар, бу эса банк хизмати доирасининг кенгайишига ва сифатининг яхшиланишига кўмак беради.

Тижоратчилик мавқеи банкларга кредитлаш мақсадлари, шартлари ва муддатларини, фоииз тўлов миқдори даражасини белгилаш, қурилган фойдани ишлатиш борасидаги банк фаолиятининг турли шаклларини ривожлантириш, ўрнилар жадвалини ва ходимлар иш ҳақи даражасини ўрнатиш, моддий - техник негизни мустаҳкамлаш ва бошқа масала ечимлари юзасидан катта мустақилликни беради.

Иккинчи босқичда иккита вазифа ҳал этилиши шарт:

Биринчиси - жамоатчилик такрор ишлаб чиқариш макроиқтисодий мутаносибликларига иқтисодий услубда таъсир кўрсата олувчи пул - кредитларни мувофиқлаш янги механизмни барпо этиш;

иккинчи - молиявий маблағ манбаларини энг кўп самарабилан қўллаш имкониятини берувчи жабҳалар ва тармоқларга эркин равишда ўткази олиш учун шароит яратиш.

Шаклланаётган бозор муносабатларига мос келувчи пул-кредитларни мувофиқлаш тизимини барпо этиш мақсадида Давлат банкининг мамлакат иқтисодистидида эгаллаётган ўрни

ва унинг мавқеи ўзгартирилди. Банк ҳукумат итоатидан озод қилинди ва шу орқали зарур иқтисодий мустақилликка эришди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгани даврида ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда қабул қилинган концепцияга асосланиб Давлат банки негизда Ўзбекистон Миллий (Марказий) банки барпо этилди.

Банк ислоҳати иккинчи босқичда нафақат банклар тузилмаси қайта таъкидлангандир, балки кредит муносабатларида ҳам чуқур ўзгаришлар рўй берди ва янгича кредит иш услублари жорий қилинди. Натижада Ўзбекистон Республикасида икки поғонали банк тизими амалда шаклланади:

1 - поғона - Ўзбекистон Республикаси Миллий (марказий) Банки;

2 - поғона - тижорат банклари ва айрим банк амалиётларини бажарувчи бошқа молия - кредит муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси Миллий (Марказий) Банки давлат бонч банки ҳисобланади ва таъсирлуқ этувчи ҳамда ижрочи ҳукумат идораларига бўйсунмайди. Ўзбекистон Республикаси Миллий (Марказий) Банки иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир ва ўз сарф - харажатларини ўз даромадлари ҳисобига амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир: пул муаммосини мувофиқлаш, сўм мустаҳкамлигини таъминлаш, ягона пул - кредит сибсатини юритиш, ҳисоб - китоб ва касса хизматини ташкиллаш, омонатчилар ва банкларнинг манфаатини ҳимоя этиш, тижорат банклар ва бошқа кредит муассасаларининг фаолияти ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятига оид амалиётлар бажарилиши юзасидан назорат олиб бориш. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банклари томонидан жалб этилган маблағларни мажбурий тартибда захиралаш -

метёрларини ва берган кредитлари бўйича қайд қилинган фозиз тўлов даражасини ўрнатиш, иқтисодий метёрларни уларга етказиш, қимматли қоғозлар билан амалиётлар бажариш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини пул - кредит соҳасида мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банклариға қисқа муддатли кредитлар тақдим қилиш воситасида уларни қайтадан молиялайди ва шу тариқа сўнгги босқич кредитлари ўрнида қурилади.

Банк тизимининг иккинчи поғонаси, авваломбор, хўжалик ҳаёти субъеклариға кредит - ҳисоб - китоб хизмати кўрсатилишни таъминловчи кенг тармоқли тижорат банкларидан иборатдир. Тижорат банк таркибий тузилмаси ва фиолиятиға оид масалалар дарсликнинг кейинги бобларида ўрганилади.

Тижорат банклари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасида қатор маҳсус банklar амал кўрсатади. Буларға қуйидагилар киради: кўчмас мулк гарови эвазига кредит берувчи ипотека банклари, ер майдонлари гарови эвазига кредит берувчи замин банклари, корпоратив қимматли қоғозларни чиқарувчи ва жойлаштирувчи инвестиция банклари. Маҳаллий бюджетлар ижросини ва давлатға қарашли мулк доирасида бўш молиявий маблағларни кредит воситасида вақтинча қайта тақсимланишни таъминлашға мўлжалланган муниципал банкларни шакллаш жараёни бошланди. Зарур қонунчилик негизининг йўқлиги ва мукаммал эмаслиги туфайли маҳсус банklar тизими эндиғина шаклланиб бормоқда.

Қуйидаги банklar кредит тизимида алоҳида ўрин эғллайди: ташқи қарз бўйича хизмат кўрсатиш учун қайта ташкилланган Ташқи Иқтисодий Фаолият Банки ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиб имтиёзли кредитлар бериш учун

мўлжалланган мақсадли умумдавлат ва ҳудудий ҳукумат дастурларини молиялаш мақсадида давлат томонидан ташкил этилган Иқтисодиётни Тиклаш ва Ривожлантириш Банки.

Шунингдек, институционал нуқтаи назардан кредит тизимида қўйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатса бўлади: фаолиятларини мувофиқлаш, аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳамкорликда тузилган дастурларни амалга ошириш мақсадида банклар томонидан ташкилланган уюшмалар, иттифоқлар, консарциумлар ва бошқа бирлашмалар.

Кредит тизимининг иккинчи поғонасига банк муассасаларидан ташқари маҳсуе молия - кредит институтлари ҳам киради. Уларнинг фаолиятига оид, одатда, бир ёки иккита банк амалиётини кўрсатиш мумкин ва уларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг лицензиясига эга бўлиш талаб этилади. Фақат хос миждозларгина бундай амалиётларга эҳтиёж билдиради. Шу каби институтларга қўйидагилар киради: кредит уюшмалари ва ширкатлар, молия ва траст компаниялари, суғурта компаниялари, хусусий нафақа жамғармалари, омонат сақловчи уюшмалар томонидан берилган қарз пуллари, инвестиция жамғармалари, ламбардлар ва бошқа муассасалар. Улар аҳолининг ва юридик шахсларнинг маблағларни жамлайдилар, корхоналарга ва фуқароларга кредит берадилар, банклараро кредитлар бозорида воситачи бўладилар, ишонч асосида амалиёт бажарадилар.

Шу билан биргаликда тижорат ва ички фирма кредитлари ҳам ривож топмоқда. Кредит тизимининг турли бўғинлари билан қимматли қоғозлар бозори ўртасидаги алоқа янада яқин бўлмоқда.

Бинобарин Ўзбекистон Республикасида ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда мавжуд тамойилларга айнан асосланган кредит тизими аста - секин шаклланиб бормоқдадир.

Банк самоясининг зич жамлаштираётгани ва марказлаштирилаётгани бутунги кунда кредит тизимидаги энг ёркин ходиса деб айтсак бўлади. Катта улушдаги маблағ заҳираларини, амалиётларни ва банк тизими ходимларини ўзида жамланган йирик банклар айниқса ажралиб туради. Улар аста - секинлик билан қарз сармоялари бозорида ҳукмрон ўринни эгаллаб олмоқдалар.

Ушбу банклар йирик мижозларга хизмат кўрсатиш, янги омонатчиларни жалб қилиш, юқори фойда олиш ҳисобига катталашиб бормоқдалар.


Банк иши соҳасидаги кескин рақобат оқибатида майда кредит муассасалари сиқиб чиқарилмоқда. Иқтисодий таъглик шароитида улар етарли маблағ заҳираларига эгаллик қилмаяптилар, депозитлар бўйича мажбуриятларни қоплай олмаяптилар ва банкротликка учраяптилар. Мустақил майда банклар, асосан, бир банк томонидан бошқа банк акцияларини сотиб олиш ва уни ўз филиалига айлантириш орқали тугатилмоқда. Филиаллар тармоғини кенгайтириш воситасида банклар янги мижозлар ва сармояларни жалб этадилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк томонидан низомий сармоянинг энг кам миқдорига оид қўйилган талабни кучайтириш ишлари ушбу жараёнга кўмак бўлади.

Вакиллик алоқалар, яъни ўзаро амалиёт бажариш мақсадида банклар ўртасидаги шартномага асосланган муносабатларни кенгайтириш ёрдамида йирик банкларнинг маблағлари кўпаймоқда. Вакиллик ҳисоб рақамларида йирик пул миқдорлари жамланади.

Банк сармояси алоҳида ҳудудларда айниқса зич жамланади. Масалан бир неча банклар маълум шаҳар (биринчи навбатда Москва) даги аксарият амалиётларнинг ўз қўлларида мужассамлаганларида.

Банкларнинг катталашиб бориши, кредит алоқаларининг

51117



кенгайиши, ихтисослашган институтларнинг пайдо бўлиши билан биргаликда турли хил кредит муассасалари ўртасидаги рақобат ҳам кучайди. Аҳолидан омонатга пул жалб қилиш борасидаги кураш бунга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кредит - пул амалиёт турларининг ҳамда ҳисоб - китоблар ва қарз сармоя бозори қуролларининг қизғин равишда кенгайиб бориши, ЭҲМ ва телеалоқа воситаларининг қўлланиси кредит соҳасидаги рақобатни ҳамда кредит бериш шартлар (муддатлари, ҳажми, қоплаш шартлари) ва қўшимча хизмат (тулов ҳужжатларини инкассация қилиш вақтини узайтириш, турли масалалар бўйича маслаҳат бериш ва хоказолар) га бўлган диққат - эътиборни кучайтиради. Натижада амалиётларни универсаллаштириш, кўп тармоқли кредит муассасаларини ташкиллаш кенг доирада қўшимча хизмат кўрсатишга эҳтиёж туғилди.

Банк иши соҳасидаги рақобатчилик халқаро даражага чиқмоқда. Филиал ва ваколатхоналарни очиб, чет эл сармоясига иштирокида банклар барпо қилиш воситасида хорижий банклар Ўзбекистон Республикаси молиявий бозорига кириб келмоқдалар.

2 Боб. ТИЖОРАТ БАНКИ - БАНК ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ.

- 2.1. Тижорат банки тушунчаси ва унинг ташкилий тузилмаси.
- 2.2. Тижорат банк фаолиятининг тамойиллари. Тижорат банкларининг вазифалари.
- 2.3. Тижорат банкни очиш, уни қайд этиш ва тугатиш тартиби.
- 2.4. Тижорат банки ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўртасидаги ўзаро муносабатлар.
- 2.5. Тижорат банки бухгалтерлик баланси ва тавсифи.

2.1. ТИЖОРАТ БАНКИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

Банк бу - пул маблағларини жалб қилиш ва қайтариб бериш, ҳақ тўлаш, муддат белгилаш шартлари асосида уларни ўз номидан жойлаштириш учун ташкил этилган муассаса.

Банкнинг асосий вазифаси - пул маблағларини кредитлардан қарз олувчиларга ва сотувчилардан харидорларга ўтказишда воситачилик қилиш. Бозорда пул маблағларини ўтказиш борасида банклар билан бир қаторда бошқа молиявий ва молия - кредит муассасалари ҳам фаолият кўрсатадилар: инвестиция жамғармалари, суғурта компаниялари, брокерлик фирмалар ва ҳоказо. Бироқ молиявий таваккалчилик хавфи субъекти ҳисобланиш банклар уларни бошқа субъектлар ажратувчи икки хусусиятга эгадирлар.

Биринчидан, банклар икки тарафлама қарз мажбуриятлари билан алмашиш хусусиятига эга: улар ўз қарз мажбуриятларини (депозит, омонат гувоҳномаси, омонат сертификатлари ва бошқаларни) жойлаштирадилар, бу аснода жалб этилган маблағларни эса бошқа банклар томонидан чиқарилган қарз мажбуриятлари ва қимматли қоғозларига жойлаштирадилар. Айнан шу хусусият билан банклар ўз қарз мажбуриятларини чиқармасдан молиявий бозорда фаолият кўрсатувчи молиявий брокер ва дилерлардан фарқ қилади.

Иккинчидан, банклар юридик ва жисмоний шахслар олдида қарз миқдори қатъий белгиланган сўзсиз мажбуриятларни ўз зиммасига оладилар, мисол учун депозит сертификатларини чиқаришда мижозларнинг маблағларини омонат ҳисоб рақамларига жойлашда ва шу каби ҳолатларда. Айнан шу хусусияти билан банклар ўз акцияларини чиқариш асосида маблағларни сафарбар этувчи турли инвестиция жамғармаларидан фарқ қиладилар. Қарз миқдори бўйича қатъий белгиланган мажбуриятлар воситачилар (банклар) учун айниқса катта таваккалчилик хавфини туғдиради, зеро бозор талаби қандай бўлишидан қатъий назар улар бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш шартидир. Инвестиция компания (жамғарма)лари эса ўз актив ва пассив қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган таваккалчилик хавфини ўз акциядорлари ўртасида тақсимлайди.

Ўз фаолиятининг асосий мақсади фойда кўришлик ҳисобланган ва бозор муносабатлари тизимида “тижоратчилик манфаатлари” айнан шундан иборат бўлган тижорат банклари иккинчи поғонадаги давлат банклари ва кредит ширкатларидан ушбу алоҳида хусусияти билан фарқ қиладилар.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг барпо этилиши ва фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикасининг 1054-ХII- сонли 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Банклар

ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга асосланади. Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида универсал ҳисобланган кредит муассасалари амал кўрсатиб, улар молни бозорида кенг доирадаги амалиётларни бажарадилар: хиллари ва муддатлари бўйича турли кредитларни тақдим этиш, қимматли қоғозларни ва чет эл валютасини сақлаш ҳамда олди-сотди қилиш, омонатга маблағ жалб этиш, ҳисоб - китоб бажариш, учинчи шахслар учун кафолат, кафиллик ва бошқа мажбуриятларни бериш, воситачилик ва ишонч асосида амалиёт бажариш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасида банк хилидаги барча кредит ташкилотлари икки турга ажратилади: банклар ва кредит муассасалари. Банк деб - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг лицензиясига асосан ва қайтариб бериш шarti билан юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда бошқа қимматликларини жалб этувчи ва қайтариб бериш, ҳақ тўлаш, муддат белгилаш шартлари остида ўз номидан уларни жойлаштирувчи ҳамда ҳисоб - китоб ва бошқа банк амалиётларини бошқарувчи тижорат ташкилотига айтилади.

Кредит муассасаси бу - жисмоний шахслар билан пул воситасида амалиёт бажаришдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг лицензиясига асосан айрим банк амалиётларини бажариш ҳуқуқи берилган, низомий жамғармаси _____ сумдан кам бўлмаган ва банк ҳисобланмаган юридик шахс. Кредит муассасаси номида “банк” атамасини ва шу атамадан ҳосил бўлувчи сўзларни ишлатиб бўлмайди.

Банклар ўзига қарашли банкларни ва ўзига қарашли кредит муассасаларини барпо этиш ҳуқуқига эга. Бош банк томонидан ўз фойдаси ҳисобига, 50 фоиздан ортиқ низомий сармояси сотиб олинган банк (кредит муассасаси) бош банкка қарашли банк (кредит муассасаси) деб ҳисобланади. Ушбу

ҳолат бош банкнинг низомида аке эттирилади. Бош банк билан муносабатлар бош банкка қарашли банк (кредит муассасаси)нинг татъис шартномаси ва низоми орқали мувофиқлаштирилади. Қолаверса бош банкка қарашли банк (кредит муассасаси) юридик шахс ҳисоблананиб, мустақил тижорат ташкилоти сифатида фаолият юритади, айримча мулк, шунингдек ҳисобда ўз сармоясига эга бўлади, ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарлик беради ва жойлашган ўрни бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги вакиллик ҳисоб рақамига эгаллик қилади.

Ўзбекистон Республикасида банклар хусусий мулкчиликнинг турлича шакллари асосида ташкил этилиши мумкин: хусусий, меҳнат жамоаси, акциядорлик, қўшма. Фақатгина давлат мулкчилик шаклига асосланган банкларни ташкиллаш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, бундай банклар амалдаги қонунчиликка мувофиқ тижоратчилик асосида фаолият кўрсатишлари мумкиндир. Банкларнинг низомий сармоясини шакллаш учун чет эл инвестицияларини жалб этишга руҳсат этилади. Ушбу амал Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 1994 йил 20 - апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоя иштирокида банкларни очиш шартлари"га мувофиқ бажарилади. Бундай банклар қаторига қуйидагилар кирди:

- қўшма банклар, яъни низомий сармояси резидентлар - Ўзбекистон Республикасидаги юридик ва жисмоний шахслар ҳамда норезидентлар - хориждаги юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига шаклланган банклар;
- чет эл банклари - низомий сармояси норезидентлар - хориждаги юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига шаклланган банклар;
- норезидент - банк филиаллари.

Чет эл инвестицияси иштирокида ташкил этилган ҳар бир банкнинг очилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Директорлар Кенгаши қарор қабул қилади. Қўшма ёки хорижий банкнинг низомий сармоясига ҳеч бўлмаганда битта хорижий инвестор (пайчи) томонидан берилган бадал миқдори пул маблағлари киритилган пайтдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгиланган курс бўйича 2 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган эквивалентга тенг бўлиши лозим деб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мамлакат банк тизимида чет эл сармоялари иштирок этиши лимитларини ўрнатади. Ушбу лимит Ўзбекистон Республикасида қайд қилинган жами банкларнинг сармоясида чет эл сармояси иштирокидаги банк сармоя улуши сифатида ҳисоб - китоб этилади.

1993 - йилда мамлакат банк тизимидаги чет эл сармоя иштироки лимити 12 фоизни ташкил этган эди. Чет эл сармоя иштирокини чеклашдан кўзланган мақсад бу - юртимиздаги тижорат банкларининг қад ростлашлари учун қулай шароит яратиш ва уларни чет эл банклари экспансиясидан ҳимоя қилишдир.

Низомий сармояни шакллаш услубига кўра банклар акциядорлик (очиқ ва ёпиқ) ҳамда пайчилик турларига ажратилади. Бир шахс (юридик ёки жисмоний шахс)га қарашли бўлган банкларни яратиш имконияти деярли йўқ этилган, чунки амалдаги қонунчилик мувофиқ банкнинг низомий сармояси учтадан ортиқ иштирокчиларининг маблағларидан шаклланади.

Тижорат банк акциялари ва пайларининг катта қисми хозиргача ҳам давлат корхона ва бирлашмаларининг эгаллигида қолиб келмоқда. Бирок акциядорлаш ва хусусийлаштириш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда банк акциядорларига эгаллик қилиш ҳуқуқи акциядорлик, меҳнат жамоа, хусусий корхона

лар ва алоҳида шахсларнинг қўлига ўтмоқда.

Кредит тизими ислоҳатининг дастлабки босқичида тижорат банклари аксарият ҳолларда пайчилик асосида ташкил қилинган бўлса, ҳозирги босқичда улар пайчилик банкларидан акциядорлик банкларига айлантирилмоқда ва акциядорлик жамияти (АҲ) шаклида янги банклар барпо этилмоқда.

АҲ сармоясининг мулкдори жамиятнинг ўзи, яъни банк бўлади ва бу АҲ учун табиийдир. Пайчилик тижорат банк ри эса ўз сармоясининг мулкдори эмаслар, чунки ҳар бир пайчи сармоядаги ўз улушига эгаллик қилиш ҳуқуқини банкка топширмасдан сақлаб қолади. Пайчилик тижорат банклари чекланган маъсулиятли жамият, яъни ҳар бир иштирокчи (пайчи)нинг маъсулияти умумий банк сармоясига қўшган пул миқдори билан чегараланган жамият тамойилига асосан ташкил этилган.

Низомий сармояга ўз улушини тўлиқ қўшган иштирокчига гувоҳнома берилади. Ушбу гувоҳнома қимматли қоғоз деб ҳисобланмайди. Шу билан бирга иштирокчи қолган иштирокчиларнинг розилиги билан ўз улушини ёки бир қисмини бошқа иштирокчиларга ва учинчи шахсларга бериб юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Учинчи шахсга тўлиқ ёки қисман топширилган улуш билан биргаликда иштирокчининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам ўтади. Жамиятдаги ҳар бир иштирокчининг улушини жамиятнинг ўзи ҳам олиб қўйиши мумкин, бироқ бу ҳолда улуш бир йил давомида бошқа иштирокчига ёки учинчи шахсга бериб юборилиши шарт. Банkning низомий жамғармасини иштирокчиларнинг қушимча бадаллари, шунингдек янги иштирокчилар қабул қилиниши ҳисобига кенгайтириш мумкин. Янги иштирокчиларни қабул қилиш ва низомий жамғармага қўшилаётган пул миқдорига оид масалалар умумий мажлисда ҳал этилади. Маъсулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган бан-

клар, одатда, акция ва облигация чиқариш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Лекин айрим ҳолларда уларга қушимча тарзда шундай ҳуқуқ берилади.

АЖ сифатида амал қилаётган банкларнинг низомий сармояси юридик шахслар ва фуқаролар ўртасида жойлаштирилган маълум сонли акцияларга бўлиб ажратилган. Акциядорлар умумий низомий сармояга қўшган омонатлари чегарасида банк мажбуриятлари буйича жавобгар бўладилар. Акциядорлар ушбу омонатларини қайтариб олиш ҳуқуқига эга эмаслар (баъзи алоҳида ҳолатлардан ташқари) ва бунинг натижасида банкнинг мустақамлиги кучаяди ҳамда ликвидликни бошқариш учун пухта замин яратилади. Акциядорлик банклари очиқ ва ёпиқ турда бўлади.

Ёпиқ турдаги банкларнинг акциялари фақат кўпчилик акциядорлар розилиги билан қўлдан - қўлга ўтиши мумкин. Очиқ турдаги банкларнинг акциялари акциядорлар розилигисиз қўлдан - қўлга ўтиши ва очиқ обуна тартибида тарқатилиши мумкин.

Қимматли қоғоз харидорларининг рўйхати муассислар ёки элемент - банк раҳбарияти томонидан илгаридан тасдиқланмаган бўлса ва демак ҳар бир шахслар томонидан сотиб олишни мумкин бўлса қимматли қоғозлар обунаси очиқ деб ҳисобланади. Очиқ обунани амалга ошириш учун банк ўз фаолияти ҳақида кенг маълумотлар тақдим этиши шарт.

Тижорат банкларининг ташкилий тузилмаси. Тижорат банкнинг олий идораси акциядор (иштирокчи)ларнинг умумий мажлиси ҳисобланади. Бундай йиғилиш бир йилда камида бир марта ўтказилиши шарт ва унда ишончнома асосида банк акциядорларининг барча вакиллари иштирок этадилар. Акциядор бўлган корхона раҳбарларининг иштирок этишлари учун ишончнома талаб қилинмайди. Йиғилишда банк акциядорларининг камида тўртдан уч қисми қатнашгани ҳолатида уму-

мий мажлис қўйилган масалаларни ҳал этишга ҳақли бўлади.

Банк фаолиятига оид умумий раҳбарликни Банк Кенга амалга оширади. Шунингдек Банк Кенгаши зиммасига Банк Бошқарувининг ишини кузатиш ва назорат қилиш вазифаси ҳам юклатилади. Банк Кенгашининг таркиби аъзоларни сайлаш тартиби ва муддати ари тижорат банки низомида белгиланади. Банк Кенгаши банк фаолиятининг умумий йўналишини белгилайди, кредит ва бошқа режа лойиҳаларини кўриб чиқади, фойда, сарф - харажатлар ва даромадлар режасини тасдиқлайди, филиаллар очиш ва беркитиш юзасидаги ҳам банк фаолияти, миждозлар билан ўзаро алоқалар, ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Банк Бошқаруви тижорат банки фаолиятини бевосита бошқаради ва акциядорларнинг умумий мажлиси ҳамда Банк Кенгаши олдида жавобгарлик беради. Бошқарув таркиби Бошқарув Раиси, унинг ўринбосарлари ва бошқа аъзолардан иборат бўлади. Одатда тижорат банк бошқаруви таркибига энг йирик иштирокчиларнинг вакиллари киради.

Банк Бошқаруви йиғилишлари мунтазам равишда утказилади. Қарорлар купчилик овозлар билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлгани ҳолатда Банк Бошқаруви Раисининг овози ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Бошқарув аъзолари ёки унинг раиси бошқарув қароридан норози бўлганлари ҳолатида улар ўз фикрларини Банк Кенгаши ёки умумий мажлисга билдиришлари мумкин. Бу вазиятда охириги қатъий қарор Банк Кенгаши томонидан қабул этилади. Бошқарув қарорлари Бошқарув Раисининг буйруғи орқали амалга оширилади.

Тафтиш ҳайъати умумий мажлисда сайланиб Банк Кенгашига ҳисобот беради. Тижорат Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари тафтиш ҳайъатига сайланишлари мумкин эмас. Банк Бошқаруви тафтиш учун зарур бўлган барча маълумот

ларни тафтиш ҳайъатига тақдим қилади. Утказилган текшириш натижалари ҳайъат гуруҳи томонидан Банк Бошқарувига тақдим этилади. Тафтиш ҳайъатининг асосий вазифаси - су-
истеъмолчиликнинг олдини олиш учун муҳит яратишдир. Тафтиш ҳайъати банкнинг йиллик ҳисоботлари ва баланси бўйича хулоса чиқаради ва ушбу хулосасиз банк баланси тасдиқланмайди.

Тижорат банкларида қайд этиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига ёки унинг жойдаги бошқармасига оининг I - санасига кўра банк балансини, чоракли маблағ айлануви қайдномасини ва йиллик бухгалтерлик ҳисоботларни тақдим этадилар.

Тижорат банкларининг ишларига оид ошқораликни таъминлаш ва молиявий аҳволлари тўғрисидаги маълумотларни оммага етказиш мақсадида уларнинг умумий мажлисида тасдиқланган йиллик баланслари ҳамда фойда ва зарар ҳисобкитоби (аудитор ташкилоти томонидан шу маълумотлар ишончлиги тасдиқланганидан сўнг) матбуотда эълон қилиниши шарт.

Тижорат банки жойлашган ердан узоқ худудлардаги мижозлар бўлмиш корхона ва ташкилотларга жадалкор кредит - ҳисоб - китоб хизматини кўрсатиш мақсадида банк филиаллари ва ваколатхоналари ташкил қилиниши мумкин. Филиал ёки ваколатхонани очиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг жойдаги Бош бошқармаси билан келишилиши зарур.

Банк жойлашган ердан ташқарида фаолият кўрсатаётган ва банк вазифаларининг барчасини ёки бир қисмини бажарувчи алоҳида яккаланган таркибий бўлинмалар банк филиали деб ҳисобланади. Филиал юридик шахс эмасдир ва бош

банк томонидан унга топширилган амалиётларни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг лицензиясида курсатилган чегараларда бажаради. Филиал уни ташкил этган банк номидан шартномалар тузади ва бошқа хўжалик фаолиятини олиб боради.

Ваколатхона тижорат банки жойлашган ердан ташқари фаолият кўрсатувчи алоҳида яккаланган бўлинма бўлиб, юридик шахс ҳуқуқига ва мустақил балансига эга бўлмайди. Ваколатхона банк манфаатини таъминлаш, битимларни ва бошқа ҳуқуқий амалларни бажариш учун ташкил этилади. Ваколатхона мижозларга ҳисоб - китоб - кредит хизматини кўрсатиш ишлари билан шуғулланмайди ва вакиллик субҳисоб рақамига эга бўлмайди.

Хўжалик сарф - харажатлар учун ваколатхонага жори ҳисобрақам очиб берилади.

2.2. ТИЖОРАТ БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тижорат банкининг биринчи ва энг асосий тамойили бу чиндан мавжуд маблағлар чегарасида иш юритишдир. Тижорат банки бошқа банк фойдаси учун нақд пулсиз тўловлар бажариш, бошқа банкларга кредитлар бериши ва вакиллик ҳисобрақамидаги маблағ қолдиғи чегарасида нақд пулларни қабул қилиши мумкин. Узида мавжуд маблағлар чегарасида мижозларнинг ҳисоб - китоб рақамларида мустақил тарзда пул маблағларини барпо этиш имкониятлари чекланган.

Чиндан мавжуд маблағлар чегарасида иш юритишнинг маъноси шундан иборатки, тижорат банки нафақат ўз маблағлари ва кредит сарфлари уртасидаги сон жиҳатдан мувофиқликни таъминлаши, балки банк активларининг сафарбар қилинган маблағлар табиатига мувофиқ бўлишига ҳам эришиши зарурдир. Авваломбор бу муддатларга тегишлидир.

Зеро, банк маблағларини асосан қисқа муддатга жалб қилган бўлса (қисқа муддатли ёки талаб қилиб олгунча омонатлар) ва аксарият ҳолларда узоқ муддатли қарз пули беринч учун сарфласа, унинг уз мажбуриятлари бўйича кечиктирмасдан ҳақ тўлаш қобилияти (яъни ликвидлиги) хавф остида қолади. Банк активларида куп сонли юқори таваккалчилик хавфига майл қарз пулларининг мавжудлиги умумий маблағлар ҳажмида уз манбаа - маблағ салмоғини орттириш заруратини туғдиради. Банк активларининг банк пасивлари табиатига қаттиқ боғлиқлиги банк фаолиятига оид иқтисодий меъёрларни белгилашда ва амалиётларни мувофиқлашда ҳисобга олиниши лозим. У ёки бу маҳсус банк амалиётларини (ипотека, инвестиция ва ҳоказо) бажариш имкониятлари банк пасивлари тузилмасига боғлиқдир. Шунинг учун мазкур амалиётларни ишлаб чиқишда асосий эътиборни тегишли пасивларни шаклланиш манбаларига қаратиш лозимдир.

Банк ўзидаги мавжуд маблағ манбалари чегарасида эркин равишда уз актив амалиётларини бажариши мумкин (белгиланган иқтисодий меъёрларга риоя этган ҳолда), яъни актив амалиётларининг ҳажми маъмурий ёки продали услубда чекланиши мумкин эмас. Маъмурий чекланишни бир мартаба фавқулотдаги ҳолатда қўллаш мумкин. Мунтазам қўлланувчи маъмурий чеклаш тадбири тижоратчилик фаолият асосларига зид келади, шунинг учун мувофиқлашда, шу ҳисобда тузилмани ислоҳ қилишга қаратилган мувофиқлаш ишларида иқтисодий чоралар афзал кўрилиши зарур.

Чиндан мавжуд жалб этилган маблағлар чегарасида ишлаш тамойили тижоратчилик банк фаолиятининг пойдевори сифатида номоён бўлиб банк фаолиятидаги барча урғуларни ўзгартириб юборади: депозитга мабла жалб этиш борасида банк мапфаатдорлиги кучаяди; ягона давлат банки маъмурий кичанидан кредит маблағ ҳаракатини озод этувчи пасивлар

учун ҳақиқий рақобат ривожланади. Пассивлар учун банклар ўртасидаги кескин кураш маблағларни қўллаш борасидаги энг самарали жабҳаларни излаб топишга ундайди. Банк сармоясининг чиндан ҳам энг рентабелли ва ҳаракати кучли тармоқларга ўтади (афеуски, инқироз шаронтида савдо ҳамда биржа бизнеси энг даромадли муомала жабҳалари бўлиб қолди ва банк сармоясининг шу жабҳалардаги олиб - сотарлик амалиётларининг ривожига рақобат бермоқда). Банкларда кредитларни режалаштириш ишлари тубдан ўзгарди. Тижоратлашув амалиётлари кредитларни режалашдан воз кечишни билдирмайди, аксинча унинг (ҳам жорий, ҳам истиқболдаги) аҳамиятини кучайтиради. Бироқ режалаш иши қўйилмаларга эмас, балки банк маблағларига асосланиб ташкил этилади.

Ўз фаолиятининг натижасини учун тўла иқтисодий жавобгарлик бериб юқори даражада иқтисодий эркинликка эга бўлгани ҳолатидагина тижорат банки ўз ликвидлигини сақлаб чиндан мавжуд жалб қилинган маблағлар чегарасида ишлаши мумкин дир.

Тижорат банклари фаолиятининг негизи ҳисобланган иккинчи энг муҳим тамойил бу - ўз фаолият натижалари учун иқтисодий жавобгарликни назарда тутган тўла иқтисодий мустақилликдир. Иқтисодий мустақиллик банкнинг бўш маблағларидан ва жалб этилган маблағлардан эркин тарзда фойдаланиш, миждозларни ва омонатчиларни эркин танлаш, солиқ тўловидан кейин қолган даромаддан ўз ихтиёрига кўра фойдаланишларни назарда тутати.

Амалдаги банк қонунчилиги қишлоқдаги тижорат банкларига ўз жамғармаларидан ва даромадларидан ихтиёрий фойдаланиш борасида иқтисодий эркинлик беради.

Солиқ тўловларидан кейин банк тасаруфида қолувчи даромад (фойда) акциядорлар умумий мажлисининг қарорига мувофиқ тақсимланади. Банкнинг турли жамғармаларига пул

ажратиш меъёрлари ва миқдорлари ҳамда шартиялар бўйича дивидентлар миқдори ҳам умумий мажлисда белгиланади.

Тижорат банкининг иқтисодий жавобгарлиги унинг жорий даромади билангина чекланиб қолмасдан (маҳсус банкларнинг хўжалик ҳисобидаги муассасаларига нисбатан қўллангани каби), балки унинг сармоясига ҳам тарқалади. Тижорат банки ўз мажбуриятлари бўйича амалдаги қонучилиikka мувофиқ ундирилиши мумкин бўлган ўз эгаларидаги барча маблағлари ва мулки билан жавоб беради. Амалиёт бажаришдаги жами таваккалчилик хавфи тижорат банки ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил шундан иборатки, тижорат банки ўз мижозлари билан алоқаларни оддий бозор муносабатлари каби ташкил этади. Тижорат банки қарзга пул берганида, авваломбор, фойда кўришлик, таваккалчилик хавфи ва ликвидлик сингари бозор мезонларига асосланади. "Умумдаавлат манфатини" кўзлаб ишлаш банкнинг тижоратчилиги иш олиб бориш табиатига зид келади ва ликвидлик танглигига олиб келиши шубҳасиздир.

Тўртинчи тамойил - тижорат банки фаолиятини фақат бевосита иқтисодий (маъмурий бўлмаган) услубда мувофиқлаш мумкин. Давлат тижорат банклари учун "уйин қондаларини" ўрнатади, лекин уларга буйруқ бера олмайди.

2.3. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Корхона жамғармалари ва хусусий шахслар пул даромадлари доирасидаги маблағ айлануви жараёнида вақтинча бўш қолган пул маблағларини қайта тақсимлаш орқали кредитда воситачилик қилиш амали тижорат банкларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Воситачилик вазифасининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, маблағларни қайта тақсимлашда уларнинг қарз олувчи

томондан фойда билан сарфланиши бош мезон ўрнида лади. Маблағ маибалари бир текисликда жойлашган хўжа алоқалари орқали қайта тақсимланади: юқори банк тузилм синигари оралиқ бўғини ишгирокисиз банк воситасида, тўлаш ва қайтариб бериш шарти билан кредитордан олувчига. Бериб юборилган ва қабул қилинган қарз маблағ ри учун тўланувчи ҳақ қарз маблағларига бўлган талаб таклиф таъсири остида шаклланади. Натижада бозор турд мўносбатларга мос келувчи маблағ маибаларининг хўж ликда эркин юришига эришилади.

Бозор иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши у воситачилик вазифасининг аҳамияти шундан иборатки, ти жорат банклари ушбу фаолиятлари билан иқтисодий тизим таваккалчилик хавфи ва ноаниқлик даражасини қисқарти шдилар. Пул маблағлари банк воситачилигисиз ҳам кредито дан қарз олувчига ўтиши мумкин, лекин буида қарзга бери лётган пулни йўқотиш хавфи кескин ортади ва пулни ўткази билан боғлиқ умумий чиқимлар кўпаяди, чунки кредитор би лан қарз олувчи бир - бирининг тўлов қобилияти тўғриси маълумотга эга бўлмайдилар, пул маблағларига бўлган такли миқдори ва муддатлари эса уларга бўлган талаб миқдори ва муддатларига мос келмайди. Тижорат банклари қарз олувчи лар эхтиёжига мувофиқ қарзга берилиши мумкин бўлган ма блағларни жалб этадилар ва ўз активларини кенг равишда диверсификация қилиш асосида банк ҳисобрақамларида ў пулларини жойлаштирган пул эгаларининг таваккалчили хавфи йиғиндисини қискартирадилар.

Тижорат банкларининг иккинчи навбатдаги энг муҳим ва зифаси - хўжаликда маблағ жамламаларини рағбатлашдир. Иқтисодиётнинг тузилмавий ислоҳати асосан ва биринчи нав батда хўжаликдаги ички жамламалардан фойдаланишга асо сланиши лозим. Чет эл инвестициялари эмас, балки айнан

шундай жамламалар иқтисодиёт ислоҳати учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини ташкил этиши керак. Қолаверса иқтисодиётнинг бунгача бўлган жами ривожланиши бевосита ишлаб чиқарувчиларда ва хўжалик ҳаётининг бошқа субъектларида, шу ҳисобда аҳолида ҳам маблағларни тежаш ва жамлаш учун етарлича рағбат бермаган. Қурилган даромадни истеъмол ва жамлаш учун тақсимлаш мутаносибликлари юқоридан берилган кўрсатмаларга мувофиқ тузилган режа асосида белгиланган. Даромад даражаси паст бўлганлиги ҳолатида аҳолининг маблағ жамлашга бўлган мойиллиги паст даражада бўлиб қолган, истеъмолчилик бозоридаги мувозанатсизлик ҳолати эса ушбу даражани энг пастки нуқтагача олиб тушди.

Тижорат банклари кредит маблағларига бўлган талаб билан молиявий бозорга чиққанларида хўжаликлардаги мавжуд тежалган маблағларни нафақат энг юқори даражада сафарбар этишлари, балки жорий истеъмолни чеклаш асосида маблағ жамлаш учун етарли даражадаги самарали сабабларни шакллантириш зарурдир. Пул маблағларини жамлаш ва тежаш сабаблари тижорат банкининг мослашувчан депозит сиёсати асосида шаклланади. Банк кредиторлари учун омонатлар буйича юқори фоиз тўловларидан ташқари, жамланган маблағларни банкка жойлаштириш ишончилиги юзасидан юқори даражали кафолотлар ҳам зарурдир. Ўзбекистон Республикасида банк муассасаларининг активларини ва тижорат банкларининг депозитларини суғурталаш жамғармасининг шакллантирилиши кафолот яратиш учун замин яратади.

Аҳоли жамғармаларининг ҳимоясини таъминлаш ва мамлакат банк муассасаларига бўлган ишончини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Низомига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фуқаролардан омонатларни жамғармоқчилик ҳисобига ташкил этилган банк муассасалари активла -

рини суғурталаш жамғармаси барпо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Директорлар Кенгаши қарорига асосан ушбу жамғармага суғурта бадали сифатида тижорат банклари томондан 1991 - 1993 йилларда тижорат банк депозитларини суғурталаш жамғармасига ўтказган бадаллари топширилади.

Омонатчилар учун депозитларни суғурталаш билан бир вақтда тижорат банк фаолиятига оид маълумотларга эга бўлиши ва банк бериши мумкин бўлган кафолотлар ҳақида бадал муҳимдир.

Омонатчи кредиторда мавжуд маблағларни ишлатиш бадалларидаги масалани ҳал этаётганида бўлгуси қўйилмага оид бадал вақалчилик хавфини баҳолай олиш учун банкнинг молиявий аҳволи ҳақида етарли маълумотларга эга бўлиши тозим.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори ривожланиши сабабидан омонат пуллари бутун ўтиш даври мобайлида иқтисодиётни ислоҳ қилиш учун молиявий маблағ сафарбар этиш ягона шакли бўлиб келади. Банкларнинг вазифаси маблағларни жалб қилиш соҳасида шундай шаклларни яратиши, бу шакллар мижозларда маблағ жамлашга чинақам манфаатдорлик уйғотсин ва бозор қонунлари бўйича ривожланаётган иқтисодиётнинг инвестицион имкониятлари асосан ташкил этувчи тежамкорлик одатига ўрганишни шаклласин.

Банкларнинг учинчи вазифаси - алоҳида яққаланган муштақил субъектлар ўртасидаги тўловларда воситачилик қилишидир. Ушбу амал бозорга ўтиш даврида янгича маъно касб этади. Умумда давлат мулкига давлат яққалхуқимронлиги шароитида ушбу мулк субъектлари ўртасидаги ҳисоб - китоблар ягона давлат банки орқали ўтказилган. Демак ҳисоб - китоб шакллари, тўловлар тартиби, томонлар маъсулияти каби амаллар ҳисоб - китобларнинг сўзсиз равишда жамланган ҳолда битта банкда бажарилишига мосланган.

Ушбу тарздаги ҳисоб - китоблар тизимида тўловларни бажаришга оид кафиликни давлат ўз зиммасига олган. Бироқ давлат томонидан зиммасига олинган турли хил таваккалчилик хавфлари аҳамиятсиз даражада булганини таъкидлаб ўтиш лозим. Мустақил тижорат банклар тизимининг барпо этилиши ҳисоб - китоблар тарқоқлигига ва шу билан боғлиқ таваккалчилик хавфининг ортишига олиб келади. Ҳисоб - китоб шакллари ва тўлов ҳужжатлари деярли ўзгармасдан қолди. Ушбу шакллар хали - ҳамон бир банкнинг филиаллари ўртасида ҳисоб - китоб бажаришга асосланган бўлиб, тўлов ҳужжатлари ҳам ўз шаклига кўра ички банк ҳужжатлари кўринишида қолмоқда. Филиаллараро маблағ айлануви ҳисобрақамларидан фойдаланиб ҳисоб - китоб бажариш тизимининг тугатилиши ва банклар ўртасидаги ҳисоб - китобларни вакиллик ҳисоб рақамлари орқали бажаришга ўтилгани таваккалчилик хавфини ортиради, чунки ҳисоб - китоблар бир банкнинг филиаллари ўртасида эмас, балки мустақил тижорат банклари ўртасида бажарилади. Бундай шароитда мижозларининг тўлов бажариш топшириқларини тўла меъёردа ва ўз вақтида амалга оширилиши учун банкларнинг маъсулиятлари муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари бозор иқтисодиётли барча мамлакатларда иқтисодиётдаги тўлов механизмида етакчи ўрни эгаллайдилар.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам халқ ҳўжалигида ҳисоб - китобларни таъминлаш борасидаги тижорат банкларининг ўрни катгадир. Биро ҳўжалик юритиш борасидаги шарт-шароитларининг ўзгариши маъмурий - буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган бугун тўлов механизмини ислоҳ этиш заруратини туғдиради.

Жамғармалар бозори шаклланиши муносабати билан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалиёт бажариш

ришда воситачилик қилиш каби вазифаси ривож топмоқ.
Баъзи ривожланган мамлакатлар (масалан АҚШ) дан фарқ
ўлароқ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қим-
матли қоғозлар бозоридаги фаолияти чекланмайди. Уш-
қимматли қоғозлар билан турлича амалиётлар бажаришлари
мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонида
тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғоз-
ларни чиқариш ва муомалага қўйиш ҳамда жамғарма биржа-
лари ҳақидаги Низом”га мувофиқ банклар қимматли қоғозлар
бозорида воситачи (инвестицион брокер), инвестициялар бўй-
ича маслаҳатчи, инвестиция компаниялари ва инвестиция
жамғармаси сифатида фаолият юритиш мумкин бўлган инве-
стиция институтлари кўринишида амал кўрсатишлари мум-
кин. Банклар молиявий брокер сифатида амал кўрсатиб, ми-
жознинг топширигига кўра ва унинг ҳисобдан комиссия
шартномаси ёки топшириқномага асосан қимматли қоғозлар
олди - соттисиди воситачилик (агентлик) вазифасини бажар-
дилар.

Инвестиция бўйича маслаҳатчи сифатида банклар ўз ми-
жозларига қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалага қўй-
иш борасида маслаҳатчилик хизматини кўрсатадилар.

Инвестиция компанияси вазифасини бажараётган банклар
қўйидаги ишлар билан шуғулланадилар: қимматли қоғозлар
чиқарувини ташкиллаш ва уларни жойлаштириш юзасидан
учинчи шахсларнинг фойдасини кўзлаб кафолот бериш; қим-
матли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан харид қилиш
ҳамда сотиб юбориш, шу жумладан қимматли қоғозларни ко-
тировка қилиш орқали, яъни маълум қимматли қоғозларни
сотиб юбориш ва харид қилиш юзасидаги мажбуриятларига
кўра “сотувчи нархни” ва “харидор нархини” эълон қилиш
воситасида.

Банк ўз маблағларини ўз номидан қимматли қоғозларга жойлаштиргани ва шу билан боғлиқ барча таваккалчилик хавфлари, харид қилинган қимматли қоғозлар бозор нархининг ўзгариши оқибатидаги барча даромадлар ва зарарлар банк акциядорлари ҳисобига ёзилган ҳолатида банк инвестиция жамғармаси сифатида кўрилади. Инвестиция жамғармаси сифатида амал кўрсатиш учун банкнинг ўринлар жадвалида фуқаролардан маблағ жалб этиш билан боғлиқ амалиётлар бажариш ҳуқуқини берувчи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг мутахассислик гувоҳномасига эга бўлган қимматли қоғозлар билан иш олиб борувчи мутахассислар мавжуд бўлиши шарт.

2.4. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ОЧИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банкларини очиш, рўйхатга олиш ва тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти ҳақида”ги Қонунида белгиланган. Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида банк фаолияти лицензия (руҳсатнома) олиш тартибида амалга оширилади. Банк амалиётлари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг маҳсус лицензияси (руҳсатномаси) асосидагина амалга оширилиши мумкин. Банк амалиётлари иқтисодиётдаги харидоргирлик талаби даражасига катта таъсир кўратади ва юқори таваккалчилик хавфини вужудга келтиради, шунинг учун ҳам уларни маҳсус лицензиялаш зарурати туғилади. Банк амалиётларини бажарувчи ташкилотлар давлат томонидан қаттиқ мувофиқлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан назорат этилиши лозим, шунинг учун ҳам улар банк амалиётларини бажаришлари учун лицензия олишлари ва Ўзбекистон Респу-

бликаси Марказий Банкада руйхатдан ўтишлари шарт. Акс ҳолда банк амалиётлари ноқонуний деб ҳисобланади.

Тижорат банки ташкил қилинганда унга Ўзбекистон Республикаси валютасида банк амалиётларини бажариш учун лицензия берилади. Банкни ташкил қилишда низомий сармоя бир вақтнинг ўзида ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида шаклдантиргани ҳолатида ҳужжатлар тўплами иккита лицензия олиш учун тайёрланади, яъни сўм билан банк амалиётларини бажариш ва валюта амалиётларини бажариш учун. Лицензиясиз амалга оширилган банк фаолияти учун Ўзбекистон Республикаси қонуларида жавобгарлик белгиланган.

Банк амалиётларини бажаришга лицензия бериш ва руйхатдан ўтказиш тадбирлари учун банклардан ва кредит муассасаларидан эълоп қилинган низомий сармоянинг 0,1 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банка даромадига ҳақ ундириб олинади. Валюта амалиётларини бажаришга лицензия бериш ҳақи Ёнинг АҚШ долларига тенг эквивалент миқдорида ўрнатилган. Янги очилган ҳар бир филиал учун ҳам ҳақ ундирилади.

Тижорат банкнинг низомий Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкада руйхатга олинганидан кейин банк очилган деб ҳисобланади ва унга юридик шахс мақоми берилади. Тижорат банки унинг низомий сармоясини шакллашда иштирак этишга тайёр ва банкни ташкил қилишда манфаатдор бўлган банк муассислари - юридик ва жисмоний шахслар ташаббуси билан ташкил этилади. Банк муассислари сифатида юридик ва жисмоний шахслар чиқишлари мумкин (давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда сиёсий ташкилотлар ва ихтисослашган жамоатчилик жамғармалари бундан истисно). Ушбу таъқиқлашдан кўзланган мақсад - давлат ҳокимияти идораларининг маъмурий таъсиридан банкларни ҳимоя қилишдир. Бироқ ушбу таъқиқ 1993 йилнинг ўрталаридан Ўзе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг _____ сон қарорига мувофиқ ташкил этилган... лар учун тааллуқли эмасдир, чунки бозор шароитида уларга бўлган эҳтиёж яққол сезилганди. Ноликвид балансга эга бўлган ва туловга қобилиятсиз деб эълон қилинган корхона ва ташкилотлар банк иштирокчиси бўла олмайдилар.

Муассислар қўйидаги вазифаларни ўз зиммасига оладилар: банкни ташкил қилиш учун барча зарур ҳужжатларни расмийлаштирадилар; низомий сармойани шаклландилар; банкнинг моддий - техник негизини таъминлайдилар; миқдорлар доирасини ва бажариладиган амалиётлар турини белгилайдилар; бошқа масалаларни ҳал қиладилар. Муассислар - юридик ва жисмоний шахслар таъсис шартномасини расмийлаштирадилар ва унга имзо чекадилар. Таъсис шартномасида қўйидагилар белгиланади: банкнинг хусусияти (пайчилик, акциядорлик ва ҳоқозо); низомий сармойанинг кўзланган ҳажми ва муассисларнинг ундаги улуши; ушбу шартномадаги мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлиги; ўзаро низоларни кўриб чиқиш тартиби (арбитраж, ҳакамлар ва ҳоқозо); имзо чекувчилар нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган бошқа масалалар.

Муассисларнинг бадаллари низомий сармойасининг фақат бир қисмини қўлаганлиги ҳолатида акциядорларни (пайчиларни) жалб қилиш шартлари таъсис шартномасида белгиланади. Бу ҳолда таъсис шартномасига тилхат ярақалари қўшимча қилинади ва шу асосда акциядорлар ёки пайчилар тижорат банкни таъсис этишда иштирок қилиш қарорлари ҳақида маълум этилади.

Банкнинг ташкилий шаклидан қатъий назар муассисларнинг улуши низомий сармоя умумий ҳажмида 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши шарт. Банк руйхатга олинмагунича муассислар унинг номидан банк амалиётларини

бажариш ҳуқуқига эга бўладилар.

Банк муассислари ёки унинг акцияларига обуна бўлган шахслар таъсис кенгашига бўлган вақт ичида Ўзбекистон

Республикаси Марказий Банкнинг жойдаги ҳисоб - китоб Касса Марказида тижорат банк муассислари учун очилган вақтинчалик ҳисоб - китоб рақамига обуна бўлишган акция (пай) номинал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини ўтказишлари шарт. Таъсис шартномаси вақтинчалик ҳисоб - китоб рақамини очиш учун асос бўлади.

Банк амалиётларини бажариш учун лицензия олиш ҳақи таъсис ҳужжатларини тайёрлаш билан боғлиқ ва бошқа сарф - харажатлар ушбу ҳисоб - китоб рақамидан олинади. Ташкил этилаётган банкнинг низомий сармоясини учун тўлов сифатидаги муассисларнинг бадаллари ҳам шу ҳисоб - китоб рақамига туширилади. Банк руйхатдан ўтиши пайтига низомий сармоя бўйича тўланган ҳақ эълон қилинган низомий сармоянинг 50 фоизидан кам бўлмаган қисмини ташкил этиши шарт.

Банк муассислари таъсис мажлиси (кенгаши) ни ўтказдилар ва унда бўлгуси банк фаолиятига тегишли барча асосий масалаларни муҳокама этадилар, банкнинг хусусиятини янгилаб оладилар (очиқ ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти), акциядорлар таркибини ва низомий сармояда ҳар бир акциядорнинг улушини белгилайдилар, таъсис ҳужжатлари лойиҳасини кўриб чиқадилар ва тегишли қарор қабул қиладилар.

Хусусан, таъсис мажлиси банкни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиши, банк низомини тасдиқлаши, банк кенгашини, тафтиш хайъати гуруҳини банк бошқаруви (директорлар кенгаши)ни сайлаб олиши лозим. Таъсис ҳужжатлари муассис ташкилотининг ваколатли шахслар томонидан имзоланиши шарт. Бунинг учун уларга ваколат берувчи

ташкilotлар томонидан махсус ишончнома ёзиб берилади.

Таъсис мажлиси барча муассислар ёки уларнинг вакиллари иштирокидагина ўз кучига эга бўлади. Қарорлар тўртдан уч овозлар сони билан қабул қилинади (битта акция(пай) бир овоз беради). Мажлис раиси кўпчилик овозлар билан сайланади.

Таъсис шартномаси имзолаганидан кейин 1 ойдан кеч бўлмаган муддатда муассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг жойдаги Бош бошқармасига банкни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилади: банк низоми рўйхатдан ўтказилгани ва лицензия берилгани ҳақида нотариал тасдиқланган тақдимнома, акциядорлар мажлиси тасдиқланган банк низоми, таъсис шартномаси ва иштирокчиларнинг тилхат варақалари, таъсис мажлиси баённомаси, банк акциядорларининг рўйхати ва уларнинг молиявий аҳволи юзасидан аудитор ташкилоти томонидан берилган хулоса. Шу билан бир вақтда қўйидаги ҳужжатлар ҳам тақдим этилади: банк ташкиллаш иқтисодий асослари, банк хизматига қабул қилинаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағ қолдиқлари ва ссуда бўйича ҳақиқатдаги қарздорлигига оид маълумотнома, Ўзбекистон Республикаси яққаҳукмронлик сиёсатига қарши иш олиб бориш ва янги иқтисодий тузилмаларни қўллаб - қувватлаш Давлат Қўмитасининг банкни барпо этиш учун берган розилиги, фаолиятининг биринчи йилига оид ҳисоб - китоб баланси, даромад ва сарф - харажат ҳамда фойда режасига оид ҳисоб - китоб, банк раҳбарияти ҳақида маълумотлар, банк рўйхатидан ўтганлиги учун ҳақ тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси, муассисларнинг умумий мажлисида тасдиқланган низомий жамғармага тасдиқланган низомий жамғармага қўшилган моддий ва номоддий омонатларнинг пул ифодасида баҳолаш эвк

тўғрисида далолатнома, маҳаллий маъмурият бошлиғи билан ўринбосари томонидан тасдиқланган почта реквизитлари оид маълумотнома.

Бундан ташқари банкни рўйхатдан ўтказиш учун тайёрланган ҳужжатлар тўпламида хизмат хоналари бўйича ҳужжатлар тақдим этилиши шарт: касса тармоғи жиҳозлангани ишга тайёрлиги юзасидан кафолот берувчи хат, хоналар ишга расига оид шартнома нусخаси ёки хоналар фойдаланиш учун тақдим этилгани ҳақидаги кафолот хати, банк хизмат хоналарининг жойлашуви чизмаси, касса тармоғи жойлашуви чизмаси, касса тармоғи, кириш эшиклари, ойналарининг техник жиҳатдан мустаҳкамлигига оид тушуштириш хати.

Банк АЖ шаклида ташкил этилаётгани ҳолатида юқоридегани санаб ўтилган ҳужжатлар билан биргаликда рўйхатга олувчи идорага банк акцияларининг биринчи чиқарувчига оид қайд ҳужжатлари тақдим этилиши шарт (4 бобга қаранг).

Ҳужжатлар қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ойдан кеч бўлмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг ҳудудий бошқармаси ушбу ҳудудда банкни ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқаради ва банкка жўнатади. Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳудудий бошқармасида кўриб чиқилганидан кейин уч ойдан кеч бўлмаган муддатда тижорат банк кенгаши буюртма хати орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг тижорат банклари билан ишлаш Бош бошқармасига рўйхатдан ўтиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларини жўнатади.

Лицензия олиш ва низомни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги тақдимномалар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан шу хусусда зарур бўлган барча ҳужжатлар қабул қилинган пайтдан бошлаб уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади. Ижобий қарор чиқарилгани ҳолатида банк

рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Банк маъсулияти чекланган шериклик шаклида ташкил этилаётгани ҳолатида унинг вақтинчалик ҳисоб - китоб рақамидаги маблағ қолдиқлари банк рўйхатидан ўтганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг вакиллик ҳисоб рақамига ўтказилади. Акциядорлик банкнинг вақтинчалик ҳисоб - китоб рақамидаги маблағлари банк ҳужжатлари ва акция чиқаришга оид ҳужжатлар рўйхатдан ўтганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги жамлаш ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тижорат банки нотариал тасдиқланган ва қайд этилган низомининг нусхаси банк рўйхатидан ўтганидан кейин 10 кун мобайнида жойдаги тегишли молиявий идорага солиқ тулаш учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокида банк очиш учун лицензиялар маҳсус тартибда берилади. Ушбу лицензияни бериш ҳақида қарор қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан қуйидагилар ҳисобга олинади: буюртма бериш навбати, муассисларнинг номи, молиявий аҳволи, ишчанлик борасидаги тавсияси, ваколатҳонасининг географик ўрни, муассислар истиқомат қилаётган мамлакат билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар.

Қўшма ёки чет эл банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар битта филиал очиши учун алоҳида лицензия талаб этилади. Қолаверса, фақат мустаҳкам молиявий ҳолатдаги норезидент банкларигина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз филиалларини очишлари мумкин.

Банк рўйхатга киритилганидан кейин бир йил мобайнида низомий жамғармасига оид тўла меъёрда ҳақ тўланиши шарт. Аёс ҳолда қайд амали нотўғри деб ҳисобланади, лицензия эса

қайтариб олинади. Ташкил этилаётганида эълон қилинган низомий жамғармасининг ҳақи тўлиқ киритилмагунча қуйидагиларга ҳақи бўлмайди: филиал очиш, бошқа юридик шахслар сармойасини шакллашда иштирок этиш, низом сармоя ҳажмини кенгайтириш, қўшимча иштирокчилар қилиш, аҳолидан омонатга пул жалб қилиш, ўз облигацияларини, чекларини ва векселларни эмиссия қилиш, пул шаклида ижро этилувчи кафиллик, кафолат ва бошқа мажбуриятлар бериш, брокерлик хизматини кўрсатиш. Шунингдек банк лицензияни кенгайтириш учун ҳам мурожаат қила олмайди.

Жами илгари чиқарилган акциялар (ёки низомий сармоядаги улушлар) ҳақи тўлиқ киритилмагунгача таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас. Янги акциялар чиқарувини қайд этиш ёки янги низомий сармоя ҳажмини эълон қилиш учун банк низомига тегишли ўзгаришлар киритилиши шарт. Низомий сармоя ҳажми ва иштирокчилар таркибига оид ўзгаришларни қайд қилиш ва тасдиқлаш амалиётибу банк вакиллик ҳисоб рақами жойлашган ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки муассасалари томонидан бажарилади. Банк низомига оид бошқа барча ўзгаришлар ва қўшимчалар бевосита Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида қайд этилади.

Тижорат банкини тугатиш ишлари банк амалиётларини бажариш учун берилган лицензияни қайтариб олиш орқали амалга оширилади. Лицензияни қайтариб олиш қарори матбуотда эълон қилинади ва тугатилаётган тижорат банки кенгашига бу ҳақда хабар берилади. Лицензияни қайтариб олиш ҳақидаги қарорни олган банк иштирокчилари тугатиш хайъати гуруҳини шакллашлари лозим ва унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг вакили киритилиши шарт. Тугатиш хайъати ўз ишини бошлагунига қадар тижорат банк фаолиятига ва банк мулкнинг бут-сақланишига доир

амалий назорат Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бош бошқармаси Раиси томонидан амалга оширилади.

2.5. ТИЖОРАТ БАНКИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

Мамлакат ягона пул тизими доирасида ҳар бир тижорат банкининг фаолиятини мувофиқлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки зиммасига юклатилган бўлиб ушбу мувофиқлаш қўйидагиларни таъминлаш учун амалга оширилади:

- тижорат банкининг барқарор ишлашини таъминлаш ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётни ривожлантириш ва жамият фаровонлигини ошириш борасидаги устивор вазифаларни бажариш учун кредит бериш доирасида банк фаолиятини рағбатлаш ва йўналтириш;
- халқ хўжалигида пул муомаласини илмий асосда ташкиллаш.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан, авваламбор, бошқариш борасида иқтисодий услублар қўлланади ва уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиб булингандагина (айри-аҳолларда) маъмурий услуб қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки билан тижорат банклари ўртасида ўзаро муносабатларни ташкиллаш ишлари ва тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаш услубларига оид тегишли банк қонунларида кўрсатмалар белгиланган. Бинобарин иқтисодиётдаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банклари фаолиятини қўйидаги иқтисодий услублар мажмуаси орқали мувофиқлаштиради;

тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида жойлаштирган мажбурий захиралари меъёрини ўзгартириш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тижорат банкларига тақдим этилаётган кредитлар ҳажмини ҳамда кредит бўйича фойз тўлови миқдорини ўзгартириш;

- қимматли қоғозлар ва чет эл валютаси билан амалиёт бажариш.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан қуйидагилар ишлаб чиқилган:

1991 йил 1 - июндан кучга кирган “Тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаш тартиби ҳақида” ги 1 - сон йўриқ-номаси ва 1991 йил 1 - июлдан кучга кирган “Тижорат банк бадаллари ҳисобига марказлашган банк жамғармаларини шаклланиш тартиби тўғрисида” ги кўрсатма;

Мазкур меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тарзда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мамлакат кредит тизими захира жамғармасини шакллайди ва бунинг учун кредит маблар манбааси сифатида қурилган ташқи корхоналар ва ташкилотлардан тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағларнинг маълум улушини захираш ҳисобига тўпланган маблағлар ишлатилади. Бундай маблағларнинг аксарият қисмини ҳужалик идораларининг ҳисоб китоб ва жорий ҳисоб рақамларидаги вақтинча бўш маблағлар ҳамда корхона, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан омонатга ва депозитга топширилган маблағлар ташкил қилади. Бошқа банклардан олинган кредитлар ушбу жалб этилган маблағлар таркибига кирмайди.

Мажбурий захира жамғармаси - жалб этилган пул маблағлари қисман депонентга қўйилиши ва кредит манбааси сифатида ишлатилмагани ҳисобига ортиб бораётган тижорат банкларининг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларни ўз

вақтида бажариш зарурати туғилганида тижорат банкларини маблағ билан таъминлаш учун ташкил этилган.⁴

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мажбурий захиралар меъёрини ўзгартириб, тижорат банкларининг кредит сиёсатига ва муомаладаги пул ҳажми ҳолатига таъсир кўрсатади. Мисол учун камайтириб берилган мажбурий захира меъёри тижорат банклари учун ўзлари шакллانган кредит манбааларидан янада тўлароқ фойдаланиш, яъни халқ ҳўжалигига кредит қўйилмаларини кўпайтириш имкониятини беради. Бироқ бундай сиёсат муомаладаги пул ҳажмининг ўсиб кетишига олиб келади ва ишлаб чиқариш тушқунлиги шароитида инқироз жараёнларини юзага келтиради.

Ўаҳон банк тажрибасига кўра мажбурий захиралар меъёри омонатлар ва депозитлар тури, ҳажми, муддатларига боғлиқ равишда дифференцилланиши мумкин. Хусусан мижоз ўз пул маблағларини истаган пайтда олиши мумкин бўлган муддатсиз омонатлар бўйича ёки жуда кам муддатга сақлаш учун берилган ва йирик миқдордаги омонатлар бўйича тижорат банкларининг ўз мижозлари олдида мажбурий бажариш имкониятлари қисқаради, чунки бундай манбаалар ҳисобига тақдим этилаётган кредитлар одатда анча узоқ вақтда қайтариш муддати билан берилади. Шунинг учун бундай омонатларининг захирага қўйилган қисми узоқ муддатга сақлаш учун берилган омонатларга қараганда кўпроқ булиши зарур. Бинобарин 1994 - йил 1 - мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан мажбурий захираларга оид қуйидагича меъёрлар ўрнатилган: талаб қилгунча ҳисоб рақамлари ва қоплаш муддати бир йилгача бўлган банк мажбуриятлари бўйича - 20 фоиз, қоплаш муддати бир йилдан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари бўйича эса - 15 фоиз.

Шунингдек, мажбурий захира меъёрлари ҳажмига банк тизимининг ривожланиш даражаси ва иқтисодиётдаги умумий

аҳвол ҳам таъсир кўрсатади. Зеро, барқарор иқтисодиёт итида амал кўрсатаётган ривожланган банк тизимига бўлган мамлакатларда мажбурий заҳиралар меъёри бозор тизимига келинган кредит тизими шаклланаётган мамлакатлар ва хусусан Ўзбекистон Республикасидагидан кўра нисбатан узоқ ва ва ва анча янастроқ қилиб ўрнатилади.

Мажбурий заҳира жамғармасига маблағлар ҳар куни эвазига балки даврий равишда туширилади. Шунинг учун ҳисоб - китоб учун асос қилиб олинган жалб этилувчи маблағларнинг энг юқори катталигига интилиш лозим ва мажбурий заҳира меъёрини ҳисобга олиш зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан мувофиқланиши лозим бўлган маблағлар қолдиги катталигини мувофиқлаш ишлари қанча кўп ва жадалкор бажарилса, ушбу мувофиқлик даражаси шунча юқори бўлади. Бугунги кунда ушбу амалиёт Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тижорат банклар билан биргаликда ойнинг 1 - санасига кўра ёки 5 - санасига кўра ҳар ойда бир марта ўтказилади.

Заҳирага қўйилиши лозим бўлган маблағлар қолдигиши мувофиқлаш ишлари қуйидагича амалга оширилади: кредит маънаси сифатида жалб этилган широкларнинг маблағлари ҳисобга олинган бухгалтерлик балансининг тегишли моддалари тизимига маълумотларга асосан олинган сон кўрсаткичини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ўрнатиладиган мажбурий заҳира меъёрига оид сон кўрсаткичига кўпайтириши ортиқча мувофиқланиши лозим бўлган маблағ ҳажми ҳисоб - китоби тузилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Худудий Бош бошқармасида ҳар бир тижорат банки учун очиб берилган пассив балансининг 815 - ҳисоб рақамидаги алоҳида шахсий ҳисоб рақамида қайд этилувчи илгари заҳирага қўйилган маблағлар миқдори ва юқорида кўрсатилган ҳисоб - китоб натижаси ўзаро таққосланади. Заҳирага оли

шиши лозим бўлган маблағ миқдори илгари захираланган маблағ миқдоридан юқори бўлгани ҳолатида мувофиқлаш натижасига кўра юзага келган бадал камомоди мувофиқлаш ўтказилган санидан кейинги икки иш куни мобайнида тўлов топшириқномаси орқали ўтказилиши лозим. Пул тижорат банкининг 816 - актив ҳисоб рақамида очилган шахсий ҳисоб рақам дебитидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Худудий Бош бошқармасидаги 815 - баланс ҳисоб рақамида тижорат банки учун очиб берилган шахсий ҳисоб рақам кредитига ўтказилади. Ҳисоб китоблар мазкур Бош бошқармада тижорат банки учун очилган вакиллик ҳисоб рақами орқали амалга оширилади.

Илгари захираланган маблағлар миқдори охириги саняга кўра ҳисоб - китоб қилинган миқдордан ортиқча бўлгани ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Худудий Бош бошқармаси тақдим этилган маълумотга асосланиб икки иш куни мобайнида қайта ҳисоб - китоб бажаради ва ушбу пайтга ортиқча ўтказилган пул маблағларини тўлов топшириқномаси орқали тижорат банкига қайтариб беради. Тегинли баланс ҳисоб рақамлари бўйича тескари бухгалтерлик ўтказмалар бажарилади.

Тижорат банкининг молиявий аҳволини ва захираланаётган маблағларни ўтказиш интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Худудий Бош бошқармаси тижорат банкига нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаши мумкин, яъни маблағ ўтказиш муддатига риоя этилмагани ёки тижорат банкида маблағ йўқлиги ҳолатларида низомий сармойанинг 0,5 фоизи миқдориде жарима ундирилади.

Захиралаш учун маблағ ўтказиш муддатига сурункали риоя этилмагани ҳолатида тижорат банкига нисбатан янада қатъий иқтисодий таъсир чораси қўлланиши мумкин, яъни мажбурий

захира меъёри 10 тартибдан ортмайдиган даражагача тириб берилади. Бу чора кучли таъсир кўрсатади, банкнинг кредит бериш борасидаги имконият ва демак, дамади ҳам қисқаради.

Тижорат банки тугатилгани ҳолатидагина захираланган блағлар тўла ҳажмида қайтариб берилади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида мажбурий захирамасидан ташқари 1994 - йилгача бўлган даврда казлашган жамғармалар ҳам шакллантирилган, хусусан тижорат банкларидаги депозитларни суғурталаш жамғармаси ва тижорат банкларини банкротликдан суғурталаш жамғармаси Ушбу жами жамғармалар ҳар бир тижорат банкнинг барқарор молиявий аҳволини ва ликвидлигини доимо сақлаб туриши, банк омонатчилари, акциядорлари (пайчилари), банк кредиторлар ва мижозларининг манфаатларини химоя этиши учун ташкилланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 - йил мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини химоя қилиш тўғрисида”ги Низомига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тижорат банкларидаги депозитларни суғурталаш ва тижорат банкларини банкротликдан суғурталаш жамғармаларининг шаклланишини тўхтатиш ҳақида қарор қабул этилади. Тижорат банкларидаги депозитларни суғурталаш жамғармасига илгаридан ўтказиб берилган маблағлар тижорат банкларининг суғурталаш бадаллари сифатида барпо этилаётган аҳоли пул омонатларини (депозитларни) ва ҳисоб рақамларини мажбурий суғурталаш жамғармасига ўтказиб юборилди. Тижорат банкларини банкротликдан суғурталаш жамғармасига ўтказиб берилган маблағлар банкларининг ўзига қайтариб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва тижорат банклари ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва тижорат банкла

рининг фаолиятини мувофиқлаш ишлари ушбу банклар тасарруфига, кейинчалик хўжалик ташкилотларига қарз бериш мақсадида марказлашган кредит маблағларни тақдим қилиш натижасида вужудга келади ва амалга оширилади. Зеро айрим тижорат банклари томонидан жойларда сафарбар этилган кредит маблағлари етарсизлиги, бошқа банклардан кредит олиш имкониятлари эса йўқ бўлганлиги ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки кредит шартномаси бўйича бундай банкларга қарз бериши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банки томонидан ўз қарз олувчиларига нисбатан олиб бораётган кредит ва фоииз сиёсатиغا иқтисодий услубда таъсир ўтказади.

Даставвал 1992 - йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банкларига берилаётган кредитларни кўпайтиришни режаллаган. Хусусан 1992 - йил 1 - апрел ҳолатига кўра тижорат банкларининг Марказий Банк ссудалари бўйича қарздорликлари йил бошига нисбатан 15 фоиздан ортмаслиги, ушбу ссудалар бўйича фоииз тўлов миқдори эса 1991 - йилдаги 6 - 9 фоиздан 1992 - йилда 20 фоизгача кўтарилиши мўлжалланган. Мазкур чора - тадбирлар тижорат банкларининг халқ хўжалигига сарфланаётган кредит қўйилмалари ҳажмини чеклаш ва шу орқали муомаладаги пул ҳажми қисқартириш, иқтисодиётда инқироз ривожланишига тўсқинлик қилиш учун амалга оширилган. Бироқ келгусида бундай қаттиқ рестриктив сиёсатни сақлаб қолиш имконияти бўлмади.

Шу каби тижорат банклари фаолиятини мувофиқлашга оид иқтисодий чора - тадбирлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг қимматли қоғозлар ва чет эл валютаси билан очиқ бозорда бажараётган амалиётлари ҳам киради. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банкларига давлат қимматли қоғозларини ва эркин

айирбошланувчи валютани сотиш орқали тижорат банкининг кредит экспансиясини чеклайди, муомаладаги пул жмини қисқартиради ва шу аснода савдо бозорига тўлов шартларининг таъсирини кучсизлантиради ҳамда сўмнинг қадри ни оширади.

Тижорат банклари фаолиятини мувофиқлашга оид қонунда баён этилган барча услубларни ўрганар эканмиз иш таъкидлаш лозимки, давлат томонидан келишилган равишда пул - кредит ва молиявий сиёсат юритилгани ҳолатида пул ушбу услублар етарлича самара бериши мумкиндир.

Тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан иқтисодий услублар билан бир қаторда маъмурий услублар ҳам қўлланиши мумкин.

Хусусан пул муомаласи жуда ёмон аҳволда бўлганини иқтисодиётда фаол ишқироз жараёнлари рўй бераётганлиги ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки вазиятни яхшилаш мақсадида маъмурий табиатта эга бўлган қаттиқ чора - тадбирларни қўллаши мумкин. Бундай чоралар тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажмини чеклаш ишлар томонидан берилаётган кредитлар бўйича белгиланиши мумкин бўлган энг юқори фоиз тўлов миқдорларини ўрнатив воситасида амалга оширилади. Мисол учун 1991 - йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банкларига учун кредит бўйича белгиланиши мумкин бўлган энг юқори фоиз тўловининг йилига 25 фоиз миқдориди ўрнатди. Бирок ушбу чора рестриктив кредит сиёсати билан олиб борилади.

Тижорат банклари томонидан банк қонунчилигига ва банк амалиётларини бажариш қоидаларига риоя этилмагани ҳамда акциядорлар (пайчилар), омонатчилар, мижозлар ҳуқуқларининг камситилишига олиб келувчи ишдаги бошқа камчиликлар мавжудлиги ҳолатида Ўзбекистон Республикаси

Марказий Банки тижорат банкларига нисбатан банкни тугатишгача бўлган энг маъмурий таъсир чораларини қўллаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланувчи маъмурий таъсир чоралари мунтазам қўлланувчи чоралар қаторида эмас, балки фавқулодда қўлланувчи мажбурий чоралар қаторида бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтиш зарурдир.

2.6. ТИЖОРАТ БАНКИ БУХГАЛТЕРЛИК БАЛАНСИНING ТАВСИФИ.

Банк баланси ифодасида тижорат банкининг маблағ маҷбалади ҳолатини, шаклланиш манбааларини ва сарфлаш йўналишларини, банк фаолиятига оид ҳисобот даврининг бошланиши ва охирга кўра молиявий натижалар тавсифлайди.

Банк баланси таҳлилий ҳисоб бўйича тартиб рақамларига биноан жойлашган барча шахсий ҳисобрақамлар қолдиқ миқдорини акс эттирувчи бухгалтерлик ҳисобининг асосий ҳужжати вазифасини бажаради. Ҳисобга олинаётган пул маблағлари ва банк амалиётлари иқтисодий жиҳатдан яқин аломатлар бўйича баланснинг алоҳида бўлимларида ажратиб жамланади. Баланс маълумотларини таҳлил қилиш орқали банк фаолиятининг маълум даврига оид ялпи тавсифга эга бўлиш мумкин. Бундай таҳлил ўз маблағлари мавжудлигини, маблағ манбаалари тузилмасидаги ўзгаришларни, акивлар таркиби ва ҳаракатини ҳамда шу кабиларни аниқлаб олишга имконият беради. Бундан тапқари балансга асосланиб ликвидлик ҳолати, даромадлиқ, ривожланиш истиқболлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Тижорат банклари йиллик бухгалтерлик баланси

маълумотларини ҳамда фойда ва зарарлар ҳисобини қонуний тартибда эълон қилишлари шарт. Ўзбекистон Республикасидаги барча тижорат банкларининг бирлаштирилган баланси иқтисодиётдаги ҳолатни бутунлигича ва хусусан турли вилоят ҳамда ҳудудлардаги ҳолатини тавсифлаш имкониятини беради. Тижорат банк балансларига маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Банки томонидан пул - кредит сиёсати ва тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаш ишларига оид асосий йўналишларни ишлаб чиқиш учун асосий манбаа ҳисобланади. Солиқ сиёсатини амалга ошириш жараёнида Давлат солиқ хизмати ҳам тижорат банкларининг ҳисобрақамларидан фойдаланади.

Баланс ҳисобрақамларида икки маротабали ёзув тизими бўйича ҳисоб олиб борилади ва ҳар бир банк амалиёт бир ҳисобрақамнинг дебити ва иккинчи ҳисобрақамнинг кредити бўйича аке эгтирилади. Балансдан ташқари ҳисобрақамларда қуйидагилар бўйича ҳисоб олиб борилади: банкка сақлаш учун, инкассага ёки комиссияга топширилган қимматликларнинг ҳаракати; давлат бож тўлови белгилари қатъий ҳисобдаги иш хос қоғозлари; қимматли қоғозлар. Одатда ушбу ҳисобрақамларда кирим, чиқим, қолдиқ каби оддий тизим бўйича ҳисоб олиб борилади.

Баланс ҳисобрақамлари биринчи тартиб (асосий) ҳисобрақамларидан ва изоҳловчи иккинчи тартиб ҳисобрақамларидан иборат бўлади. Жами 98 та биринчи тартиб баланс ҳисоб рақамлари ва 98 та балансдан ташқари ҳисобрақамлар мавжуд. Биринчи тартиб ҳисобрақамлари иккита белгидан иборат, иккинчи тартиб ҳисобрақамлари эса учта белгидан иборатдир.

Иккинчи тартиб ҳисобрақамларидаги учта белгидан иборат тартиб рақамининг иккита биринчи рақамлари биринчи тартиб ҳисобрақамига оид бўлиб банк амалиётининг асосий

иқтисодий аломатларини кўрсатади. узиличи рақам эса ҳисобрақам аломатига изоҳ беради. Масалан "Пул маблағлари" номли 111 - бўлимдаги 03 - ва 04 - баланс ҳисобрақамлари, асосий ҳисоблашиб, 03 - ҳисобрақам таркибида иккинчи тартибли бешта ҳисобрақам мавжуд, шу ҳисобда 030 - "Касса" ҳисобрақами (фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки балансида очилади), 031 - "Тижорат, ширкат банкининг кассаси" ҳисобрақами ва ҳоказо; 04 - ҳисобрақам таркибида иккинчи тартибли тўртта ҳисоб рақам мавжуд, шу ҳисобда 040 - Рўйхатга қўшиб киритилган кассалар", 041 - "Йўлдаги ёрдам пуллари ва кассадаги ортиқча пуллар" ва ҳоказо.

Балансдан ташқари ҳисобрақамлар тўртта белгидан иборат бўлиб, биринчи иккита рақами, яъни 99 - ҳисобрақам шартли белгисидир, кейинги иккита рақам эса моддий қимматлик таркибини ёки қайд этилаётган ҳужжат турини кўрсатувчи хос рақамдир. Масалан 9921 - ҳисобрақам "Муддатида қайтарилмаган қарз пулларига оид мажбуриятлар", 9922 - ҳисобрақам "Қарз пули эвазига гаровга олинган заём облигациялари"ни англатади ва ҳоказо.

Меъёрий ҳужжатларга кўра жадалкор (ҳар кунлик) баланс биринчи тартиб ҳисобрақамлари бўйича ва маблағ айлануви қайдномаси шаклида тузилиши лозимлиги белгиланган. Бундай қайднома тартиб рақамларига мувофиқ жойлашган банкларидаги ҳисобрақамлар режасига кирувчи ҳисобрақамлар рўйхатидан ташкил топади ва унда мазкур давр бошланишига кўра маблағ қолдиқлари, мазкур давр бўйича маблағ айлануви ва мазкур давр охирига кўра маблағ қолдиқлари кўрсатилади. Одатда амалий тажрибадан жадалкор, ойлик, чораклик ва йиллик баланслар иккинчи тартиб баланс ҳисобрақамлари бўйича тузилади ва биринчи тартиб ҳисобрақамлари бўйича яқун ясалади. Йиллик балансни ту -

зишда якуний маблағ айлануви, яъни янги йилда амалга оширилган, лекин ўтган йил маблағ сифатида ҳисобга олинмиш лозим бўлган айрим ҳисобрақамлар ва амалиётларга оид маблағ айлануви ҳисобга олинади.

Тижорат банклари турли шаклдаги баланслардан фойдаланадилар. Энг кенг тарқалган шакллардан бири - балансда актив ва пасив бўйича амалиётларни айримча акс эттирувчи чап ва ўнг тарафларнинг мавжудлиги.

Банк балансининг ҳисобрақамлари актив, пасив ва актив - пасив ҳисобрақамларга ажратилади. Актив ҳисобрақамларда банк маблағ манбааларининг таркиби бўйича ҳисоб олиб борилади ва уларнинг жойлаштирилгани кўрсатилади (банк кассаларидаги нақд пуллар, сармоя қўйилмаларининг молиялаштириши, қимматли қоғозларга ва чет эл валютасини харид қилиш учун сарфланган маблағлар, давлат бюджети харажатлари, ссуда амалиётлари, дебиторлик қарз, асосий воситалар, хўжалик сарф - харажатлари ва ҳоказо). Актив ҳисобрақамларида якуний сальдо дебит бўйича кўрсатилади. Банк балансининг активи банкнинг маблағ қўйилмаларини акс эттиради ва актив амалиётларни бажариш жараёнидаги сарф - харажатлар ҳажмини белгилайди. Пасив ҳисобрақамларда банк маблағларини шакллаш манбалари акс этирилади (банк жамғармалари ва фойдаси, бюджет даромадлари, сармоя қўйилмаларини молиялаш учун сарфланган маблағлар, ҳисоб - қитоб ва жорий ҳисобрақамлари ҳамда депозитлардаги маблағ қолдиқлари, ҳисоб - қитобларда иштирок этаётган маблағлар, кредиторлик қарз ва ҳоказо). Пасив ҳисоб - рақамларида якуний сальдо кредит бўйича акс этирилади. Актив - пасив ҳисобрақамларда, асосан, бошқа банклар, шу ҳисобда хорижий банклар билан ҳамда мижозлар, омонатчилар ва бошқа кредиторлар билан бажарилаётган ҳисобкитобларга боғлиқ амалиётлар қайд этилади. Якуний

ониндо ёйилган равишда, яъни дебет ва кредит бўйича маблағ қолдиқлари ажратилган ҳолда кўрсатилади.

Балансдан ташқари ва баланс ҳисобрақамлари тижорат банклари томонидан бажарилаётган маълум вазифаларни акс эттирувчи гуруҳларга жамланиб баланс бўлимларига ажратилади. Мисол учун қуйидаги ҳисобрақамлар алоҳида бўлимларга гуруҳлаб жамланган: банк жамғармалари ва эмиссия - касса амалиётлари; чет эл валютаси ва хорижий амалиётлар бўйича ҳисоб - китоблар, давлат бюджети, бюджет муассасалари, кредит муассасалари билан ҳисоб - китоблар; сармоя қўйилмалари ва узоқ муддатли кредитларни молиялаш, кредит ва ҳисоб - китоб амалиётлари ҳамда ҳисоб - китобларда иштирок этаётган маблағлар; ички банк амалиётлари ва банк маблағлари ва бошқалар.

Актив, пассив, актив - пассив ҳисобрақамлар банк балансининг бир бўлимида гуруҳ бўлиб жамланиши мумкин. Мисол учун банк балансининг қуйидаги бўлимларида: У - "Чет эл валютаси ва хорижий амалиётлар бўйича ҳисоб - китоблар", У1 - "Давлат бюджети ва бюджет муассасалари билан ҳисоб - китоблар", Х - "Кредит ва ҳисоб - китоб амалиётлари", ХУ1 - "Дебиторлар ва кредиторлар", ХХ11 - "Асосий воситалар ва хўжалик сарф - харажатлари" кабиларда актив, пассив ва актив - пассив ҳисобрақамлар бирлашади.

БАНК БАЛАНСИ БЎЛИМЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

1 - бўлим - "Банк жамғармалари" банк жамғармаларини қайд қилиш ҳисобрақамларидан ташкил топади (кисомий жамғарма, захира жамғармаси, маҳсус жамғармалар ва иқтисодий рағбатлаш жамғармаси). Бундан ташқари маъмур бўлимида валюта маблағларини қайта баҳолаш юзасидан ҳисоб олиб бориш ҳисобрақамлари ҳам жойлашади. Биринчи тартиб

01 - баланс ҳисобрақами бўйича иккинчи тартибда 9 та ҳисобрақам очилган. Банк низомий жамғармасини ташкил этувчи пул миқдориини қайд қилиш учун мўлжалланган ҳисобрақам буларнинг ичида асосийдир.

III - бўлим - “Пул маблағлари” банк кассаларидаги напулларни, йўлдаги пул маблағларни, рўйхатга қўшиб киритилган кассаларни, йўлдаги ёрдам пулларни ва кассадаги ортинча пулларни, корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб - рақамларини қайд этувчи ҳисобрақамларни ўз ичига киритади.

IV - бўлим - “Қимматбаҳо металллар” банкнинг бошқа активлари билан бир қаторда пул эмиссиясини таъминловчи қимматбаҳо металлларни қайд этувчи ҳисобрақамлардан иборат.

V - бўлим - “Чет эл валютаси ва хорижий амалиётлар бўйича ҳисоб - китоблар” банкдаги нақд чет эл валютасини, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларни, тижорат банкининг чет эл банкларидаги маблағларини ва чет эл банкларининг тижорат банкидаги маблағларини, хорижий вакиллар билан бажарилган ҳисоб - китоблар бўйича жамланган маблағларни ва бошқа валюта қимматликларини қайд этувчи ҳисобрақамлардан ташкил топади.

VI - бўлим - “Давлат бюджети ва бюджет масалалари билан ҳисоб - китоблар” республика бюджетларининг даромадлари ва сарф - харажатларини, маҳаллий бюджетларнинг маблағларини, маҳаллий бюджетдаги муассаса ва ташкилотларнинг жорий ҳисобрақамларини, бюджетдан ташқари маблағларни, Молия Вазирлиги билан бажарилган ҳисоб - китобларни қайд этувчи ҳисоб рақамларни бирлаштиради.

VII - бўлим - “Ўзбекистон Республикаси кредит муассасалари билан ҳисоб - китоблар” Давлат Суғурта Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Жамғарма Банки ва вакил банклар билан ҳисоб - китобларни қайд этувчи ҳисоб рақамлардан

ташқил топади.

Бундан ташқари мазкур бўлимда 161 - "Тижорат, ширкат банклари ва бошқа кредит муассасаларининг ҳисобрақамлари" каби ҳисобрақам ҳам мавжуд бўлиб, ушбу ҳисобрақам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар уртасида ҳисоб - китоб бажариш учун тегишли Республика Тижорат банкида ҳар бир тижорат банкига очиб берилади.

УИИ - бўлим - "Сармоя қўйилмаларини молиялаш" сармоя қўйилмаларини молиялаш учун мўлжалланган маблағларни, биринчи тартиб 18 - баланс ҳисобрақамида қайд этилувчи турли манбаалар ҳисобига сармоя қўйилмаларини молиялаш учун сарфланган пул маблағлари юзасидан ҳисоб олиб бориш учун биринчи тартиб 17 - баланс ҳисобрақам очишга мўлжалланган маблағларни қайд этувчи ҳисобрақамлардан иборат.

IX - бўлим - "Қимматли қоғозлар билан амалиётлар" давлат облигацияларини тарқатиш, бозорда муомала қилаётган қарз мажбуриятларини чиқариш ва сўндириш юзасидаги амалиётларни ҳамда банк томонидан харид қилинган акция ва облигациялар мавжудлиги ва ҳаракатини қайд этувчи ҳисобрақамларидан ташқил топади. 190 - "Ташкилот, уюшма, корхоналар томонидан давлат заёмлари, облигацияларини сотишдан тушган маблағлар" ва 199 - "Бозорда муомала қилаётган қарз мажбуриятлари" ҳисобрақамлари пассив ҳисобрақамларидир. Давлат облигацияларини сотиб олган корхона, ташкилот, маъсулияти чекланган ширкат, акциядорлик жамият, банклар томонидан ўтказилган маблағлар 190 - ҳисобрақамда қайд этилади. Муомалага чиқарилган облигациялар, депозит ва омонат сертификатлари, векселлар ва бошқа қарз мажбуриятлари сотувидан олинган маблағлар 199 - ҳисобрақамда қайд этилади. Қолган ҳисобрақамлар актив ҳисобрақамлар деб ҳисобланади ва уларда бошқа банк ҳамда АЖ ва корхоналарнинг акция, облигацияларини, шунингдек

давлат ва маҳаллий заём ички фойзли облигацияларини со-
тиб олиш учун сарфланган банк маблағлари қайд этилади.

X - бўлим - "Кредит ва ҳисоб - китоб амалиётлари" ҳисоб
- китоб (пассив) ҳисобрақамларни ҳамда корхона ва ташки-
лотларга тақдим этилган қисқа муддатли кредитларга оид
қарздорлик ҳаракатини қайд этиш (актив) ҳисобрақамларини
бирлаштиради. Тижорат банклари, собиқ ихтисослашган бан-
клар учун мазкур бўлимдаги биринчи тартиб ҳисобрақамлари
саноат, қишлоқ хўжалиги, наклиёт, алоқа, савдо тармоқлари
бўйича алоҳида очиб берилади. Иккинчи тартиб ҳи-
собрақамлари эса тегишли тармоқ вазирлик ва идоралари
бўйича алоҳида очилади. Аввалига бир тармоқ вазирлик ва
идораларининг ҳисоб - китоб рақамлари, кейин эса шу вазир-
лик ва идораларнинг ссуда ҳисобрақамлари кўрсатилади. Зеро
биринчи тартиб 20 - баланс ҳисобрақами ёнилғи саноати кор-
хона ва ташкилотларининг ҳисоб - китоб рақамларини, 21 -
баланс ҳисобрақами эса шу корхона ва ташкилотларнинг ссу-
да ҳисобрақамларини билдиради. Мазкур ҳисобрақамларда
корхоналар ва ташкилотлар учун иккинчи тартиб ҳи-
собрақамлари очиб берилади : 200 - ва 210 - ҳисобрақамлар
бир вазирлик тармоқлари учун; 204 - ва 214 - ҳисобрақамла-
ри шу саноат тармоғидаги уюшмалар, концернлар, консорци-
умлар ва бошқа йирик ташкилий тузилмалар учун; 205 - ва
215 - ҳисобрақамлар учинчи вазирлик учун ва ҳоказо.

Шунингдек ушбу бўлимга ширкат, АЖ, маъсулияти
чекланган жамият, кичик корхона, фуқаролар ва бошқа
субъектларнинг ҳисобрақамлари, шу жумладан қисқа муддат-
ли ссуда бўйича муддатида қайтарилмаган қарздорликни қайд
этиш ҳисобрақами ва ҳисоб - китобдаги маблағларни қайд
этиш ҳисобрақамлари ҳам киради.

XI - бўлим - "Марказлашган ҳисоб - китобларга оид ама-
лиётлар", асосан, Алоқа Вазирлиги ва Йўл алоқаси Вазирли -

кларининг бош идораларидаги марказлашган ҳисоб - китоблари билан боғлиқ амалиётларни қайд этувчи ҳисобрақамлардан ташкил топади.

XIII - бўлим - “Жамоматчилик ташкилотларининг маблағлари ва амалиётлари” касаба уюшмаси ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг жорий ҳисобрақамларини бирлаштирувчи ҳисобрақамлардан иборат. Шунингдек ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш Давлат жамғармаси маблағларини шакллаш ва сарфлаш билан боғлиқ амалиётларга оид ҳисобрақамлар акс эттирилади.

XIV - бўлим - “Фуқароларнинг омонатлари, депозитлар, ҳисобрақамларига оид амалиётлар” банкларининг жалб этилган маблағларни шакллаш юзасидаги амалиётларини акс эттирувчи фуқаролар ҳисобрақамларини, омонатларни ва депозитларни бирлаштиради. Аксарият тижорат банклари томонидан фуқаро омонатларига оид амалиётларни қайд этиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Жамғарма Банкларининг қондаларига кўра амалга оширилади. Юридик шахс омонатлари ва депозитларига оид ҳисобрақамлар давлат корхона, ташкилотларининг ҳисобрақамлари ва ширкатларнинг ҳисобрақамларига ажратиб бўлинади. Кўрсатиб ўтилган ҳисобрақамлар пассивдир. Шунингдек ушбу бўлимда ссуда ҳисобрақамлари ҳам жойлаштирилади. Берилган кредитлар юридик шахсликни ташкил этмасдан фаолият юритаётган тадбиркорлар ва истеъмолчилик мақсадида ссуда олган фуқаролар бўйича алоҳида қайд қилиб борилади.

XV - бўлим - “Узоқ муддатли қўйилмалар”. Ушбу бўлимда узоқ муддатли кредит бериш учун мўлжалланган маблағлар ва банк томонидан турли корхона, ташкилотларга берилган узоқ муддатли кредитлар қайд этилади. Узоқ муддатли кредитларга оид қарздорликлар давлат корхона ва ташкилотлари, қўшма корхоналар, агросаноат тузилмалари, ижарачилар,

ширкатлар, кичик корхоналар, бошқа қарз олувчилар бўйича алоҳида қайд этиб борилади. Муддатида қайтарилмаган қарздорликлар алоҳида ҳисобрақамда қайд қилинади.

XVII - бўлим - “Бошқа узоқ муддатли қўйилмалар” ХУ бўлимда айтиб ўтилган ҳолатлардан ўзгача берилган кредитларни ҳамда банк томонидан тақдим этилган ва қабул қилиб олинган вақтинчалик молиявий ёрдамни акс эттирувчи ҳисобрақамлардан ташкил топади.

XVIII - бўлим - “Банклар билан ҳисоб - китоблар ва ташқаридаги маблағлар”. Ушбу бўлимда турли маблағларни ва маҳсус мақсадли жамғармаларни акс эттирувчи пассив ҳисобрақамлар билан бир қаторда. Тижорат, ширкат ва бошқа кредит муассасалари томонидан банк тизимининг кредит маблағ манбаларини мувофиқлаш жамғармасига ўтказилган маблағларни” номли 816 - актив ҳисобрақами бирлаштирилган.

XIX - бўлим - “Нафақалар бўйича марказлашган ҳисобрақамлар” нафақа жамғармасини шакллаш ва сарфлашга оид ҳисобрақамларни ҳамда нафақа жамғармасига тақдим этилган кредитларни қайд этиш ҳисобрақамларини бирлаштиради.

XXI - бўлим - “Дебиторлар ва кредиторлар” банклар томонидан бажарилган хўжалик амалиётлари ҳамда банк ҳодимларига иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш амалиётлари бўйича мол - маҳсулот ва пул ҳаракатидаги узилиш билан боғлиқ дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қайд этиш ҳисобрақамларини бирлаштиради.

XXII - бўлим - “Асосий воситалар ва хўжалик сарф - харажатлари” банкка қарашли бино, иншоотлар, хўжалик жиҳозлари, хўжалик буюмларини ҳамда ижарага олинган биноларга, сармоя қўйилмаларига ва уларни молиялашга сарфланган маблағларни қайд этиш ҳисобрақамларини бирлаштиради.

XXIII - бўлим - “Банд қилинган маблағлар” сарфлашишига мувофиқ фойдани тақсимлаш (бюджетга пул ажратиш, турли банк жамғармаларига ажратилган улуш ва шу каби) амалиётларни қайд этиш ҳисобрақамларидан ташкил топади.

XXIV - бўлим - “Банк даромадлари ва сарф - харажатлари” амалиётлардан кўрилган ва бошқа даромад ҳамда сарф - харажатларни, банк аппарати харажатларини, фойда ва зарарни қайд этиш ҳисобрақамларидан иборат. Банк балансида ушбу ҳисобрақамлар мавжудлиги фойдани шакллаш тартибига боғлиқдир. Одатда аксарият банклар ўз фойдасини бир ойда бир марта шакллайдилар. Бу ҳолда ойлик, чораклик, йиллик балансларда даромад ва сарф - харажат ҳисобрақамлари мавжуд бўлмайди, чунки улар даромаднинг сарф - харажатдан ортиқлиги қисмида фойда ва зарар ҳисобрақамига киритилади.

XXV - бўлим - “Давлат ва республикааро қарз суришини амалиётлари” давлат ва республикааро қарз суришини тадбири билан боғлиқ амалиётларни қайд этиш ҳисобрақамларидан ташкил топади.

БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБ РАҚАМЛАР

I - бўлим - “Давлат банки тангалари ва қоғоз пул захира жамғармаси” муомалага чиқарилмаган қоғоз пул ва тангаларни ҳамда эмиссия учун руҳсат этилган пул миқдорини қайд этиш ҳисобрақамларидан иборат.

II - бўлим - “Таълимот” сеуда бўйича гаров сифатида қабул қилинган заём облигациялари ва қисқа муддатли сеуда қарздорлигини қоплаш юзасидан корхона, ташкилотларнинг муддатли мажбуриятлари қайд қилинган ҳисобрақамларни бирлаштиради.

III - бўлим - “Лизинг амалиётлари” ижарага берилган асо-

сий воситаларни, яъни шартнома асосида ижарага топширилган моддий қимматликлар миқдорини қайд этувчи битта ҳисобрақамдан иборат. Шартнома муддати тугаганидан сўнра ижарачилар томонидан қайтариб берилган моддий қимматликларнинг қиймати сарф - харажатлар бўйича ўтади.

IV - бўлим - “Ҳисоб - китоб амалиёларига оид ҳужжатлар” ҳисоб - китоб амалиётларига оид ҳужжатларни ва банн томонидан берилган кафилликларга оид кафолотларни қайд этиш ҳисобрақамларидан иборат.

V - бўлим - “Хорижий амалиётларга оид ҳужжатлар ва қимматликлар” жўнатиб юборилган, қабул қилинган ва инкассага топширилган ҳужжатларни, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини; хорижий вакиллардаги мол - маҳсулот ҳужжатларини; чет эл валютасидаги аккредитивларни қайд этиш ҳисобрақамларидан иборат.

VI - бўлим - “Узоқ муддатли кредитлашга оид ҳужжатлар” узоқ муддатли ссудалар юзасидаги муддатли мажбуриятларни ҳамда банк акциядорлари (муассислари) томонидан тўланмай қолган низомий жамғарма ҳақини қайд этиш ҳисобрақамларидан иборат.

VIII - бўлим - “Турли қимматликлар ва ҳужжатлар” тайёр бўлган тугтилмаган пулли жўнатмаларни, давлат божи маркаларини, қатъий ҳисобдаги иш хос қоғозларини, ҳисобот остида берилган ва жўнатилган турли қимматликларни ва ҳужжатларни, бундан ташқари улушда ишгирик этиш тартибда қурилиш учун топширилган маблағларни, корхона, ташкилот, вазирлик, идора, шу ҳисобда ташқи савдо ташкилотларининг валюта маблағларини қайд этиш ҳисобрақамларидан иборат.

IX - бўлим - “Зарарга чиқариб ташланган қарзлар” зарарга чиқариб юборилган қарз миқдорини қайд этувчи битта ҳисобрақамдан иборат.

Х - бўлим - "Қимматли қоғозлар" тижорат банклари, ташкилотлар, корхоналарнинг акция, облигация, омонат сертификат хосқоғозларини қайд этиш ҳисобрақамларини бирлаштиради.

Банк баланси ва бухгалтерлик ҳисоб олиб бориш ҳисобрақамлар режасининг мавжуд шакллари тобелик аломатларига кўра актив, пассив ва бошқа амалиётларни батафсил деталлаштиришга асосланган. Балансда ва ҳисобрақамлар режасида жуда кўп мувофиқловчи ва оралиқ ҳисобрақамлари мавжуд. Умумий доирада банклар томонидан қўлланаётган бухгалтерлик ҳисоб олиб бориш тизими халқаро тажрибада қўлланаётган ҳисоб юритиш ва статистика тизимига мос келмайди ва банк тизимини замонавий ташкиллашга зиддир. Бу юзада бир қанча ишлар амалга оширилган. Хусусан тижорат банкларининг асосий воситалар жамғармаси билан ўз ичига пул ва моддий - техник маблағларини киритувчи низомий жамғармалар бирлаштирилди; революция учун мортгизация ажратмалари 015 - Асосий воситалар емирилиши ҳисоб рақамида қайд этила бошлади; банк аппарати учун мўлжалланган пул маблағлари амалиёт сарф - харажатларига киритади; ишлаб чиқаришни ва ижтимоий соҳани ривожлантириш жамғармаларидан сармоя қўйилмалари учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобрақамда қайд этила бошлайди; номоддий активлар, келгуси давр даромадлари ва сарф харажатларини қайд қилиш учун алоҳида ҳисобрақамлар очилди. Ўтган давр мобайнида вужудга келган фойда ва зарарларни қайд этиш ишлари бир вақтнинг ўзида дебиторлик ва кредиторлик сальдонни кўрсатган ҳолда актив - пассив ҳисобрақам юритиш тамойилига асосан олиб борилади.

Тижорат банклари фаолиятининг кейинги ривожланиши ва яқин вақт ичида бухгалтерлик ҳисоб юритиш ва статистика ҳисобот бериш тизимининг халқаро андозаларга томон ўзга -

риши билан боғлиқ. (Шу нуқтаи назардап биз ҳар бир алоҳида олинган ҳисобрақамларнинг тавсифида батафсил тўхташ ўтгандимиз).

Бугунги кунда тижорат банклари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерлик ҳисоб юритиш меъёрини халқаро янгиликларга ва тажрибасига яқинлаштирувчи молиявий ҳисоботликка ўтдилар.

Халқаро андозаларда қўзланган бош вазифа шундан иборатки, молиявий ҳисоботдорлик кўп сонли истеъмолчилар талабига жавоб бериши лозимдир (банк акциядорлари (пайчилари), депозитлар, ўзаро қарз берувчилар, банк хадимлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, молия идоралари). Барча истеъмолчиларга банкнинг молиявий аҳволига оид чинакам баҳо берувчи маълумотлар зарурдир.

Тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботдорлик фақатгина халқаро бухгалтерлик ҳисоб юритиш тамойиллари асосида берилиши мумкин. Бундай тамойиллар қаторига қуйидагилар киради: узлуксиз фаолият бухгалтерлик ҳисоб юритиш қоидаларининг ўзгармаслиги, даромад ва сарф - харажатларни кўпайтиришда эҳтиёткорлик, актив ва пасивларни алоҳида акс эттириш, кириш балансининг беқалтислиги, мазмуннинг шаклдан устиворлиги, мазмундорлик, очиқлик, консолидация.

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботдорлиги қуйидагилардан ташкил топади: баланс ҳисоботи, фойда ва зарарга доир ҳисобот, айрим ҳисоботлар. Бирга жамланган ушбу барча ҳисоботлар тижорат банкининг чинакам молиявий аҳволи тўғрисида тўла тассурот беради.

Молиявий ҳисоботдорлик амалиёт бажарилган пайтдаги ҳақиқий қийматига асосан тузилади. Бундан ташқари тижорат банклари даромад ва сарф - харажатларни кўпайтириш тамойинли асосида миждозларнинг ссудалари ва банкдаги ҳамда

бошқа кредит муассисларидаги депозитлар бўйича ҳисобот санасига кўра тўлов муддати келмаган тўпланган фоизларни албатта ҳисоблаб чиқадилар. Фоиз миқдорлари ҳисобот даври даромадларида қайд этилади ва баланс ҳисоботи ҳамда фойда ва зарар бўйича ҳисоботларда акс эттирилади. Ҳисобот давридаги фойдага киритилган, лекин аввалги ҳисобот даврига тегишли олинishi лозим бўлган кўпайган фоизлар ҳисобот даврдаги фойдани тегишли тарзда қисқартириши шарт. Аввалги ҳисобот даврига тегишли, лекин ҳисобот даври сарф - харажатларига киритилган мижозлар, банклар ва бошқа кредит муассасаларининг депозитлари бўйича тўланиши лозим бўлган кўпайган фоизлар ҳам худди шу тартибда ҳисоб қилинади. Баланс ҳисоботи ва фойда ҳамда зарарларга оид ҳисоботларда акс эттирилувчи фойда фоиз миқдорига тенг ҳажмда қисқартирилади. Ҳисобот санасигача бўлган даврга тегишли мижозларнинг омонатлари ва депозитлари ҳамда банк ва бошқа кредит муассаса депозитлари бўйича кўпайган фоизлар тегишли тарзда фойдани кўпайтиради.

Демак молиявий ҳисоботдорлик ҳисобот даври охиригача тижорат банклари томонидан чинакам ишлаб топилган даромадларнигина акс эттиради. Ҳисобот ёки ундан аввалги даврлар мобайнида аниқланган барча кўзланган мажбуриятлар ва заёмлар таваккалчилик хавфини қоплаш захираларида акс эттирилади. Халқаро ҳисоб юритиш тизимида барча турдаги захираларга оид ўтказмалар тегишли хавф юзага келишига қараб қилинади. Халқаро миқёсда тан олинган фойда ва ўз маблағлари тушунчасига мувофиқ ҳисобот давридаги фойда тижорат банклари фаолиятининг ҳақиқатдаги натижаларнигина акс эттиради ва шу билан мамлакатимиз тажрибасидан фарқ қилади.

Халқаро шакл асосида тузилган баланс ҳисоботида актив ва пасивлар мазмунига қараб гуруҳланади ва ликвидлиги ёки

талаб пасайиши даражаси бўйича жойлаштирилади. Тижорат банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк, бошқа банклар, депозитлар ва шу кабилар билан ўзаро муносабатлари баланс ҳисоботида алоҳида акс эттирилади.

БАЛАНС ҲИСОБ РАҚАМИ АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИ МАЗМУНИ А К Т И В Л А Р

- 1 - МОЛДА. “Марказий Банкдаги депозитлар ва пул маблағлари” (УРМБдаги тижорат банкнинг кассаси ва жами акивлари).
- 2 - МОЛДА. “Банк ва бошқа кредит муассасаларидаги депозитлар (талаб қилиб олгунча сақланаётган депозитлар ва бошқа банкларга тақдим этилган кредитлар).
- 3 - МОЛДА. “Қарз қимматли қоғозлари (бозор қиймати бўйича)”.
- 4 - МОЛДА. “Қайта сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар”.
- 5 - МОЛДА. “Ссудалар” (тижорат банки томонидан берилган барча ссудалар; 30 кундан ортиқча бўлмаган вақт мобайнида муддатида қайтарилмаган ссудаларга оид фоизлар).
- 6 - МОЛДА. “Мижозларга берилган лизинг”.
- 7 - МОЛДА. “Ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зиёнлар”.
- 8 - МОЛДА. “Соф ссудалар ва мижозларга берилган лизинг” (ссудалар бўйича юзага келиши мумкин зиёнлар учун ажратилган захирани айириб ташлаган ҳолдаги мижозларга берилган ссудалар ва лизинг).

- 9 - МОЛЛА. “Асосий воситалар ва номоддий активлар емирилиши айрилган ҳолда!”.
- 10 - МОЛЛА. “Инвестиция қимматли қоғозлари”.
- 11 - МОЛЛА. “Кўпайган даромад ва бўнак сарф - харажатлари”.
- 12 - МОЛЛА. “Бошқа активлар”.

ҚАРЗГА ОЛИНГАН МАБЛАҒЛАР ПАССИВЛАР

- 14 - МОЛЛА. “Марказий Банкдепозитлари” (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг тижорат банкларида жойлаштирилган пассивлари).
- 15 - МОЛЛА. “Банк ва бошқа кредит муассасаларининг депозитлари” (кредит муассисининг тижорат банкларида жойлаштирган барча муддатли заёмлари ва талаб қилгунча депозитлари).
- 16 - МОЛЛА. “Мижозларнинг депозитлари” (мижозларнинг тижорат банкида жойлаштирган барча муддатли заёмлари ва талаб қилгунча депозитлари).
- 17 - МОЛЛА. “Кўпайган сарф - харажатлар ва муддатидан илгари ҳосил бўлган даромад” (тўлов муддати келмай туриб ҳисобот санасига кўра кўпайган пул миқдорлари ва тижорат банки ҳисобрақамига тушган, лекин даромад сифатида келгуси ҳисобот давриларида қайд этилувчи даромадлар).
- 18 - МОЛЛА. “Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлари (акциядан ташқари ўз қиммагли қоғозларини молиявий бозорга чиқариш ҳисобига жалб этилган пул миқдори).
- 19 - МОЛЛА. “Қарзга олинган бошқа маблағлар” (кредиторлик қарз ва бошқа пассивлар).

20 - МОДДА. “Таваккалчилик хавфини қоплаш захираси”.

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ (ПАССИВЛАР)

22 - МОДДА. “Низомий сармоя (оддий акциялар)” (тижорат банки акциядорларидаги оддий акция (пай)ларнинг соф қиймати).

23 - МОДДА. “Имтиёзли акциялар (тижорат банки чиқарган имтиёзли акцияларнинг соф қиймати).

24 - МОДДА. “Эмиссия фарқи”.

25 - МОДДА. “Банк тасарруфида қолдирилган фойда” (аввалги йилларда тўпланган, банк акциядорлари ўртасида тақсимланмаган фойда ва зарарлар).

26 - МОДДА. “Асосий воситаларни қайта баҳолаш”.

27 - МОДДА. “Соф фойда, ҳисобот даври зарарлари” (фойда ва зарарлар ҳисобрақамида аниқланувчи фойда ва зарар миқдори).

БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ МОДДА

30 - МОДДА. “Мажбуриятлар ва кўзланмаган пассивлар (банк мажбуриятлари - кафиллик, кафолат ва бошқалар).

3 - БОБ. ХАЛҚ ХУЖАЛИГИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ - КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛЛАШ ВА БАНКЛАРНИНГ КАССА ИШЛАРИ

- 3.1. Нақд пулсиз ҳисоб - китобларни ташкиллаш умумий асослари.**
- 3.2. Банклараро ҳисоб - китобларни ташкиллаш.**
- 3.3. Амалдаги нақд пулсиз ҳисоб - китоб шакллари.**
- 3.4. Тижорат банкларининг касса амалиётлари.**

3.1. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ - КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛЛАШ УМУМИЙ АСОСЛАРИ.

Ҳозирги замон шарт - шароитида пул - хўжалик ҳаётининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун моддий қимматликлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш борасидаги барча битимлар пул ҳисоб - китоби билан яқунланади. Пул ҳисоб - китоби нақд пул билан ва нақд пулсиз шаклларга эгадир.

Ҳисоб - китобларни нақд пулсиз амалга ошириш нақд пул билан ҳисоб қилишдан афзалдир, чунки муомала чиқим - харажатлари борасида анча маблағ тежалади. Кенг тарқалган банклар тармоғи ҳамда юқорида айтиб ўтилган сабабга кўра ва макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва мувофиқлаш мақсадида давлат манфаатдорлиги нақд пулсиз ҳисоб - китобларни кенг қўллашга ёрдамлашади.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоблар - пуллар тўловининг ҳисобрақамларидан чиқариб олувчининг ҳисобрақамига киритилиши орқали банклардаги ҳисобрақамларга оид ёзувлар воситасида ҳисоб - китоб қилиш шаклидир. Хўжаликда нақд пулсиз ҳисоб - китоблар маълум тизим бўйича ташкилланади. Маълум тизим деганда - нақд пулсиз ҳисоб - китоб ташкиллаш тамойиллари, уларни ташкиллаш борасида хўжалик юри-

тиш шарт - шароитларидан келиб чиқувчи талаблар, ҳисоб китоб шакллари ва услублари ҳамда улар билан боғлиқ ҳужжат муомаласи йиғиндисига тушунилади.

30 - йиллардан бошлаб то 1993 - йилгача мавжуд бўлган нақд пулсиз ҳисоб - китоб тизими сарфлаш механизми бўйича хўжалик юретишга мослашган бўлиб, маъмурий - буйруқ бозлик услубда иқтисодиётни бошқариш шаклига эга бўлган. Амал қилган нақд пулсиз ҳисоб - китоб тизими биринчи навбатда мол етказиб берувчининг манфаатига қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш ва мол етказиб бериш режа топшириқларини бажаришга хизмат қилган. Нақд пулсиз ҳисоб - китобларни ташкиллаш борасида қаттиқ тамойиллар амал қилган ва шу орқали чинакам иқтисодий манфаатдорлик ва шартнома мажбуриятларини бажариш учун жавобгарчиликларнинг йўқлиги бир оз бўлсада қопланган.

Хусусан қуйидагилар қаттиқ тартибга солинган:

- тўлов жойи - банк (нақд пулсиз ҳисоб - китоб ташкилотчиси ва назоратчиси);
- тўлов вақти - маҳсулот жўпатилгани ёки хизмат кўрсатилганидан сўнг (тижорат кредити бўнақларининг таъқиқланганини билдиради);
- пул тўловчининг розилиги (акцепт) - тўлов учун асос;
- тўлов манбааси - харидорнинг ўз маблағлари ёки ҳуқуқи борлиги ҳолатида олинган банк кредити;
- қўллаш жабҳаси илгаридан белгиланган нақд пулсиз ҳисоб - китобларга оид ҳар бир шакллар.

Барча нақд пулсиз ҳисоб - китоблар фақатгина ички банк муомаласида юривчи тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилган.

Ҳисоб - китобларга оид кўрсатиб ўтилган тамойилларда қуйидагилар ҳисобга олинмаган: харидорнинг тўлов ва кредит қайтариш қобиляти, тўловларга оид бир вақтли навбат бузи-

лиши ҳолларининг ҳисоб - китоб иштирокчилари баланс ликвидлигига салбий таъсири, янада мосланувчан ҳисоб - китоб шакллари ва тўлов услубларини амалда қўллаш имкониятлари.

Иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланиши нақд пулсиз ҳисоб - китоблар тизими, шу ҳисобда уларни ташкиллаш тамойилларини ўзгартириш талабини юзага келтиради.

Бозор шарт - шароитида хўжалик юритишдаги нақд ҳисоб - китобларга оид биринчи тамойил - маблағ сақлаш ва ўтказиш учун мижозларга очиб берилувчи банк ҳисобрақамлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб - китобларни бажаришдан иборатдир.

Режали асосда хўжалик юритиш тизимидаги нақд пулсиз ҳисоб - китобларга оид биринчи тамойил - барча корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб - китобларини банк муассасалари орқали ўтказишдан иборат бўлган ва юқорида кўрсатиб ўтилган тамойилдан шу билан фарқ қилади. Маъмурий - буйруқ-бозлик усулби орқали иқтисодиётни бошқариш тизимида барча корхона ва ташкилотларнинг пуллари банк ҳисобрақамларида сақланиши шартлиги талаб этилган.

Бозор шарт - шароитида хўжалик юритишдаги банк орқали ҳисоб - китоб қилиш амалиёти бозор субъектларининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва ўз ҳаракатлари учун моддий жавобгарлик беришлари билан асосланиши шарт.

Шуни қайд этиш керакки, бозор шароитида нақд пулсиз ҳисоб - китоб қилиш тамойили юридик шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам тааллуқлидир. Илгарини эса бу тамойил фақатгина юридик шахсларга тааллуқли бўлган, chunki нақд пулли ва нақд пулсиз пул айлануви доиралари қонуний равишда аниқ чегараланган.

Иккинчи тамойил шундан иборатки, ҳисобрақамларда олинаётган тўловлар ҳисобрақам эгаларининг фармойишига кўра ва улар томонидан ўрнатилган навбат бўйича ҳамда ҳисобрақамдаги маблағ қолдиги чегарасида амалга оширилиши лозим. Бироқ хўжаликда ишлаб чиқариш тушкунлиги шароитида тўлов интизомининг ёмонлашгани ва инқироз жараёни руй бераётган сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ хўжалигида тўлов интизომини мустақамлаш ва ҳисоб - китобларни меъёрига келтириш юзасидаги қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 1994 - йил 1 - июлдан бошлаб миждозларнинг ҳисоб - китоб рақамларидан тўлов бажариш календар навбати қайтадан ўрнатилди (биринчи ўринда амалга оширилиши лозим бўлган ҳар қиллими эҳтиёж учун пул тўловлари, барча даражадаги бюджет тўловлари ва Ўзбекистон Республикаси Нафақа жамғармасига ўтказиладиган тўловлар бундан истисно). Мазкур маъмурий чора вақтинчалик тусга эга ва асосан, иқтисодиёт ривожланаётгани даврида даромад негизининг тўла меъёрида ва ўз вақтида шаклланишини ҳамда қўлга киритилган ва ҳаёт таъминловчи хўжалик жабҳаларини қўллаб - қувватлаш мақсадида зарур сарф - харажатларни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ғамхўрлигида рўёбга чиқарилган.

Ушбу тамойил бозор субъектлари томонидан тўловлар навбатини ва ўз ҳисобрақамларини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқини тасдиқлайди. Бу эса хўжалик юритувчиларнинг чинакам иқтисодий мустақилликка эришишлари борасида қилинган сезиларли одимдир. Шунингдек, ушбу тамойилда тўлов манбааси кўрсатилмаган ва бу ҳам ҳисобрақам эгасининг ўзида мавжуд айланувидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловни таъминлашга оид маъсулият борасидаги иқтисодий мустақилликни ўрнатиш учун муҳимдир. Бу ҳолда банк томо-

нидан бозор субъекти - ҳисоб - китоб ишгирокчисига нисбатан қўйиладиган асосий талаб бу ҳисобрақамда мавжуд маблағ қолдиги чегарасида тўловларни бажаришдир.

Учинчи тамойил - бозор субъекти томонидан нақд пулсиз ҳисоб - китоб шаклини эркин танлаш ва банк аралашувисиз муносабатлар мавжудлиги ҳолатида уларни хўжалик шартномаларида тасдиқлаш.

Бу тамойил ҳам, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча бозор субъектларининг шартномавий ва ҳисоб - китоб юзасидаги муносабатлари борасида иқтисодий мустақиллиги - тасдиқлаш ва ушбу муносабатлар маҳсулдорлиги учун моддий жавобгарликларини оширишга қаратилган. Банклар тўловларда воситачилик вазифасини бажарадилар.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоблар тўғрисидаги 1992 - йил 9 - июлда қабул қилинган Низом мазмуни пул тўловчини тўлов амалиётининг бош субъектига айлантиришга қаратилган, зеро барча шаклдаги нақд пулсиз ҳисоб - китобларда тўлов ташаббуси пул тўловига мансубдир. Бундай вазият мамлакат иқтисодиётига бозор муносабатларига мос келади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб - китоблар тўғрисидаги Низомда уччала айтиб ўтилган тамойиллар аниқ бўлмасада, лекин юзага чиқиб туради. Бироқ бизнинг фикримизча ушбу тамойилларга нақд пулсиз ҳисоб - китобларни ташкиллашга оид яна икки тамойилни қўшиш зарурдир: тўловнинг муддатлилиги ва таъминланганлиги.

Тўлов муддатлилиги тамойили ҳисоб - рақамларнинг хўжалик, кредит, суғурга шартномаларида, йўриқномаларда, жамоа шартномаларида, меҳнат битимларида, пудрат шартномаларида ва шу каби ҳужжатларда белгиланган муддатларга қараб қатъий бажарилишини билдиради. Бу тамойилнинг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, пул олувчи ўз ҳисобрақамига қачон бўлсада эмас, балки илгаригидан белгиланган ва

қатъий ўрнатилган муддатда маблағ тушишига манфаат бўлишдадир. Тўлов муддатлилиги тамойилининг жорий этилиши муҳим амалий аҳамиятга эга. Корхоналар ва бозор носабатларининг бошқа субъектлари тўлов муддати ҳақида маълумотга эга бўлганлиги ҳолатида ўзларининг пул айланмовини янада оқилона ташкил этишлари, қарзга олинган маблағларга бўлган эҳтиёжни ва баланс ликвидлигини янада аниқроқ белгилаб олишлари мумкин.

Муддатли тўлов қуйидаги ҳолларда бажарилиши мумкин:

- савдо амалиёти бошланганигача қадар, яъни мол етказиб берувчи томонидан маҳсулот жўнатиб юборилганигача ёки хизмат кўрсатганигача (бунак тўлови);
- савдо амалиёти тугатилганидан сўнг дарҳол, масалан тўлов топшириқномаси орқали;
- савдо амалиёти тугатилганидан сўнг маълум муддатда тижорат кредити шarti билан ва қарз мажбуриятининг расмийлаштирилмасдан ёки векселни ёзма равишда расмийлаштирилмасдан.

Амалда муддатидан илгари, муддати узайтириб берилган муддатидан муддатида бажарилмаган тўловлар учраши мумкин.

Муддатидан илгари бажарилган тўлов - айтилган муддат тугашигача қадар пул мажбуриятини бажарилиши.

Муддати узайтириб берилган тўлов кўзланган муддатда пул мажбуриятини қоплашга имконият йўқлигини кўрсатади ва ушбу тўлов буйича янги муддат ўрнатилиши, яъни дастлаб ўрнатилган муддатни маблағ олувчи билан келишган ҳолда узайтириб беришни кўзлайди.

Муддатида бажарилмаган тўлов пул тўловчида маблағ йўқлиги ва кўзланган тўлов муддати келганида банк ёки тижорат кредитини олиш имкониятининг йўқлиги ҳолатида юзачиқади.

Тўловнинг таъминлангани тамойили тўлов муддатлилиги

тамойили билан узвий боғлиқдир, чунки тўловнинг таъминланиши тўлов муддатига роя этиш учун пул тўловида ёки унга кафил бўлувчи шахсда пул олувчи олдидаги мажбуриятларни қоплаш учун сарфланиши мумкин бўлган ликвид маблағлар мавжудлигини талаб этади. Ликвид маблағлар ўз табиатига кўра тўловнинг жадалкор ва истиқболли таъминланиши учун хизмат қилади.

Жадалкор таъминот - пул тўловчи ёки унга кафил бўлувчи шахсда тўлов учун етарли бўлган биринчи тоифали ликвид-маблағ миқдорининг мавжудлигини кўзлайди (узоқ, ўрта, қисқа муддатли табиатга эга бўлган пул маблағлари ҳамда мажбуриятнинг ўз вақтида қопланишига кафолат берувчи ташкиллаш шакли).

Жадалкор таъминот турлича шаклларга эга бўлиши мумкин (шу ҳисобда кейинчалик пул олувчига ўтказиш учун мижоз ёки банк ҳисобидан маблағ қўшиш каби).

Истиқболли таъминот - хўжалик алоқаларини ўрнатиш босқичида тўлов ва кредит қайтариш қобилиятини баҳолашни кўзлайди (пул тўловчининг тўлов ва кредит қайтариш қобилиятига оид маълумотлар тақдим этилиши).

Тўловларнинг таъминланиши тамойили тўлов учун кафолат яратади, хўжалиқда тўлов интизомини мустаҳкамлайди ва демак, барча ҳисоб - китоб иштирокчиларининг тўлов ва кредит қайтариш қобилиятини мустаҳкамлайди.

Барча ҳисоб - китоб тамойиллари ўзаро узвий боғлиқдир. Улардан бирининг бузилиши бошқаларнинг ҳам бузилишига олиб келади.

Нақд пулсиз ҳисоб - китобларга оид амалиётлар мижозлар томонидан банкларга тегяшли ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг очиб берилувчи ҳисоб - китоб, жорий ва бошқа ҳисобрақамларда акс эттирилади.

Корхона ва ташкилотларнинг ҳар бири банкда фақат битта асосий ҳисобрақамга - ҳисоб - китоб ёки жорий ҳисобрақамига эга бўлиши мумкин.

Ҳисоб - китоб рақамлари - мулкчилик шаклидан қатъи назар тижорат ҳисоби тамойилига асосан иш юритаётган ва юридик шахс мақомига эга бўлган барча корхоналарга очиб берилади. Ҳисоб - китоб рақам эгаси ҳисобрақамдаги маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. У ўзининг алоҳида балансига эга бўлади, бюджет тўловлари бўйича мустақил тўловчи сифатида чиқади, банклар билан мустақил тарзда ўзаро кредит муносабатларига киришади. Бинобарин ҳисоб китоб рақамининг эгаси иқтисодий ва юридик жиҳатдан тўла мустақилдир.

Жорий ҳисобрақамлар - бутунги кунда тижорат фаолияти билан шуғулланаётган ва юридик шахс мақомига эга булмаган ташкилот ва муассасаларга очиб берилади. Анъанага кўра бундай ҳисобрақамлар федерал, республика ёки маҳаллий бюджетдаги жамоатчилик ташкилотлари ва муассасаларига очиб берилади. Жорий ҳисобрақам эгасининг мустақиллиги ҳисоб - китоб рақам эгасининг мустақиллигига нисбатан анча чегараланган. Зеро жорий ҳисобрақам эгаси ҳисобрақамдаги маблағлардан юқори ташкилот тасдиқлаган сарф - харажат ҳисобига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиши мумкин. Жорий ҳисобрақамлар бўйича ташкилотлар рўйхати тартибга келтирилади. Ушбу тадбир ҳисобрақам очилиши пайтида бажарилади. Ҳисоб - китоб рақамига эга бўлган хўжалик идоралари эса ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятига оид турлича амалиётларни бажаришлари мумкин ва бу юзадан ҳеч қандай рўйхат ўрнатилмайди, фақат ушбу амалиётлар қонунга зид бўлмаслиги лозим.

Тижорат банк муассасида ҳисоб - китоб рақамини очиб
ўчун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ҳисоб - китоб рақамини очиш учун белгиланган шаклдаги ариза;
- корхона давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги ҳужжат (тегишли ижрочи ҳоқимият идораси томонидан тасдиқланган);
- корхонани барпо этиш тўғрисидаги таъсис шартномасининг нусхаси (нотариал тасдиқланган);
- низом нусхаси (нотариал тасдиқланган);
- корхона директори ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (муассислар мажлиси баёни ёки контракт);
- корхона бош бухгалтери ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (ишга қабул қилингани тўғрисидаги буйруқ ёки контракт);
- корхонадаги биринчи мансабдор шахсларнинг имзо намуналари кўрсатилган ва корхонанинг муҳр изи босилган иккита варақа (нотариал тасдиқланган);
- "Корхона солиқ ундириш учун рўйхатга қўйилгани тўғрисида"ги солиқ вазирлигидан олинган маълумотнома;
- корхона нафақа жамғармасида рўйхатга қўйилгани ҳақидаги маълумотнома;
- статистика идораларининг қайд варақаси.

Барча санаб ўтилган ҳужжатлар банкнинг бошқа ҳуқуқшунос маслаҳатчиси ёки бош бухгалтерига топширилади. Ҳужжатлар тегишли тарзда экспертиза қилинганидан сўнг банк корхонага ҳисоб - китоб рақамини очиб беради (тегишли баланс банк ҳисобрақамида) ва тартиб рақамини белгилайди. Ҳисоб - китоб рақами очиб берилганида корхона билан банк ўртасида ҳисоб - китоб - касса хизматига онд шартнома тузилади.

Мазкур шартномага биноан банк ўз зиммасига қўйидаги вазифаларни олади: амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўз вақтида ялпи ҳисоб - китоб - касса хизматини кўрсатиш

(ҳисоб - китоб бажариш, пул ва ҳисоб - китоб чек дафтарчаларини бериш, шахсий ҳисобрақамдан кўчирма бериш, почта ва телеграф хизматини кўрсатиш, ҳисоб юритишга оид масалалар бўйича маслаҳат бериш ва ҳоказолар); миждознинг ҳисобрақамига тушган барча пул маблағларини таъминлаш ва миждознинг биринчи талабига кўра уларни қайтариб бериш; миждознинг ҳужалик фаолиятига оид маълумотларни сир тутиш; миждознинг амалиётлари бўйича тижорат сириши сақлаш.

Ўз навбатида миждоз қуйидагиларни бажаришга маждозият беради:

ҳисоб- китоб ва касса амалиётларини бажариш тартибига оид амал қилаётган мувофиқловчи меъерий ҳужжат талабларига риоя этиш; барча пул маблағларини фақат банк ҳисобрақамиде сақлаш; банкка белгиланган муддатда ва бухгалтерлик ҳисоб ҳамда ҳисобот тўғрисидаги Низом ва ҳисоб - китоб - касса хизматини ташиқиллаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжат талабларига жавоб берувчи бухгалтерлик ва статистик ҳисоботларни тақдим қилиш; ҳисобрақам беркилиши ҳамда ташиқилий ҳуқуқий шаклининг ўзгариши тўғрисида аввалдан ёзма равишда банкни хабардор этиш (келгусида нотариал тасдиқланган тегишли таъсис ҳужжатларини тақдим этиш шарти билан). Айрим ҳолларда миждозлар банкнинг акциядорни ёки пайчиси бўлишга маждоз этилиши ва уларга ўзларининг бўш маблағларини депозит ҳисобрақамларига жойлаштириш таклифи берилиши мумкин.

Миждозларга ҳисоб - китоб - касса хизматини кўрсатиш ишлари пулли бўлгани муносабати билан хизматлар қиймати ва ҳисоб - китоб қилиш тартиби шартномада маҳсус бўлимда кўрсатилади. Ҳусусан, ҳисобрақам очиш ҳақи, ҳисоб - китоб рақами бўйича амалиёт бажарилгани учун хизмат ҳақи (дебит айланувига нисбатан ёки ишлов берилган ҳужжатлар тури ва сонига нисбатан маълум фоиз ҳисобида), миждозларга касса

хизмати кўрсатилгани учун ҳақ (берилаётган нақд пул миқдорига нисбатан маълум фоиз ҳисобида) ва шу кабилар шартномада айтиб ўтилади. Айрим банклар мижознинг ҳисоб - китоб рақамидаги барқарор бўлган энг юқори ёки ўртача маблағ қолдиғи учун тўланадиган фоиз тўлови миқдорини ушбу бўлимга киритадилар.

Ҳисоб - китоб - касса хизматини кўрсатиш шартномасида томовлар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарлик чоралари белгиланади.

Мисол учун банк мижознинг ҳисобрақамидан маблағларни нотўғри ёки ўз вақтида эмас чиқариб юборгани, ёхуд мижозга тегишли маблағларни банк ҳисобига қўшгани учун жавобгардир.

Мижоз қуйидагилар бўйича жавобгарлик берадиб ҳисобрақамни очиш ва ҳисобрақам бўйича амалиёт бажариш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлиги; келгуси чорак касса таҳмини ўз вақтида тақдим этилмагани; банк томонидан кўрсатилаётган хизмат ҳақини тўлаш муддатига риоя этилмагани; банк томонидан мижоз учун зирхлаб қўйилган нақд пулларнинг буюртманомада кўрсатилган кунда олинмагани ва ҳоказо.

Санаб ўтилган ҳар бир тартиббузарлик бўйича иккала томонга ҳам тегишли бўлган жарималар миқдори шартномада белгиланади. Шунингдек, шартномада низоларни ечилиш тартиби, унинг амал қилмиш муддати, маҳсус ёки қўшимча шартлар тўғрисида айтиб ўтилади.

3.2. БАНКЛАРАО ҲИСОБ - КИТОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида ҳужжалиқдаги амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб - кито-

блар банклар ўртасидаги ҳисоб - китобларни вужудга келтиради.

Банклараро ҳисоб - китоблар - пул тўловчи билан олувчи ҳар хил банклар хизматидан фойдалангани ҳолатида ҳамда банклар бир - бирига кредит берганларида ва пулларни ўзаро ўтказганлари ҳолатида вужудга келади. Бундай ҳисоб - китоблар ҳар бир банкнинг бошқарувида очилган вакиллик ҳисобрақамлари орқали бажарилади.

Утмишда 1991 - йилгача банклар ўртасидаги ҳисоб - китоблар филиаллараро маблағ айлануви тизими орқали амалга оширилиб келинган. 1933 - йилда жорий қилинган филиаллараро маблағ айлануви тизими мамлакат тўлов муаммолари аксарият қисмини ўз ичидан ўтказган СССР Давлат Банк муассасалари ўртасида ҳисоб - китоблар бажарилишини таъминлаш ва ваффақият билан таъминлаб келган. ССР Ташқи Савдо Банк муассасалари ҳам шу тизимга кирган. СССР Давлат Банкнинг СССР Қурилиш Банки ва Давлат Меҳнат Омонат Банклари билан ҳисоб - китоблари СССР Қурилиш Банки ва Давлат Меҳнат Омонат кассалари учун СССР Давлат Банк Бошқарувида очиб берилган вакиллик ҳисобрақамлари орқали амалга оширилган. Қурилиш Банки муассислари ва омонат кассалари тизими ичидаги ўзаро ҳисоб - китоблар ҳам филиаллараро маблағ айлануви ҳисобрақамлари воситасида бажаририлган.

Филиаллараро маблағ айлануви тизими бўйича бажаририлган ҳисоб - китоблар жуда яхши соналган бўлиб, банк муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жорий меъриятга ва ягона мувофиқлик тартибига эга бўлган. Бундай тизим фақат бир банк филиаллари ўртасидаги муносабатларда амал кўрсатгани ҳолатидагина марказлашган тартибда хўжалик юритиш тизими шароитларида дифференциаллиги мумкин эди (мисол учун СССР Давлат Банки ёки Қурилиш

Банки ичида).

СССР бўлиниб кетиши ва унинг ҳудудида қатор мустақил давлатлар шаклланиши ҳамда кўп сонли мустақил тижорат-банклар барпо этилиши орқали бозор иқтисодиётига ўтилгани ҳолатида Республика ичидаги ва унинг ташқарисидаги банклараро ҳисоб - китоблар тизими турли банкларнинг маблағларини аниқ равшан чегаралаб бераолмаётган тизим сифатида сезиларли ўзгартирилиши зарур эди. Бундай ўзгаришлар банклар ўртасида вакиллик муносабатларига ўтишдан иборат бўлди.

Вакиллик ҳисобрақамлари воситасида банклараро ҳисоб - китоблар икки кўринишда ташкил этилади:

- тижорат банкларининг ўзаро вакиллик муносабатларига асосланган номарказлашган услубда;
- банклар ўртасидаги ҳисоб - китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида очиб берилган вакиллик ҳисобрақамлари орқали амалга оширилувчи марказлашган услубда.

Ўзбекистон Республикасида Банклар ўртасидаги ҳисоб - китоблар иккинчи (марказлашган) услубга асосланган. Банклар ўртасидаги ҳисоб - китоблар шу мақсадда махсус ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг Ҳисоб - китоб - касса Марказлари орқали амалга оширилади. Тижорат банк бошқаруви жойлашган ердаги ХККМларда банклар учун вакиллик ҳисобрақамлари очиб берилади. Банк филиаллари субҳисобрақам кўринишидаги вакиллик ҳисобрақамларига эга бўладилар. Вакиллик ҳисобрақамини очиш учун тижорат банклари қуйидагиларни тақдим этадилар: ҳисобрақам очиш ҳақида ариза, қайд этилган низом нусхаси (потариал тасдиқланган), банкдаги биринчи шахсларнинг имзо намуналари ва банк муҳри изи. Ҳисобрақам очилиши билан бир вақтда Ҳисоб - Китоб - Касса Маркази билан вакиллик муно-

сабатларига оид шартнома тузилади ва унда иккала томонларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ҳамда мажбурият бажарилмагани учун жавобгарлик чоралари белгиланади. Банклар миждозларига хизмат кўрсатиш доирасидаги барча амалиётларни ҳамда хўжалик субъекти сифатидаги банкнинг ўзини тегишли амалиётларни вакиллик ҳисоб рақамлари орқали бажарадилар. Банк муассасаси учун вакиллик ҳисобрақами бу - бир маънода "тижорат банкининг жами маблағлари сақланадиган ҳисоб - китоб рақами"дир (ўз маблағлари, ишлатилмаган маблағлар ёки миждозларнинг пуллари ҳамда бошқа кредит муассасаларидан қарзга олинган ишлатилмаган пуллари).

Тижорат банкининг вакиллик ҳисобрақамлари бўйича тўловларни амалга ошириш бош тамойили бу - уларнинг вакиллик ҳисобрақамида маблағ мавжудлиги ҳолатида ва шу маблағлар қолдиғи чегарасида бажарилишидан иборатдир.

Тўловни амалга ошириш учун банк ҳисобрақамида маблағ камлиги ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мазкур банк ҳисобрақамига нисбатан қўйилаётган даъво бўйича ўз кредитлари (авердруфт) ҳисобига ҳақ тўлаб қўйиши мумкин, лекин бу учун юқори фоиз тўлови ундириб олинади. Банклар ўртасида ҳисоб - китобларни ташкиллашга оид бундай тамойил тижорат банкларида депозит сиёсатини фаоллаштириш ва тегишли ликвидлик даражасига риоя этган ҳолда маблағ манбааларининг оқилона равишда ўз ўрнига қайтарилиши учун хизмат қилади. Банклараро ҳисоб - китобларнинг шу тарзда ташкил этилиши бошқа вакил банклар билан амалга оширилаётган ҳисоб - китобларнинг узлуксизлигига оид ҳар бир тижорат банкининг юқори маъсулдорлигини талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг банклараро тўловлардаги воситачилиги мамлакатда пул муомаласини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш имкониятини

Беради.

Ҳисобрақамлари бир банк муассасасида жойлашган ми-
жозлар ўртасидаги ҳисоб - китоблар вакиллик ҳисобрақамини
четлаб, тўғридан - тўғри мижозларнинг ҳисобрақамлари бўй-
ича маблағларни чиқариб юбориш ва қўшиб қўйиш орқали
амалга оширилади:

Дш - пул тўловчининг ҳисоб - китоб рақами;

Кш - пул олувчининг ҳисоб - китоб рақами.

Бир банк тобелигидаги муассасалар ўртасидаги ички бозор
ҳисоб - китоблари ҳам вакиллик ҳисобрақамини четлаб бажари-
рилиши мумкин. Бундай ҳисоб - китоблар ушбу мақсадда
маҳсус очилган, 890 - баланс ҳисобрақами орқали бажарилади.
Қолган барча ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси тижорат
банклари ўртасидаги ҳисоб - китоблар асосан Ўзбекистон
Республикаси Марказий Банкнинг Ҳисоб - Китоб - Касса
Марказлари орқали бажарилади ва ҳар бир алоҳида тижорат
банки учун "Тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари-
нинг ҳисобрақамлари" номли 161 - баланс ҳисобрақамида
очиқ бериладиган вакиллик ҳисобрақамларида акс эттирилади.

Ҳисоб - Китоб - Касса Марказлари ўртасида тижорат
банкларининг амалиё ларига оид ҳисоб - китоблар филиалла-
раро айлануви тизими орқали амалга оширилади. Банклараро
ҳисоб - китобларга оид Ўзбекистон Республикаси Марказий
Банки балансида икки ҳисобрақам очиқ берилди: 830 - сон-
ли "Бошланғич филиаллараро маблағ айлануви" ва 840 -
сонли "Жавобан ўтказилувчи филиаллараро маблағ айлану-
ви". Ҳисоб - китоб амалиётини бошлаган ҲККМ (бошланғич
маблағ ўтказмаси) шартли равишда "А" филиали, жавоб
ўтказма учун ҳужжатларни қабул қилган марказ эса "Б" фи-

лиали деб аталади. ҲККМлар ўртасидаги амалиётлар маҳсулоти ҳужжат - АВИЗО асосида бажарилади. Ушбу ҳужжат ҳисоб китоб амалиётининг бажарилгани ҳақидаги расмий хабарномадир. АВИЗО почта орқали ва телеграф орқали юборилиши мумкин ҳамда амалиёт мазмунига қараб дебетга оид ва кредитга оид бўлади.

ҲККМ фаолияти ҳисоблаш марказининг ишлашига беvosита боғлиқдир. Бугунги кунда тижорат банклари ўз фаолиятини автоматлаштириш учун марказлашган ва турли кўринишдаги локал тизимларидан ёки бирваракайига иккала тизимдан ҳам фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

Марказлашган тарзда маълумотларга ишлов бериш (ҲККМ қошидаги ҳисоблаш маркази орқали) тизимида бошқа шаҳарлар билан ўзаро баланс ҳисоб - китоблари қандай бажарилишини ўрганиб чиқайлик.

Пул тўловчи тижорат банки ўз мижозларининг ҳисобрақамларидан маблағларни олиш ва уларни ўз вакиллик ҳисобрақамида акс эттириш мақсадида барча амалиёт кунини ҳужжатларини алоқа йўллари орқали ҳисоблаш марказига юборади. Бунда қуйидагича ўтказмалар бажарилади:

Дп - мижозларнинг ҳисоб - китоб рақамлари;

Кп - 161 ҳисобрақам.

Ишлов берилган ҳужжатлар ҳисоблаш марказидан олинганидан сўнг банк Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларида жойлашган тижорат банкларининг мижозларига тегишли маблағларни қабул қилиш мақсадида ҲККМ (А филиал) учун ҳужжатларни шакллайди.

Ҳар бир пул олувчи банк бўйича умумий миқдордаги ҳужжатлар реестри тузилади, ҳақи тўланган барча пул - ҳисоб - китоб ҳужжатлари ва мижозларнинг ҳисоб рақамлари

ҳамда уларга хизмат кўрсатаётган банклар рўйхати, пул миқдорлари кўрсатилади, чинакам тўлов ҳужжатларининг иккинчи нусхалари илова қилинади. Шу тарзда шакллантирилган ҳужжатлар тўплами жавоб амалиёти ишгирокчилари бўлган хўжалик идораларининг ҳисобрақамлари очилган банк муассасаларига хизмат кўрсатаётган ҲККМ "Б" филиалига жўнатиш учун банк томонидан ҲККМ "А" филиалига юборилади.

ҲККМ "А" филиали "Б" филиалига ҳужжатларни жўнатишдан олдин унинг номига маҳсус топшириқ - авизо ёзади ва қуйидагича ўтказилма бажарилади:

Дт - 161 - ҳисобрақам;

Кт - 830 - ҳисобрақам,

яъни пул олувчи тижорат банкига ўтказиш учун пул тўловчи тижорат банкининг вакиллик ҳисобрақамидан пулларни чиқаради.

ҲККМ "Б" филиали авизони қабул қилиб, пулларни пул олувчи банкнинг вакиллик ҳисобрақамига қўшиб қўяди:

Дт - 840 - ҳисобрақам;

Кт - 161 - ҳисобрақам.

Айнан шу босқичда ҲККМ ("А" ва "Б" филиаллари) ўртасидаги ва ҳисоб - китобларда ишгирок этаётган тижорат банклари ўртасидаги ҳисоб - китоблар яқунланади. Кейинги босқичда маблағлар пул олувчи хўжалик идораларининг ҳисобрақамларига қўшиб киритилади, яъни миқозлар ўртасидаги ҳисоб - китоблар яқунланади. Ушбу мақсадда ҲККМ "Б" филиали ҳисоб маркази томонидан ишлов берилган ва "А" филиалидан қабул қилинган пул - ҳисоб - китоб ҳужжатларини пул олувчи банкка топширади (вакиллик ҳисоб рақами

дан олинган кўчирма билан биргаликда). Шу ҳужжатлар сизда пул олувчи банк пулларни бевосита пул олувчи ҳужжатидорасининг ҳисобрақамларига қўшиб қўяди:

Дт - 161 - ҳисобрақам

Кт - мижозларнинг ҳисоб - китоб рақамлари.

Марказлашган тарзда банклараро ҳисоб - китобларни ташкиллаш амалининг жиддий нуқсони ҳам бор, яъни ҳисоб китоб амалиётларини бажариш тезлигининг пастлиги. Бундан нуқсон қуйидаги сабабларга кўра мавжуддир: ҲККМ техник негизи қолоқлиги оқибатида ҳисоб - китоб ҳужжатларининг доимий равишда ортиб бораётган оқими борасида ўз вақтида ва сифатли ишлов бериш имкониятининг йўқлиги; куп сонли қоғоз орқали ахборот бериш воситаларининг қўллангани туфайли ҳисоб - китоб амалиётларини бажариш технологиясининг номукамаллиги; ҲККМлар ўртасидаги почта муомаласида ҳужжатларнинг ушланиб қолиши. Тўлов ишларининг секинлашуви корхоналарнинг молиявий аҳволига, бюджетнинг даромад қисмини шакллашга катта салбий таъсир куради ва тижорат банкларининг мижозлар билан ўзаро алоқаларини мураккаблаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Ҳисоб - Китоб - Касса Марказлари орқали банлараро ҳисоб - китобларни ташкиллаш ишларидаги бутунги жиддий камчиликлар (тўловларнинг сурункасига кечиктирилиши, банк ахборотида рухсатсиз эришиш ҳоллари) тижорат банкларини ўз ўрталарида тўғрисида тўғри вакиллик алоқалар ўрнатишга ундамоқда. Айрим тижорат банкларида тўғридан - тўғри ҳисоб - китоблар хиссаси умумий банклараро тўлов айланувининг ўндан бир қисмини ташкил этмоқда.

Бундай ҳисоб - китобларга оид (169 - баланс ҳисоб рақа -

ми бўйича) вакиллик ҳисобрақамлари шартнома асосида бир томонлама ва икки томонлама тартибда очилади. Бироқ ушбу ҳисоб - китоблар ҳам мукамал эмасдир. Одатда улар кўп поғонли бўлади ва шунинг учун бир амалиётда учта - тўртта банклар иштирок этиши мумкин. Вакиллик ҳисобрақамларидан маблағларни чиқариб юбориш амали факс нусхаси асосида бажарилади, бу нусхалар эса юридик жиҳатдан қонуний кучга эмасдир. Тижорат банкларининг техник жиҳатдан етарли даражада таъминланмаган тўғридан - тўғри ҳисоб - китобларга салбий таъсир кўрсатади. Тўғридан - тўғри банклараро ҳисоб - китобларнинг аҳамияти асосий ўрин эгаллаши мумкин эмас, яъни улар умумий миллий банклар ўртасидаги ўзаро ҳисоб - китоблар тизимида қўшимча сифатидагина кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки банклараро ҳисоб - китобларнинг асосий ҳажмини ўз ичидан ўтказувчи ва бутун мамлакат бўйича кенг тарқалган филиаллар тармоғига эгадир. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки банклараро ҳисоб - китобларнинг ташкилий негизидир ва шу сифатда янада фаолроқ амал кўрсатиши зарур. Давлат томонидан қўллаб - қувватлангани ҳолатида тижорат банкларининг маблағларини жалб этиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки жаҳон ютуқлари даражасига мос келувчи юқори самарали умумдавлат банклараро ҳисоб - китоблар тизимини яратиши керак. Бу борадаги муаммо ушбу тизимнинг техник жиҳатдан таъминланганига тақалади. Бир бирига бирламчи ҳужжатларни жўнатишдан банкларни озод этувчи электрон тўловлар ташкил этилиши тадбири биринчи ўринли аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки орқали бажарилувчи банклараро ҳисоб - китоблар тизимида қўшимча сифатида турли хил клиринг тузилмалари амал қилари ҳақида тижорат банклари ўртасида тўғридан - тўғри ҳисоб - китоблар бажарилиши мумкин.

Хорижий банклар билан ҳисоб - китоблар борасида нинг банклар, асосан, маълумотларга ишлов бериш Голландияда жойлашган СВИФТ халқаро банклараро га қараб иш олиб борадилар. Бугунги кунда бир неча банкларимиз ушбу тизимга киради.

3.3. АМАЛДАГИ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ - КИТОБ ШАКЛЛАРИ

Моддий ишлаб чиқариш - нақд пулсиз ҳисоб - китобнинг иқтисодий негизидир. Шунинг учун ҳам тўлов айлануви нинг аксарият (тўртдан уч қисмига яқин) қисми мол бажарилган амалиётларга оид, яъни юклаб жўнатишлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун тўлов каби ҳисоб - китобларга тўғри келади.

Тўлов айланувининг қолган (тўртдан бир қисмига яқин) қисми молсиз бажарилган амалиётларга оид, яъни корхона ташкилотларнинг бюджет билан, давлат ва ижтимоий сўғалаш идоралари билан, кредит муассасалари билан, бошқариш идоралари, суд, арбитраж ва ҳоказолар билан ҳисоб - китобларига доир ҳисоб - китоблардан иборатдир.

Корхона ва уларга хизмат кўрсатаётган банкларнинг ҳудудий жойлашувига қараб ўзга шаҳарлар ўртасидаги ва бир шаҳар ичидаги ҳисоб - китоблар ажратилади. Аҳоли жойлашган бир ердаги бир ёки турли банк муассасалари томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб - китоблар бир шаҳар ичидаги ва маҳаллий ҳисоб - китоблар деб аталади. Турли аҳоли жойлашган ерлардаги банк муассасалари томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб - китоблар ўзга шаҳарлар ўртасидаги ҳисоб - китоблар деб аталади.

Мол ва хизматлар учун ҳамда молиявий мажбуриятлар

билан боғлиқ нақд пулсиз ҳисоб - китоблар турли шаклларда амалга оширилади. Ушбу шаклларнинг ҳар бири ҳисоб - китоб ҳужжатлар табиати ва ҳаракати бўйича ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ҳисоб - китоб шакли ўзаро боғлиқ унсурлар бирикмасидан иборатдир. Бундай унсурлар қаторига тўлов услуби ҳамда унга тегишли ҳужжат муомаласи киради.

Ҳужжатлар муомаласи бу ҳисоб - китоб ҳужжатлари ва пул маблағларининг ҳаракатланиши, ишлатилиши ва расмийлаштирилиши тизимидир. Унинг таркибига қуйидагилар киради: юк жўнатувчи томонидан фактура - ҳисоб - китоби ёзиб берилиши ва унинг ҳисоб - китобидаги бошқа иштирокчиларга топширилиши; ҳисоб - китоб ҳужжатининг мазмуни ва унинг реквизитлари (зарур ёзувлар); ҳисоб - китоб ҳужжати-ни тузиш муддатлари ва уни банкка ҳамда бошқа ҳисоб - китоб иштирокчиларига тақдим этиш тартиби; банк муассасалари ўртасида ҳисоб - китоб ҳужжатининг ҳаракати; ҳисоб - китоб ҳужжатининг ҳақини тўлаш, пул маблағларини ўтказиш ва қабул қилиш тартиби ҳамда муддатлари; ҳисоб - китоб иштирокчилари ўзаро назорат ўрнатишлари учун ва иқтисодий таъсир чораларини қўллаш мақсадида ҳисоб - китоб ҳужжатидадан фойдаланиш тартиби.

Яқин вақтга қадар нақд пулсиз ҳисоб китоблардаги асосий шакл - мол етказиб берувчиларнинг тўлов топшириқнома-лари асосида амалга оширилувчи акцепт шакли бўлиб келган. 1990 - йил бошланишида умумий тўлов айланувидаги акцепт улуши 44 - 45 фоизни, мол - маҳсулот ва хизматларга оид тўловларда эса 66 - 67 фоизни ташкил қилган. Акцепт шаклининг устиворлигини унинг бошқа шаклларга қараганда маъмурий буйруқбозлик услубида бошқариш тизими амал қилган шароитда ишлаб чиқилган нақд пулсиз ҳисоб - китобларни ташкиллаш тамойилларига кўпроқ даражада мос

келганлиги билан тушунтириш мумкин.

Бугунги кунда бозор шаклида хўжалик бошқаришга лгани муносабати билан акцерт шаклидаги ҳисоб - китоб бекор қилинган, хўжаликларга эса шундай ҳисоб - китоб шаклларидан фойдаланиш тавсия этиладики, уларда ишчи чиқарувчининг ҳукмронлиги йўқ қилиниши ва тўлов бажариш ташаббуси пул тўловчиларнинг ўзларига қўйиб берилиши мумкин.

Амалдаги қонунларга мувофиқ бугунги шарт - шавроетни қуйидаги нқд пулсиз ҳисоб - китоб шаклларидан фойдаланишга рухсат берилади:

- тўлов топшириқномалари;
- тўлов талабномалари;
- чеклар;
- аккредитивлар.

Пул тўловчи билан пул олувчилар ўртасидаги ҳисоб - китоб шакллари уларнинг ўзлари томонидан хўжалик шартномалари (келишувлари)да белгиланади.

Пул тўловчи билан пул олувчи ўртасидаги ҳисоб - китобларга оид ўзаро низолар банк муассасаларининг иштирокида икки томонлама кўриб чиқилади. Келишилмаган масалалар суд, ҳакамлар суди, арбитраж томонидан ҳал этилади.

Ҳисоб - Китоб - Касса амалиётларига боғлиқ банкни нисбатан қўйилувчилар мижоз томонидан ўзига хизмат кўрсатётган банкка ёзма равишда юборилади, банкларнинг ўзлари эса ушбу даъволар бўйича ўз ўрталарида ва ҲККМ иштирокида хат ёзишадилар.

Ҳисобрақам эгасининг маблағлари ҳисобрақамидан нотўғри ёки кечиктириб чиқариб юборилгани шунингдек, пул миқдорлари ҳисобрақамга нотўғри ёки кечиктириб қўшилгани ҳолатларида ҳисобрақам эгаси вақтида қўшиб киритилмаган

ёки нотўғри чиқариб юборилган пул миқдорининг 0,5 фоизи ҳажмида кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз фойдасига жарима тўловинини банкдан талаб этишга ҳақлидир.

Ҳисоб - китоб ҳужжатлари - амалдаги ҳисоб - китоб шаклларида қўлланувчи ҳисоб - китоб ҳужжатлари андозавий талабларга мувофиқлиги ҳолатидагина банк томонидан ижро учун қабул қилинади ва бинобарин қуйидаги маълумотлардан ташкил этилиши шартдир:

- ҳисоб - китоб ҳужжатининг номланиши;
ҳисоб - китоб ҳужжатининг тартиб рақами, ёзиб бериш кунни, ойи, йили;
- пул тўловчининг номи, банкдаги ҳисобрақами, банкнинг номи ва тартиб рақами;
- пул олувчининг номи, банкдаги ҳисобрақами, банкнинг номи ва тартиб рақами;
- тўлов мақсади (чекда кўрсатилмайди);
- тўлов миқдори (рақам ва сўз билан).

Ҳисоб - китоб ҳужжатининг биринчи нусхаси банкдаги ҳисобрақамдан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан имзоланган бўлиши шарт ва муҳр изи босилган бўлиши зарур. Ҳисоб - китоб ҳужжатининг биринчи нусхаси асосидагина пул тўловчининг ҳисобрақамидан маблаглар чиқариб юборилиши мумкин.

Одатда ҳисоб - китоб ҳужжатлари (чеклардан ташқари) кўчирма қоғоздан фойдаланиб бир ёзишда техник воситаларини қўллаб ёзиб берилади. Чеклар сиёҳ ёки пастали ручкада қўл ёзма равишда ёзиб берилади.

Ҳисоб - китоб ҳужжатлари банк томонида амалиёт куни давомида ишлаш учун қабул қилинади. Анъанага кўра банк амалиёт куни кундузги соат 12⁰⁰ гача белгиланади. Амалиёт вақтида мижозлардан қабул қилинган ҳужжатлар шу куннинг ўзидаёқ банк томонидан баланс бўйича ўтказиб берилади.

3.3.1. ТўЛОВ ТОПШИРИҚЛАРИ ВОСИТАСИДАГИ ҲИСОБ - КИТОБЛАР

Тўлов топшириғи - ҳисобрақам эгаси томонидан ўзинини (ҳисоб - китоб, жорий, бюджет, ссуда) ҳисобрақамидан маълум пул миқдорини бир шаҳарда ёки ўзга шаҳарларда жойлашган шу ёки бошқа банк муассасасидаги пул олувчи бошқа корхонанинг ҳисобрақамига ўтказиш тўғрисида банкка берган ёзма фармойишидир.

Ҳисоб - китобларда тўлов топшириқларини қўллаш имкониятлари жуда кенгдир. Уларнинг ёрдамида хўжаликдаги мол билан ва молсиз бажариладиган амалиётларга оид ҳисоб - китоблар амалга оширилади. Қолаверса барча молсиз бажарилувчи тўловлар фақат тўлов топшириқлари воситасида амалга оширилади.

Мол - маҳсулот ва хизматлар учун ҳисоб - китоб қилишда тўлов топшириқлари қуйидаги ҳолларда қўлланади:

- олинган мол ва кўрсатилган хизматлар учун, яъни тўғридан - тўғри молни акцептлаш орқали (Топшириқда пул тўловчи томонидан мол ва хизматлар қабул қилинганини тасдиқловчи мол - транспорт ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади);
- мол ва хизматларга илгаридан ҳақ тўлаш тартибидаги тўловлар учун (илгаридан ҳақ тўлаш шарти айтиб ўтилган шартнома, битим, контрактнинг тартиб рақами топшириқда кўрсатилади);
- мол билан бажарилган амалиётлар бўйича кредиторлик қарзни қоплаш учун;
- суд ва арбитраж қарорларига биноан мол ва хизмат учун ҳисоб - китоб қилишда;
- хоналарга доир ижара ҳақи бўйича;

- транспорт, коммунал, маиший хизмат корхоналарига ҳақ тўлаш учун ва ҳоказо.

Молсиз бажарилувчи амалиётлар бўйича ҳисоб - китоб қилишда тўлов топшириқлари қуйидаги ҳолларда қўлланади:

- бюджет тўловларида;
- банк ссудаларини ва ссуда бўйича фозиларни қоплашда;
- давлат ва ижтимоий суғурталаш идоралари томонидан маблағ ўтказишда;

хиссадорлик жамият, ширкат ва шу кабиларни таъсис этишда низомий жамғармага бадал киритишда;

- акция, облигация, депозит сертификатлари, банк векселларини харид қилишда;
- пеня, жарима ва шу каби тўловларда.

Тўлов топшириғи пул тўловчи томонидан белгиланган шаклдаги иш хос қоғозида ёзиб берилади ва унда тўловни бажариш учун заур бўлган барча реквизитлар кўрсатилади. Одатда тўлов топшириғи тўрт нусхада банкка тақдим этилади. Ушбу нусхаларнинг ҳар бири маълум мақсадда ишлатилади:

- 1 - нусхада пул тўловчининг ҳисобрақамидан маблағларни чиқариб юбориш учун ишлатилади ва банк ҳужжатларида қолдирилади;
- 2 - нусха тўлов топшириғи ижро учун қабул қилингани ҳақидаги тилхат сифатида ва банкнинг тўртбурчак муҳри босилгани ҳолатида пул тўловчига қайтариб берилади;
- 3 - (ёки 4 -) нусха жўнатиб юборилади (ёки электрон почта орқали жўнатилади).

Тўлов топшириғи пул тўловчининг ҳисобрақамида етарлича маблағ мавжудлиги банк томонидан ижро учун қабул қилинади. Ҳўжалик идорасида ссуда олиш ҳуқуқи мавжудлиги ҳолатида тўловни амалга ошириш учун банк ссудасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тўлов топшириғи бўйича ҳақ тўланганида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

пул тўловчининг банкида:

Дтп - пул тўловчининг ҳисоб - китоб рақами (ёки ссуда ҳисобрақами);

Ктп - 161 - ҳисобрақам (пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкнинг ҲҚКМдаги вакиллик ҳисобрақами).

мол етказиб берувчининг банкида:

Дтп - 161 ҳисобрақам (мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкнинг ҲҚКМдаги вакиллик ҳисобрақами);

Ктп - мол етказиб берувчининг ҳисоб - китоб рақами.

Тўлов топшириғи ёзиб берилган кундан бошлаб (ёзиб берилган кунни ҳисобламасдан) 10 кун мобайнида амал қилади.

Мол етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш ишлари муайян равишда амалга оширилгани ҳолатида харидорлар мол етказиб берувчилар билан режавий тўловлар тартибда тўлов топшириқлари воситасида ҳисоб - китоб қилишлари мумкин. Бу ҳолда ҳисоб - китоблар юклаб жўнатилган ҳар бир алоҳида мол ёки кўрсатилган ҳар бир алоҳида хизмат бўйича эмас, балки келгуси ойда, чоракда мол ва хизматларни сотиш режаси асосида маълум муддатларда ва маълум миқдорларда харидорнинг ҳисобрақамидан мол етказиб берувчининг ҳисобрақамига даврий тартибда маблағ ўтказиш орқали амалга оширилади. Бу тарадаги ҳисоб - китоблар қуйидаги корхоналар

Ўртасида бажарилиши мумкин: савдо ташкилотлари билан уларнинг таъминотчилари (гўшт, нон, сут ишлаб чиқариш корхоналари) ўртасида; ёнилғи ишлаб чиқариш ва электр ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида; кўмир, газ, электрқуввати ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида.

Режавий тўловлар тартибида ҳисоб - китоб қилиш ишлари тўлов ўтказиш борасидаги энг илғор шаклдир, зеро унинг негизида пул ва молларнинг қарама - қарши ҳаракати ётади, бу эса ҳисоб - китоб тезлашувига ва ўзаро дебиторлик - кредиторлик қарзларнинг қисқаришига олиб келади, ҳисоб - китоб бажариш жараёнини соддалаштиради, корхона ва ташкилотларга ўз тўлов айланувини илгаридан режалаш имкониятини беради.

Шу муносабатда ва қишлоқ хўжалик мол ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамда озиқ овқат ва қайта ишлаш саноат корхона, ташкилотларининг молиявий аҳқолини нормалаштириш ҳамда ҳаёт таъминловчи ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиши учун шароит яратиш ва уларни қўллаб - қувватлаш мақсадида режали тўлов тартибида ҳисоб - китоб қилишдан фойдаланиш тажрибаси авж олдирилган. Бундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мулкчилик шаклидан қатъий назар харидорлар билан қишлоқ хўжалик мол ишлаб чиқарувчилари ва озиқ овқат ҳамда қайта ишлаш саноат корхоналари ўртасида доимий хўжалик алоқалар мавжудлиги ҳолатида етказиб берилган маҳсулот учун тўловлар режали тартибда амалга оширилишини белгилаган. Маблағлар томонлар ўртасида тузилган шартномаларда келишилган миқдорда ва муддатларда бир ойда уч маротабадан кам бўлмаган тартибда ўтказилади.

Айтиб ўтилган режали тўловлар бир шаҳардаги ва ўзга шаҳарлар ўртасидаги ҳисоб - китобларда қўлланади. Ҳар бир

тўловлар миқдори келгуси ой (чорак) учун томонлар келиш-
виға мувофиқ ва шартномада келишилган тўловлар даврийли-
ги ҳамда мол етказиш ҳажми ёки илгариги давр мобайнида
ҳақиқатда етказиб берилган мол ҳажмидан келиб чиққан ҳо-
лда белгиланади.

Етказиб берилган қишлоқ хужалик ва озиқ овқат маҳсу-
лотлари шартномада кўрсатилган миқдордан катта фарқ қи-
лганлиги ҳолатида томонлар шартномага ҳисоб - китоб тарти-
бига оид тегишли ўзгариш киритишлари мумкин. Бунда са-
аввалидаги биринчи бор - иккинчи тўловлар шу давр учун
мулжалланган режадаги ҳажмдан келиб чиққан ҳолда бажа-
рилади, кейинги тўловлар эса илгариги давр мобайнида ҳақи-
қатда етказиб берилган мол ҳажмига қараб амалга оширила-
ди.

Томонлар қишлоқ хужалик ва озиқ овқат маҳсулотлари-
га оид ўтган давр мобайнида ҳақиқатда етказиб берилган
миқдорга қараб ўзаро ҳисоб - китобларни бир ойда бир марта
текшириб туришлари ва кейинги тўловни ўтказишда креди-
торлик - дебиторлик қарзларни қушиб ҳисоблашлари шарт.

Ҳар бир режали тўлов бўйича банкка алоҳида тўлов топ-
шириги тақдим этилади ва харидор томонидан "Тўлов тури"
хонасида муддати (кун, ой)га кўра режали тўлов кўрсати-
лади.

Топширикнинг туғри расмийлаштирилгани банк томони-
дан текшириб чиқилганидан сўнг пул тўловчининг ҳисобрақа-
мидан маблағлар чиқариб юборилади. Харидорнинг ҳи-
собрақамида маблағ йўқлиги ҳолатида режали тўлов муддати
келган кун тўлов топшириги банк томонидан - пули тўлан-
маган ҳисоб - китоб ҳужжатлари картотекасига қабул қили-
нади ва "Муддатида ҳақи тўланмаган ҳисоб - китоб ҳужжат-
лари" номли 9929 - баланسدан ташқари ҳисобрақамга кириш-
тирилади. Унинг ҳақи биринчи навбатли бюджет, нафақа

жамғармаси, иш билан банд қилиш жамғармаси, мажбурий
тиббий суғурталаш жамғармасига туланганидан кейин ҳи-
собрақамга маблағ тушганлиги сари туланади.

Пул тўловчилар келгуси ой учун режали тўловларга оид
тўлов топшириқларини илгаридан банкка топширишлари
мумкин. Бу ҳолда тўлов топшириқлари маҳсус қайддафтарда
рўйхатга олинади ва уларнинг ҳақи тўлов муддати келган
кунда туланади. Режали тўловларга оид тўлов муддати келма-
ган тўлов топшириқлари низомга риоя этилгани ҳолатида пул
тўловчи томонидан қайтариб олиниши мумкин.

Қишлоқ хўжалик мол ишлаб чиқарувчилари ҳамда озиқ
овқат ва қайта ишлаш саноат корхоналари режали тўлов тар-
тибидаги ҳисоб - китобларга ўтаётганликлари шароитида бан-
кларга пул тўловчи корхоналардан битим нусхаларини ёки
режали тўлов тартибидаги ҳисоб - китобларга оид битимлар
тузилган корхоналарнинг рўйхатини олиш тавсия этилади.
Бунда ҳисоб - китоб даврларининг қанча давом этиши, тўло-
вларни ўтказиш муддатлари, ҳисобрақамларни текшириш
муддатлари ва ҳисоб - китобларни яқунлаш тартиби кўрсати-
лиши зарур.

Нақд пулсиз ҳисоб - китобларга оид амалдаги Низомда
алоқа корхоналари орқаси пул ўтказмалари бўйича тўлов ба-
жаришда тўлов топшириқлари воситасида ҳисоб - китоб қи-
лиш юзасидан маҳсус тартиб белгиланган.

Корхона ва ташкилотларга қуйидаги мақсадлар учун
алоқа корхоналари орқали пул ўтказмаларини чекланмаган
миқдорда амалга ошириш ҳуқуқи берилган:

- шаҳсан тегишли маблағларни (нафақа, алимент, иш ҳақи,
сафар харажатлари, муалифлик ҳақи)ни алоҳида фуқаро-
нинг номига ўтказиш;
- иш ҳақини тўлаш, ташкилланган тарзда ишчиларни ёллаш,
қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш сарф - хара -

жатлари учун банк муассасалари йўқ жойдаги корхоналарга.

Бу ҳолларда пул тўловчи корхона энг яқин жойлашган почта бўлими учун тўлов топшириғини ёзиб, ўтказилаётган пул миқдорининг мақсади (масалан муаллифлик ҳақи ва шу кабилар)ни кўрсатади ва уни ўз банк муассасига топширади. Пул тўловчи тўлов топшириғига қўшимча тарзда аниқ пул олувчи учун ёзиб тўлдирилган пул ўтказма варақасини, шунингдек, барча пул ўтказма олувчиларининг умумий рўйхатини (2 нусхада) илова қилади ва пулни ким, қай мақсадда олаётганини, ўтказма қайси шаҳарга ёки аҳоли яшаш жойига юборилаётганини кўрсатади.

Бухгалтерлик банк ўтказмалари:

Дт - пул тўловчи (пул ўтказмасини берувчи) корхонанинг ҳисоб - китоб рақами;

Кт - пул маблағларини ўтказаетган почта бўлимининг ҳисоб - китоб рақами.

Маблағ ўтказаетган алоқа корхонаси эса ўз навбатида ушбу пул ўтказмаси бўйича тўлов бажарувчи бўлими номига ўз банк муассасаси орқали тўлов топшириғини ёзиб беради. Ушбу топшириққа илова қилиб пул ўтказувчиларга тегишли тўлдирилган пул ўтказма варақалари ва ўтказма олувчиларнинг умумий рўйхат нусхаси берилади.

Бухгалтерлик банк ўтказмаси:

Дт - пул маблағларини ўтказаетган почта бўлимининг ҳисоб - китоб рақами;

Кт - пул ўтказмаси бўйича ҳақ тўловчи почта бўлимининг ҳисоб - китоб рақами.

Бунда банклар ўртасидаги пул маблағлар ҳаракати уларнинг ҲҚКМдаги 161 - баланс ҳисобрақамида очилган вакиллик ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади. Алоқа корхоналари қабул қилинган пул ўтказмалари бўйича нақд пул билан ҳақ тўлайдилар ёки маблағларни ўтказма олувчиларнинг ҳисобрақамларига қўшиб киритадилар. Қолаверса, юридик шахсларга жўнатилган пул ўтказмалари бўйича фақат нақд пулсиз шаклда, шунингдек ҳар бир пул олувчига оид жами пул ўтказма умумий миқдори бўйича тўрт нусхада тузилган топшириқлар воситасида ҳақ тўланади.

Хўжалик субъектлари банкларда очилган ўз ҳисобрақамларига алоқа корхоналари орқали нақд савдо тушум пулларини ўтказишлари мумкин. Пул ўтказувчи шахс почта ўтказма варақасида қуйидагиларни кўрсатиш шарт:

- ўзининг тўла номланишини;
- пул тушуми қўшиб киритилиши лозим бўлган банк ҳисобрақамининг тартиб рақами;
- ушбу ҳисобрақам очилган банкнинг номи ва тартиб рақами;

Алоқа корхонаси савдо тушумини ўтказиш билан боғлиқ барча пул ўтказмалари бўйича ўтказма олувчининг номига умумий пул миқдорига доир тўлов топшириғини тузиши ва ушбу топшириқни мажбур алоқа корхонасига хизмат кўрсатаётган банкка топшириши шарт. Савдо тушумини ўтказишга боғлиқ барча топшириқ нусхаларининг тескари томонида алоқа корхонаси савдо тушумини ўтказиётган шахсларнинг аниқ номи ва савдо тушуми ҳисобидан банкка ўтказилаётган пул миқдорларини кўрсатиши шарт.

Тўлов топшириқлари воситасида ҳисоб - китоб қилиши ишлари бошқа ҳисоб - китоб шакллариغا нисбатан қатор афзалликларга эга, хусусан: нисбатан оддий ва тез ҳужжат айлануви: пул маблағ ҳаракатининг тезлашуви; ҳақ тўланаёт -

ган мол ва хизматлар сифатини олдиндан текшириш имконияти; молсиз бажарувчи тўловларда ушбу шаклни қўллаш имконияти. Ушбу имкониятлар тўлов топшириқлари воситасидаги ҳисоб - китобларни энг илғор ҳисоб - китоб шакли қаторига чиқаради.

ТЎЛОВ ТАЛАБНОМА - ТОПШИРИҚЛАРИ ВОСИТАСИДАГИ ҲИСОБ - КИТОБЛАР

Тўлов талабнома - топшириғи - илова қилинган юк ва мол ҳужжатлари, шартномага кўра етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар қийматига асосланган мол етказиб берувчи томонидан харидорга нисбатан қўйилган талабидир.

Тўлов талабнома - топшириғи ҳақиқатда юклаб жўнатишган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматларга асосланиб уч нусхадаги андозаланштирилган иш хос варақасида мол етказиб берувчи томонидан ёзиб берилади ва тўлов учун юк ҳужжатлари билан биргаликда харидорнинг банкига юборилади. Талабнома - топшириғи инкассо учун ҳам қабул қилиниши мумкин (мол етказувчининг банкида).

И н к а с с о - мижознинг топшириғига кўра унга тегишли маблағларни ҳисоб - китоб, мол ва пул ҳужжатларига асосан бошқа корхона ташкилотлардан олиш билан боғлиқ банк амалиётидир. Инкассо хизматини кўрсатишда мол етказиб берувчининг банки тўлов талабнома - топшириқларини маҳсуе почта тарзида алоқа идоралари орқали пул тўловчининг банкига ўзи жўнатади. Пул тўловчи билан харидор ҳамда уларнинг банклари ўртасида ўзаро келишув мавжудлиғи ҳолатида ҳисоб - китобларни тезлаштириш мақсадида почта орқали ҳужжат жўнатиш ишлари телетайп ёки телефакс орқали ҳужжат мазмунини етказиш билан алмаштирилади.

Мол етказиб берувчининг банки томонидан миждозга кўрсатилган инкассо хизмати учун хизмат ҳақи олинади.

Тўлов - талабнома - топшириғи воситасида ҳисоб - қилиш ташаббуси мол етказувчига тегишли бўлганлиги муносабати билан ушбу ҳужжат бўйича ҳақ тўлаш ишлари фақат харидорнинг розилиги (акцепт) асосида амалга оширилиши мумкин. Шу мақсадда харидорнинг банкка келган тўлов талабнома - топшириқлари маҳсус қайддафтарыда рўйхатга олинди ва акцептлаш учун тилхат остида бевосита пул тўловчига берилади.

Мамлакат банк тажрибасида акцентлашнинг турли шаклларига оид маълумот тўпланган: ижобий ва салбий, аввалдан ва кейинги, тўла ва қисман.

И ж о б и й акцепт - ушбу шаклдаги акцептлашда пул тўловчи ҳақ тўлаш талабидан иборат бўлган ҳар бир ҳисоб - китоб ҳужжати бўйича ҳақ тўлашга розилиги ёки акцептдан бош тортишганлиги юзасидан ёзма равишда ариза бериши шарт.

С а л б и й акцепт - бу шаклдаги акцептлашда пул тўлови акцептдан бош тортаётганлиги ҳақидагина ёзма равишда банкни хабардор этади. Шартлашилган муддатда берилмаган бош тортишлик аризаси ҳақ тўлаш учун розилик берилгани сифатида кўрилади (индамай акцентлаш).

А в в а л д а н акцептлаш - пул тўловчи ҳақ тўлашга рози эканлигини ҳисобрақамдан маблағ чиқариб юборилганига қадар билдиради. Бу ҳолда бош тортишлик юзасидан уч иш куни мобайнида банкка ариза берилмагани ҳолатида ҳисоб - китоб ҳужжати акцептланган деб саналади (ҳисоб - китоб ҳужжати банкка қабул қилинган кун бунга кирмайди). Тўлов амали акцепт муддати тугагандан кейинги кунда бажарилади. Масалан тўлов талабнома - топшириғи 25 - октябр (жума) куни пул тўловчининг банкка келиб тушган; 26 - 27 октябр - дам олиш кунлари; 28 - 29 - 30 октябр - аввалдан ак -

центлаш муддати; 31 октябр - тўлов куни.

К е й и н г и акцепт - банк амалиёт куни давомида бул қилинган ҳисоб - китоб ҳужжатлари бўйича дарҳол тўлов бажарилишини кўзлайди. Пул тўловчида кейинчалик уч иккунли мобайнида акцептдан бош тортиш ҳақида ариза бериш ҳуқуқи сақланиб қолади. Масалан ҳисоб - китоб ҳужжати 25 октябр (жума) куни банкка келиб тушган ва у бўйича ҳақ тўланиши лозим бўлган 26 - 27 октябр (дам олиш кунлари) ҳисобга олинмайди; 28 - 29 - 30 октябр - кейинги акцепт оид ариза бериш кунлари.

80 - йиллар охиригача амалда энг афзал акцепт шакли ўрнида келгуси табиатга эга бўлган салбий акцепт қўлланган. Чунки бу шаклдаги акцептлаш пул маблағлари ҳаракатини ва ҳақ олишни тезлаштиради.

1990 - 1991 - йилларда ҳисоб - китоблардаги ташкилий ўзгаришлар (кўп сонли янги ҳўжалик субъектлари ва тижорат банкларининг пайдо бўлиши ҳамда банклар ҲҚКМлар орқали ҳисоб - китоб қилишга ўтганлиги) муносабати билан асосий акцептлаш шакли ўрнида аввалги табиатга эга салбий акцепт қўллана бошлади.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоблар ҳақидаги Низомда тўлов талабнома топшириқлари воситасида ҳисоб - китоб қилишда доимо илгариги табиатга эга бўлган ижобий шаклдаги акцептлашнинг қўлланиши кўзланган.

Пул тўловчи томонидан ариза орқали билдирилган акцептдан бош тортишлик тўла ёки қисман бўлиб, албатта сабаб би кўрсатилиши шарт.

Акцептлашдан бош тортишликнинг анъанавий сабаблари:

- молга буюртма берилмаган;
- ҳисобрақамнинг молсиз бажарилувчи амалиётларга мансублиги;

- мол учун ҳақ илгари тўланган;
 - келишилган нарх йўқ;
 - мол нотўғри манзилга юклар жўнатилган;
- шунингдек, мол етказиб берувчи томонидан шартномадаги мажбуриятларга риоя этилмагани билан боғлиқ бошқа сабаблар.

Одатда, акцептдан бош тортишлик сабаби мол етказиб берувчи билан харидор ўртасидаги шартноманинг тегишли бандлари орқали асослаб берилиши лозим.

Акцептдан бош тортишлик юзасидан мол етказиб берувчи билан харидор ўртасидаги низоларни банк кўриб чиқмайди. Шу билан бир вақтда, тўловга розилик бериш ёки бош тортишлик тадбирлари корхоналарни ўзаро даъво қилиш ҳуқуқидан махрум этмайди ва бундай даъволар томонларнинг бири йўллаган даъво аризасига асосан суд ёки арбитраж томонидан кўриб чиқилади.

Тўлов талабнома - топшириқни акцептлаш учун пул тўловчига уч иш кунига тенг вақт берилади (ҳужжат пул тўловчининг банкига келб тушган кундан ташқари).

Тўлов талабнома - топшириғи бўйича ҳақ тўлашга розилик берилганида пул тўловчи уни банк ҳисобрақамидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланишга ваколатли бўлган шахсларнинг имзолари билан расмийлаштиради ва барча нусхаларга муҳр изини босиб ўзига хизмат кўрсатаётган банкка топширади.

1 - нусха - пул тўловчининг ҳисобрақамидан маблағ чиқарилиши учун асос бўлади ва банк ҳужжатларида қолдирилади;

2 - нусха - мол етказиб берувчининг ҳисобрақамига маблағларни қўшиб киритиш учун асос сифатида хизмат қилади ва мол етказиб берувчининг банкига жўватилади;

3 - нусха - ҳисобрақам бўйича банк амалиёти тажариятга ни тўғрисида тилхат сифатида пул тўловчига қайтариб берилади.

лади.

Тўлов талабнома - топшириғи бўйича ҳақ тўлашдан қисман бош тортилганида пул тўловчи "Тўлов миқдори" хонасига тўлашга рози бўлган пул миқдорини ёзиб кўрсатади.

Тўлов талабнома топшириқлари бўйича ҳақ тўлаш амаллари банкдаги ҳисобрақамлар бўйича қуйидаги бухгалтерлик ўтказмалари орқали акс эттирилади.

бул тўловчининг банкида:

Дт - пул тўловчининг ҳисоб - китоб (ёки ссуда) ҳисобрақами;

Кт - 161 - ҳисобрақам (пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкнинг ҲККМдаги вакиллик ҳисобрақами).

мол етказиб берувчининг банкида:

Дт - 161 ҳисобрақам (мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкнинг ҲККМдаги вакиллик ҳисобрақами);

Кт - мол етказиб берувчининг ҳисоб - китоб рақами.

Пул тўловчи тўлов талабнома - топриғи бўйича тўла ёки қисман ҳақ тўлашдан бош тортилганлиги ҳолатида акцептдан бош тортишлик сабаби кўрсатилган илова хати (хабарнома) расмийлаштирилади. Акцептдан қисман бош тортилганлиги ҳолатида мазкур илова хати расмийлаштирилган тўлов талабнома - топшириғи билан биргаликда мол етказиб берувчининг банкига юбориш мақсадида банкка топширилади. Акцептдан тўла бош тортилганлиги ҳолатида тўлов талабнома - топшириғи илова хати билан биргаликда банкни четлаб ўтиб бево -

сига мол етказиб берувчига қайтариб берилади.

Тўлов талабнома - топшириқлари воситасида ҳисоб - китоб қилиш амаллари мамлакат банк тажрибасидаги нақд пулсиз ҳисоб китобларга оид янги шакл бўлганига қарамасдан уни истиқболли шакл сифатида баҳолаш мумкин, чунки у 1992 - йилда бекор қилинган тўлов талабномалари воситасида ҳисоб - китоб қилиш афзалликларини ва амалдаги тўлов топшириқлари воситасида ҳисоб - китоб қилиш афзалликларини ўзида бирлаштиради. Мазкур ҳисоб - китоб шакли мол етказиб берувчиларнинг ҳам, харидорларнинг ҳам молиявий ва ҳўжалик манфаатларига жавоб беради ҳамда ҳўжаликда шартномавий муносабатларни мустаҳкамлайди.

Ҳисоб - китоб ҳужжатларининг ёзиб чиқарилиши тезлашади, чунки уларни тўлов харидори - мол етказиб берувчининг ўзи расмийлаштиради (маҳсулот юклаб жўнатилгани ёки хизмат кўрсатилиши захотиёқ). Ҳўжалик шартномасига риоя этилганини текшириш мақсадида мол етказиб берувчининг ҳисоб - китоб ва мол - транспорт ҳужжатлари текшириб чиқилганидан сўнг пул тўловчи ўз розилигига кўра тўловни амалга оширади. Мол юклаб жўнатиш учун ҳўжалик маблағ айланувидан маблағ банд этилгани вақти бўйича мол етказиб берувчи банкдан факторнинг кредитини олиш имкониятига эга бўлади.

ЧЕК ВОСИТАСИДА ҲИСОБ - КИТОБ ҚИЛИШ ШАКЛИ

Чек - ўз ҳисобрақамидан чек эгасига маълум пул миқдорини тўлаш тўғрисидаги пул тўловчининг ўз банкига берган ёзма фармойиши. Пул чеклари ва ҳисоб - китоб чеклари мавжуддир.

П у л чеклари - иш ҳақи, ҳўжалик эҳтиёжлари, хизмат

сафари сарф - харажатлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ни сотиб олиш сарф - харажатлари ва хоказолар бўйи банкдан чек эгасига нақд пул тўлаш учун қўлланади.

Ҳ и с о б - китоб чеклари - нақд пулли ҳисоб - китоблар учун қўлланади. Ҳисоб - китоб чеки бу - ўз ҳисобрақамидан маблағ олувчи (чек эгаси)нинг ҳисобрақамига маблағ пул миқдорини ўтказиш тўғрисида чек берувчи томонидан ўз банкига берилган ва шартсиз бажарилиши лозим бўлган ёзма буйруқдан иборат белгиланган шаклдаги ҳужжатдир. Ҳисоб китоб чеки ҳам тўлов топшириғи сингари пул тўловчи томонидан расмийлаштирилади, лекин тўлов топшириғидан фарқли ўлароқ пул тўловчи томонидан тўлов қабул қилувчи корхонага хўжалик амалиётини бажариш пайтида берилди. Тўлов қабул қилувчи корхона ушбу чек бўйича ҳақ олиш учун уни ўз банкига тақдим қилади.

Ҳисоб - китоб чеклари қопланган ва қопланмаган бўлиши мумкин.

Қопланган ҳисоб - китоб чеклари - чек берувчи миждан томонидан "Ҳисоб - китоб чеклари" 722 - алоҳида банк ҳисобрақамига аввалдан депонент тарзида маблағ ўтказилган чеклардир. Бу тадбир ушбу чеклар бўйича тўлов бажарилиши кафолотини таъминлайди.

Қопланмаган ҳисоб - китоб чеклари банк томонидан тўлов бажарилиши кафолотланган чеклар. Бунда чек берувчининг ҳисобрақамида вақтинча маблағ йўқлиги ҳолатида чек бўйича банк маблағлари ҳисобига ҳақ тўланиши кафолотланади. Чек бўйича банк кафолотига кўра ҳақ тўланиши мумкин бўлган пул миқдорлари кафолат берувчи банкнинг балансдан ташқари 9925 - "Банк томонидан берилган кафолат ва кафиликлар" ҳисобрақамида қайд этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг кўрсатмаларига мувофиқ ҳисоб - китоб ишларида

фақат қопланган ҳисоб - китоб чекларидан фойдаланиш кўзланган.

Мижоз ҳисоб - китоб чекини олиш учун белгиланган шаклдаги ариза билан ўзига хизмат кўрсатаётган банкка мурожаат қилади. Аризада чекларнинг сони ва чек билан ҳисоб қилиш умумий эҳтиёж миқдори кўрсатилади. Ушбу маълумотлар асосида бир чекнинг миллати ўрнатилади ва ҳар бир чекнинг тескари томонида ёзиб босилади. Чек бериш аризасига корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекади ва муҳр босилади.

Мижоз ариза билан биргаликда банкка ўз ҳисобрақамидан 722 - "Ҳисоб - китоб чеклари" ҳисобрақамига аризада кўрсатилган пул миқдорини ўтказишга оид тўлов топшириғини тақдим этади ва ушбу маблағлар депонентга олинганидан кейингина чек олиш ҳуқуқига эга бўлади:

Бухгалтерлик банк ўтказмаси:

Дт - корхонанинг ҳисоб - китоб рақами;

Кт - "Ҳисоб - китоб чеклари" ҳисобрақами.

Тижорат банки мијозга чек беришдан олдин уларни қуйидагича расмийлаштиради:

- пул тўловчи банкнинг номи, тартиб рақами, манзилгоҳи;
- чек берувчининг номи ва банкдаги шахсий ҳисобрақами;
- чек ёзиб берилиши мумкин бўлган энг катта пул миқдори (чекнинг тескари томонида босилади);
- баъқ мансабдор шахснинг имзоси ва муҳр.

Бундан ташқари банк ходими мијозни чекдан фойдаланиш қоидалари билан таништириш йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйилган чеклар учун жавобгарлик мавжудлиги тўғрисида хабардор этиши ва ундан бу ҳақда тилхат олиши шарт. Банк ўз ниятига кўра ёки эҳтиёткорлик оқибатида чек бўйича

ҳақ тўлагани ҳақида маълумот ёзилмагани ҳолатида чек йўриқ-тартиб ёки ўғирлатиб қўйилгани натижасида содир бўлган зарарни чек берувчининг ўзи қоплайди.

Банк томонидан мижозга чеклар билан биргалликда шартли гувоҳловчи (идентификация) варақаси берилиши шарт (чек варақаси). Ушбу варақа чеклар сонидан қатъий назар банк нусхада ёзиб берилади ва ҳар бир берилган чек бўйича чек берувчининг гувоҳлайди.

Чек варақасининг ўнгида қуйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

- пул тўловчи банкнинг номи ва унинг реквизитлари;
- “чек варақаси” ёзуви ва унинг тартиб рақами;
- чек берувчининг номи;
- чек берувчининг имзо намунаси;
- чек берувчининг шахсий ҳисобрақами.

Чекнинг тескари тарафида банк томонидан чек бўйича бажаириш кафолат шартлари кўрсатилади:

- чекнинг лимитдан ортиқ бўлмаган миқдорга ёзиб берилгани;
- чекдаги ва чек варақасидаги чек берувчининг имзоси айнан ўхшашлиги;
- чекдаги ва чек варақасидаги чек берувчининг ҳисобрақами айнан бирлиги;
- чек ёзиб берилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида банкка тақдим этилиши зарурлиги;
- чек бўйича ҳеч қандай хизмат ҳақи ундириб олинмасдан тўла миқдорда ҳақ тўланиши лозимлиги.

Санаб ўтилган шартлар банкнинг маъсул ходими томонидан имзоланади ва банк муҳри билан тасдиқланади.

Мижоз барча ҳисоб - китоб чекларини ишлатиб бўлганидан кейин чек варақасини банкка қайтариб бериши шарт ва у

бух қилиб юборилади. Корхона томонидан чекларга янги эҳтиёж тутилгани ҳақида ариза берилгани ва бунда бир чек лимити ўзгармагани ҳолатида чек варақаси корхонада қолдирилиши мумкин.

Чеклар билан ҳисоб - китоб қилишдаги ҳужжат муомаласи умумий нуқтаи - назардан қуйидагидан ташкил топади: мол, иш, хизматларни харид қилишда чек берувчи ҳисоб - китоб чекини ёзиб беради ва унда қуйидаги маълумотларни кўрсатади:

- тўлов миқдори (рақам билан ва ёзма тарзда);
- ҳақ олувчининг номи;
- чек ёзиб берилган жой;
- тўлов бажариш санаси (ой номи ёзма тарзда кўрсатилади).

Ёзиб берилган чек бевосита тўлов бажариш (чекни ҳақ олувчига топшириш) пайтида чек берувчи томонидан имзоланади.

Ҳисоб - китоб чекини тўлов учун қабул қилаётган (чек сақловчи) корхона қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши зарур:

- чек миқдори унинг тескари тарафида ва чек варақасида кўрсатилган энг кўп миқдордан ортиқча эмаслиги;
- чек берувчининг чекда босилган ҳисобрақами чек дафтаридаги ҳисобрақамга мувофиқлиги;
- чек берувчининг чекдаги имзоси чек варақасидаги имзога айнан ўхшашлиги.

Чек нотўғри текширилгани оқибатида кўрилган зарарни чекни тўлов учун қабул қилинган (мол етказиб берувчи) корхонанинг ўзи қоплайди. Корхона вакили чекнинг тескари томонига имзо чекади ва тўртбурчак муҳр изини босади. Сўнг мол етказиб берувчи корхона чек сақловчиси сифатида ушбу чекни ҳақ оляш мақсадида ўз банкига тақдим этиши мумкин. Чекни банкка тақдим қилиш муддати 10 календар кундан

иборат (чек ёзиб берилган кун ҳисобга кирмайди).

Чек сақловчи чекларни банкка топширишда тўрт нусхадаги рўйхатни тақдим этади. Бу рўйхатда чеклар юзасидан тўла маълумот берилиши шарт: чекларнинг тартиб рақами, чек берувчининг ва чек сақловчининг ҳисобрақамлари ҳамда уларга хизмат кўрсатаётган банкларнинг тартиб рақами, чеклар миқдори. Рўйхат чек сақловчи корхонадаги икки б-ринчи шахсларнинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланади.

Чек сақловчига хизмат кўрсатаётган банк томонидан чек сақловчининг ҳисобрақамига маблағларни қўшиб киритиш амали чек берувчи ва унга хизмат кўрсатаётган банкдан маблағ қабул қилинганидан кейингина амалга оширилади. Чек берувчи ва чек сақловчиларнинг банклари ўртасидаги ҳисоб - китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Ҳисоб - Китоб - Касса Марказлари орқали амалга оширилади. Бугунги кунда ушбу ҳисоб - китобларни амалга ошириш қондалари қуйидагича:

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг ҳудудий бош бошқармалари чеклар билан ҳисоб - китоб қилишга оид шаҳар ичида амалиёт бажариш вазифасини ҲККМларнинг бирига юклатади. Шу ҲККМда ҳар бир тижорат банки учун 821 - баланс ҳисобрақамида алоҳида ҳисобрақам очиб берилди. Тижорат банклари ўз мижозлари томонидан 722 - ҳисобрақамга депонент тарзида қўйилган барча маблағларни мазкур алоҳида ҳисобрақамга ўтказишлари шарт :

Дтп - 722 - ҳисобрақам;

Ктп - 821 ҳисобрақам.

Чек билан ҳисоб - китоб қилишда ҲККМдан маблағ чиқариб юбориш учун пул тўловчи банк 821 - ҳисоб рақамда

старлича маблағларга эга бўлиши зарур.

Чек билан ҳисоб - китоб бажариш учун ҲККМ ҳисоб-рақамлари бўйича дебет қолдиғига йўл қўйилмайди.

Чек воситасидаги ҳисоб - китоблардан фойдаланувчи тижорат банки ва ҲККМ чек билан ҳисоб - китоб қилиш тартиби ва қоидалари ҳақида махсус ўзаро келишув тузадилар. Чек хос қоғозлари тижорат банкининг вакиллик ҳисобрақамидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ваколати берилган шахс томонидан имзоланган аризага асосан берилади. ҲККМ кассири аризада ва унга илова қилинган чиптада берилаётган чек тартиб рақамларини белгилайди ва ушбу маълумотларни мазкур тижорат банкининг чек бўйича алоҳида ҳисобрақами билан ишловчи амалиётчига топширади. ҲККМда тартиб рақамлари қайд қилинган чекларгина ҲККМ орқали тўлов учун қабул қилинади. ҲККМ ва тижорат банкларидаги чек хос қоғозлари 9959 - "Қатъий ҳисобдаги хос қоғозлар" баланسدан ташқари ҳисобрақамда қайд қилинади.

Чек хос қоғозларини қайд этиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган тартибда риоя этмаслик ҳоллари аниқланганида тижорат банклари банк амалиётларини бажариш лицензиясидан маҳрум қилинадилар.

Мол ва хизматлар учун ҳисоб - китоб қилишда лимитланган чек дафтарчалари қўлланади.

Лимитланган чек дафтарчаси - дафтарча кўринишида тикилган ҳисоб - китоб чекларидан иборат бўлади (10, 20, 25 ёки 50 варақдан ташкил этилади) ва ушбу дафтарча бўйича белгиланган лимитдан ортиқ бўлмаган миқдорда корхоналар учун ёзиб берилади. Чек дафтарчасининг лимити депонент тарзида алоҳида банк ҳисобрақамига илгаридан қўйилган маблағ миқдори билан чегараланади. Депозит корхона томонидан банкка тақдим этилган ариза ва ўз ҳисоб - китоб рақамидан ёки банк кредити ҳисобига тегишли пул миқдорини чиқаради.

риб юбориш тўғрисидаги тўлов топшириғи асосида ташқи этилади ва ҳисобрақамларга оид қуйидаги бухгалтерлик ўтказмалари орқали акс эттирилади:

Дт - корхонанинг ҳисоб - китоб (ёки ссуда) ҳисоб-рақами;

Кт - 722 - "Лимитланган чек дафтарчалари" ҳисоб-рақами.

Бироқ илгариги тартибдан фарқли ўлароқ ушбу чекларга оид маблағлар чек берувчининг ҳисобрақамидан маблағ чиқариб юборилганидан кейингина кредит авизоси асосида пул олувчининг ҳисобига қўшиб киритилади.

Мазкур амалиёт қуйидагича бажарилади: лимитланган чек дафтарчасидан олинган чек билан ҳақ олган мижоз ушбу чекни ўз тижорат банкига тақдим қилади. Ўз навбатида чек пул тўловчи банкка почта орқали жўнатилади. У ерда ушбу ҳужжат асосида кредит авизоси тузилади ва чек қабул қилувчи мижознинг банкига қайтариб юборилади. Бундан кейинги мол етказиб берувчи корхонанинг ҳисоб - китоб рақамига маблағлар қўшиб киритилади.

АККРЕДИТИВ ВОСИТАСИДА ҲИСОБ - КИТОБ ҚИЛИШ

А к к р е д и т и в - мол етказиб берувчи тақдим этган тегишли ҳужжатларга жавобан харидорнинг аккредитив аризасида кўрсатиб ўтилган шартларга биноан мол етказиб берувчига мол ва хизмат учун ҳақ тўлаш тўғрисида харидорнинг банкдан мол етказиб берувчининг банкига берилган топшириқдир.

Аккредитив шаклидаги ҳисоб - китоблар фақат ўзга

шаҳарлар ўртасидаги муомалада қўлланади ва фақат битта мол етказиб берувчи билан ҳисоб - китоб қилиш учун мўлжалланади. Аккредитивнинг амал қилиш муддати банк қоидалари орқали эмас, балки мол етказиб берувчи билан харидор ўртасидаги тузилган шартнома воситасида белгиланади. Ушбу шаклдаги ҳисоб - китобларда тўлов бажариш амали мол етказиб берувчи жойлашган ерда амалга оширилади. Бошқа шаклдаги нақд пулсиз ҳисоб - китоблардан фарқли ўлароқ аккредитив шакли харидор томонидан ўз маблағлари ёки унга хизмат кўрсатаётган банк маблағлари ҳисобига мол етказиб берувчига ҳақ тўланишини кафолатлайди.

Икки хил аккредитив очиб берилиши мумкин: қопланган (депонентли) ва қопланмаган (кафолатли).

Қ о п л а н г а н аккредитив - мол етказиб берувчи билан ҳисоб - китоб қилиш учун пул тўловчи томонидан маблағлар аввалдан депонентга қўйилгани ҳолатида аккредитив қопланган деб ҳисобланади. Бу ҳолда пул тўловчининг банки (эмитент банк) пул тўловчининг ҳисоб - китоб рақамидан маблағларни чиқариб юборади ва мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган (ижрочи) банкнинг 720 - "Аккредитивлар" алоҳида баланс ҳисобрақамига уларни ўтказди. Ушбу амалиёт қуйидаги банк ўтказмалари орқали акс эттирилади:

балансдан ташқари 9931 - ҳисобрақамининг кириш қисми
"Тўлов бажариш учун аккредитивлар"

Пул тўловчининг банкида:

Дт - пул тўловчининг ҳисоб - китоб рақами;

Кт - 161 - ҳисобрақам (эмитент банкнинг ҲККМдаги вакиллик ҳисобрақами).

Мол етказиб берувчининг банкида:

Дт - 161 - ҳисобрақам (мол етказувчига хизмат кўрсатаётган банкнинг ҲККМдаги вакиллик ҳисоб рақами;

Кт - 720 - "Аккредетивлар" ҳисобрақами.

Пул тўловчи томонидан эмитент банкдан олинган қўйилган пули ҳисобига ҳам мол етказиб берувчининг банкида маблағларни депонентга қўйиш мумкин. Бу ҳолда пул тўловчининг банкидаги бухгалтерлик ўтказмалар ўзгаради ва қўйилган қўйилишига эга бўлади:

Дт - пул тўловчининг ссуда ҳисобрақами;

Кт - эмитент банкнинг ҲККМдаги вакиллик ҳисобрақами.

Мол етказиб берувчининг банкида бухгалтерлик ўтказмалар ўзгармайди. Банк тажрибасида қисман харидорнинг ўқиб маблағлари ҳисобига ва қисман ссуда ҳисобга аккредетив бериш кўзланмаган, яъни айнан бир аккредетив бўйича фақат битта ҳақ тўлаш манбаидан фойдаланиш мумкин.

Қ о п л а н м а г а н аккредетив - мол етказиб берувчига ҳақ тўланиши банк томонидан кафолатланган аккредетивлар. Бу ҳолда пул тўловчи ўзи учун кафолатли аккредетив берилиши юзасидан ўз банкига илтимоснома билан мурожаат қилади. Одатда бундай илтимосномалар тўловга қобилиятли, биринчи тоифа мижозлар учун ва улар билан аккредетивни ижро этувчи банк ўртасида вакиллик муносабатлар ўрнатилиши шарт - шароитида эмитент банк томонидан қондирилади. Кафолатли аккредетив очиб берилганида эмитент банк ижрочи банкка ўз вакиллик ҳисоб рақамидан маблағ қабул

қилувчи - мол етказиб берувчининг фойдасига аккредетив бўйича тўловларни чиқариб олиш ҳуқуқини беради.

Ҳар бир аккредетив ўзининг қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиганлиги юзасидан аниқ маълумот бериши шарт. Бундай маълумот йўқлиги ҳолатида аккредетив қайтариб олинадиган деб ҳисобланади. Қайтариб олинадиган аккредитивнинг хусусияти шундан иборатки, у мол етказиб берувчи билан аввалдан келишмаган ҳолда эмитент банк томонидан (мижознинг кўрсатмасига биноан) ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бироқ ижрочи банк аккредетив ўзгартирилгани ёки бекор қилингани тўғрисида хабарнома олмаганига қадар мол етказиб берувчи томонидан тўлов учун чиқарилган ва банк томонидан қабул қилинган ҳужжатлар бўйича ҳақ тўлаши шарт.

Мол етказиб берувчининг манфаатини кўзлаб очилган қайтариб олинмайдиган аккредетив унинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Ҳисоб - китобларда аккредетив шаклининг қўлланиши пул тўловчи билан мол етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартнома мазмунида назарга олинади ва унда хусусан қуйидагилар айтиб ўтилади: аккредетив бўйича ҳисоб - китобларнинг аниқ шартлари, аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредетив тури ва ижро этиш услуби, пул тўловчи ва мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкларнинг номи, тақдим этилганига жавобан тўлов бажарилувчи ҳужжатлар рўйхати ва ҳоказо.

Мол юклаб жўнатиш учун тайёрлиги ҳақида мол етказиб берувчи томонидан юборилган шошилишнома пул тўловчига аккредитив очиб бериш учун асос бўлади. Аккредитив очиб берилиши учун пул тўловчи ўз банкига андозалаштирилган иш хос қоғозида ариза беради ва унда қуйидагиларни кўрсатади:

- аккредетив очиб беришга асос бўлиб хизмат қилувчи шартноманинг тартиб рақами;
- аккредетивнинг амал қилиш муддати (аккредетивни бериш куни ва ойи);
- пул тўловчининг номи ва унинг ҳисобрақами;
- пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкнинг номи ва тартиб рақами;
- мол етказиб берувчининг номи ва унинг ҳисобрақами;
- мол етказиб берувчига хизмат кўрсатаётган банкнинг номи ва тартиб рақами;
- тақдим этилганига жавобан аккредетив бўйича тўлов бериш қилувчи ҳужжатларнинг тўла номланиши, уларни тақдим қилиш муддатлари ва расмийлаштириш тартиби;
- мол етказиб берувчининг мол - транспорт ҳужжатлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби (ваколатли харидорнинг акцепти билан ёки акцептсиз);
- аккредетив тури;
- аккредетив миқдори ва бошқа зарур маълумотлар.

Тақдим этилган ариза пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банк томонидан маҳсус қайддафтарда рўйхатга олинади ва 9931 - "Тўлов учун аккредитивлар" балансдан ташқари ҳисобрақамга кирим қилинади.

Аккредетивни очиш ҳақидаги ариза нусхалари аккредетив шартларини бажариш учун пул тўловчининг банкига зарур бўлган сонда тақдим этилади (одатда 5 нусхада).

1 - нусха - харидор томонидан имзоланган ва муҳр босилган нусха бўлиб, харидорнинг ҳисоб - китоб рақамидан маблағларни чиқариб юбориш учун асос сифатида хизмат қилади ва банк ҳужжатларида қолдирилади;

5 - нусха - пул тўловчининг ҳисобрақами бўйича амалиёт бажарилгани ҳақидаги тилхат сифатида пул тўловчига қайта

риб берилади;

2 - 3 - 4 - нусхалар ҲККМ орқали мол етказиб берувчининг банкига жўнатилади, хусусан: 2 - нусха - пул тўловчига хизмат кўрсатаётган банкнинг мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва банк муҳри босилган ушбу нусха маблағларни депонент тарзида 720 - "Аккредитивлар" ҳисобрақамига киритиш учун қўлланади;

3 - нусха - мол етказиб берувчига топширилади ва мол юклаб жўнатиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

4 - нусха - мол етказиб берувчининг ушбу аккредитивга оид 720 - баланс ҳисобрақами бўйича шахсий ҳисобрақами сифатида ишлатилади.

Аккредитив бўйича маблағ олиш учун мол етказиб берувчи юклаб жўнатишдан кейин ўз банкига мол - транспорт ҳужжатларини ва юклаб жўнатишган маҳсулотга тегишли ҳисоб - фактуралар рўйхатини тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар асосида ижрочи банк мол етказиб берувчи томонидан аккредитив шартлари бажарилгани ва ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганини текширади ва бундан сўнггина аккредитив бўйича ҳақ тўлайди.

Ҳисоб - фактуралар рўйхати мол етказиб берувчи томонидан уч нусхада банкка тақдим этилади:

1 - нусха - маблағларни 720 - ҳисобрақамдан чиқариб юбориш ва мол етказиб берувчининг ҳисоб - китоб рақамига қўшиб киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

3 - нусха - ҳужжатлар қабул қилингани ҳақидаги банк тилхати билан биргаликда мол етказиб берувчига берилади;

2 - нусха - мол - транспорт ҳужжатлари илова қилингани ва аккредитив (тўла ёки қисман) ишлатилгани ҳақида белги қўйилгани ҳолатида мол етказиб берувчига топшириш учун унинг банкига жўнатилади ва шу билан бир вақтда 9931 - "Тўлов учун аккредитивлар" балансдан ташқари ҳисоб

рақамнинг чиқим қисми бўйича акс эттирилади.

Аккредетив шартлари бўйича ваколатли харидор акцептга кўзланганлиги ҳолатида харидор мол етказиб берувчининг банкига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ўзининг паспортини, ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни;
- имзо намуналари варақасини тўлдиради;
- хизмат сафари гувоҳномасини ёки аккредетив очган ташкилот томонидан берилган ишончномани.

Ваколатли харидорнинг акцепти ҳисоб - фактура рўйхатида қўйидагича расмийлаштирилади:

_____ даги _____ сон аккредетив ҳисобига
(сана)

_____ ваколатли харидори то
(харидорнинг ташкилоти)
монидан акцептланган.

Имзо: _____

Сана: _____

Мол етказиб берувчининг банкида аккредетив қўйидагича беркитилади:

- 1) аккредетив муддати тугаши бўйича;
- 2) муддати тугашига қадар аккредетивдан кейинчалик фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги мол етказиб берувчининг аризасига биноан. Ижрочи банк томонидан эмитент банкка хабарнома жўнатилади;
- 3) аккредетивни тўла ёки қисман қайтариб олиш ҳақидаги харидорнинг аризасига биноан.

Эмитент банкдан хабарнома олинган кун аккредетив беркитилади ёки қисқартирилади.

Фойдаланилмаган аккредетив миқдори маблағ депонент

қўлини ҳисобрақамга қўшиб киритилиши учун пул тўловчи-
нинг банкига қайтариб берилди ва банк ҳисобрақамларида
қўлдаги ўтказмалар орқали акс эттирилади:
мол етказиб берувчининг баъкида:

- Дт - 720 - "Аккредитивлар" ҳисобрақами;
Кт - 161 - ҳисобрақам (мол етказиб берувчига хиз-
мат кўрсатаётган банкнинг ҲККМдаги ва-
киллик ҳисобрақами).

Харидорнинг баъкида:

- Дт - 161 - ҳисобрақам (харидорга хизмат кўрсата-
ётган банкнинг ҲККМдаги вакиллик ҳисобра-
қами);
Кт - харидорнинг ҳисоб - китоб рақами (ёки аккре-
дитим банк кредити ҳисобига очилган бўлса,
унинг ссуда ҳисобрақами).

ВЕКСЕЛ ВОСИТАСИДА ҲИСОБ - КИТОБ ҚИЛИШ ШАКЛИ

Вексел воситасида ҳисоб - китоб қилиш шакли - мол ет-
казиб берувчи билан пул тўловчи ўртасида маҳсус ҳужжат -
вексел асосида мол ёки хизмат учун тўлов муддатини узайти-
риб бериш (тижорат кредити) тарзидаги ҳисоб - китоблар.

Мол шаклидаги тижорат кредитлари асримизнинг 20 -
йилларида хўжалик қурилиш тажрибасида қўлланган. Ушбу
шаклнинг 1930 - 1932 - йиллардаги кредит ислоҳоти жарё-
нида тугатилишига ҳалқ хўжалигининг тўғридан - тўғри мар-
казлашган режалаштириш тизимига ўтганлиги сабаб бўлган.
Бу тизимда ушбу кредит тури юқоридан берилувчи кўрсаткич -

ларга ва иқтисодиётнинг маъмурий - буйруқбозлик тарзида бошқарилиши услубларига зид келган. Бугунги кунда барча хўжалик тармоқ корхоналарининг тўла хўжалик ҳисобига ўз - ўзини молиялашга утказилгани ҳамда янги тадбиркорлик тизимларининг пайдо бўлиши тижорат кредитларини қайта тиклаш учун барча зарур шарт - шароитларни яратади.

Чекланган талабли, похаридоргир ва кўндан бери сотилмай ётган қимматликларни фойдали хўжалик айланувига жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Саноат қурилиш Банки Бошқаруви шу каби маҳсулотлар тўпланган корхоналарга нисбатан 1988 - йил 1 - октябрдан бошлаб вексел воситасида ҳисоб - китоб қилиш шаклини жорий этиш тажрибасини бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Президиумининг 1991 - йил 24 - июндаги "Хўжалик муомаласида векселларни қўллаш ҳақида"ги қарорига биноан ҳуқуқий ва юридик асосда барча корхона, ташкилот, муассаса, тадбиркорлар учун кредит тарзида маҳсулот етказиб бериш, иш бажариш, хизмат курсатиш билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришда векселлардан фойдаланишга рухсат берилган.

Вексел - қонунда катъий белгиланган шаклдаги шартсиз бажарилувчи ёзма қарз мажбурияти бўлиб, ўз эгасига (вексел тақдим этувчига) муддати келганида векселда кўрсатилган пул миқдорини шартсиз равишда қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини беради. Қонун векселларни икки асосий турларга ажратади : оддий ва ўтказма.

Оддий вексел (сало вексел) - вексел берувчи (қарздор) томонидан маълум пул миқдорини маълум муддатда ва маълум жойда маблағ қабул қилувчига ёки унинг маҳкамасига тўлаш ҳақидаги оддий ва ҳеч қандай шартсиз берилган мажбуриятдан иборат ёзма ҳужжатдир.

Оддий векселни пул тўловчининг ўзи ёзиб беради. Бундай вексел ўз мазмунига кўра пул тўловчининг қарздорлик тилхати сифатида кўрилади.

Ў т к а з м а вексел (ратта) - векселда кўрсатилган пул миқдорини учинчи шахсга ёки унинг маҳкамасига тўлаш ҳақидаги вексел берувчи (кредитор) томонидан пул тўловчига берилган шартсиз бажарилувчи буйруқдан иборат ёзма ҳужжатдир.

Оддий векселдан фарқли ўлароқ ўтказма векселда иккита эмас, балки энг камида учта шахс ишгирок этади:

вексел берувчи (трассант);

- вексел бўйича тўлов бажариш буйруғини ижро этувчи пул тўловчи (тарссат);
- вексел сақловчи (ремитент) - вексел бўйича ҳақ олувчи.

Ўтказма вексел пул тўловчи (трассат) томонидан акцептланган бўлиши шарт ва шундан сўнггина у ижро этилиши лозим бўлган ҳужжат кучига эга бўлади. Ўтказма вексел акцептловчиси оддий вексел берувчиси каби вексел бўйича бош қарздор ҳисобланади, яъни вексел бўйича белгиланган муддатда ҳақ тўлаш учун жавобгар бўлади.

Акцепт вексел ўнгининг чап қисмида қайд қилинади ва “акцептланади, қабул қилинади, ҳақ тўлайман” каби сўзлар билан ифодаланади. Бунда албатта пул тўловчининг имзоси бўлиши зарур.

Вексел қатъий расмий ҳужжат деб ҳисобланади ва шарт бўлган реквизитлар рўйхатидан иборат бўлади. Бирор бир реквизитнинг йўқлиги векселни юридик кучдан маҳрум этади.

Шарт бўлган вексел реквизитлари қаторига қуйидагилар киради: вексел белгиси, яъни ҳужжат ёзилган тилда ифодаланган “вексел” ёзуви, векселни тузиш жойи ва вақти (куни, ойи ва йили):

- маълум пул миқдорини тўлаш ваъдаси;

- рақам билан ва ёзма тарзда кўрсатилган пул миқдори (тўғрилаш мумкин эмас);
- ҳақ тўлаш муддати;
- ҳақ тўлаш жойи;
- кимга (номи) ёки кимнинг буйруғига биноан ҳақ тўлаш лозимлиги;
- вексел берувчининг имзоси (ўз қўли билан ёзма тарзда тақдим этилади).

Оддий вексел бўйича ҳақ тўловчи - вексел берувчидир. Бундай фарқли ўлароқ ўтказма вексел бўйича маҳсус шахс - ТРАССАТ ҳақ тўлайди. Бу ном ўтказма векселга оид шаҳид бўлган қўшимча реквизит ҳисобланади. Одатда пул тўловчи (трассат)нинг белгиси вексел ўнгининг пастги чап бурчагида қўйилади. Оддий векселдаги “ҳақ тўлаш мажбуриятига оламан” сўзларининг ўрнига ўтказма векселда “тўлансин”, “ҳақ тўланг” каби буйруқ ёзилади. Оддий ва ўтказма вексел ҳақидаги низомда пул тўловчи акцептланган вексел бўйича ҳақ тўланиши қўшимча тарзда кафиллик (аваль) бериш востасида кафолотланиши кўзланган. Бундай кафиллик дастлабки пул тўловчи ҳамда вексел бўйича мажбурият олган бошқа шахс учун учинчи шахс (одатда банк) томонидан берилади.

А в а л ь - векселнинг ўнгида ёки векселга тегишли қўшимча варақ (аллонж)да авалистнинг маҳсус имзоси билан расмийлаштирилади. Авальда қуйидагилар кўрсатилади: ким учун банк томонидан кафолат берилгани, ёзиб бериш жойи ва санаси, банкдаги икки биринчи мансабдор шахсларнинг имзоси ва банк муҳри. Аваль қилинган векселлар банкининг 9925 - “Банк томонидан берилган кафолот ва кафилликлар” балансдан ташқари ҳисобрақами бўйича кирим қилинади.

Авалиства кафилликдаги шахс вексел бўйича ҳақ тўлаш учун биргаликда жавобгарлик берадилар. Авалист вексел бўйича ҳақ тўлагани ҳолатида векселга оид барча ҳуқуқлар унга

ўтади.

Вексел бўйича аваль берилиши векселнинг ишончилигини оширади, вексел муомаласининг ривожланишига кўмаклашди.

Векселларга оид амалдаги қонунчиликда векселларни тўлов қуроли сифатида бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш ёзуви (ИНДОССАМЕНТ) ёрдамида бир қўлдан бошқа қўлга ўтказиш имконияти кўзланган. Индоссаментта бипоан векселнинг ўтказилиши - ушбу вексел бўйича ҳақ тўлаш топшириғини бериш ҳуқуқининг ҳам вексел билан биргаликда бошқа шахсга топширилишини билдиради. Вексел сақловчи векселнинг тескари тарафида ёки қўшимча варақ (алланж)да “буйруқ берувчига тўлансин” ёки “менинг ўрнимга тўланг” сузларини ёзади ва тўлов ҳуқуқи кимга ўтганлигини кўрсатади.

Индоссамент бўйича векселни топширувчи шахс ИНДОССАНТ деб аталади. Индоссамент бўйича векселни олувчи шахс эса ИНДОССАТ деб аталади.

Векселга оид барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар индоссатта ўтади. Қонунда айтиб ўтилганидек, барча чизиб ташланган индоссаментлар ёзилмаган деб ҳисобланади ва юридик кучга эга бўлмайди. Қўлдан қўлга ўтказиш ёзуви билан расмийлаштирилган вексел бўйича бажарилган тўловлар учун унда иштираётган барча шахслар биргаликда жавобгарлик берадилар.

Индоссамент воситасида векселни қўлдан қўлга ўтказиш имконияти векселдан фойдаланиш доирасини кенгайтириш, уни тижорат кредитига оид оддий расмийлаштириш қуролидан мол ва хизмат сотувига хизмат кўрсатувчи кредит муомаласи қуролига айлантириш учун хизмат қилиш лозим.

Барча қўлдан қўлга ўтказиш ёзувлари, акцепт ёки аваль белгиланган тўлов муддати чегарасида расмийлаштирилади.

Тўлов бажариш муддати шарт бўлган, вексел реквизиитлари қаторига киради. Унинг йўқлиги векселнинг амалий кучини йўқ қилади.

Вексел бўйича тўлов бажариш муддати тўрт услуб асосида ўрнатилади:

1. маълум кунга белгиланган муддат. Қуйидаги ёзув билан ифодаланади: "1993 - йил 30 - декабр куни ҳақ тўлашга ваъда бераман".

2. тақдим этилганида - тўлов учун тақдим этилган кунда ҳақ тўланади. Вексел ёзиб берилган кундан бошлаб энг узоғи билан бир йил мобайнида тўлов учун тақдим этилиши мумкин;

3. вексел тузилган вақтдан маълум вақт ўтганида. Бунда бир неча имкоиятлар мавжуд:

а) маълум сон кундан кейин. Энг сўнгги кундан кейин тўлов муддати келган деб ҳисобланади (вексел ёзиб берилган кун ҳисобига киритилмайди). Масалан 1993 - йил 1 - майда ёзиб берилган векселда тўлов муддати 20 кундан кейин деб белгиланган, демак тўлов муддати 1993 - йил 21 - май;

б) маълум ой сонидан кейин. Ушбу ҳолатда тўлов муддати сўнгги ойнинг вексел йезиб берилган санага мос келувчи санасига тўғри келади. Бундай сана йўқ бўлса, шу ойнинг сўнгги санаси ҳисобланади. Масалан 30 - январда ёзиб берилган вексел бўйича тўлов муддати бир ойдан сўнг деб белгиланган бўлса тўлов муддати 28 - февралга тўғри келади, икки ойдан сўнг деб белгиланган бўлса 30 - мартга тўғри келади;

в) ой аввалида, ой ўртасида, ой сўнгида. Бу ҳолда тўлов муддати тегишли ўринларда ойнинг 1 - санаси, 15 - санаси ва охириги санасига тўғри келади;

4. маълум вақтда тақдим этилган вексел бўйича. Тўлов муддатлари 3 - банддаги сингари услубларда белгиланади. Шу билан бир вақтда мазкур услуб тўловчи учун ан-

ча қулай келади, чунки тўловга тайергарлик кўриш имкониятини беради. Тўлов муддати вексел тўлов учун тақдим этилган кундан саноқ қилинади.

Банк муассасаларини ташкиллашда вексел воситасидаги ҳисоб - китоб шаклидан албатта фойдаланишлик қўзланади. Хусусан вексел қонунчилигида векселларнинг банклар томонидан инкассо этилиш. яъни вексел сақловчиларнинг вексел бўйича тўловларни ўз муддатида олиш топшириқларини бажаришлик кўзланган. Инкассо учун банкка топширилаётган векселлар вексел сақловчи томонидан "тўловни олиш учун" ёки "инкассога" каби топшириқ олди ёзуви билан таъминланади. Инкассога векселни қабул қилган банк ўз вақтида векселни пул тўловчига тақдим этиш ва у бўйича ҳақ олиш маъсулиятини ўз зиммасига олади. Банк векселни инкассога қабул қилиб уни тўлов бажарилувчи жойдаги банк муассасасига ўз вақтида жўнатиши ва инкассога ҳужжат тушганлиги ҳақида пул тўловчини хабарнома орқали огоҳлантириши шарт. Банк тўловни ундириб уни мижознинг ҳисобрақамига қўшиб киритади ва топшириқ ижро этилгани ҳақида мижозни хабардор этади.

Вексел инкассога оид топшириқни бажаргани учун банк ундирилган тўлов миқдорига нисбатан фоиз шаклида мижоздан хизмат ҳақи олади. Бундан ташқари пул тўловчи томонидан мазкур вексел бўйича ҳақ тўлаш учун розилик берилмагани ёки пул тўловчи тўлашга қодир бўлмагани ҳолатларида вексел юзасидаги эътироз билан боғлиқ барча сарф - харажатлар ҳам мижоздан ундириб олинади.

Вексел муомаласи бўйича хизмат кўрсатгани учун банк олган хизмат ҳақи ёки бошқа кўринишдаги пуллар "Амалиёт даромадлари ва турли даромадлар" 960 - ҳисобрақамнинг кредити қайд этилади.

Вексел эътирози - нотариал идора эълон қилган ҳужжат бўлиб, унда вексел бўйича ҳақ тўлашдан бош тортишлик ҳолати расмий равишда қайд этилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра вексел тўловдан бош тортишлик борасида эътироз қилиш учун нотариал идорага тўлов санаси тўлагандан кейинги куни кундузги соат 12⁰⁰ дан кечикмасдан тақдим этилади. Векселни инкассога қўйиш борасидаги миждоз топшириғини бажармаган банк вексел бўйича ўз вақтида эътироз билдириш юзасидан жавобгар бўлади.

Белгиланган муддатда ҳақи тўланмаган вексел қўйидаги маълумотлардан тузилган рўйхат билан бирга нотариал идорага тақдим этилади:

- эътироз билдирилаётган вексел эгаси бўлмиш вексел берувчининг батафеил номланиши ва манзили;
- вексел бўйича тўлов муддати;
- тўлов миқдори;
- барча индосантларнинг батафсил номлари ва манзилгоҳлари;
- эътироз сабаби;
- эътироз билдираётган банкнинг номи.

Нотариал идора векселни эътироз учун қабул қилган куни уни ҳақ тўлаш талаби билан биргаликда пул тўловчига тақдим этади. Пул тўловчи вексел бўйича белгиланган муддатда ҳақ тўлагани ҳолатида ушбу вексел пул тўловчига қайтариб берилади ва унда тўлов қабул қилингани тўғрисида ёзув қилинади.

Агар пул тўловчи нотариал идоранинг вексел бўйича ҳақ тўлаш талабидан бош тортса, нотариус томонидан вексел эътирозига оид далолатнома тузилади. Шу билан бир вақтда нотариус идорада юритилаётган маҳсус рўйхатта эътироз билдирилган векселга тегишли барча маълумотларни ёзиб қўяди, векселнинг ўнгида эса эътироз билдирилгани ҳақида белги қўяди (“эътироз билдирилди” сўзлари, сана, имзо, муҳр).

Эътирозга оид ишлар бажарилганидан сўнг вексел банк орқали вексел сақловчига қайтариб берилади ва у суд тартибда вексел бўйича тўлов миқдорини ундириб олишга ҳақли бўлади. Ҳолбуки векселда индоссамент ёзилган бўлса, тўловни ололмаган сўнгги вексел сақловчи исталган индоссантга нисбатан даъво аризаси билан чиқиши мумкин. Вексел сақловчи томонидан даъво аризасини бериш юзасидан вексел эскириши муддатлари ўрнатилади. Ушбу муддат ҳар бир вексел иштирокчисининг жавобгарлик сифатларига қараб фарқланади:

- ўтказма вексел акцептантга нисбатан - 3 йил;
- оддий вексел берувчига ёки ўтказма вексел индосантга - нисбатан - 1 йил;
- индоссантларнинг бир - бирига нисбатан берган даъво талаблари учун - 6 ой.

Векселни инкассо қилиш амалиёти мижозлар учун ҳам, банк учун ҳам қулайдир. Зеро мижоз векселларни тулов учун тақдим этиш муддатлари юзасидан назорат олиб бориш заруратидан холис бўлади, тулов олиш жараёни эса янада тез, арзон ва ишончли кечади.

Банк учун эса бу - фойда кўриш манбаларидан биридир. Бундан ташқари инкассо амалиётларини бажариш жараёнида тижорат банкининг вакиллик ҳисобрақамида анча маблағ жамланади ва бу маблағлар айланувга қўйилиши мумкин.

ВЕКСЕЛЛАРНИ ДОМИЦИЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

Вексел воситасидаги ҳисоб - китобларда вексел сақловчининг векселларни инкассо қилувчи банкдан ташқари пул тўловчининг банки ҳам **ДОМИЦИАНТ** сифатида иштирок этиши, яъни ўзининг мижози бўлиши пул тўловчининг вексел бўйича ўз вақтида тўлов бажариш топширигини бажариши

мумкин. Пул тўловчининг имзоси оастида жойлаштирилган
“Тўлов банкда бажарилади” сўзлари домициляция қилинган
векселнинг ташқи аломати вазифасини ўтайди.

Банк учун ушбу амалиёт фойда келтиради, чунки вексел
домициляцияси учун хизмат ҳақи олинади ва шу билан бир
вақтда домициляциянт сифатида чиқувчи банк тўлов амалиёти
ошмагани ҳолатида ҳеч қандай жавобгарлик тортмайди. Пул
тўловчи мижознинг ўзи вексел бўйича тўлов муддатига мослашган
банкдаги ҳисобрақамга зарур пул маблағлар тушиниши
таъминлаши ёки алоҳида ҳисобрақамда тўлов миқдорини
илгаридан банд қилиб қўйиши шарт. Акс ҳолда банк ҳан
тўлашдан бош тортади ва вексел бўйича одатдаги тартибда
вексел берувчига нисбатан эътироз билдирилади.

Мамлакатимиз банк тажрибаси учун янги булган вексел
бўйича ҳисоб юритиш ва вексел гарови эвазига ссуда бериш
каби қисқа муддатли кредитлаш билан боғлиқ вексел амали-
ётлари ҳам мамлакат хўжалик маблағ айланувида вексел во-
ситасидаги ҳисоб - китобларни қўллаш кўламини кенгайти-
ришга кўмаклашиши керак.

Замонавий ҳисобдор банк тажрибасида янги турдаги век-
сел - банк вексели пайдо бўлди. Банк вексели - векселда
кўрсатилган шахсга ёки унинг маҳкама аҳлига маълум пул
миқдорини белгиланган муддатда тўлаш ҳақидаги вексел эми-
тенти бўлган банк томонидан ҳеч қандай шартсиз бир тарф-
флама берилган мажбуриятдир.

Банк векселларини авваламбор даромад кўриш мақсадида
юридик ва жисмоний шахслар харид қилиши мумкин. Даро-
мад - векселнинг ярмига тенг бўлган вексел сўндириш баҳоси
ва номиналдан паст бўлган харид баҳоси ўртасидаги нисбатта
тенг. Кўрсатиб ўтилган нисбат (ДИСКОНТ) ўз мазмунига
кўра жорий депозит банк фоиз тўлов миқдори асосида ҳисо-
блаб чиқилган даромаддир. Бу банк векселининг депозит фа -

млатига ишора бўлиб, уни депозит сертификатига ўхшатади. Бироқ депозит сертификатидан фаркли ўлароқ банк вексели эгаси томонидан нафақат маблағ жамлаш воситасида, балки харид ва тўлов воситасида ҳам қўлланиши мумкин. Вексел сақловчи шахс векселни индоссамент бўйича янги вексел сақловчига утказиши воситасида мол ва хизматлар учун шу вексел билан ҳақ тўлаши мумкин. Ушбу векселга оид барча ҳуқуқлар қонун асосида янги вексел сақловчига утади.

Банк вексели индоссаменти юридик ва жисмоний шахслар ўртасида векселга оид ҳуқуқларнинг эркин ўтишини кўзлайди. Жисмоний шахс ишгирокидаги индоссамент давлат банки идоралари томонидан тасдиқланади.

Демак, муддатли банк мажбурияти юридик кучига ва бундан келиб чиқувчи барча ҳуқуқларга эга бўлган банк вексели тўлов бажариш ва хўжалик тўлов муомаласининг бир қисмига хизмат кўрсатиш мосланувчан қуролига айланади.

ФАКТОРИНГ

Факторинг бу - таваккалчилик ҳавфига эга, лекин юқори фойла берувчи банк амалиёти бўлиб, молиявий маркетингнинг самарали қуроли ва иқтисодий ривожланиш замонавий жараёнига энг яхши мослашган банк амалиётларини бирлаштириш шаклининг биридир.

“Факторинг” атамаси инглиз тилидан олинган бўлим - воситачи, агент дегани демакдир. Факторинг амалиётида уч тараф ишгирок этади:

1. фактор - воситачи, бу сифатда тижорат банки ёки ихтисолашган факторнинг компанияси чиқяши мумкин;
2. мол етказиб берувчи;
3. харидор.

Жаҳон тажрибасида факторинг деб - одатда мижознинг

айланма сармойси учун кредит бериш билан биргаликда олиб борилувчи мол ва хизматлар буйича ҳисоб - китоб бажариш жараёнида фактор томонидан миждозга кўрсатилган қатъи даллолик - воситачилик хизматига айтилади.

Факторинг хизматининг асосий мақсади - ўз миждозларининг дебиторлик ҳисобрақамларини инкассога қўйиш ва уларга тегишли тўловларни олишдан иборатдир. Фактор томонидан миждозга кўрсатилган бундай хизмат молияланиши ҳам молияланмаслиги ҳам мумкин.

Дебиторлик ҳисобрақамини инкассога қўйиш хизмати молияланмагани ҳолатида факторинг компаниясининг миждоз маҳсулотни юклаб жўнатганидан сунг компания орқали харидорга ҳисоб такдим қилади. Компаниянинг вазияфаси - хўжалик шартномасига мувофиқ (одатда 30 кундан 120 кунгача) белгиланган муддатда миждоз фойдасига тўлов ундиришдан иборатдир.

Факторинг хизмати молияланмагани ҳолатида компания юклаб жўнатилган маҳсулот қийматининг 80 - 90 фоизи учун дарҳол ҳақ тўлаш шarti билан миждоздан ҳисоб - фактура сотиб олади, яъни миждознинг айланма сармойси учун бунак беради (ҳисоб - фактураларни дисконтлаш). Заҳирадаги 10 - 20 фоиз миждозга берилмайди, зеро маҳсулот сифати, нархи ва шу кабиларга оид харидор томонидан даъво қилинган ҳолатига алоҳида ҳисобрақамда банд қилиб қўйилади. Бундай хизмат амал кўрсатаётган корхоналар талабига тўла жавоб беради, чунки факторинг воситасида тўлов муддати кечиктирилган сотувни дарҳол ҳақ тўланувчи сотувга айлантириш имкониятини беради ва демак сармой айланувини тезлаштиради.

Факторинг компанияси ҳисоб - фактураларни дисконтлагани учун миждоздан қўйидагиларни ундириб олади:

- а) хизмат ҳақи (ҳисобрақам инкассоси учун);

б) факторинг кредитига оид фоизлар.

Фоизлар кредит тақдим этилган санадан бошлаб ушбу маҳсулот учун харидордан маблағ келганигача ундирилади. Бундай фоиз одатда қайд этилган фоиз тўлов миқдоридан 1 - 2 поғона юқори бўлади.

Молияланган (кредитли) факторинг икки хил бўлади: очик ва ёпиқ.

О ч и қ факторинг - факторинг хизмат кўрсатишнинг шундай шаклики, бунда пул тўловчи мол етказиб берувчи томонидан ҳисоб - фактуралар факторинг компаниясига топширилгани ҳақида хабардор этилади.

Ё п и қ ёки конфиденциал факторинг шунинг учун бундай номланадики, унда контр - агентларнинг бирортаси ҳам ҳисоб - фактураларнинг факторинг компаниясига топширилганидан хабардор бўлмайдилар ва шунинг учун у мол етказиб берувчининг молларини сотишда кредит бериш махфий маблағ манбааси сифатида хизмат қилади. Бу ҳолда пул тўловчи ҳисоб - китоб ишларини мол етказиб берувчининг ўзи билан олиб боради, мол етказиб берувчи эса ҳақ олганидан сўнг тегишли қисмини кредит қоплаш учун факторинг компаниясига ўтказиши.

Мол етказиб берувчи билан факторинг компанияси ўртасидаги келишувга мувофиқ молияланган факторингда регресс ҳуқуқи кўзланган бўлиши мумкин, яъни харидор томонидан ҳақ тўланмаган ҳисобларни кредитни узиш талаби билан факторинг фирмаси қайтариб бериши мумкин. Бироқ жаҳон тажрибасида регресси факторинг камдан кам қўлланади ва одатда ҳақ тўланмаслиги билан боғлиқ бутун таваккалчилик хавфини факторинг фирмаси ўз зиммасига олади.

“Фактураларни дисконтлаш” ишларидан ташқари факторинг компанияси мижознинг асосий хўжалик - молиявий фаолияти билан боғлиқ ва ҳисоб - китобларга оид қатор бо -

иқа хизматларни кўрсатиши мумкин:

- дебиторлик қарзга оид тўла бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш;
- ҳисоб - китоб ишларини ташкиллаш хўжалик шартномаларини тузиш, тўловларни ўз вақтида ундириш ва шу каби масалалар бўйича маслаҳат бериш;
- сотув бозори, мол - маҳсулот нархи, бўлажак харидорларнинг тўлов қобилияти ва шу кабилар тўғрисида маълумот бериш;
- транспорт, омбор, суғурта, реклама ва шу каби хизматларни кўрсатиш.

Бу шароитда факторинг - миждларга молиявий хизмат кўрсатиш универсал тизими (конвенцион факторинг) вазифасини ўтайди. Мижд зиммасида деярли фақат ишлаб чиқариш вазифаси қолади. Бундай шаклдаги факторингда мижд ўз хизматчилари сонини анча қисқартириши мумкин, бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш сарф - харажатларини қисқартиришга кўмаклашади. Бироқ шу билан бир вақтда мижд факторинг компаниясига тўла қарам бўлиб қолиши хавфи пайдо бўлади, чунки бундай алоқа фактор томонидан мижд: рни ўз таъсири ва назоратига бўйсундириш ҳамда уларнинг ишлари тўғрисида тўлиқ хабардор бўлишликка олиб келади.

Факторинг компания билан мижд ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий асосини томонлар мажбурияти ва маъсулиятини аниқлаб берувчи шартнома ташкил этади. Хусусан унда қуйидагилар кўрсатилади: факторинг тури, факторин кредитининг ва фоиз тўловининг миқдори, барча турдаги даллолчилик - воситачилик хизматлари бўйича хизмат ҳақи миқдори, ўзаро мажбуриятларни бажариш кафолоти ва мажбурият бажармаслик учун моддий жавобгарлик, ҳужжатларни

расмийлаштириш тартиби ва томонлар истагига кўра бошқа шартлар.

Факторинг амалиётлар таваккалчилик табиатига эга бўлгани муносабати билан факторинг компанияси мижоз билан шартнома тузганига қадар унинг тўлов қобилиятига буткул ишонч ҳосил қилиш учун булажак мижознинг молиявий аҳволини батафсил ўрганиб чиқиши зарур: баланс ликвидлиги кўрсаткичларини, дебиторлик қарз таркиби ва давомийлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш имкониятларини, сотув бозори талабларини, харидорлар доирасини, бўлажак мижозлар доирасини ва тўлов қобилиятларини ва ҳоказоларни таҳлил қилади. Бунинг учун қуйидаги манбаалардан фойдаланилади: матбуот маълумотлари, ўз агентларидан олинган маълумотлар, банк мижозларининг тўлов ва кредит қайтариш қобилиятларини ўрганиш ҳужжатлари ва ҳоказо. Бу юзадаги таҳлил ишлари икки ҳафта ичида бажарилиши лозим. Одатда ижобий қарорга келингани ҳолатида факторинг компания билан мижоз ўртасида тузилган шартномада, факторинг кредит берилиши ёки инкассога ҳужжат қабул этилиши мумкин бўлган энг юқори пул миқдори кўзлаб қўйилади. Лимит миқдорини аниқлаш учун мижоз ўзида мавжуд харидорлар билан тузилган шартномаларни факторинг компаниясига тақдим этиши зарур. Одатда факторинг хизмат кўрсатиш шартномаси бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилади. Мамлакатимиз банк муассасаларидан 1989 - йилдан бошлаб факторинг бўлимлари (гуруҳлари) ташкил этила бошлаган. Факторинг бўлимларига юклатилган вазифа - мол ва хизматлар учун ҳисоб - китобларни тезроқ якунлаш мақсадида корхоналарга шартнома ва ҳақ тўлаш асосида қатор кредит ҳисоб - китоб амалиётларини бажаришдан иборатдир.

Бугунги кунда факторинг бўлимлари томонидан мижозларга қуйидаги хизматлар таклиф этилиши мумкин:

- юклаб жўнатилган моллар ва курсатилган хизматларга оид муддатли қарздорликни сотиб олиш шартномаси (факторинг)да аввалдан келишиб олинган таркибдаги харидорлар гуруҳи ёки маълум бир харидордан мол амалиётлари бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини мол етказиб берувчи корхонадан сотиб олиш;
- юклаб жўнатилган мол ва курсатилган хизматларга оид дебиторлик қарзларни (ўз вақтида харидорлар томонидан тўланмаган ҳақни) мол етказиб берувчи корхонадан сотиб олиш, яъни муддатида тўланмаган дебиторлик қарзни сотиб олиш;
- ўз миқозларидан вексел сотиб олиш.

Факторинг бўлимининг биринчи гуруҳ хизматларга оид бажарувчи амалиётлардан кўзланган мақсад қуйидагича: факторинг бўлими пул тўловчи белгилаган ва мол етказиб берувчи томонидан тўлов учун тақдим этилган тўлов талабнома - топшириқлари бўйича инкассога чиқарилган куниёқ дарҳол ўз маблағлари ҳисобига ҳақ тўланишини кафолатлайди. Ўз навбатида мол етказиб берувчи ушбу харидорлардан бундан кейин ҳам ҳақ олиш ҳуқуқини факторингга топширади ва факторинг бундан фойда кўради. Мол етказиб берувчининг тўлов талабнома - топшириқлари бўйича муддатидан илгари (бевосита харидордан ҳам олгунча) ҳақ тўлаш амали аслида факторинг томонидан мол етказиб берувчига кредит берилганини билдиради. Бундай кредит тўлов ўз вақтида бажарилмаслиги хавфини бартараф этади ва мол етказиб берувчининг молиявий аҳволини харидор тўлов қобилиятига тобелигидан қўлқолади. Натижада ўз ҳисобрақамига дарҳол пул маблағларини қабул қилган миқоз ўз нақбатида муддатини кечиктирмасдан мол етказиб берувчиларга ҳақ тўлаши мумкин бўлади, бу эса ҳисоб - китоблар тезлашувига кўмаклашади ва ҳўжаликдаги пул тўламаслик ҳолларини қисқартиради.

Мол амалиётлаиға оид хўжалик идораларининг муддатида тўланмаган дебиторлик қарзи сотиб олинганида факторинг ўз маблағлари ҳисобига ушбу қарздорликни мол етказиб берувчиларга ҳеч қандай асоссиз эмас, балки маълум шарт - шароит мавжудлигида тўлайди: тўлов уч ойдан ортиқ вақтга кечикмагани ҳолатида ва пул тўловчи кредит олишдан тўлиқ махрум этилмагани ва тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинмагани тўғрисида банкдан хабарнома олинганидан кейингина. Муддатида тўланмаган дебиторлик қарзларни сотиб олиш амалиётлари юқори таваккалчилик хавфи даражасига эга, шунинг учун ҳам хизмат ҳақи миқдори анча юқоридир. Унинг даражаси муддати келмаган юклаб жўнатилган мол бўйича қарздорликни сотиб олишдаги хизмат ҳақи даражасидан 1,5 - 2 баробар юқори бўлади.

Вексел воситасида ҳисоб - китоб қилиш шакли ривожланиб бораётгани муносабати билан факторинг томонидан корхоналарга янги хизмат тури кўрсатила бошлади, яъни дарҳол ҳақини тўлаб мол етказиб берувчилардан вексел сотиб олиш хизмати (векселлар ҳисобини олиб бориш). Бундай факторинг амалиёти вексел эвазига мол юклаб жўнатган мол етказиб берувчига вексел бўйича ҳақ тўлаш учун маблағ олиш ва шу билан бир вақтда вексел бўйича тўлов муддатини сақлаб қолиш имкониятини беради. Векселлар ҳисобини олиб боргани учун факторинг шартномага биноан миждоздан хизмат ҳақини (дисконт) ундириб олади. Дисконт бу - вексел валютаси ва вексел сотувчиси факторингдан олган пул миқдори ўртасидаги фарқдир.

Кўрсатиб ўтилган асосий хизматлар каторида факторинг хизмат ҳақи олиш шarti билан бир мартаба бажариш учун амалиёт тартибида ўз миждозларига турли хил қўшимча хизматлар кўрсатиши мумкин:

- мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб - китоб

бларни ташкиллаш, молиявий маблағ манбааларидан фойдаланиш самарасини ошириш, молиявий аҳқомни соғломлаштириш ва бошқа иқтисодий масалалар бўйича хўжалик идораларига бу мартабали ва доимий масъулият бериш;

- юридик хизматлар (молия - кредитга оид иш қўғозлари ва ҳужжатларни тайёрлаш борасида ёрдам кўрсатиш);
- юзага келган ўзаро тўлов муносабатлар тажрибасига бериш ва бухгалтерлик ҳисоботларни тузиш мақсадида юклар жўнатилган моллар, дебиторлик қарзлар юзасидан
- миждоз топшириғига биноан ҳисоб юритиш.

БИРЖА САВДОСИГА ОИД ҲИСОБ - КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛЛАШ

Моллар биржаси - маълум қоидаларга биноан фаолият кўрсатувчи доимий амалдаги улгуржи бозордир.

Биржа савдоси учта асосий амалиётлардан иборат жарён ёндир:

- 1) талаб ва таклифни аниқлаш;
- 2) сотувчи ва харидор ўртасидаги битим шартлари бўйича келишиб олиш;
- 3) битимни рўйхатдан ўтказиш (расмийлаштириш).

Биржа битими - ёзма тарзда расмийлаштирилган олди - сотти шартномаси бўлиб, қонунда белгиланган тартибда қайдал этилгани пайтидан бошлаб тузилган деб ҳисобланади ва битим тузувчи томонлар ўртасида ҳисоб - китоблар бажарилганидан сўнг ижро этилган бўлади.

Биржа қайдафтаридоги ёзувга асосланган битта ҳужжат воситасида шартнома тузилади ва ушбу шартномага томонларнинг биржа вакилининг имзоси чекилади. Шартномада албатта қуйидагилар кўрсатилади: номенклатура

(ассортимент), моллар сони ва сифати, мол етказиб бериш (харидорга топшириш) муддатлари ва нархи (агар у шартнома тузиш пайтига маълум бўлса). Ушбу пайтга мол нархи маълум бўлмаса, уни аниқлаш шартлари (услуглари) кўрсатилади. Айтиб ўтилган маълумотлар кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилмаган деб ҳисобланади.

ТИЖОРАТ БАНК КАССА АМАЛИЁТЛАРИ

Нақд пул муомаласи жами пул муомаласининг 20 фоизи дан ортиқроқ қисмини ташкил этади. Корхона, ташкилот, муассасаларнинг аҳоли билан ҳисоб - китоблари ҳамда аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасидаги ҳисоб - китоблар нақд пул воситасида чекланган миқдорларда амалга оширилади. Нақд пул айланувининг ҳажми нақд пулсиз маблағ айланувига нисбатан анча кам бўлишга қарамасдан, унинг хўжаликда нормал иқтисодий алоқаларни ташкил этишдаги ўрни каттадир. Халқ хўжалигида яратилган молларнинг яқуний сотуви айнан нақд пул айлануви доирасида содир бўлади ва жамоатчилик ишлаб чиқариш билан шахсий истеъмол ўртасидаги алоқаларнинг сифати ҳам айнан шу жабҳада имтихондан ўтади. Шунинг учун хўжаликдаги нормал пул айланиши ва пул харид қобилиятининг барқарорлиги кўп жиҳатдан нақд пул айлануви аҳволига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомала қилаётган нақд пуллар (қоғоз пул ва металл тангалар) кредит пуллари-дир. Пулларнинг муомаласига чиқарилиши хўжалик кредитлаш тартибида амалга оширилиши лозим. Муомалага пул чиқариш ва муомаладан пулларни олиш ёлғиз ҳуқуқи асосий вазифасига кўра, яъни мамлакат эмиссия маркази вазифасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига бери-лган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки халқ хўжалигида касса амалиётларини бажариш тартибини белгилаш, қоғоз пул ва металл танга тайёрлаб чиқаришни ташкиллаш, нақд пулларни сақлаш, ўтказиш ва инкассация қилиш қонунларини ўрнатади, қоғоз пул ва металл танга захира жамғомаларининг барпо этилишни таъминлайди, пул белгиларини туловга яроқлигини аниқлаш аломатларини ва тартибини белгилайди, шикастланган қоғоз пул ва тангаларни аниқлаш, алмаштириш ва йўқ қилиб юбориш тартибини ўрнатади.

Мамлакат эмиссия маркази бўлиши Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг зиммасига пул бирлиги мустақиллигини таъминлаш мақсадида пул муомаласини бошқариш вазифаси юклатилади.

Яқин кунларгача маъмурий - буйруқбозлик тизими орқали хўжаликни бошқариш шарт - шароитида бизнинг мамлакатда пул муомаласини режалаштириш ва мувоқилаштириш маълум тизими амал қилган. Фақат ҳукумат пул - кредит тизимини бошқариш ва эмиссия - касса амалиётларини мувофиқлаштириш ёлғиз ҳуқуқига эга бўлган. Ёлғиз ҳукуматнинг ўзигина эмиссия миқдорини ёки муомаладан пул олиб қўйиш ҳажминини аниқлаб келган. Халқ хўжалигига кредит - ҳисоб - китоб ва эмиссия - касса хизматларини кўрсатиш борасидаги жами ташкилий - техник ишлар ССР Давлат Банки зиммасига юклатилган ва у ҳукумат кўрсатмаларининг бажарилиши учун жавобгар бўлган.

Пул муомаласини режалаштириш ва мувофиқлаш тизими қуйидагича ташкил этилган: мамлакатнинг кредит, ҳисоб - китоб ва эмиссия - касса маркази бўлиши Давлат Банки нақд пулсиз ва нақд пул айланувининг қаттиқ чегараланишини таъминлаган.

Нақд пул ҳаракати аҳоли пул даромадлари ва сарф - харажатлари билайсини ҳамда Давлат Банкининг касса ва кре -

дит режасини тузиш ва ижро этиш орқали режаланган ва мувофиқлаштирилган. Пул муомаласини режалаштириш ва мувофиқлаш жараёнида ушбу ҳужжатларнинг ҳар бирига маълум вазифа юкланган, ammo ушбу учта баланс натижаларига асосланиб ҳукумат муомаладан пул олиб қўйиш ёки эмиссияга оид масалаларни ҳал этган. Муомаладан пул олиб қўйиш ёки муомалага пул чиқариш топшириқлари бевосита жойларда корхона, ташкилот, муассасаларга касса хизматини кўрсатувчи банк муассасалари учун мажбурий бўлган, яъни эмиссия юқоридан берилган кўрсатма сифатига эга бўлган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шарт - шароитида пул муомаласининг қаттиқ кредит ва касса режаланишидан узоқлаштирилган ва бозор тизимига яқин бўлган жамланган пул айланувини мувофиқлаш тизимига ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан пул айланувини мувофиқлаш услублари ҳам белгилаб берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тижорат банкларига берилган кредитларга тегишли объектларни мувофиқлаш;
- валюта интервенцияси;
- қимматли қоғозлар билан амалиёт бажариш;
- тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида депонентланиши лозим бўлган мажбурий захиралар меъёрини ўрнатиш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тижорат банкларига берилган кредитларга оид фонд тўлов миқдорини белгилаш.

Бироқ у ёки бу мувофиқлаш услубининг қўлланиши мувоқиқлаш объекти ва уни ўлчаш услублари тўғрисидаги масаланинг ҳал этилишини кўзлайди. Жаҳон тажрибасида пул агрегати кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки пул миқдори

ҳажмини мувофилашда рухсат этилган услубларни тижорат банклари орқали қўллайди. Икки поғонали кредит тизими мавжудлиги шарт - шароитида бошқариш воситаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки кредит сифати борасида мустақил, лекин пул - кредит эмиссиясини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган ва жалб этилган маблағ манбалари чегарасида фаолият юритаётган тижорат банкларига ўз таъсирини утказди.

Тижорат банклари мижозлар билан ўз алоқаларини шартномавий асосларда қурадилар, шу ҳисобда - касса хизматини кўрсатиш борасида ҳам.

Корхоналар аҳоли билан ҳисоб - китоб қилишда нақд пуллари қабул қилишлари учун назорат - касса машиналаридан фойдаланишлари шарт. Корхоналар ўз кассаларида корхона раҳбари билан келишилган ҳолда банк томонидан ўрнатилган лимит чегарасида нақд пул сақлашлари мумкин. Ўрнатилган лимитдан ортиқча нақд пуллари, яъни ўз кассасидаги нақд пул қолдиқларини корхоналар банк билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда ва муддатда ўзларига хизмат кўрсатаётган банкка топширишлари шарт.

Кассадаги нақд пул қолдиқлари лимитини, тушумни банкка топшириш тартиби ва муддатларини белгилаш учун корхоналар биринчи чорак бошланишда банкка маҳсус ҳисоб - китоб - буюртманомани тақдим этадилар. Ушбу буюртманомада корхоналар қўйидагиларни кўрсатадилар: бир ойлик пул тушуми ҳажмини, тушумдан сарфланиши кўзланган нақд пул миқдорини, ўртача бир кунлик тушум миқдорини (иш кунлари сонидан келиб чиққан ҳолда 0, тушумни банкка топшириш тартибини ва муддатларини, касса қолдиқлари лимитини. Корхона кассаларидаги нақд пул қолдиғи лимитлари корхона фаолияти ва тушум инкассацияси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Доимий тушумга эга ва ҳар иш

куни сўнгида уни топширишга мажбур бўлган корхоналар лимит миқдори эрталабдан то кейинги кундузгача нормал ишлаш учун зарур ҳажмларда белгиланади. Тушумларини кейинги кунда топширувчи корхоналар учун лимит миқдори ўртача бир кунлик тушумдан ортмаслиги лозим. Дойимий тушумга эга бўлмаган корхоналар учун лимит миқдори ўртача ҳар кунлик эҳтиёж сарф - харажатлари чегарасида белгиланади. Корхоналар лимитдан ортиқча барча пулларни белгиланган тартибда ва муддатларда ҳисобрақамларга қўшиб киритиш учун банкка топширишлари шарт.

Нақд пуллар банк ҳисобрақамига қўшиб киритилиши учун тузилган шартномаларга асосан кундузги ва кечки банк кассаларига, инкассаторларга, алоқа корхоналари қошидаги бирлашган кассаларга топширилади.

Нақд пулларнинг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши банк иқтисодчилари томонидан назорат этилади. Жорий назорат иқтисодчилар томонидан касса режаси бўйича назорат қайдномасига олиб борилади, келгуси назорат эса касса амалиётларини юритиш тартибининг талабларига риоя этишлик юзасидан корхоналарда ўтказилувчи банк текширишлари жараёнида назорат этилади. Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритаётган корхона, муассаса, ташкилот, жисмоний шахслар томонидан нақд пул билан ишлаш шарт - шароитига риоя этилмагани, шунингдек касса амалиётларини юритиш тартибига риоя этилмагани ҳолатида уларга нисбатан "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши юзасидан мажмуавий чора - тадбирлар кўриш тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ қуйидаги молиявий жавобгарлик чоралари қўлланади:

- **бошқа** корхона, ташкилот, муассасалар билан энг юқори ўрнатилгандан ортиқча миқдорда нақд пул маблағлари билан ҳисоб - китоб этилгани учун - бажарилган тўловнинг

икки баробари миқдорида жарима солинади;

- нақд пуллар кассага кирим қилинмагани (тўлиқ кирим қилинмагани) учун - кирим қилинмаган пулнинг уч баробари миқдорида жарима солинади;
- бўш пул маблағларини сақлаш амалдаги тартибига риоя этилмагани, шунингдек кассаларда белгиланган лимитлардан ортиқча нақд пул тўплангани учун - аниқланган лимитдан ортиқча касса нақдгинасининг уч баробари миқдорида жарима солинади.

Кўрсатиб ўтилган тартиб бузарликларга йўл қўйган корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларига нисбатан маъмурий жарима қўлланади.

Маъмурий тартиб бузарликлар ва жарима солиш тўғрисидаги ишлар солиқ идоралари томонидан кўриб чиқилади. Бунинг учун тижорат банклари томонидан ва корхона, ташкилот, муассасаларнинг касса амалиётларини юритиш тартибига ва нақд пул билан ишлаш шарт - шартларига риоя этаётганини текширувчи бошқа идоралар томонидан тақдим этилган маълумотлардан фойдаланилади.

Юқорида санаб ўтилган асосларда ундирилган жарима миқдорлари федерал бюджетга қўшиб киритилади.

Барча банкка тушаётган нақд пулларни кирим қилиш ва чиқим амалиётларини бажариш учун ҳар бир банк муассасаси маблағ айлантириш кассасига эга бўлади. Амалиёт куни яқунгача барча тушган нақд пуллар шу куниёқ кирим қилиниши шарт.

Корхона ва ташкилотлар учун нақд пуллар ҳам маблағ айлантириш кассасидан берилади. Ҳар бир банк оқилона пул айланшини ташкил этиши зарур, яъни мижозларга пул беришда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкidan ёрдам пули сўрамасдан ўз тушумлари ҳисобига эҳтиёжни қондиришга ҳаракат қилиши лозим. Бу вазифанинг уддасидан чиқ -

иш учун тижорат банклари чоракли жадалкор касса таҳмини-ни тузадилар ва ижро этадилар. Барча корхона, ташкилот, муассасалар режаланган чоракдан 65 кун илгари банкка касса буюртмаларини тақдим этадилар.

Корхона, ташкилот, муассасаларнинг касса буюртмалари тўрт бўлимдан иборат бўлади. Биринчи бўлимда: корхона ва ташкилот кассаларига тушган барча нақд пул миқдорлари (банкдан олинган пуллардан ташқари) касса режасининг ҳар бир моддаси бўйича акс эттирилади ҳамда ушбу тушумдан қанча пул миқдорлари банкка берилиши кўрсатилади. Иккинчи бўлимда: иш ҳақи тўлаш ҳисоб - китоби ва бошқа турдаги меҳнат учун ҳақ тўлаш сарф - харажатлари келтирилади, яъни иш ҳақи жамғармаси ва моддий рағбатлаш жамғармасидан берилувчи мукофотлар, хизмат сафари харажатлари ўрнига берилувчи иш ҳақига доимий қўшимчалар, иш ҳақи жамғармасига киритилмаган мукофотлар ва бошқа турдаги меҳнат ҳақи ҳамда стипендиялар. Ушбу бўлимда акс эттирилган нақд пул тўловлари ҳажми ушлаб қолинган ва ўтказиб берилган пул миқдорлари, маҳсулот билан тўланган ҳақ ва имтиёزلарни иш ҳақи жамғармасидан (бошқа турдаги меҳнат ҳақи ва стипендиялар билан биргаликда) айриб ташлаш орқали аниқланади. Корхоналардаги нақд пул тўловлари тўрт гуруҳга бўлинади:

1. касса тушумидан: савдо, почта, омонат касса ишчиларига;
2. омонат кассалари орқали;
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг руҳсатида биноан қарзга олиш тартибида савдо ташкилотларининг тушумидан;
4. банкдан олинган нақд пул билан.

Учинчи бўлимда: ёрдам пуллари, ижтимоий сугурта тўловлари, хизмат сафари харажатлари, хўжалик сарф - харажатлари, аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб

олиш сарф - харажатлари. Ушбу бўлимлардаги кўрсаткичлар
утган йилнинг тегишли чорагида ҳақиқатда ижро этилган
кўрсаткичлар билан таққосланади. Тўртинчи бўлимда: иш
ҳақини тулаш мақсадида банкдан нақд пуллар олинган муш-
датлар кўрсатилади.

Қуйидаги корхоналар касса режасига тегишли қўшимча
ҳисоб - китобларни тақдим этадилар: савдо ташкилотлари -
савдо тушумига оид маълумотларни: транспорт, маиший хиз-
мат кўрсатиш, комунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва то-
мошахоналар - хизмат эвазига олинаётган пул тушумлари
тўғрисида оид маълумотларни: молия идоралари - солиқ, пул
йиғимлари ва шу кабиларга оид маълумотларни.

Корхоналарнинг маълумотлари ва касса бўлғортмаларига
асосланиб тижорат банклари касса таҳмиши ҳисоб - китоби
тузадилар ва унинг ижроси жараёнида корхоналарга касса
хизмати кўрсатилади.

Пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиш ва бериб
юбориш учун ҳар бир тижорат банкида касса амалиётлари
бўлими ишлайди. Бу бўлимда кирим, чиқим, кирим - чиқим,
кечки, пул алмаштириш, пул тушумларини қайта санаш кас-
саларидан иборат бўлиш мумкин. Инкассаторлар орқали пул
тушумларини қабул қилувчи банкларда пул тушумларини
қайта санаш кассалари ташкил этилади. Кечги вақтда пул
қабул қилиш учун кечки кассалар мавжуд. Кассалар сони банк
фаолиятининг ҳажми ва табиатига боғлиқ бўлади.

Банклар нақд пулларни миждоз шахсан келганида ва
унинг иштирокида, маҳсус қопларида ва инкассаторлардан
қабул қиладилар.

Аксарият ҳолларда кирим кассалари нақд пул билан ба-
дал киритиш эълони бўйича нақд пулларни қабул қиладилар.
Эълон уч қисмдан иборат бўлади: пул топширувчи томонида
тўлдирилган эълон, патта ва ордерлардан. Эълонда: кимдан

пул қабул қилинаётгани, қайси ҳисобрақамга қўшиб киритилаётгани, рақам билан ва ёзма тарзда пул миқдори, бадал нима учун мўлжаллангани кўрсатилади. Ордерда: 02 белгиси бўйича савдо корхоналаридан қабул қилинган пул тушумлари ва 16 - белги бўйича фуқароларнинг омонатларига оид ҳисобрақамларга тушган маблағлар кўрсатилади. Эълон бўйича пул бадали киритилганида амалиётчи ходимлар ҳужжатининг тўғри тўлдирилганини текширадилар, имзо чекадилар ва ушбу пул амалиётига оид барча зарур ёзувларни кирим бўйича касса қайддафтарига киритадилар: амалиёт тури (03); ҳужжатининг тартиб рақами; пул қўшилаётган ҳисобрақам; касса айлануви белгиси; ҳужжатдаги пул миқдори. Касса қайддафтари кунлар бўйича, кирим ва чиқим бўйича алоҳида юритилади. Касса қайддафтарига ёзувлар киритилганидан сўнг амалиётчи ходим нақд пул бадалига оид эълонни касса қайддафтари билан биргаликда кирим кассасига топширади. Кассир қайддафтарда имзо чекади ва пул топширувчи мижозни чақиради. Бундан сўнг кассир амалиётчи ходимлар имзосининг мақжудлигини ва айнан ўхшашлигини, пул миқдорининг рақам билан ва ёзма тарзда ҳужжатда кўрсатилган миқдорга мослигини теуширади.

Кассир пулларни бирма - бир санаб мижоздан қабул қилиб олади. Ҳозирги вақтда ҳамма банклар пул санаш асбоблари билан таъминланган. Бадал киритувчи шахс пулларни бир неча ҳужжат бўйича ҳар хил ҳисобрақамларга топшириляётгани ҳолатида кассир пулларни ҳар бир ҳужжат бўйича алоҳида қабул қилиши шарт.

Пуллар инкассация аппарати орқали ҳам топширилиши мумкин. Амалиёт кунни якунлапганидан сўнг инкассация аппаратидан пулли қопларни кечки кассалар қабул қилиб олади. Қопларни қабул қилишда кечки касса кассири қопларга оид ёзиб берилган ҳужжатларни ва ташриф варақасини текшира -

ди. Қопларга оид ҳужжатда қуйидагилар кўрсатилади: қопга пул миқдори, пул қўшиб киритилиши лозим бўлган ҳисобрақам, касса айлануви белгилари, топширилаётган пуллар рўйхати. Кассир қоплардаги тамгаларни ўзида мавжуд тамга асбоб излари нусхаси билан солиштириб чиқади. Бухгалтер - назоратчи қопларни пулли қопларни қайд қилиш қайддафтарыда рўйхатга олади ва унда қопларнинг тартиб рақамини ҳамда юк ҳужжатида кўра пул миқдорини кўрсатади. Қайддафтарда инкассаторлар, кассир ва бухгалтер - назоратчи имзо чекадилар. Қоплар барча бригада инкассаторларининг иштирокида катта инкассатор қўлидан қабул қилиб олинади. Қоплар қабул қилиб бўлинганидан сўнг кассир ва бухгалтер - назоратчи икки нусхадаги йўналиш варақасига имзо чекадилар ва касса муҳри билан тасдиқланган иккинчи нусхасини инкассаторларга берадилар.

Нақд пулли қабул қилинган қопларнинг умумий сони тўғрисида маълумотнома тузилади ва унда эълон қилинган миқдор бўйича қабул қилинган қоплар сони ҳамда қоплардаги нақд пул миқдори кўрсатилади. Ҳақиқатда мавжуд пулларнинг илова қайдномасидаги маълумотга мос келиши таъқослаб чиқилганидан сўнг келгуси куни эрталаб касса мудирини пулларни амалиёт кассасига ва мижозларнинг ҳисобрақамларига қўшиб киритиш амалиётини расмийлаштириш учун юк ҳужжатларини топширади, илова қайдномалари эса касса кундалик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Маҳсус қопда нақд пулларни қабул қилиш ишлари пул қабул қилиш борасида янги хизмат туридир. Мижозлар қопларни ўзлари олиб келади ва пулларни қайта санаш ҳамда қабул қилиш учун қопларни кирим кассасида қолдириб кетадилар. Қопга мижоз томонидан илова қайдномаси ва купюра бўйича пул рўйхати солиб қўйилади. Кирим касса кассирини назоратчи иштирокчида пулларни қайта санаб чиқади. На -

зоратчи вазифасини касса мудири бажаради. Пуллар қайта санаб чиқилганидан сўнг кассир томонидан текшириш қайдномаси тузилади ва унда (агар мавжуд бўлса) ортиқча пуллар ёки пул камомади, пулларни қабул қилган кассир ва назоратчининг фамилияси кўрсатилади. Тушумли халтадаги қоғоз пуллар сони тўғрисида купюра бўйича руйхат маълумотнома ҳам тузилади. Сўнг амалиёт бўлиmidан ҳақиқатда қабул қилинган пул миқдорига оид икки нусхадаги кириш касса ордери олиб келинади. Кассир касса ордерининг иккала нусхасига ҳам имзо чекади. Иккинчи нусхаси амалиётчи ходимга берилади, биринчиси эса касса кундалик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Кассир амалиёт куни давомида қабул қилинган пулларни шакллайди ва уйрим ҳужжатлари ҳамда жамланган маълумотнома билан биргаликда касса мудирига беради ва бу ҳақда қабул қилинган ҳамда бериб юборилган пулларни қайд этиш дафтарида тилхат ёздириб олади. Ушбу дафтарда ҳар куни чиқим касса кассири касса мудиридан қанча пул олаётгани ва касса мудири кириш касса кассиридан қанча пул қабул қилаётгани кўрсатилади.

Амалиёт куни якунигача тушган барча нақд пуллар шу иш кунндаёқ банк амалиёт кассасига кириш қилиб қўйилиши ва баланс бўйича тегишли ҳисобрақамларга қўшиб киритилиши шарт.

Мисол:

корхонадан нақд пул қабул қилишда:

Дт - 031 - ҳисобрақам,

Кт - 467 - ҳисобрақам;

сертификат сотишда:

Дт - 031 - ҳисобрақам,
Кт - 199 - ҳисобрақам.

Иш ҳақи, стипендия ва шу каби тўловлар учун корхона, ташкилот, муассасаларга пул бериш амаллари меҳнат шартномалари, ҳукумат қарорлари, вазирликлар фармойишига биноан белгиланган муддатларда бажарилади. Корхона ва ташкилотлар ҳар чорақда банкка тақдим этган касса буюртмаларида пул бериш муддатлари туғрисида хабар берадилар.

Корхона, ташкилот, муассасалар билан аниқ пул бериш муддатлари юзасидан келишилганида тижорат банклари пул бериш ишларини иложи борича бутун банк доирасида ой кунлари бўйича бир текисда тақсимлаш заруратини ҳисобга оладилар. Банк муассасалари иш ҳақи бериш бўйича белгиланган муддатларга риоя этилаётгани юзасидан назорат олиб борадилар ва натижада хужаликларнинг нақд пулга бўлган асосли талабларини ўз вақтида ва узлуксиз қондиришга эришадилар. Иш ҳақи ва стипендия тўловлари учун нақд пул бериш муддати шанба, якшанба кунларига туғри келгани ҳолатида пуллар пайшанба ва жума кuni бериб юборилиши мумкин.

Касса маблағларини мувофиқлаш мақсадида тижорат банклари ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар учун пул бериш календарини тузадилар.

Ҳар иш кuni аввалида пул муомаласи бўлими банк кассасидан нақд пул бериш ҳажминини аниқлаб беради. Шу кuni бажариладиган чиқим амалиётларини ҳисобга олган ҳолда касса мудирини ҳисобот бериш шартин билан чиқим касса кассирларига зарур пул миқдорини беради ва бу ҳақда қабул қилинган ва бериб юборилган пулларни қайд этиш дафтарига тилхат ёздириб олади. Пул миқдори ёзиб қўйилган дафтарини иш кuni аввалида касса мудирини кассирга беради. Иш кuni якунида дафтарга ишлатилмаган маблағлар миқдори ёзиб

қўйилади ва чиқим касса кассири уни каса мудирига топиради.

Чиқим кассасидаги нақд пуллар асосан чек дафтарчасидан олинган пул чеклари бўйича берилади. Корхона ва ташкилотлар пул чекларини амалиётчи ходимларга тақдим этадилар. Амалиётчи чекни синчиклаб текширилади: корхона мансабдор шахсларининг имзолари ва корхона муҳрининг кнсада мавжуд намуналарга мослигини таққослайди. Чек варақасида пул миқдори, чек берилган сана, пул олувчининг номи, чек берувчининг имзоси кўрсатилиши шарт. Пул миқдори сатр бошидан жой қолдирмасдан катта харф билан ёзма тарзда кўрсатилади. Тегишли сатрларга чизиқ тортилади. Хисобрақам эгаси пул чекининг тескари тарафида пул миқдори мақсадини кўрсатиши шарт. Олинган пуллар чекда кўрсатилган мақсад учун сарфланиши лозим.

Амалиётчи чекнинг тўғри тўлдирилганини текшириб чиқиб чекнинг назорат қисмини кассага тақдим этиш учун пул олувчига кесиб беради. Бундан сўнг чек асосида чиқим бўйича касса қаддафтари тўлдирилади: амалиёт тури (03); ҳужжат тартиб рақами (чек бўйича учта охири рақам); пул чиқариб юборилаётган мижознинг ҳисобрақами; касса амалиёт белгилари (меҳнатга ҳақ тўлаш - 407, нафақа ва ёрдам пуллари - 508, хўжалик сарф - харажатлари ва ҳоказо); белгилар бўйича пул миқдорлари ва умумий пул миқдори. Сўнгги чек амалиётчи ходим томонидан кассага берилади. Кассир чекни қабул қилиб амалиётчи ходим ва назоратчининг имзоларини текширади, чекда рақам билан ва ёзма тарзда кўрсатилган пул миқдорлари мослигини солиштиради, пул олгани тўғрисида мижознинг тилхати борлигини кўради. Сўнг чек рақами бўйича пул олувчини чақиради ва ундан қанча пул олаётганини сўраб олади. Кейин назорат маркасидаги рақамларнинг чек тартиб рақамига мослигини солиштиради ва маркани чек

ка ёпиштиради. Сўнгра кассир зарур пул миқдорини тайёрлайди, уларни бериб юборади ва бундан кейингина чекни имзолайди.

Кассадан пул олинган куни миждознинг ҳисобрақамидан маблағлар чиқариб юборилади. Бунда қуйидагича бухгалтерлик ўтказмалар бажарилади:

Дт - миждознинг ҳисоб - китоб рақами,
Кт - 031 - "Касса" ҳисобрақами.

Чиқим кассасидан нақд пуллар бухгалтерия томонидан ёзиб бериладиган чиқим касса ордерлари бўйича берилиши ҳам мумкин. Чиқим касса ордерлари банк қимматли қоғозларини сўндиришда, фуқароларга омонатларини беришда, ҳисобот бериш шарти билан банк ходимларига хизмат сафари ва тақдими сарф - харажатлари ҳамда бошқа харажатлар учун пул беришда ёзиб берилади. Ордерда кимга ва қандай мақсад учун пул берилаётгани, пул қўшиб киритилиш лозим бўлган ҳисобрақам кўрсатилади.

Амалиёт куни якунида чиқим касса кассири касса мудирдан ҳисобот остида қабул қилинган пул миқдорини кундалик чиқим ҳужжатлари ва ҳақиқатдаги пул қолдиқлари миқдори билан мослигини солиштиради. Бундан сўнг у бериб юборилган ва ҳисобот остида олинган пул миқдорлари ҳақида қўшма ҳисобот маълумотномасини тузали. Унда чиқим касса кассирининг фамилияси, бир кунлик чиқим ҳужжатлар сони, сарфланган пул миқдори, иш куни аввалида ҳисобот остида олинган пул миқдорлари кўрсатилади. Кассир маълумотнома бўйича чиқим миқдорини чиқим касса қайдафтарига ёзувлар билан солиштиради. Пул қолдиқлари ва чиқим касса ҳужжатларини ҳисобот маълумотномаси билан биргаликда касса мудирига топширади ва бу ҳақда бериб юборилган ҳамда қабул

қилинган пулларни қайд этиш дафтариди тилхат ёздириб олади. Эргалаб чиқим касса кассири касса мудиридан маълум пул миқдорини олгани туғрисида, иш куни якунида эса касса мудир кассирдан чиқим ҳужжатларини ва пул қолдиқларини қабул қилгани туғрисида ушбу дафтарда имзо чекадилар.

4 БОБ. БАНК МАБЛАҒЛАРИ, УЛАРНИ РЕЖАЛАШ ВА МУВОФИҚЛАШ.

4.1. Тижорат банкларининг ўз маблағлари.

4.2. Банк сармоясини шакллаш.

4.3. Жалб этилган маблағлар.

4.1. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ

Банк маблағлари банк бажарган пассив амалиётлар шаклида ташкил бўлади ва банк баланси пассивда акс этдирилади.

Банкларнинг ўз маблағлари, қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар банк маблағ манбааларидир. Уларнинг барчаси бригаликда актив амалиётларини бажариш учун қўлланади, яъни сафарбар қилинган маблағлар фойда кўриш мақсадида жойлаштирилади. Пассив ва актив амалиётлар бир-бири билан яқиндан боғлиқдир : пассивлар тузилмаси шаклида табиати кўп жиҳатдан банкнинг актив амалиёт бажариш имкониятларини белгилайди, шу билан бир вақтда кредитлаш жабҳасидаги банк сиёсатининг ўзгариши маблағлар табиатига анча катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Банк маблағларини шакллашда банк миждозларининг омонатлари асосий манбаа ҳисобланади. Бироқ бегона сармояни жалб қилиш учун тегишли ўз сармоясининг мавжудлигини кўрсатиш зарур бўлади, негаки кредиторлар танг пайтда унга ишонч ҳосил қилишсин.

Банкнинг ўз маблағлари таркибига қуйидагилар киради: низомий жамғарма, захира жамғармаси, фойда ҳисобига ташкил этилувчи бошқа жамғармалар, суғурта захиралари, йил мобайнида тақсимланган фойда.

Банкнинг низомий жамғармаси (сармояси) бу - банк

ишени ташкиллашда бошланғич нуқтадир. Банкни ташкиллаш шаклига қараб низомий сармоя ҳам турлича шаклланади. Банк АЖ кўринишда барпо этилгани ҳолатида унинг низомий жамғармаси очиқ обуна (очиқ турдаги акциядорлик жамиятида) орқали тарқатилган акцияларнинг номинал қиймати ҳажмида ёки низомий жамғармадаги улушига қараб (ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида) муассасалар ўртасида барча акцияларни тарқатиш тартибида шаклланади.

Агар, банк маъсулияти чекланган жамият кўринишида барпо этилган бўлса унинг низомий жамғармаси улушларга бўлинган бўлади. Улушлар миқдори таъсис ҳужжатларда белгиланади ва банк иштирокчилари ўз улушлари чегарасида банк мажбуриятлари бўйича жавобгарлик берадилар.

Ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъий назар банкнинг низомий жамғармаси тўла ҳажмда иштирокчилар - юридик ва жисмоний шахсларнинг омонатлари ҳисобига шаклланади ва мажбурият таъминоти вазифасини бажаради. Низомий жамғарма фақат банк иштирокчиларининг шахсий маблағлари ҳисобига барпо этилиши мумкин. Банк кредитлари ҳисобига низомий жамғармани шакллаш ман этилади. Жалб этилган пул маблағларидан низомий жамғармага бадал киритиш учун фойдаланиб бўлмайди. Банкни барпо этишда фақатгина пул (сўм ва валюта) маблағлари ва моддий активлар ҳисобига низомий жамғармани шакллаш мумкин. Барча бошқа активлардан фақат кейинчалик низомий жамғармани кўпайтириш учун фойдаланса бўлади.

Тижорат банк низомий жамғармасини шакллаш учун мақсади фойда кўришдан иборат бўлмаган ёки низомларида тижорат фаолияти кўзланмаган уюшмалар, сиёсий ташкилот (фирқа)лар, ихтисослашган жамоматчилик жамғармалар, рухоний бирлашмалар ва шу каби ташкилотларнинг пул маблағлари ва бошқа мулкларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Давлат ҳукумати ваколатхона ва ижрочи идоралари ҳамда маҳаллий бошқариш идораларининг қарамоғидаги мулк объектлари ва буш пул маблағлари, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига банк низомий сармо-ясининг 25 фоизидан ортиқ бўлмаган қисмини шаклласса бўлади.

Тижорат банкларининг низомий жамғармалари банкнинг ташкилий шаклига мувофиқ равишда кўпаяди. Акциядорлик жамияти сифатида ташкил этилган тижорат банклари низомий сармоясини кўнайтиришлари учун қўшимча акция чиқаришлари ва жисмоний шахслар ҳамда фуқаролар ўртасида уларни тарқатишлари мумкин. Қўшимча маблағ жалб этиш учун бундай банкларга ўз қарз мажбуриятлари - облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилган. Маъсулияти чекланган жамият кўринишида ташкил этилган банклар ўз низомий сармоялари-ли қўшимча иштирокчиларни жалб этиб, уларнинг улушини низомий сармояга қўйиш ёки бўлмаса ҳар бир илгариги иштирокчининг улушини кўпайтириш орқали орттиришлари мумкин.

Банк низомий сармоясига қўшган ҳиссасига мутаносиб ҳажмда ҳар бир иштирокчи (акциядор) ҳар йили ДИВИ-ДЕНД кўринишида банк фойдасидан қисм олади.

Дивиденд қўшиб ҳисоблаш миқдори, навбати ва тартиби акция турига ва чиқарув шарт - шароитига боғлиқ рақибда белгиланади (акциянинг оддий ёки имтиёзли эканлигига қараб ҳамда фойда миқдorigа боғлиқ ҳолда даромад даражаси-ни мувофиқлаш ва шу кабилардан келиб чиққан тарада).

Акциядорлик (пайчилик) банкида иштирок этганлик эва-зига дивиденд қўшиб ҳисоблаш амали қўйидаги бухгалтерлик ўтказмалари орқали акс эттирилади:

ҳисобрақами,
Кт - 904 - “Банк акциядорлари (пайчилари) нинг шахсий ҳисобрақамларига оид дебитор ва кредиторлар” ҳисобрақами.

Ҳисоблаб қўшилган дивидентлар бўйича ҳақ тўлашда:

Дт - 904 - “Банк акциядорлари (пайчилари) нинг шахсий ҳисобрақамига оид дебитор ва кредиторлар” ҳисобрақами,

Кт - 161 - “Вакиллик ҳисобрақами” (нақд пулсиз тўлашда) ва 031 - “Касса” ҳисобрақами (нақд пул билан тўлашда).

Банк ихтиёрида қолувчи фойда етарлича бўлмагани ҳолатида имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар захира жамғармаси ҳисобидан қўшиб ҳисобланди (011 - баланс ҳисобрақами):

Дт - 950, 011 - “Захира жамғармаси” ҳисобрақами,

Кт - 904 - “Банк акциядорлари (пайчилари) нинг шахсий ҳисобрақамларига оид дебитор ва кредиторлар” ҳисобрақами.

Ҳисоб - китоб рақами шу банкнинг ўзида очиб берилган акциядорларга дивиденд қўшиб ҳисоблашда пул маблағлари бевосита ҳисоб - китоб рақамига қўшилиши мумкин:

Дт - 950 - “Фойда ҳисобига банд этилган маблағлар” ҳисобрақами,

Кт - акциядорнинг ҳисоб - китоб рақами.

Бу ҳолда банк акциядорининг маблағлари 904 - ҳисоб-собрақамга қўшилмайди.

Захира жамғармалари - тижорат банкларининг захира жамғармалари актив амалиётлар натижасида кўрилган зарарни қоплашга мўлжалланган ва банк облигациялари бўйича фойз тўлаш ҳамда фойда етарлича бўлмагани ҳолатида имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўлаш учун хизмат қилади. Захира жамғармаси ҳар йиллик фойдадан пул ажратиш ҳисобига шаклланади. Унинг энг кўп миқдори низомий жамғармасининг 25 фоизидан 100 фоизигача бўлган даражада банк низомида белгиланади. Энг юқори даражага эришилганида шаклланган захира жамғармаси низомий жамғармага ўтказиб юборилади (сармояга айлантирилади) ва янгидан қўшиб берилади.

Захира жамғармаси билан бир қаторда тижорат банкларида фойдадан пул ажратиш ҳисобига маҳсус жамғармалар ҳам ташкилланади (банкнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиши учун). Уларни ташкиллаш ва сарфлаш тартиби тижорат ҳисоб - китоби ҳақидаги банк қоидалари воситасида мувофиқланади.

Банк ўз маблағларининг маҳсус қисми бу - суғурта захираларидир. Бундай захиралар аниқ бир амалиёт бажаришда банк томонидан ташкил этилади. Биринчи навбатда бу қаторга қимматли қоғозларга сарфланган маблағлар қадрсизланиши учун яратилган захиралар (944 - баланс ҳисобрақами) ҳамда ссудалар бўйича турли зиёнлар учун яратилган захиралар (945 - ҳисобрақам) киради. Ушбу захираларни яратишдан мақсад - банк харид қилган қимматли қоғозларнинг бозор қиймати ҳақиқатда пасайиб кетиши ва банк берган ссудаларнинг қайтарилмагани натижасидаги салбий оқибатларни текислашдир. Бундай захираларни шакллаш ишлари мажбурий тусга эгадир ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бу

юзадан назорат олиб боради.

Банк ўз маблағларининг энг муҳим вазифаси - омонатчи оллида банк мажбуриятларини таъминлашдир. Бу маблағлар банк ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарлик кафолатлаши чегараси ҳисобланган катталик сифатида кўрилиши мумкин. Банк тажрибасида ўз маблағлар акциядорларга қайтариб берилиш шарт бўлмагани муносабати билан улар маблағ манбааси йўқолгани оқибатида юзага келган зарарга қарамасдан банкка ўз тўлов қобилиятини сақлаб қолиш имкониятини берувчи маблағ манбаа захираси деб ҳисобланади. Банкда мавжуд ўз маблағлар миқдори банк фаолиятининг миқийёсини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ўрнатиловчи иқтисодий меъёрлар асосан банкнинг ўз маблағлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Банкнинг ўз маблағлари унинг моддий негизини ривожлантириш манбааси вазифасини ўтайди. Айнан шу маблағлар ҳисобига банк ўзига зарур бўлган биноларни, машиналарни, жиҳозларни, ҳисоблаш техникасини ва шу кабиларни харид қилади. Ушбу харажатларни молиялаш учун бевосита манбаа сифатида фойда ҳисобига ташкил этилувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш жамғармаси хизмат қилади.

Банк тажрибасида нетто ва брутто ўз сармоялари ажратилади. Брутто ўз сармояси бу - жами банк жамғармалари ва баланс бўйича тақсимланмаган фойда йиғиндисидир. Нетто ўз сармояси бу - брутто сармоядан қуйидаги банк сарфлари айириб ташланган сармоядир: корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига (825 - ҳисобрақам); келгуси давр харажатларига (941 - ҳисобрақам); корхона ва АЖ акцияларига (192 ва 191 - ҳисобрақам); банд этилган маблағларга (95 - ҳисобрақам); банк харажатларига (97 - ҳисобрақам); банк дебиторларига (901 - ҳисобрақам, 904 - ҳисобрақам дебити, 932 - ҳисобрақам); зарарларга (980 - ҳисобрақам дебити, 981

- ҳисобрақам дебити). Демак нетто сармоясини бу - ўз маблағларининг шундай қисмики, ундан кредит манбааси сифатида фойдаланса, яъни маблағ айланувига киритса бўлади.

Ҳар бир тижорат банки ўз маблағлари ҳажмини мустақил аниқлайди ва бу кўп омилларга боғлиқдир.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳақидаги Қонунга мувофиқ ўз маблағлар миқдори банк актив амалиётларининг энг катта миқдоридан келиб чиқади. Шунинг учун маълум доирадаги миждозлар билан ишловчи банклар (масалан тармоқ банклари, давлат бирлашмаларининг тармоқлараро банклари ва шу кабилар) шундай ҳажмда ўз маблағларига эга бўлишлари лозимки, белгиланган метёрларга риоя этган ҳолда ўзи доимий миждозларнинг қарз маблағларига бўлган асосли бутун эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлишлари шарт.

Иккинчидан, банк учун зарур ўз маблағлар миқдори миждозларнинг ишлаш хусусиятига боғлиқ бўлади. Зеро йирик кредит олувчи корхонага хизмат кўрсатувчи банкнинг ўз маблағлари актив амалиётлар ҳажми тенг бўлишига қарамасдан майда кредит олувчи кўп сонли корхоналарга хизмат кўрсатаётган банкниқидан кўра кўп бўлиши талаб этилади, чунки бир қарз олувчига оид таваккалчилик хавфи даражаси юқори бўлади, у эса чегаралангандир.

Учинчидан, тижорат банки ўз маблағларининг миқдори унинг актив амалиётлари табиатига боғлиқ бўлади. Аксарият ҳолда юқори таваккалчилик хавфи билан боғлиқ амалиётлар бажаришга ўз фаолиятини қаратган банкда ўз маблағлари ҳажми нисбатан анча кўп бўлиши талаб этилади. Хусусан банк инновация доирасида ишловчи банкларга тааллуқлидир. Ва аксинча банк кредит тўплами режасида энг паст даражали таваккалчилик хавфига эга ссудалар устиворлиги банк ўз маблағлари миқдорининг нисбатан кам бўлишига йўл қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки турли таваккалчилик хавфи даражаси бўйича банк сармояси билан унинг активлари ўртасида ўрнатган меъерий мутаносибликлари актив амалиётлар табиатига боғлиқ ҳолда ўз маблағ миқдорини белгилаш учун банкларга баъзи бир йўналишларни кўрсатади.

Ўз маблағлар ҳажми ҳақидаги масалани ҳал қилишда банклар ўз - ўзидан ушбу маблағлар кўриладиган фойда миқдорини белгиламаслигини ҳисобга оладилар. Улар фақатгина амалиётнинг у ёки бу турини танлашга, маълум доирасидаги мижозларга хизмат кўрсатиш учун фаолиятларини қаратишга ва ҳоказоларга имконият яратиб беради.

Туртинчи, банк учун зарур ўз маблағлар миқдори кредит маблағ манбаалари бозорининг ривожланишига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ўтказилаётган кредит сиёсати боғлиқдир. Ривожланган бозор мавжудлигидаги эркин кредит сиёсати тижорат банкларининг кредит маблағ манбааларига эришиш йўлини осонлаштиради ва банк учун зарур бўлган ўз маблағлар ҳажми даражасини қисқартиради. Кредит сиёсатининг янада қаттиқ олиб борилиши ва молиявий бозорнинг етарлича ривожланмаган ўз маблағлари даражасини доимий равишда орттириб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Ўз маблағлари ҳажмини икки услубда кўпайтириш мумкин:

- фойдани жамлаш. ёки чиқарилган акциялар сонини (пайчилар сонини) кўпайтириш орқали. Тезлик билан захира жамғармасини ва бошқа жамғармаларни барпо этиш ва уларни сармояга айлантириш орқали фойда жамланади;
- йил якунланганида фойданинг бир қисмини тўғридан - тўғри низомий сармояга қўшиб қўйилиши ҳам мумкин. Бу услуб энг орзон ҳисобланади, чунки акция чиқариш ёки янги пайчиларни жалб қилиш учун қўшимча сарф - хара-

жатлар талаб этилмайди. Бироқ фойда жамлаш тадбири жорий йилда акцияларга тўланиши лозим бўлган дивидендларни қисқартиради, бу эса банкининг бозордаги эгаллаган урнини тебраши мумкин.

Мамлакат тижорат банклари шаклланаётган бозорда ўрнини топишга уриниб, фойдани ўстириш узок муддатли истиқболдан кўра жорий дивиденд муаммоси билан кўпроқ машғул бўлмоқдалар. Шунинг учун улар янги акция чиқариш ёки янги пайчиларни жалб этиш ҳисобига ўз маблағлари миқдорини кўпайтиришни афзал кўрмоқдалар.

4.2. БАНК САРМОЯСИНИ ШАКЛЛАШ

Акциядорлик тижорат банклари ўз низомий сармоясини шакллаш ва кенгайтириш учун ўз қимматли қоғозлари - акцияларни чиқариш услубидан фойдаланмоқдалар. Тижорат банклари ўз акцияларини муомалага чиқариб қимматли қоғозлар эмитенти сифатида гавдаланмоқдалар. Улар муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари бўйича шу қоғоз эгалари олдида ўз помидан мажбурият бажарадилар.

А к ц и я - акциядорлик тижорат банкининг акцияси бу - акция эгасининг банк маблағларида улуши борлиги, банк фаолиятидан даромад кўриши ва табиийки, банк бошқарувида иштирок этишга ҳуқуқи борлигини гувоҳлантирувчи бирор бир қимматли қоғоздир.

Акциядорлик тижорат банкларининг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

И м т и ё з л и акциялар ўз эгаларига банк тугатилганида имтиёзли (оддий акция эгаларига нисбатан) даъво бериш ва қатъий белгиланган дивиденд олиш ҳуқуқини беради, лекин овоз бериш ҳуқуқини бермайди.

О д д и й акция акциядорлар йиғилишида бир овоз бе-

риш ва захира жамғармалари тўлдириб бўлингани ҳамда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаб бўлинганидан сўнг соф фойдани тақсимлашда иштирак этиш ҳуқуқларини беради.

Банк чиқараётган барча оддий ва имтиёзли акциялар номлаган бўлиши шарт. Акциядорлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар, яъни оддий акциялар бир хил номинал қийматта эга бўлиши шарт.

Асосий қимматли қоғозлар, яъни акция ва облигациялар билан бир қаторда акциядорлик тижорат банклари шаклдан ҳосил қилган қимматли қоғозларни чиқаришлари мумкин. Шаклдан ҳосил қилинган қимматли қоғоз эгасининг асосий қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиб юбориш ҳуқуқини гувоҳлантирувчи ҳар бир қимматли қоғоз шу қаторга киради.

Бугунги кунда тижорат банклари опцион, варрант, фьючерс каби шаклдан ҳосил қилинган қимматли қоғозларни амалда чиқармоқдалар.

ВАРРАНТ - ўз сақловчисига қатъий белгиланган нарх бўйича белгиланган муддатда битта қимматли қоғозни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи сертификатдир. Банклар варрантларни мустақил қимматли қоғоз сифатида эмас, балки акцияга янада катта қизиқиш уйғотиш мақсадида банк акциясининг таркибий қисми сифатида муомалага чиқарадилар. Одатда варрант муомалага чиқарилганидан сўнг акциядан ажраб чиқади ва мустақил муомала қила бошлайди. Акция чиқаришда варрант нисбатан кам қўлланади. Шу билан бир вақтда айрим банклар акцияларни қайта эмиссия қилишда ўз акциядорларига янги акция сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқини тақдим этадилар.

ОПЦИОН - бу шундай шартномаки, унга мувофиқ опцион сақловчиси аниқ муддат давомида ва белгиланган нарх

бўйича маълум сон акцияларни опцион сотган шахсдан сотиб олиш (юбориш) ҳуқуқига эга бўлади. Жамғармалар бозоридан мустаҳкам ўрнига эга бўлган банк акцияларини жойлаштиришда опцион қўлланади. Опцион муомала доираси мунтазам кенгайиб бормоқда.

ФЬЮЧЕРС - қимматли қоғозларни сотиб олиш мажбуриятидир, яъни мажбурият ижросиси билан шартнома тузиш пайтида қатъий белгиланган нарх бўйича маълум вақтдан сўнгра ёки аниқ санада фьючерс сақловчиси томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш (юбориш) мажбуриятини кўзловчи биржада тузилган шартномадир. Фьючерслар банк опционлардан кўра кам қўлланади, бироқ ушбу шаклдан ҳосил қилинган қимматли қоғозлар ҳам банк акциялари бозоридан борган сари мустаҳкам ўрин эглламоқда.

Акциядорлик банки қуйидаги ҳолларда акцияларни эмиссия қилади:

1. таъсис бўлганида;
2. дастлабки низомий сармоясини акция чиқариш орқали кўпайтирганида.

Акциядорлик банки таъсис этилганида (ёпиқ ва очиқ турдаги) Ўзбекистон Республикаси акциялар фақат ёпиқ тарзда тақсимланади. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ акциядорлик билан таъсис этилганида (шунингдек пайчилик банки акциядорлик банкига айлантирилганида) биринчи чиқарув барча акциялари банк муассислари ўртасида тақсимланиши шарт. Банк таъсис этилиши пайтида оммавий сотув орқали жойлаштириш учун мўлжалланган акциялар мавжуд бўлиши ман этилади.

Пайчилик банки акциядорлик банки айлантирилгани билан бир вақтда унинг низомий жамғармаси ҳам кўпайтирилгани ҳолатида фақат муассисларнинг қушимча бадаллари ҳисобигагина уни кўпайтириш мумкин. Агар низомий жам-

гарма банкнинг бошқа жамғармаларини сармоёга айлаштириш ҳисобига кўпайтирилган бўлса, бундай кўпайтиришнинг жами миқдори банк муассислари ўртасида тақсимланиши лозим. Банк акциялари биринчи чиқаруви тўла ҳажмда оддий номланган акциялардан иборат бўлиши шарт. Эмитент банк томонидан биринчи чиқарув акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва сотиш ишлари қимматли қоғозлар билан амалиёт бажариш солиғидан озод этилади.

Акциядорлик банки низомий жамғармаси (сармоёси)ни кўпайтириш учун акция чиқариш, яъни қайтадан акция чиқариш Ўзбекистон Республикасида акциядорлар томонидан илгари чиқарилган жами акциялар учун тўла ҳажмда ҳақ тўланганидан кейингина рухсат этилади. Акциялар қайта чиқаруви ҳам оддий, ҳам имтиёзли акциялардан иборат бўлиши мумкин. Имтиёзли банк акциялари ҳар хил номинал қийматда бўлиши мумкин, лекин ўз эгаларига акциядорлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини бермасликлари шарт.

Қайта чиқарув акцияларининг жойлаштирилиши ёпиқ обуна ёки бирламчи оммавий сотув орқали амалга оширилиши мумкин. Банк акцияларига ёпиқ обуна (эмиссия рўйхатини қайд этмасдан) бирваракайига уч шарт бажарилгани шароитидагина рухсат этилади:

а) чиқарув якунланганидан сўнг банк ёпиқ АЖ сифатида фаолият кўрсатади;

б) банкнинг режадаги низомий жамғармаси маҳаллий ҳокимлик томонидан тасдиқланади;

в) чиқарув якунланганидан сўнг банк юзтадан ортиқ бўлмаган акциядорларга эга бўлади.

Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар банк муассислари ва бошқа инвестициялар, яъни ўз номидан ва ўз ҳисобига қимматли қоғозларни харид қилувчи юридик шахслар ёки фуқаролар ўртасида жойлаштирилади.

ТИЖОРАТ БАНК ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ЧИҚАРУВИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Банк қимматли қоғозларининг барча чиқарувлари инвесторлар сонидан ва чиқарув ҳажмидан қатъий назар мажбурий тарзда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкада давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Бевосита Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Қимматли қоғозлар бошқармасида низомий сармояга эга бўлган акциядорлик банкларининг ҳамда низомий сармоёдаги улуши 50 фоиздан кўп бўлган чет эл ва МДҲ мамлакатлари муассисларига эга бўлган банкларнинг чиқарилган акциялари рўйхатга олинади. Айрим ҳолларда (бугунги кунда аксарият ҳолларда қимматли қоғозлар чиқарувини рўйхатга олиш амали ўз ичига эмиссия рўйхатини қайд этиш амалини ҳам киритади.

Зеро биринчи чиқарув акцияларини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишда бирварақайига икки шарт бажарилгани ҳолатида эмиссия рўйхати ҳам қайд этилиши шарт:

а) банк очиқ АЖ шаклида барпо этилган;

б) банк режаланган низомий жамғармага ва, ёки юзтадан кўп муассисларга эга.

Ҳар бир янги барпо этилган акциядорлик банкнинг биринчи чиқарув акцияларини рўйхатга олиш тадбири одатда эмиссия рўйхатини қайд этиш тадбири билан бирга бажарилиши шарт.

Қайта чиқарув акцияларини рўйхатга олиш тадбири умумий қондаларга кўра эмиссия рўйхатини қайд этиш билан бирга бажарилиши шарт.

Айтиб ўтилганидек, тижорат банк низомий жамғармалари ҳажмига оид энг кам миқдор чегаралангани муносабати билан юқоридаги қондадан истисно бўлиш деярли мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар чиқарувини давлат рўйхатдан ўтказиш тадбиридан кузланган мақсад ҳувидагича: қимматли қоғоз харидорлари олдида эмитент банкларнинг маъсулиятини ошириш, инвесторларнинг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, банк қимматли қоғозларининг бозордаги иккиламчи муомаласи учун нормал шароит таъминлаш. Маълумки, тижорат банкларининг акциялари сақловчилар учун юқори молиявий таваккалчилик хавфини юзага чиқаради, чунки банклар саноат ва савдо ташкилотларидан фарқли ўлароқ аксарият ҳолларда ўз маблағлари билан эмас, балки қарзга олинган маблағлар билан ишлайдилар.

Давлат рўйхатга олиш тадбири молиявий таваккалчилик хавфини қисқартириш, суистеъмолчилик ва найрангбозлик ҳолларининг олдини олишга қаратилган.

Қайта чиқарув акциялари ва облигациялар рўйхатга олиганида ва сотилганида эмиссия рўйхати ҳам қайта этилган бўлса, эмитент банк чиқарув номинал ҳажмининг 0,5 фоизи миқдорда қимматли қоғозлар билан амалиёт бажариш солиғини тўлайди. Акция, облигация харидорлари солиқ тўлайдилар.

Қимматли қоғозларни чиқариш ҳақидаги қарор тегишли ваколатга эга бўлган банк бошқариш аъзолиги томонидан қабул этилади. Одатда бу - банк акциядорларининг умумий йиғилишидир.

Қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқига эга бўлиш учун банк: молиявий якунланган уч сўнгги йилда безарар ишлаган бўлиши (ёки барпо этилганидан буён, агар ушбу муддат уч йилдан кам бўлса); сўнгги уч йилда (ёки барпо этилганидан буён) амалдаги қонуничиликка риоя этмаганлиги учун давлат идоралари томонидан жазо чораларига тортилмаган бўлиши; кредиторлар ва бюджет олдида муддатида тўланмаган қарздорликка эга бўлмаслиги, ўз филиалларининг субҳи-

собрақамлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги вакиллик ҳисобрақамида дебет қолдиғи булмаслиғи шарт.

Ўз қимматли қоғозлари чиқарувини рўйхатдан ўтказиш учун эмитент банк Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг Қимматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси ўз жойлашуви бўйича қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: рўйхатдан ўтиш аризаси; эмиссия рўйхати; Ўзбекистон Республикаси Яқкаҳуққонликка қарши сиёсат ва янги иқтисодий тузилмаларга ёрдам кўрсатиш Давлат Қўмитасининг тегишли муассаси билан мазкур чиқарув бўйича келишиб олинганини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда қимматли қоғозлар билан амалиёт бажариш солиғи тўлангани ҳақидаги тўлов топшириғининг нуسخаси (эмиссия рўйхати қайд этилгани учун).

Эмиссия рўйхати банк бошқаруви томонидан тайёрланади, банк бошқаруви раиси ва банк бош бухгалтери томонидан имзоланади. Биринчи бор таъсис этилаётган банкнинг биринчи чиқарув акциялари эмиссия рўйхати банк муассислари томонидан тайёрланади ва тайинланган банк ташкиллаш идора гуруҳи аъзолари томонидан имзоланади. Эмиссия рўйхатида банк тўғрисидаги маълумотлар, банкнинг молиявий аҳволи ва бўлажак қимматли қоғоз чиқаруви тўғрисидаги (қимматли қоғозларга оид умумий маълумотлар, уларни тарқатиш шарт - шароитлари ва тартиби, нархи ва ҳисоб - китоб шартларига оид, даромад кўриш юзасидаги) маълумотлар кўрсатилади. Пайчилик банки акциядорлик банкига айлантирилганида биринчи бор акция чиқаришда ва қайта акция ҳамда облигацияларни чиқаришда эмиссия рўйхати ҳолисона аудитор фирмаси томонидан тасдиқланиши шарт.

Рўйхатдан ўтишга оид банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка, банк қоидалари ва йўриқномаларга мувофиқлиги юзасидан рўйхатга олувчи идора

томонидан куриб чиқилади.

Қимматли қоғозлар чиқаруви давлат рўйхатидан ўтказилиши пайтида уларга давлат қайдрақами берилади. Рўйхатга олинган ҳужжатлар ва рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги ҳам ваколатли шахс томонидан имзоланади рўйхатга олувчи идоранинг муҳри билан тасдиқланади ва эмитент банкка берилади.

Қимматли қоғозлар чиқарувини рўйхатдан ўтказиш тадбири эмиссия рўйхатини қайд қилиш тадбири билан бирга бажарилганлиги ҳолатида эмитент банк қайд қилинган эмиссия рўйхатини эълон қилади ва оммавий ахборот воситалари орқали қимматли қоғозлар чиқаруви ҳақида ахборот беради ҳамда қимматли қоғозларни сота бошлайди.

ЭМИТЕНТ БАНК ТОМОНИДАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ СОТИШ

Эмитент банк қимматли қоғозлар чиқарувини рўйхатдан ўтказиб, эмиссия рўйхатини эълон қилгани ва чиқарув тўғрисида ахборот берганидан кейингина уларни сотишга ҳақли бўлади. Давлат рўйхатидан ўтганлиги пайтигача тижорат банки ўз қимматли қоғозларини реклама қилишга ҳақи йўқ.

Банк акцияларини бир неча услуб орқали сотиш мумкин.

Биринчи услуб - моддий қимматликлар, номоддий активлар, учинчи шахслар томонидан эмиссия қилинган ва бозорда талабгир бўлган қимматли қоғозлар кўринишида акциядорлардан банк сармоясига бадал қабул қилиш. Қонуи ва банк йўриқномаларида белгиланган банк фаолияти учун бевосита қўллавиши мумкин бўлган активларгина низомий сармоёга туланган ҳақ сифатида қабул қилинади. Банк барпо этилиши пайтига уларнинг низомий сармоя тузилмасидаги улуши 20 фоиздан ортмаслиги лозим. Кейинчалик бу улуш миқдори 10 фоизгача етказилиши зарур (бинолар қийматини ҳисобга ол-

масдан).

Акция учун тўланган асосий воситалар қийматини акс эттириш:

Кт - ҳисобрақам “Эмиссия қилинган қимматли қозғоз харидорлари” шахсий ҳисобрақам бўйича Бошқа дебитор ва кредиторлар”.

Дт - 920 - “Бино ва иншоотлар” ҳисобрақами,

Дт - 921 - “Хўжалик жихозлари” ҳисобрақами.

Акция учун тўланган лицензиядаги патентлар, ер, бино иншоот ва жихоз - ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам да бошқа мулкӣ ҳуқуқлар қийматини акс эттириш :

Дт - 904 - “Бошқа дебитор ва кредиторлар” ҳисобрақами,

Кт - 925 - “Номоддий активлар” ҳисобрақами.

Томонлар келишувига кўра белгиланган номоддий активлар қиймати ҳамда объектни фойдаланишга тайёрлаш сарф харажатлари 925 - ҳисобрақам дебити бўйича ўтказилади.

Акция учун топширилган тегишли моддий қимматликлар қийматиға оид:

Кт - 904 - “Бошқа дебитор ва кредиторлар” ҳисобрақами,

Дт - 931 - “Қурилиш ва бошқа моддий ашёлар” ҳисобрақами,

Дт - 940 - “Хўжалик моддий ашёлари” ҳисобрақами,

Дт - 942 - “Кам қийматли ва тез эскирувчи буюмлар” ҳисобрақами.

Акция ҳақини тўлаш учун акциядорлар томонидан берилган натурал шаклдаги мулк банк мулки бўлиб қолади. Ушбу мулк банк муассасалари қўшма қарорига кўра белгилашган ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган баҳо бўйича 920, 921, 931, 940, 942 - ҳисобрақамларга кирим қилинади.

Мулк банкнинг бутун фаолият даври ёки акциядорлар белгилашган бошқа муддат бўйича ҳисоблаб қўшилган мулкдан фойдаланиш ижара ҳақидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Бу муддат таъсис ҳужжатларида кўрсатилиши лозим.

Банк акциялари учун тўланган учинчи шахслар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар қийматига оид:

Кт - 904 - "Бошқа дебитор ва кредиторлар" ҳисобрақами,

Дт - 191 - "Акциядорлик жамият акциялари учун сарфланган сармоя" ҳисобрақами.

Дт - 192 - "Корхона акциялари учун сарфланган сармоя" ҳисобрақами.

Дт - 193 - "Нодавлат қарз мажбуриятлари учун сарфланган сармоя" ҳисобрақами.

Дт - 194 - "Давлат қарз мажбуриятлари учун сарфланган сармоя" ҳисобрақами.

Акциядорлар фақат учинчи шахслар томонидан эмиссия қилинган ва маълум нарх билан бозорда муомала қилаётган қимматли қоғозлар билангина ўз акциялари учун ҳақ тўлашлари мумкин. Ўзлари чиқарган қимматли қоғозлар билан банк акциялари учун ҳақ тўлашга акциядорлар ҳақик амаслар. Шунингдек акциядорларнинг мулквий жавобгарлигини келтириб чиқарувчи қимматли қоғозлар, масалан банк акциядори иштирок этган вексел кабиялар ҳам акцияга ҳақ тўлаш учун ишлатилиши мумкин эмас,

Низомий сармояга ҳақ тўлаш учун учинчи шахсларнинг қимматли қоғозларини қабул этаётган акциядорлик банкларини ушбу қимматли қоғозлар нархини белгилаган биржа ёки бошқа нарх белгиловчи ташкилот туғрисида маълумот берилган шарт. Маълумотда қимматли қоғозлар билан ишлаш бора-сида биржа фаолиятини юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги берган лицензиянинг тартиб рақами, ушбу қимматли қоғозларнинг сотилган даври, улар билан ба-жарилган битимлар ҳажми ва баҳоси кўрсатилиши зарур. Банк акцияларига ҳақ тўлаш учун қабул этилган қимматли қоғозлар шартнома тузган санадаги уларнинг бозор нархи бўйича ҳисобга олинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, чиқарув якунлари қайд этилганига қадар инвесторлар томонидан банк акцияларига ҳақ тўлаш учун берилган моддий қимматликлар, номоддий активлар ва қимматли қоғозлар эмитент банк томонидан сотилиши ёки бошқа усулда бегона қилиниши мумкин эмас.

Иккинчи услуб - харидорлар билан маълум сонли акцияларга тузилган олди - сотти шартномасига асосан сўм ва чет эл валютаси эвазига акцияларни сотишдан иборатдир.

Бунда эмитент банк маҳсус комиссия шартномаси ёки топшириқларни тузиб воситачилар, яъни молиявий брокерлар хизматидан фойдаланиши мумкин. Акциялар сўм эвазига сотилганида тўлов муддати узайтириб берилиши мумкин, лекин ушбу муддатни шундай белгилаш лозимки, харидор акциялар ҳақини чиқарув қайд этилган кундан эътиборан бир йил давомида тўлиқ тўлаши зарур.

Банк томонидан харидорларга қимматли қоғозлар сотилганида улар учун ҳақ нақд пул билан ҳам, нақд пулсиз тартибда ҳам тўланиши мумкин. Бироқ барча ҳолларда сўмдаги маблағлар бевосита тижорат банкининг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги маҳсус жамғариш ҳисобрақамига

кирим қилинади. Бундай жамғариш ҳисобрақами тижорат банкига унинг асосий вакиллик ҳисобрақами юритилаётган жойи бўйича очиб берилади. Чет эл валютасидаги маблағлар эса вакил банкда ёки хорижий банкда очиб берилган жамғариш ҳисобрақамига жойланади. Обуна тугаши пайтигача ушбу маблағлардан банк маблағ айланувида фойдаланиб бўлмайди.

Сотилган қимматли қоғозлар учун тўланган маблағларни йиғиш юзасидаги бундай тартиб мавжудлигига обуна тугаши пайтигача акция учун ҳақ тўлаган харидорлар тўла ҳуқуқли акциядор бўлмаганликлари асос бўлади. Бирор бир сабаб тугайли обуна амалга ошмаган деб тан олингани ҳолатида акция учун тўланган маблағлар тўла ҳажмда харидорларга қайтариб берилиши шарт. Бундай тартиб бўлажак обуна кампаниясига тайёргарликни янада кучайтиришга кўмак бўлиши ва обуна ўтказиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши, обуна ўтказиш даври ва жамғариш ҳисобрақамларидаги маблағларни ҳаракатсиз қилиб қўйиш муддатларини қисқартиришга рағбат бериши кўзланади.

Банк акция учун тўловларни сўмдаги нақд пул маблағлари билан қабул қилгани ҳолатида нақд шаклда қабул қилинган миқдорга тенг маблағларни нақд пулсиз тартибда уч кун муддат ичида ўз асосий вакиллик ҳисобрақамидан жамлаш ҳисобрақамига ўтказиб қўйиши шарт.

Бу ҳолда банк баланси бўйича қуйидаги ўтказмалар қилинади:

сўмдаги нақд маблағ қабул қилишда:

Дт - 031 - "Касса" ҳисобрақами,

Кт - 904 - "Бошиқа дебитор ва кредиторлар" ҳисобрақами, "Эмиссия қилинган қимматли қоғоз харидорлари" шахсий ҳи-

собрақами бўйича.

Нақд шаклда қабул қилинган миқдорга тенг эквивалентни ўз асосий вакиллик ҳисобрақамидан жамлаш ҳисобрақамига ўтказишда:

Дт - 161 - "Вакиллик ҳисобрақами" да алоҳида шахсий ҳисобрақам шаклида очиб берилувчи "Қимматли қоғоз сотувидан тушган маблағлар" жамлаш ҳисобрақами,

Кт - 161 - "Вакиллик ҳисобрақами".

Акция учун нақд пулсиз тартибда сўм маблағлари тушганлиги ҳолатида банк акциялари инвестор - харидорига қайси банкда хизмат кўрсатилаётганини эътиборга олиш лозим. Инвестор банк миջози бўлмагани ҳолатида акция учун тўлов бажаришда эмитент банкнинг балансида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

Дт - 161 - "Вакиллик ҳисобрақами" да алоҳида шахсий ҳисобрақам шаклида очиб берилувчи "Қимматли қоғозлар сотувидан тушган маблағлар" жамғариш ҳисобрақамини дебити,

Кт - "Эмиссия қилинган қимматли қоғоз харидорлари" шахсий ҳисобрақами бўйича "Бошқа дебитор ва кредиторлар" 904 - ҳисобрақами.

Агар инвестор - миջоз банк бўлса, у ҳолда эмитент банк уч кундан кеч бўлмаган муддатда ўз асосий вакиллик ҳисобрақамидан жамғариш ҳисобрақамига миջоздан акция учун олинган маблағ эквивалентини ўтказиши шарт. Бунда эмитент банкнинг баланси бўйича қуйидаги ўтказмалар берилади:

Дт - 161 - "Вакиллик ҳисобрақами" да алоҳида

шахсий ҳисобрақам шаклида очиб берилувчи “Қимматли қоғоз сотувидан тушган маблағлар” жамғариш ҳисобрақами,
Кт - 161 - “Вакиллик ҳисобрақами”.

Эмитент банк чиқарган акцияларини ўз филиаллари орқали сотса ёки акцияларини сотиш учун жойловчи воситачилар сифатида банкларни, инвестиция, брокерлик ёки бошқа фирмаларни жалб этганлиги ҳолатида ушбу ташкилотлар акция сотилган санадан бошлаб уч кундан кеч бўлмаган муддатда эмитент банкнинг жамғариш ҳисобрақамига сотувдан тушган маблағларни ўтказиб беришлари шарт.

Бу ҳолда амалиётлар эмитент банкнинг балансида қуйидаги ўтказмалар орқали акс эттирилади:

Дт - 161 - ҳисобрақамда очиб берилувчи “Қимматли қоғоз сотувидан тушган маблағлар” жамғариш ҳисобрақами,

Кт - “Эмиссия қилинган қимматли қоғоз харидорлари” шахсий ҳисобрақами бўйича “Бошқа дебитор ва кредиторлар” 904- ҳисобрақам.

Эмитент банк акция учун чет эл валютасида ҳақ олганлиги ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкада махсус жамғариш ҳисобрақамини очиш талаб этилмайди.

Эмитент банк учун валюта ҳисобрақами вакил банкда ёки хорижий банкда очиб берилади (эмитент банкка берилган ҳуқуққа асосан).

Валюта амалиётларини бажариш учун валюта лицензиясига эга бўлган банклар ҳам, акция жойлаштириш даврида бундай лицензияга эга бўлмаган банклар ҳам, яъни барча

банклар низомий жамғарма учун тўловларни валюта маблағларида қабул қилишлари мумкин.

Агар эмитент банк валюта лицензиясига эга бўлмаса, ҳолда акция учун тушган валюта маблағлари обуна яқунлар қайд этилганидан, яъни обуна амалга ошган деб тан олинганидан кейин хужалик эҳтиёжлари учун ишлатилиши мумкин.

Нақд чет эл валютаси тушумлари банк балансида қуйидаги ўтказмалар орқали акс этирилади:

Дтп - 060 - "Нақд чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари" ҳисобрақами,

Ктп - 076 - "Бошқа хорижий амалиётларга оид ҳисоб - китоблар" ҳисобрақами, "Акция харидорлари" алоҳида ҳисобрақами бўйича ва ҳар бир миждознинг шахсий ҳисобрақами бўйича алоҳида.

Эмитент банк ҳам нақд шаклда қабул қилинган валюта маблағларига тенг эквивалентни уч кунлик муддат ичида нақд пулсиз тартибда 072 - "Хорижий банклардаги ҳисобрақамлар"даги ёки валюта вакиллик ҳисобрақамидан "Акция харидорлари" алоҳида субҳисобрақамига ўтказиб бериши шарт.

Бунда эмитент банкнинг балансида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

Дтп - 072 - "Хорижий банклардаги ҳисобрақамлар" ёки валюта вакиллик ҳисобрақамидан очиб берилувчи "Акция харидорлари" субҳисобрақами,

Ктп - 072 - "Хорижий банклардаги ҳисобрақамлар"

валюта вакиллик ҳисобрақами.

Агар банкда бундай имконият бўлмаса, у ҳолда туптап чет эл валютаси вакил банкка ёки хорижий банкка топширилиши зарур. Ушбу амалиёт бажарилганда эмитентнинг балансида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

Дп - 072 - "Хорижий банклардаги ҳисобрақамлар" ёки валюта вакиллик ҳисобрақамида очиб берилувчи "Акция харидорлари" субҳисобрақами,

Кп - 060 - "Нақд чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари" ҳисобрақами.

Нақд пулмиз чет эл валюта тушумлари банк балансидаги ўтказмалар орқали акс эттириладиб

Дп - 072 - "Хорижий банклардаги ҳисобрақамлар" ёки валюта вакиллик ҳисобрақамида очиб берилувчи "Акция харидорлари" субҳисобрақами,

Кп - "Акция харидорлари" алоҳида шахсий ҳисобрақам бўйича 076 - "Бошқа хорижий амалиётларга оид ҳисоб - китоблар" ҳисобрақами, ҳар бир миқдор шахсий ҳисобрақами бўйича алоҳида кўрсатилади.

Чиқарув якунлари қайд этилмагани пайғиғача валюта ва пул маблағларидан фойдаланиш ман этилади.

Акциядорлик банкларига икки номинал - сўм ва долларда фойдаланган акция номинал қийматини ўрнатиш ҳуқуқи берилмади. Шунингдек эмитент банк ўз акцияларига икки номинал

налия ўрнатмасдан улар учун валютада ҳақ олиш ва асосий
нинг валюта баҳосини белгилаш ҳуқуқига эгадир. Сўмнинг
акциялар сингари ушбу валюта баҳоси (валюта номинали)
ҳам бир чиқарув барча инвесторлари учун ягона бўлиши
шарт. Эмитент банк сўм ва валюта, яъни икки номиналдаги
акцияларни чиқаргани ҳолатида валюта номинали акциянинг
валюта баҳосига мос бўлиши лозим.

Сўм ва валюта номинали (валюта баҳоси) ўртасидаги му
вофиқлик эмитент банкнинг ваколатли аъзоллиги томоғида
ўрнатилади. Бундай ваколат низом ҳужжатлари ва амалдаги
қонунчилик асосида берилди. Яъни сўм ва валюта номинали
(валюта баҳоси) ўртасидаги мувофиқлик сўмнинг долларга
нисбатан амалдаги расмий курсига қараб белгиланиши шарт
эмаслигини билдиради.

Эмитент банк акция учун тўланган ва 072 - баланс ҳис
собрақамида ҳамда валюта вакиллик ҳисобрақамида қайд қи
линган валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси Мар
казий Банкнинг хатида маълум қилинган қоидаларга муво
фиқ жорий баҳолзайди.

Акциядорлик банкнинг акциялари учун тўланган валют
акцияларни валюта эвазига олди - сотти қилиш амалиёти ам
эгтирилган санадаги сўм курси бўйича балансдан ўтказилади.

Учинчи услуб - банкнинг бошқа ўз маблағларини сармоя
га айлантириш билан биргаликда тегишли сондаги акциядор
ли акциядорлар ўртасида тақсимлашдан иборатдир.

Ўз маблағларини сармояга айлантириш амалиётлари ак
ция чиқаруви якунлари тўғрисидаги ҳисобот қайд этилганидан
кейингина банк балансида акс эгтирилади. Маблағ банк жам
мғармалари ва бошқа ўз маблағлари ўртасида фақатгина қай
та тақсимланган муносабати билан баланс активи бўйича
қўшимча ўтказмалар қилинмайди.

Банкнинг ўз маблағларини сармояга айлантиришда қўшимча

и маблағлардан фойдаланиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ўрнатилган тартибда ва ҳақиқатда тўланган Низомий жамғарманинг 10 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этувчи захира жамғармаси маблағларида (011 - "Захира жамғармаси" баланс ҳисобрақами):

Д/п - 011 - "Захира жамғармаси" ҳисобрақами,

К/п - 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами;

акциялария биринчи эгаларига сотилган олинган номинал ҳий шаклидан ортиқча маблағлар (012 - "Маҳсус жамғармалар" баланс ҳисобрақамининг "Қўшимча ўз маблағлари" шахсий ҳисобрақами):

Д/п - 012 - "Маҳсус жамғармалар" баланс ҳисобрақамининг Қўшимча ўз маблағлари" шахсий ҳисобрақами,

К/п - 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами;

банкнинг асосий воситаларини ҳайта баҳоланган натижасида олинган ва 012 - "Маҳсус жамғармалар" баланс ҳисобрақамининг алоҳида шахсий ҳисобрақаминида аёс этирилган маблағлар:

К/п - 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами;

016 - "Иқтисодий рағбатланган жамғармалар" баланс ҳисобрақаминида аёс этирилдугчи иқтисодий рағбатланган жамғармалариники йил нқулиларига кура қолдиги:

Д/п - 016 - "Иқтисодий рағбатланган жамғармалар"

ҳисобрақами,
Кит - 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами;

- иқтисодий рағбатлан жамғармаларидаги маблағлар ҳисобна харид қилинган ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ривожлаштириш учун йўналтирилган (018 - "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлаштиришга йўналтирилган иқтисодий рағбатлан жамғармалари" баланс ҳисобрақами), ҳоқуқида белгиланган тартибда 1 ҳафт жамоа аъзолари ўртасида тақсимланган ҳар бир аъзолик шахсий даромади сифатида фойдаланилувчи асосий воситалар:

Дтп - 018 - "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлаштиришга йўналтирилган иқтисодий рағбатлан жамғармалари" ҳисобрақами,
Кит - 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами.

- йил якунидаги аъра берк кредит қолдиғининг 50 фолига теги ҳақидаги ўз маблағларининг вақтига қисмини қайта баҳолашда олқинан маблағлар (019 - "Вақтига маблағларини қайта баҳолаш" баланс ҳисобрақамининг "Ўз маблағларини вақтига қисмини қайта баҳолашда фойдаланилмаган курсдаги фарқ" шахсий ҳисобрақами):

Дтп - 019 - "Вақтига маблағларини қайта баҳолаш" баланс ҳисобрақамининг "Ўз маблағлари вақтига қисмини қайта баҳолашда фойдаланилмаган курсдаги фарқ" шахсий ҳисобрақами,
Кит - 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами;

- қўшилб ҳисобланган, лекин акциядорларга тўланмаган дивидендлар (904 - "Бошқа дебитор ва кредиторлар" ҳисобрақами)

- собрақами, банк акциядорларининг шахсий ҳисобрақамлари бўйича):

Дт - банк акциядорларининг шахсий ҳисобрақамлари бўйича “Бошқа дебитор ва кредиторлар” 904 - ҳисобрақам,

Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами;

- йил якунларига кўра тақсимланмаган фойда (981 - “Ҳисобот йилигача мавжуд фойда ва зарар” балеис ҳисобрақами бўйича кредит қолдиғи):

Дт - 981 - “Ҳисобот йилигача мавжуд фойда ва зарар” ҳисобрақами,

Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами.

Ўз маблағларини сармоёга айлантириш амалиёти балансида акс эттирилганида акциядорлар рўйхатига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Ўқитимчи услуб - пайчилик банки акциядорлик банкига айлантирилганида илгари киритилган пайларни акцияларга қайта расмийлаштиришдан иборатдир.

Бу ҳолда қўшимча бухгалтерлик ўтказмалар қилинмайди.

Бенгичи услуб - илгари банк чиқарган акцияларни айирбоқланувчи облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга алмаштириш.

Сотиш услубидан қағий назар бир чиқарувдаги ҳар бир хилга мансуб акцияларнинг баҳоси биринчи эгаларига сотилганида ягона бўлиши шарт, шу ҳисобда акциялар воситачи орқали сотилганида ҳам.

Банк томонида ҳақиқатда сотилган акциялар сони уларнинг чиқарув учун мўлжалланган ва қайд ҳужжатларида

кўрсатилган сонидан ортиқча бўлмаслиги керак. Шу билан биргаликда банк чиқарув қайд ҳужжатларида кўрсатилгандан кам сондаги қимматли қоғозларни сотиши мумкин. Бу ҳолда акцияларга н. Затан қуйидаги қонда амал қилади: банк низомий жамғармасининг ўсган ҳажми учун ҳақиқатда тўланган пул миқдори чиқарув аввалида мўлжалланган ўсиш ҳажми миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаган қисмини ташкил этганлиги ҳолатидагина акция чиқаруви амалга ошган деб тан олинади.

Бошқа сўзлар билан айтганда чиқарув амалга ошган деб тан олинishi учун банк акцияларни сотиб бўлмагангадан кейин шу қадар пул маблағ йиғиб олиши, акция учун бадал сифатида моддий ва номоддий активларни, валюта ва ҳоказоларни қабул қилиб олиши зарурки, низомий жамғармага (010 - баланс ҳисобрақамига) кирим қилиниши лозим бўлган бундай маблағ ва активларнинг қиймат ҳажми чиқарув қайд этилганида мўлжалланган, яъни сотиш учун мўлжалланган барча акциялар номинал қиймати йиғиндисининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Банк акциялари поминалдан юқори сотилгани ҳолатида ҳақиқатдаги сотув нархи билан номинал қиймат ўртасидаги фарқ низомий жамғармага эмас, балки "Маҳсус жамғармалар" ҳисобрақамига (012 - баланс ҳисобрақами) ёки Валюта маблағларини қайта баҳолаш" (019 - баланс ҳисобрақами)га кирим қилинади.

Акцияларни сотишдан тушган барча маблағлар қиймати ва уларнинг чиқарув қайд этилганидан сўнг низомий жамғармага кирим қилинувчи улушига оид ҳисоб - китоблар акция чиқаруви якуналари ҳақидаги ҳисоботда келтирилади. Келажакда тўланиши лозим бўлган (тўлов муддати узайтириб сотилган акцияларга оид) пул миқдорлари ҳисоб - китобларда ҳисобга олинмайди. Бир чиқарувда тур и хилларга мансуб акциялар сотилганлиги ҳолатида ҳисоб - китоблар бирданига

барча хиллар бўйича умумий миқдорда олиб борилади.

Банк давлат рўйхатидан ўтганлиги пантига акциядорлар томонидан низомий жамғармага киритилмаган пул миқдори 9945 - “Банк акциядорлари (муассислари) томонидан низомий жамғармага оид тўланмаган пул миқдори” балансдан ташқари ҳисобрақамида қайд этилади. Низомий жамғармага тўлиқ ҳақ тўлаш учун пул маблағлари тушганлиги сари улар балансдан ўтказилади:

Дп - 031 - “Касса” ҳисобрақами - нақд пул тушганида,

Дп - 061 - “Вакиллик ҳисобрақами” - нақд пулсиз сўм маблағлари тушганида,

Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами.

Шу билан бир вақтда низомий жамғармага тўланган маблағлар 9945 - “Банк акциядорлари (муассислари) томонидан низомий жамғарма учун тўланмаган пул миқдори” балансдан ташқари ҳисобрақамнинг чиқим қисмидан олиб ташланади.

ЧИҚАРУВ ЯКУНЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ

Қимматли қоғозларни сотиш жараёни якунланганидан сўнг эмитент банк унинг натижаларини таҳлил қилади ва чиқарув якунларига оид ҳисобот тузади. Бу ҳисобот банк бошқаруви раиси, бош бухгалтери томонидан имзоланади, банк муҳри билан тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказувчи идорага қўйиб этилади. Таъкидлаш лозимки, биринчи чиқарув акциялари (банк таъсис этилганида) ҳақидаги ҳисобот доимий банк лицензиясини олишга оид ҳужжатлар билан бир вақтда рўйхатдан ўтказилувчи идорага тақдим этилади. Рўйхатдан ўтказувчи идора чиқарув якунлари тўғрисидаги ҳисоботни

икки hafta ичида кўриб чиқади ва унга нисбатан даъво бўлмаганлиги ҳолатида ҳисоботни ҳамда чиқарув якунларини қайд этиши лозим. Бундан сўнг ушбу идора қайд этилган ҳақидаги хатни: ва қайд этилган ҳисоботнинг бир нусхасини эмитент банкка топширади ва қимматли қоғоз чиқарувига оид давлат қайд рақамини тасдиқлайди. Рўйхатдан ўтказувчи идора эмитент банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги жамғариш ҳисобрақамида мавжуд сўм маблағларини умумий рақиялик ҳисобрақамига ўтказиб ишлатишга рухсат беради. Эмитент банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги акция обунаси учун маблағ йиғиш жамғариш ҳисобрақами ёпилади:

Дт - 161 - "Вакиллик ҳисобрақами",

Кт - 161 - "Вакиллик ҳисобрақами"да алоҳида шахсий ҳисобрақам шаклида очиб берилувчи "Қимматли қоғоз сотувидан тушган маблағлар" жамғариш ҳисобрақами.

Эмитент банк фойдаланишга рухсат этилган сўм маблағларини низомий даромадга кирим қилади:

Дт - 904 - "Бошқа дебитор ва кредиторлар" ҳисобрақам,

Кт - 010 - "Низомий жамғарма" - сўм маблағлари эвазига сотилган акцияларнинг номинал қиймати бўйича,

Кт - 012 - "Маҳсус жамғармалар" ҳисобрақами, "Қушимча ўз маблағдари" алоҳида ҳисобрақами бўйича - номинал қийматдан юқоринарх бўйича сотилган акциялардан (банкнинг низомий жамғармасини шаклловчи)

тушган маблағ ҳажмида.

Шунингдек, чиқарув якунлари қайд этилганидан сўнг 072 - “Хорижий банклардаги ҳисобрақамлар” ёки валюта вакиллик ҳисобрақамида очилувчи “Акция харидорлари” акция тўлови учун тушган валюта маблағларини йиғиши субҳисобрақами ҳам ёпилади:

Дт - 072 - “Хорижий банклардаги ҳисобрақамлар” ёки валюта вакиллик ҳисобрақами,

Кт - 072 - “Хорижий банклардаги ҳисобрақамлар” ёки валюта вакиллик ҳисобрақамида очилувчи “Акция харидорлари” субҳисобрақами.

Акция учун тушган чет эл валютаси банк томонидан низомий жамғармага кирим қилинади:

Дт - 076 - “Бошқа хорижий амалиётларга оид ҳисоб - китоблар” ҳисобрақами, “Акция харидорлари алоҳида шахсий ҳисобрақам бўйича,

Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами чет эл валютасига сотилган акцияларнинг сўм номинали ҳажмида,

Кт - 019 - “Валюта маблағларини қайта баҳолаш” ҳисобрақами, “Ўз маблағлари валюта қисмини қайта баҳолашда фойдаланилмаган курсдаги фарқ” шахсий ҳисобрақами бўйича -076 баланс ҳисобрақами бўйича сўм баҳоси ва 010- баланс ҳисобрақамига кирим қилинган пул миқдори ўртасидаги фарқ миқдорида.

Бу ҳолда акция учун тушган маблағлардан фойдаланиш юзасидаги барча чеклашлар олиб ташланади.

Жамғариш ҳисобрақамларидаги маблағлардан фойдаланишга рухсат этилиши билан бир вақтда низомий жамғармага моддий қимматликлар кирим қилинади:

- Дт - 904 - “Бошқа дебитор ва кредиторлар” ҳисобрақами,
- Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами, моддий активлар эвазига сотилган акцияларнинг номинал қиймати ҳажмида,
- Кт - 012 - “Маҳсус жамғармалар” ҳисобрақами, “Қўшимча ўз маблағлари” алоҳида шахсий ҳисобрақам бўйича - номинал қийматидан юқори баҳода сотилган (банк низомий жамғармасини шаклловчи) акциялар учун тушган маблағлар ҳажмида.

Низомий жамғармага номоддий активлар кирим қилинганда қуйидаги ўтказмалар қилинади:

- Дт - 904 - “Бошқа дебитор ва кредиторлар” ҳисобрақами,
- Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами номоддий активлар эвазига сотилган акциялар номинал қиймати ҳажмида,
- Кт - 012 - “Маҳсус жамғармалар” ҳисобрақами, “Қўшимча ўз маблағлари” алоҳида шахсий ҳисобрақами бўйича - номинал қийматидан юқори баҳода сотилган (банк низомий жамғармасини шаклловчи) акциялар ҳажмида.

Низомий жамғармага учинчи шахеларнинг қимматли қоғозлари кирим қилинганда қуйидаги ўтказмалар қилинади:

Дт - 904 - "Бошқа дебитор ва кредиторлар" ҳисобрақам,

Кт - 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами қимматли қоғозлар эвазига сотилган акциялар номинал қиймати ҳажмида,

Кт - 012 - "Маҳсул жамғармалар" ҳисобрақами - "Қўшимча ўз маблағлари" алоҳида шахсий ҳисобрақами бўйича, номинал қийматидан юқори баҳода сотилган (банк низомий жамғармасиши шаклловчи) акциялар учун тушган маблағлар ҳажмида.

Қимматли қоғоз чиқарувининг якунлари чиқарув тўғрисидаги хабар эълон қилинган матбуот идораси орқали эълон қилиниши шарт. Чиқарув якунлари тўғрисидаги ҳисоботи қайд этилган барча сотилган акциялар ҳақи чиқарув қайд қилинган кундан эътиборан бир йил давомида харидорлар томонидан тўлиқ тўланиши шарт.

ПАЙЧИЛИК БАНКИНИНГ НИЗОМИЙ САРМОЯСИНИ ШАКЛЛАШ

Тижорат банки пайчилик асосида ташкил этилгани ҳолатида унинг низомий сармоеси банк иштирокчиларининг пай бадаллари ҳисобига шаклланади. Янги иштирокчилар кўпчилик пайчиларнинг розилигига кўра қабул этилади, низомий сармоя эса пайчилар томонидан қўшимча бадаллар қўшилгани сари ортиб боради. Бу ҳолда қуйидаги ўтказмалар қилинади.

нақд сўм маблағлари тушганида:

Дт - 031 - "Касса" ҳисобрақами,

Кт - 010 "Низомий жамғарма" ҳисобрақами,

банк пайчиларининг шахсий ҳисобрақамла
ри бўйича ;

нақд пулсиз тартибда сўм маблағлари тушганида:

1) пайчи банк мижози бўлмагани ҳолатида ушбу банк пайи
учун ҳақ тўлашда:

Дт - 161 - “Вакиллик ҳисобрақами”,
Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами,
банк пайчисининг шахсий ҳисобрақами
бўйича;

2) пайчи банк мижози бўлганлиги ҳолатида ушбу банк пайи
учун тўланган ҳақ балансда қуйидагича акс эттирилади:

Дт - мижознинг ҳисобрақами,
Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами;

низомий жамғарма учун моддий қимматликлар тўлангани
да:

Дт - 920 - “Бино ва иншоотлар”, 921 - “Хўжа-
лик анжомлари”, 931 - “Қурилиш ва бош-
қа моддий буюмлар”, 940 - “Хўжалик мод-
дий буюмлари”, 942 - “Кам қимматли ва
тез эскирувчи буюмлар” ҳисобрақамлари,
Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами;

низомий жамғарма учун номоддий активлар билан ҳақ тўлан-
ганида:

Дт - 025 - “Номоддий активлар” ҳисобрақами,
Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами;

учинчи шахсларнинг қимматли қоғозлари билан ҳақ тўлан

ганида:

Дт - 191 - “Акциддорлик жамият акцияларига сарфланган сармоя”, 192 - “Корхона акцияларига сарфланган сармоя”, 193 - “Нодавлат қарз мажбуриятларига сарфланган сармоя”, 194 - “Давлат қарз мажбуриятларига сарфланган сармоя” ҳисоб-рақамлари,

Кт - 010 - “Низомий жамғарма” ҳисобрақами.

Кўрсатиб ўтилган қимматликлар пайчилик банкнинг балансига акциддорлик банкига оид тартибда қабул қилинади.

БАНКНИНГ НИЗОМИЙ САРМОЯСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Акциддорлик банклари иккиламчи бозорда ўз акцияларини сотиб олиб кейинчалик уларни бекор қилиш орқали ўз низомий сармоялари ҳажмини қисқартиришлари мумкин. Акциддорлардан сотиб олинган акциялар номинал қиймати ҳажмида 304 - “Акциддорлардан сотиб олинган ўз акциялари” баланс ҳисобрақами бўйича баланс активида акс эттирилиши лозим:

Дт - 034 - “Акциддорлардан сотиб олинган ўз акциялари” ҳисобрақами,

Кт - 031 - “Касса” ёки 161 - “Вақиллик ҳисобрақами”.

Бундан ташқари акцияларнинг ҳақиқий харид баҳоси билан номинал қиймати ўртасидагисалбий фарқ, яъни акциялар

номинал қийматидан паст баҳода сотиб олинганида қуйидаги утказмалар қилинади:

Ктп - 960 - "Амалиёт ва бошқа даромадлар" ҳисобрақами;

ижобий фарқ қуйидагича акс эттирилади:

Дтп - 970 - "Амалиёт ва бошқа сарф - харажатлар" ҳисобрақами.

Ушбу амалиётларни бажариш билан бир вақтда 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами бўйича олиб борилувчи таҳлилий ҳисобга акциядорлар таркибини тўғриловчи ўзгартиришлар киритилиши лозим. Акциялардан сотиб олинган ва банк балансида турувчи банкнинг ўз акциялари овоз бериш ва дивиденд олиш ҳуқуқини бермайди.

Акцияларни сотиб олиш орқали низомий сармоя ҳажмини қисқартириш тадбири расмий қайд этилиши шарт. Бундан сўнг ушбу акциялар бекор қилинади ва балансда низомий жамғармасини қисқартириш акс эттирилади:

Дтп - 010 - "Низомий жамғарма" ҳисобрақами,

Ктп - 034 - "Акциядорлардан сотиб олинган банкнинг ўз акциялари" ҳисобрақами.

Бу ҳолда баланс яқуни ўзгармайди.

4.3. ЖАЛЬ ЭТИЛГАН МАБЛАҒЛАР. ДЕПОЗИТ ВА ОМОНАТ АМАЛИЁТЛАРИ

Тижорат корхонасининг бир тури сифатидаги банк муассасасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маблағ манбааларининг аксарият қисми ўз маблағлари ҳисобига эмас,

балки қарзга олинган маблағлар ҳисобига шаклланади. Маблағ жалб қилиш борасидаги банкларда мавжуд имкониятлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан мувофиқлаштирилади ва бутунги кунда банкнинг ўз маблағлари ҳажми ҳамда ташкилий - ҳуқуқий шаклидан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

- собиқ давлат ихтисослашган банклари негизида барпо этилган тижорат банклари учун жалб қилинган маблағлар ҳажми банк ўз сармойеси ҳажмининг 2,5 баробаридан ортмаслиги лозим;
- ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишида барпо этилган банклар учун - 20 баробардан ортмаслиги лозим;
- очик турдаги АЖ кўринишида барпо этилган банклар учун - 15 баробардан ортмаслиги лозим.

Яқин кунларгача мамлакат банк тизими кредит маблағ манбааларига доир аввалига Давлат Банки, 1988 - йил ислохотидан кейин эса ихтисослашган яккахуқмронлиги билан боғлиқ маълум хусусиятларга эга бўлган. Ушбу яккахуқмронлик юқори идора истагига кўра банклар ўртасида мижозларни тақсимлаш ва демак, у ёки бу банк ихтиёрига маблағ бириктириш амалларида ифодаланган. Банкларнинг актив амалиётлари ҳажми ҳисобрақамларга чинаккам жалб этилган маблағлар миқдори асосда эмас, балки кредит қўйилма лимитга мувофиқ белгиланганлиги муносабати билан банклар бўш пул маблағларни ўз ҳисобрақамларига жалб этиш учун манфаатдор бўлмаганлар. Омонат жалб этиш ишларининг рағбатланмаслиги давлатнинг маълум молиявий сиёсати билан ҳам боғлиқ бўлган.

Техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш, янги қурилишлар қилиш учун узоқ ва ўрта муддатли банк ссудалари эмас, балки бюджет маблағлари ишлатилгани шароитида узоқ ва ўрта муддатли кредит сарф -

манбааси бўлмиш муддатли омонатларни жамлашга эҳтиёж бўлмаган. Икки поғонали банк тизимига ўтилгани, иқтисодий жиҳатдан мустақил тижорат банкларининг барпо этилгани, хўжалик ўз - ўзини молиялаш тамойилига ўтказилгани каби ўзгаринлар банк ишида пассив шакллаш муаммоси энг долзарб муаммо эканлигини кўрсатиб берди.

Банклар томонидан жалб этилаётган маблағлар ўз таркибига кўра турлича бўлади. Мижозлар билан ишлаш жараёнида жалб этилган (депозит деб номланувчи) маблағлар ва бошқа кредит муассасаларидан (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг ссудалари ва банклараро кредитлар орқали) қарзга олинган маблағлар асосий турдаги жалб этилаётган маблағлардир.

Депозит (лотинча deposit - сақлаш учун берилган нарса) - вақтинча фойдаланиш учун банкка топширилган мижоз маблағларига оид иқтисодий муносабатлардир.

Банк депозитининг моҳияти юзасидан изланиш олиб борган З.С.Каценеленбаум депозитнинг иккиёқлама табиатли хусусиятини қуйидагича таърифлаган: “Омонатчилар депозитни олиниши мумкин бўлган пул сифатида кўрадилар. Омонатчи томонидан чек ёзиб берилиши мумкин ва тегишли пул миқдори айланувда иштирок этади. Шу билан бир вақтда “банкдаги пуллар” фоиз келтиради. Демак омонатчи учун икки вазифани бажаради: бир тарафдан пул ўрнини босади, иккинчи тарафдан эса фоиз келтирувчи сармоя вазифасини ўтайди. Депозитнинг нақд пулдан афзаллиги унинг фоиз келтиришидадир ... камчилиги эса одатда сармоя келтирувчи фоиздан пастроқ фоиз келтиришдадир. Пастроқ фоиз тасодикий ҳол бўлмасдан, балки банк табиатининг муҳим палласидир. Зеро банк табиатининг бутун моҳияти шундан иборатки, депозит бўйича тўланувчи фоиз банк томонидан турли корхоналарда жойлаштирилган сармоя келтирувчи фоиздан паст

бўлиши лозим. Фоизлардаги ушбу фарқ ... актив амалиётларга оид ундириб олинувчи фоизларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади”.

Юқорида баён этилганидан кўриниб турибдики, депозит нафақат омонатчи учун, балки банк учун ҳам фойда келтиради. Депозитларнинг кўплиги банкка ссуда сармойясини ташкиллаш ва кейинчалик уни исталган хўжалик жабҳасида фойда билан жойлаштириш имкониятини беради. Депозит бўйича тўланадиган фоизлар билан қарз олувчилардан олинadиган фоизлар ўртасидаги фарқ бўш пул маблағларни жалб этиш ва ссуда сармойясини жойлаштириш борасида олиб борилган иш учун банкнинг мукофотидир. Ушбу мукофот миқдорларини кўпайтириш ишгиёқи банкларда ўз маблағ манбаа негизини “мавҳум омонат”ларни яратиш воситасида кенгайтириш истагини туғдиради, бунинг учун эса талаб қилиб олгунча ҳисобрақамлари замин яратади.

Банк “олтин” қондасига кўра молиявий талаб ҳажми ва муддатлари банк мажбурийати ҳажмига ва муддатларига мос бўлиши шарт. Ушбу қондага риоя этган банклар кредитлаш манбааси сифатида жорий ҳисобрақамлар қолдигидан фойдалана олмайдилар, чунки улар исталган пайтда талаб қилиб олиниши мумкин. Бироқ одатда мижозлар ўзларининг жами маблағларини бирданига олиб қўймайдилар, шунинг учун банкнинг нақд захиралари нисбатан йирик бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари кўпчилик банк амалиётлари нақд пулсиз тартибда бажарилади. Касса захираси сифатида фойдаланилаётган нақд пуллар банк ликвидлигини оширади ва бошқа мижоз ёки бошқа банкларга кредит бериш учун йўналтирилиши мумкин. Касса захираларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўрнатган мажбурий захиралаш тадбирлари ҳам депозитлардан кредит манбааси сифатида фойдаланишни чеклайди.

Депозит ҳисобрақамлари турлича кўринишда бўлиши мумкин ва уларни таснифлаш учун қуйидаги мезонлар асос бўлади: омонат манбааси, омонат мақсади, даромадлиқ даражаси ва ҳоказо, бироқ энг кўп ҳолларда омонатчининг қайси гуруҳга мансублиги ва омонатни олиш шакллари мезон сифатида қўлланади.

Омонатчи қайси гуруҳга мансублигидан келиб чиққан ҳолда депозитлар икки хил бўлади:

- юридик шахслар (корхона, ташкилот, бошқа банклар)нинг депозитлари);
- жисмоний шахсларнинг депозитлари.

Омонатни олиш шакли бўйича:

- талаб қилиб олгунча (маълум муддати бўлмаган мажбуриятлар);
- муддатли (маълум муддатли мажбуриятлар);
- шартли (илгаридан белгиланган шарт - шароитда олинувчи маблағлар).

Талаб қилиб олгунча депозитлар - илгаридан банкка ҳабар бермасдан мижоз томонидан исталган пайтда талаб қилиб олинishi мумкин бўлган маблағлардир. Бу қаторга ҳисоб - китоб бажариш ёки маблағлардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ жорий, ҳисоб - китоб, бюджет ва бошқа ҳисобрақамларидаги маблағлар киради. Талаб қилиб олгунча депозитлар жорий ҳисоб - китоблар учун мўлжалланган. Бундан ҳисобрақам банк воситачилигида ҳисоб - китоблар қилиш, тўлов бажариш ва ўз ихтиёрига пул маблағларини қабул қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мижознинг ташаббуси билан очиб берилади. Ушбу ҳисобрақамларга оид маблағлар ҳаракати (қабул қилиш ва чиқариб юбориш) нақд пул, чек, ўтказма ва бошқа ҳисоб - китоб ҳужжатлари билан расмийлаштирилиши мумкин.

Банк ликвидлигини бошқариш нуктаи назаридан банклар

учун жорий ва бюджет ҳисобрақамлари, сармоя сарфларини молиялаш ҳисобрақамлари, маҳсус мақсадли ҳисобрақамлар билан ишлаш анча қулайдир, чунки бу ҳисобрақамларга оид маблағлар ҳаракати (миқдори, муддати, тўлов бажариш ёки пул ўтказмаларини қабул қилиш даврийлиги) тўғрисида банк илгаридан маълумотга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари жорий ва бюджет ҳисобрақам эгалари ўз мавқеи (юримдик шахс ҳуқуқининг йўқлиги)га кўра кредитга даъвогар бўлмайдилар, бу эса банкларга ҳужаликни кредитлаш учун ушбу маблағлардан фаол фойдаланиш имкониятини яратади. Бироқ бутунги кунда тижорат банкларининг ушбу йўналишдаги имкониятлари чекланган, чунки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бюджетнинг касса ижроси ҳамда сармоя қўйилмаларини молиялаш ҳисобрақамларидаги маблағлардан фойдаланиш вазифасини ўз зиммасига олган.

Талаб қилиб олгунча депозитлар қаторига контокоррент ҳисобрақамини ҳам киритиш лозим.

Контокоррент (италиянча conto - ҳисоб ва сочченге - жорий) бу - банкнинг миждоз билан бажарган барча амалиётлари қайд этилувчи ягона ҳисобрақамдир. Унинг бир тарафида банк ссудалари ва миждознинг топшириғига кўра ҳисобрақамдан олинган барча тўловлар, бошқа тарафида эса пул ўтказмалари, омонатлар, қайтариб берилган ссудалар ва шу каби кўринишда ҳисобрақамга тушаётган маблағлар акс этирилади.

Демак, контокоррент ҳисоб - китоб ва ссуда ҳисобрақамлари бирикмасини ташкил этувчи актив - пассив ҳисобрақамдир. Кредит қолдиғи миждознинг ихтиёрида ўз маблағлари мавжудлигини, дебит қолдиғи эса маблағ айланувига қарзга олинган маблағлар жалб этилганини ва ҳисобрақам эгаси кредит бўйича банкка қарздор эканлигини билдиради. Банк кредит қолдиғи бўйича миждоз фойдасига фонд қўшади,

дебит қолдиги буйича эса ссуда тақдим этилгани каби ўз фойдасига фойз ундириб олади. Қолаверса банк фойдасига ундириб олинаётган фойзлар ҳисобрақам эгасининг фойдасига қўшилаётган фойзларга нисбатан юқорироқ фойз тўлов миқдори буйича ҳисоб қилинади. Контокоррент ҳисобрақамлари юқори ишонч рамзи сифатида ишончли мижоз бўлиши биринчи даражали қарз олувчиларга очиб берилади. Сарф - харажатлар маблағ тушумидан ортиқча бўлганлиги ҳолатларида ҳисобрақам эгасига ҳар бир алоҳида ҳолларда маҳсус расмийлаштиришсиз банк билан шартлашилган миқдорда кредит олиш имконияти берилади.

Овердрафтли жорий ҳисобрақам контокоррент ҳисобрақами билан маълум ўхшашликка эга. Ушбу ҳисобрақам буйича мижоз билан банк ўртасидаги келишувга асосан ҳисобрақамдан чиқариб юборилаётган маблағ миқдори ҳисобрақамдаги маблағ қолдиги миқдоридан маълум ҳажмда ортиқ бўлишига рухсат этилади, бу эса кредит олиш билан тенгланади. Бироқ ушбу ҳисобрақамлар ўртасидаги фарқни кўра билиш зарур. Контокоррентдан фарқли ўлароқ овердрафтда бундай қарз олишлик амаллари бирда - бир учрайди, яъни мунтазам табиатга эга эмасдир. Бинобарин овердрафт учун кўпроқ пассив (кредит) қодиғи табиатан яқинроқдир. Овердрафтли жорий ҳисобрақамнинг мавжудлиги айрим амалиётларни бажариш учун мижозга қўшимча депозит ёки ссуда ҳисобрақамини очиш имкониятини йўқ қилмайди, айни вақтда мижозга нисбатан банк бажарган барча амалиётлар контокоррент ҳисобрақамида мужассамланади. Бундан ташқари контокоррент ҳисобрақамлари юридик шахс масомига эга бўлган ҳужалик ташкилотларига очиб берилади, овердрафтли ҳисобрақам эса юридик шахс бўлмаган мижозга, шунингдек маблағ тушуми ва сарфланишидаги вақтинча узилишларни қонлаш учун жисмоний шахсга ҳам очиб берилиши.

мумкин.

Бир тарафлама тартибда ёки бир - бирининг топшириқларига биноан ҳисоб - китоб ва тўлов бажариш мақсадида ҳисоб - китоб - касса марказ ёки вакил банкларда очилган вакиллик ҳисобрақамлари ҳам талаб қилиб олгунча депозитлар қаториг киради. Банк томонидан бошқа вакил банкда очилган вакиллик ҳисобрақамлари: ностро ҳисобрақамлари деб аталади ва аксинча вакил банклар томонидан мазкур банкда очилган вакиллик ҳисобрақамларига лоро ҳисобрақамлар дейилади. Одатда банклар ўзаро вакиллик муносабатларини ўрнатганларида вакиллик ҳисобрақами бўйича овердрафт ташкиллаш имконияти ҳам кўзланади. Дебит ёки кредит қолдиғининг энг юқори миқдори, муддатлари ва фоииз тўлови каби ҳамда бошқа шарт - шароитлар банклар ўртасида вакиллик муносабатларини ўрнатиш шартномасида белгилаб ўтилади. Лоро ҳисобрақамида вужудга келган пассив (кредит) қолдиғи банкнинг маблағ айланувида вакиллик банккап жалб қилиб олинган қўшимча маблағ манбаалари мавжудлигини билдиради, актив (дебит) қолдиғи эса овердрафт пайдо бўлганини, яъни вакил банкка кредит берилишини билдиради. Лоро ҳисобрақами бўйича кредит қолдиғи аксинча овердрафт шартномасига мувофиқ бошқа банкнинг маблағлари айланувга жалб этилганини, дебит қолдиғи эса ўз маблағларининг бир қисми вакил банкда жойлаштирилганини билдиради.

Демак лоро ва ностро ҳисобрақамларига онд кредит қолдиғи банк ихтиёрига вакил банкдан келиб тушган маблағ манбааларини балансда акс эттиради.

Мижоз билан банк ўртасида тузилган шартномада кўзланган қисқа муддатли кредит (овердрафт) шаклидаги дебит қолдиғи ва мијоз томонидан тўлов интизомига рноя этилмагани, мажбуриятлар бажарилмагани ва шу кабилар оқибатида вужудга келган, яъни ҳисобрақам эғасининг хўжалик фаолияти

га онд салбий ҳолат сифатидаги салбий дебит қолдиғини фарқлаш зарурдир. Салбий қолдиқ вужудга келганлиги ҳолатида банк томонидан миждозга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўлланади: дебит қолдиғи бўйича пеня, жарима ундириш ёки ушбу миқдорни муддатида қайтарилмаган ссудалар ҳисобрақамига киритиш ва юқори фоиз ундириб олиш; ҳисобрақам бўйича барча тўловларни тўхтатиб қўйиш ва миждознинг ҳисобрақамига тушаётган барча маблағларни вужудга келган қарздорликни қоплашга йўналтириш ва ҳоказо. Банкнинг ликвидлигига ва тўлов қобилиятига путур етишини ҳисобга олсак, бундай жавоб чоралари ҳақли эканлигини кўра-миз.

Аксарият тижорат банкларининг жалб этилган маблағлар тузилмасида талаб қилиб олгунча омонатлар салмоғи энг катта қисмини ташкил этади. Бу омонатлар банк маблағларини шаклланда энг арзон манбаа ҳисобланади. Юқори ҳаракатчанлиги муносабати билан талаб қилиб олгунча ҳисобрақамларидаги маблағлар қолдиғи уйғун эмас, баъзан эса ўта ўзгарувчан бўлади. Ҳисобрақам эгаси томонидан исталган пайтда маблағлар олиб қўйилиши мумкинлиги муносабати билан банк маблағ айланувида ликвидлик даражаси пастроқ бўлган, лекин юқори даромад келтирувчи активларни қисқартириш ҳисобига ликвидлик даражаси юқори булган (кассадаги маблағ қолдиғи, вакиллик ҳисобрақамидаги маблағ қолдиғи ва ҳоказо) активлар улуши юқори бўлиши лозим. Шу сабабдан банклар талаб қилиб олгунча ҳисобрақамлардаги маблағ қолдиғи бўйича уларнинг эгаларига паст фоиз тўлайдилар ёки умуман ҳеч қандай даромад қўшмайдилар. Бироқ ушбу ҳисобрақамлардаги маблағлар юқори ҳаракатчан бўлганига қарамасдан уларнинг энг кичик, пасаймайдиган қолдиқ миқдорини аниқлаш имконияти ликвиддир ва уни барқарор кредит манбааси сифатида қўллаш мумкин.

Талаб қилиб олгунча ҳисобрақамларида сақланаётган ва “муддатли” депозит ҳисобрақамларига (мижозларнинг банкда жойлаштирилган маблағлардан тушувчи даромадни кўпайтириш ва банк учун барқарор кредитлаш манбаасини шакллаш мақсадида) ўтказилиши мумкин бўлган маблағлар улуши қуйидаги тенглама бўйича ҳисоб - китоб қилинади:

$$A = \frac{K \text{ ўрт.}}{Қ \text{ кр.}} \times 100\%$$

A - депозит ҳисобрақамларига ўтказилиши мумкин бўлган ва йил давомида ҳисоб - китоб ҳамда жорий ҳисобрақамларда сақланаётган маблағлар улуши;

Қўрт - ҳисоб - китоб ёки жорий ҳисобрақамидаги бир йиллик маблағларнинг уртача қолдиғи;

Қкр - ҳисоб - китоб ёки жорий ҳисобрақам бўйича бир йиллик кредит айлануви.

Муддатли омонатлар - банклар томонидан маълум муддатта жалб этилаётган депозитлардир. Хусусан муддатли омонатлар ва илгаридан маълум этилувчи муддатли омонатлар фарқ қилинади.

Хусусан муддатли омонатла маблағлар шартномада кўрсатилган шарт - шароит ва муддатларда тўлиқ банк ихтиёрига топширилади, ушбу муддат тутагач эса муддатли омонат ўз эгаси томонидан исталган пайтда олиниши мумкин. Муддатли омонат бўйича мижозга тўланадиган мукофот миқдори депозит муддати, миқдори ва омонатчи томонидан шартнома шартларининг бажарилишига боғлиқ бўлади. Омонат муддати қанча узоқ бўлса ва (ёки) қўйилган пул миқдори қанча кўп бўлса, мукофот миқдори ҳам шунча катта бўлади. Амалда

муддатли омонатлар 1, 3, 6, 9, 13 ойга ёки бундан узоқ муддатларга расмийлаштирилади. Шу тариқа оралиқ билан ўрнатилган муддатлар омонатчиларни ўз маблағларини оқилона ташкиллаш ва омонатларга жойлаштиришга рағбатлайди ҳамда банкларга ўз ликвидлигини бошқариш учун шароит яратди.

Маблағ олинishi ҳекида илгаридан маълум этилувчи омонатларни олиш учун миждоз шартномада белгиланган муддатда (одатда 1 ойдан 3 ойгача, 3 ойдан 6 ойгача, 6 ойдан 12 ойгача ва 12 ойдан кўп бўлган муддатда) илгаридан банкни харбардор қилиши шарт.

Омонат бўйинча фониз тўлови миждори маълум қилиш муддатига қараб белгиланади.

Муддатли омонат миждори бутун сонли миждорда ўрнатилади ва шартнома амал қилиши бутун муддатли давомида ўзгармайди. Муддатли омонатлар жорий тўлов бажариш учун ишлатилмайди. Омонатчи омонат миждорини ўзгартириш - кўпайтириш ёки камайитириш истагини билдиргани ҳолатида амалдаги шартнома бекор қилинади ва омонат олиниб янги шарт билан қайтадан расмийлаштирилади. Бироқ омонат муддатидан илгари олинса, омонатчи шартномада кўзланган фонизлардан қисман ёки тўлиқ маҳрум этилиши мумкин. Одатда бундай ҳолларда фониз тўлови талаб қилиб олгунча омонатлар бўйинча фониз тўланадиган миждоргача камайитириб берилади.

Муддатли омонатлар бир тарафдан миждоз (омонатчи) ва иккинчи тарафдан банк номидан иш кўрувчи банк раҳбари ўртасида тузилган шартнома орқали расмийлаштирилади. Депозит шартнома шакли банк томонидан мустақил ишлаб чиқилади ва ҳар бир омонат тури бўйинча намунавий бўлади. Шартнома икки нусхада тузилади: бири омонатчида, иккинчиси эса банкнинг кредит ёки депозит бўлимида сақланади (бу иш кимга топширилганига қараб). Шартномада қуйида-

гилар айтиб ўтилади: омонат миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати, ушбу муддат тугаганидан сўнг омонатчи оладиган фоизлар, омонатчининг ҳуқуқ - мажбуриятлари, банкнинг ҳуқуқ - мажбуриятлари, томонлар жавобгарлиги, низоларни кўриб чиқиш тартиби. Кўпчилик банклар майда, ўрта ёки йирик миқоз билан ишлашларига қараб муддатли омонатнинг энг кичик миқдорини ўрнатадилар. Ўз томонидан банк шартномадаги барча шартларни ўз вақтида ижро этиш мажбуриятини ва уларга риоя этилмагани учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, яъни депозит эгаларига маблағлар ўз вақтида берилмагани ёки фоизлар ўз вақтида тўланмагани учун пеня ёки жарима ўрнатади. Банк билан миқоз ўртасида юзага келувчи низолар арбитраж ёки суд тартибида (омонатчи жисмоний шахс бўлганлиги ҳолатида) ҳал этилади.

Жамғариш омонатлари муддатли депозитлар ва талаб қилиб олгунча депозитлар ўртасида оралиқ ўрин эгаллайди. Анъанага кўра ушбу амалиётлар Жамғарма Банки томонидан бажариб келинган, бироқ бугунги кунда маблағ манбаалари учун рақобатчилик мавжудлиги шароитида тижорат банклари ссуда сармоялар бозорининг ушбу қисмини фаол ўзлаштирмоқдалар.

Чег эл тажрибасида жамғариш амалиётлари депозит амалиётларидан ажратилади. Зеро : “Жамғариш омонатининг ўзига хос хусусияти унинг эгасига омонат мавжудлиги ҳақида гувоҳнома, кўпинча омонат дафтарчаси берилишидан иборатдир, жамғариш депозитлари эса пул жамламаларини тўплаш ёки фойда учун ишлатишга хизмат қилади. Қолаверса ... тўлов бажариш учун мўлжалланган ва ҳисобрақамларга жойлаштирилган ёки илк жойланганида маълум муддатга қўйилган пул миқдорлари жамғариш омонатлари қаторига қирмайди”.

Юқоридагилар кўриниб турибдики, жамғариш ёки сақлаш

мақсадида ташкил этилган пул жамламаларигина жамғариш омонатлари қаторига киритилади. Бундай омонатларни ўзига хос сабаблар, яъни тежамкорликни рағбатлаш, мақсадли табиатта эга бўлган маблағларни жамлаш, муддатли омонатларга қараганда паст, лекин барибир юқори даражали даромадлиқ юзага келтиради.

Мамлакатимиз тажрибасида жамғариш омонатлари тушунчасига авваламбор аҳоли билан бажарилаётган амалиётлар киритилади ва хатто аҳолининг муддатли омонатлари ҳамда, фуқароларнинг талаб қилиб олгунча ҳисобрақамлари ҳам жамғариш омонати деб ҳисобланади.

Тижорат банклари Жамғарма Банки тажрибасидан фойдаландилар ва миждозларга хизмат кўрсатиш шар. - шароитларини хилма - хиллаштирдилар. Банк балансида жамғариш омонатлари муддатли омонатлар билан бир хил баланс ҳисобрақамларида қайд этиб борилади. Зеро талаб қилиб олгунча жамғариш ҳисобрақами омонат бўйича барча амалиётлар акс эттирилувчи омонат дафтarchаси билан расмийлаштирилиши мумкин. Ёки бўлмаса миждозга шартномага мувофиқ муқтазам равишда шахсий ҳисобрақамдан алоҳида кўчирма варақалари тақдим этилади.

Амалдаги бухгалтерлик ҳисобига оид ҳисобрақамлар режасида банк балансида муддатли ва жамғариш омонатларини акс эттириш учун қуйидаги ҳисобрақамлар мавжуд:

- № 711 - фуқароларнинг омонатлари;
- № 713 - давлат корхона ва ташкилотларининг омонатлари ва депозитлари;
- № 714 - ширкатларнинг омонатлари ва депозитлари.

Омонат миқдори банк кассасига нақд пул билан киритилиши ёки омонатчига ушбу банкда ёхуд бошқа кредит муассасида очиб берилган талаб қилиб олгунча ҳисобрақамидан ўтказилиши мумкин. Ушбу амалиёт омонатни ташкиллаш

услугига қараб бухгалтерлик ҳисоб юритишда турлича акс эттирилади.

Банк кассасига омонат учун нақд пул билан бадал киритилганида қуйидаги бухгалтерлик ўтказмалар қилинади:

Дт - 031 - "Касса" ҳисобрақами,
Кт - 711 - (ёки 713, ёким 714) - ҳисобрақам.

Омонат талаб қилиб олгунча ҳисобрақамдан ўтказилган маблағ ҳисобига шакллангани ҳолатида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

Дт - мижознинг талаб қилиб олгунча ҳисобрақами (ҳисоб - китоб, жорий ҳисобрақам),
Кт - 711 - (ёки 713, ёки 714) - ҳисобрақам.

Омонат миқдори ўзга кредит муассасидан (масалан Жаъфарма Банки ёки бошқа тижорат банкидан) тушганлиги ҳолатида қуйидагича ўтказмалар қилинади:

Дт - 161 - "Тижорат, ширкат банклари ва бошқа кредит муассасаларининг ҳисобрақамлари",
Кт - 711 - (ёки 713, ёки 714) - ҳисобрақам.

Кредит маблағ манбаалари бозоридаги ҳозирги вазият кучайиб бораётган кескинлиги билан ажралиб туради. Хўжаликда ва аҳоли ўртасида маблағ жамлашдаги манфаатдорликни пасайтирувчи иқтисодиётда рўй бераётган инқироз жараёни бир тарафдан, иккинчи тарафдан эса Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўтказаетган қаттиқ рестрикцион сиёсатининг бир кўриниши сифатидаги мажбурий захираларга

оид юқори меъёрлар тижорат банк кредит маблағ манбаалари ҳажмининг кескин қисқариб кетишига олиб келди. Бундай вазиятда тижорат банклари пассив амалиётлар соҳасидаги сиёсатни депозит амалиётларни диверсификация (хилма - хил)лаштириш воситасида ўзгартиришга мажбур бўдилар. Зеро ҳисоб - китоб рақами расмийлаштирилаётганида миждозга хизмат кўрсатиш муддати бўйича очиб берилувчи депозитлар банк тажрибасида кенг тарқалади. Мазкур депозит турли хил омонатларга тегишли ва шу билан бир вақтда фақат ўзига хос хусусиятларга эгадир. Мисол учун омонат миқдори банк томонидан аниқ ва қатъий белгиланади.

Депозит мажбурий табиатга эгадир, чунки унинг миқдори ҳисоб - китоб рақами очилиши билан бир вақтда ёки банк билан келишилган (1 ойдан 3 ойгача) муддат ичда киритилиши шарт, акс ҳолда банк миждозга хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйишга ҳақлидир. Бу депозитни шартли депозит қаторида кўриш мумкин, чунки маблағлар ҳисоб - китоб рақами ёпилгани ҳолатидагина олиниши мумкин. Ушбу депозит муддатсиз деб ҳисобланади ва шунинг учун узоқ муддатли кредит манбааси сифатида қўлланиши мумкин. Бу депозит учун паст даромадлиқ хосдир ва талаб қилиб олгунча ҳисобрақамлари сингари фоиз қўшилмайди.

Айрим банклар ушбу депозитга гаров сифатида қарайдилар, яъни қўшимча таъминотсиз депозитга тенг ҳажмда кредит олиш ҳуқуқини омонатчига берадилар, чунки бу вазиятда омонатнинг ўзи ссуда қайтарилишни кафолатлайди.

Шундай қилиб тижорат банклари хизмат кўрсатиш муддатига очиб берилган депозит ҳисобига юқори фойда шаклланиши имкониятини яратувчи барқарор, узоқ муддатли арзон кредит манбаасига эга бўладилар. Бироқ миждознинг нуқтаназаридан бундай депозит "мажбурий" тусга эга бўлади, чунки номаълум узоқ муддатга айланувдан четланган маблағлар

унга бевосита даромад келтирмайди. Мижозлар учун рақобатчилик кураши мавжудлиги шароитида миџозга бир вақтнинг ўзида ҳам қулай, ҳам имтиёзли ҳисоб - китоб касса хизмати кўрсатишни ёки юқорида кўрсатиб ўтилган зиёнларнинг бевосита ёки бошқа тарзда ўрнини босувчи хизматлар тўплашни таклиф эта олувчи банкларгина бундай депозитларни қўллашлари мумкин. Аке ҳолда банк нафақат бўлғуси, балки ҳозирда мавжуд миџозлардан ҳам айрилиб қолиши мумкин.

Депозит ҳисобрақамида жамланган пул маблағлари негизида миџозга кредит беришни кўзловчи шартномалар маълум қизиқиш уйғотади. Шартномага кўра банк миџоз томонидан маълум муддат давомида бир қанча миқдордаги пул маблағлари жамлангани ва сақлангани шароитида унга кредит тақдим қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Депозит ҳисобрақамида маблағларни миџознинг имкониятига қараб ёки жамлаш режасига асосан, яъни банк билан келишилган ҳажм ва даврийликда мунтазам бадал киритиш асосида жамлаш мумкин. Депозит ҳисобрақамидаги маблағлар ҳажми ва олинган кредит миқдори ўртасидаги фарқ қанча кам бўлса, ссуда бўйича фоиз тўлови ҳам шунча оз бўлади, чунки кредитнинг ўз вақтида қайтарилишига оид таваккалчилик хавфи пасаяди ва кредит маблағлари тежаб қолинади. Депозитда жамланган пул миқдори ва унга оид фоизлар ссуда қоплаш ва кредит учун фоиз тўлаш ҳисобига қўшиб қўйилиши мумкин.

Тижорат банкларч фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида аҳолидан маблағ жалб этиш ишларини кўрсатиш мумкин. Тижорат банклари бу соҳадаги энг йирик яккаҳуқумрон - Жамғарма Банки билан мувоффақиятли рақобатлаша олаптилар.

Кўпчилик тижорат банклари аҳоли билан ишлаш борасида Жамғарма Банк тажрибасидан олинган анъанавий турдаги омонат ва хизматларга оид янада қулай шарт - шароитларни

таклиф қилиб иштамасдан, балки фуқаролардан маблағ жалб этиш ва омонатларни ташкиллаш янги шаклларини ўйлаб топдилар. Мисол учун корхона, муассаса ходимлари ёки бошқа мижозларнинг иш ҳақларини банкдаги ҳисобрақамларга ўтказиш тадбири янги турдаги банк фаолиятини - мижозларнинг ўз - ўзини молиялаш амалиётини ташкиллашга имконият берди, яъни ишчи ва хизматчиларнинг жорий ҳисобрақамларида сақланаётган пул миқдорлари ҳисобига корхоналар ўзларининг қарз маблағларига бўлган эҳтиёжини имтиёзли фоииз тўлови миқдори бўйича қондириш имкониятига эга бўладилар. Якка тартибдаги омонатчилар ҳам бундан фойда кўрадилар, чунки тижорат банклари жорий ҳисобрақам бўйича Ўкамғарма банкидан юқорироқ фоииз тулашга уринадилар, инқироз суръатларига мувофиқ даражада омонатларга оид индексация утқазадилар, овердрафт кредитидан фойдаланиш имкониятини берадилар.

Маблағ жалб этиш борасидаги банклараро раобатчилик курашда фоииз сиёсатидаги хилма-хиллик муҳим аҳамият касб этади, зеро қўйилган маблағлардан даромд кўришлик омили мижозларни омонатга пул қўйишига рағбатлайди. Депозит бўйича фоииз тўлови миқдори даражаси ҳар бир тижорат банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгиланган қайд тўлови даражасига қараб ҳамда пул бозоридаги вазият ва ўз депозит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгиланади. Айрим турдаги депозит ҳисоб рақамларига оид даромад миқдори омонат муддатига ва миқдорига, ҳисоб рақам хусусиятига, тегишли хизмат ҳажми ва табиатига, қолаверса мижоз томонидан омонат шартларига риоя этилишига қараб белгиланади.

Талаб қилиб олгунча ҳисобрақамлар жорий амалиётларни бажаришда қўлланади. Бу ҳисобрақамлардаги маблағ қолдиғи барқарорсиз бўлади ва шу сабабдан мазкур гуруҳга мансуб

ҳисобрақамлар даромадлиги паст бўлади. Юридик шахслар учун очиб берилган талаб қилиб олгунча ҳисобрақамлар бўйича умуман фоиз қўшилмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолда миждлардан ҳисоб - китоб - касса хизмати учун одатда ҳақ олимайди. Бироқ даромад йўқлиги ҳолати миждларни талаб қилиб олгунча ҳисобрақамларига кам миқдорда маблағ қўйиши ва ортиқча пулларини даромадироқ қўйилмаларга (муддатли омонат, қимматли қоғоз ва ҳоказоларга) жойлаштиришга ундайди. Мазкур турдаги ҳисобрақамлар бўйича маблағ четланишига йўл қўймаслик мақсадида айрим банклар маълум давр (одатда ҳар чорак)даги ўртача маблағ қолдиғи бўйича кам миқдорда фоиз қўшиб берадилар. Айрим банклар ҳисобрақамга оид ўрнатилган энг кам маблағ қолдиғи учун юқори фоиз тўловларини таклиф этиб талаб қилиб олгунча ҳисобрақамларида барқарор қолдиқ сақланиб қолишини рағбатлайдилар ёки бўлмаса камаймасдан турувчи йирик қолдиқ учун миждларга мукофот тўлайдилар. Бир қатор банклар ўрнатилган энг кам маблағ қолдиғи миқдорига қараб фоиз тўлови даражасини узгартирадилар.

Жисмоний шахслар учун очиб берилган талаб қилиб олгунча ҳисобрақамлари бўйича фоизлар деярли мажбурий тарзда ўрнатилади, лекин уларга оид даромад муддатли омонатларга қараганда доимо анча паст бўлади.

Муддатли омонатларга доир фоиз тўлови даражасини ўрнатишда маблағлар қай муддатга жойлаштирилгани асосий омил ўрнини эгаллайди, яъни муддати қанча узоқ бўлса, фоиз даражаси шунча юқори бўлади. Даромадни тўлаб турмиш дариийлиги ҳам муҳимдир: тўлов қанча узоқ давр ораларида амалга оширилса, фоиз даражаси шунча юқори бўлади.

Омонатчиларни ўз маблағларини банкларда жойлаштиришларига қизиқтириш учун фоиз қўйиш ва тўлаш тартиби услублари қўлланади. Уларнинг айримларини кўриб чиқай -

лик.

Оддий фоишлар - даромадни ҳисоблаш анъанавий туридир. Бунда ҳисоб - китоб учун негиз сифатида омонатдаги ҳақиқий қолдиқ олинади ва белгиланган даврийликда ҳамда шартномада кўзланган фоиш миқдориди даромад тўланади.

Мураккаб фоишлар - фоиш устига фоиш қўшишдан иборатдир. Бу ҳолда ҳисоб - китоб қилиш даври тугаганида омонат миқдорига оид фоиш қўшилади ва ҳосил бўлган миқдор омонатга қўшиб қўйилади.

Бинобарин келгуси ҳисоб - китоб даврида фоиш тўлови даражаси даромад учун илгари қўшиб ҳисобланган миқдорга ўсиб қолган янги негизга нисбатан қўлланади. Ҳақиқатдаги даромад тўлови ва омонат амал муддати якунланганидан сўнг бажарилгани ҳолатидагина мураккаб фоишларнинг қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маблағлар ҳақиқатдан омонатда сақланаётган вақтига боғлиқ дивиденд тобора ўсиб борувчи фоиш тўлови даражасининг қўлланиши омонатчилар диққатини ўзига тортади. Бу каби даромад қўшиб ҳисоблаш тартиби омонатда маблағ сақлаш муддатини узайтиришга рағбат беради ва омонатни инқироздан ҳимоялайди.

Айрим банклар инқироз оқибатида юзага келган зиён эвазига товон тўлаш мақсадида олдиндан фоиш тўлашни таклиф этадилар. Бунда омонатчи маблағларни маълум муддатига жойлаштиргани захотиёқ тегишли даромадни олади. Шартнома муддатдан илгари бекор қилингани ҳолатида банк омонатга доир фоишларни қайтадан ҳисоблаб чиқади ва тўланган ортиқча пул миқдори омонатдан ушлаб қолинади.

Маблағ жойлаштириш мақсадида банк танлаётган омонатчи учун, бошқа шароитлар барчага тенг бўлгани ҳолатида, фоиш миқдорини ҳисоблаш тартиби ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлиши мумкин. Ҳамма гап шундаки, қатор банклар фоиш

ҳисоблашда бир йилда чиндан мавжуд кунлар сонини (365 ёки 366 кун) оладилар, бошқа банклар эса тахминий (360 кун) кунлар сонини асос қилиб оладилар, бу эса даромад миқдорида акс этади.

Мижозларнинг ҳисобрақамлари бўйича фоиз тўлаш билан боғлиқ банк сарф - харажатлари 970 - "Амалиёт ва бошқа сарф - харажатлар" ҳисобрақамида қайд этилади. Даромадни тўлаш услубига қараб турлича ўтказмалар қилинади:

- нақд пул билан тўланганида - 031 - "Касса" ҳисобрақамида акс эттирилади;
- нақд пулсиз тартибда ўтказилганида мижознинг ҳисоб - китоб ёки бошқа ҳисобрақам кредити бўйича акс эттирилади;
- даромад омонат миқдорини кўпайтиришга йўналтирилганида - депозит ҳисобрақамининг кредити бўйича.

Маблағ жалб этишни рағбатлаш мақсадида ўтказилувчи мосланувчан фоиз сиёсатидан ташқари банклар суғурта жамғармаларини ёки суғурта захираларини ташкил этиш воситасида ўз мижозлари учун омонатга жойланган маблағлар бут сақланиши юзасидан кафолат яратиб беришлари шарт. Омонатчиларнинг манфаатини ҳимоя этиш ва банк банкротликка учрагани ҳолатида мижозларнинг маблағлари эвазига пул тўланишини кафолатлаш мақсадида банк фойдасидан 1 фоиз миқдорида ажратилган маблағлар ҳисобига депозитларни суғурталаш жамғармаси ташкил этилади. Банкнинг суғурталаш жамғармасини шакллашда ишгирок этиши банкка тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганлиги ҳолатида ўз мижозларининг омонатлари эвазига ҳақ тўлаш ҳуқуқини беради. Омонатлар эвазига ҳақ тўлашнинг энг юқори ҳажми суғурталаш жамғармаси тўланган қисмининг 20 баробарига тенг миқдорда ўрнатилган.

Депозитлар суғурталаниши билан бир қаторда тижорат

банк фаолияти ва бериши мумкин бўлган кафолотлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишлик имконияти омонатчилар учун муҳимдир. Узида мавжуд маблағларнинг ишлатилишга оид масалани ҳал этишда кредитлар бўлажак қўйилмалар юзасидаги таваккалчилик хавфини баҳолай олиши учун банкнинг молиявий аҳвали тўғрисида етарлича маълумотларга эга бўлиши шарт.

Омонатчиларга маблағ жалб этиш борасида тижорат банклари хориж тажрибасидан фойдаланишлари ҳам мумкин, хусусан:

- аҳоли маблағларини жалб этиш борасида турли дастурлар ишлаб чиқариш;
- омонатчи миждозларга кенг доирада хизмат кўрсатиш, шу жумладан бан соҳасидан ташқари (масалан тиббий хизмат кўринишлари);
- миждозларни жалб этиш борасида кенг тарқалган реклама ишларини амалга ошириш;
- “кўринмас” мақсадли рекламани қўллаш (почта, телефон орқали);
- инвестицион табиатли омонатлар бўйича юқори фойза тўлаш ва омонат муддати сўнгида мукофот бериш;
- доимий омонатчиларга “содиқлик” мукофотини бериш;
- миждознинг ва банкнинг иқтисодий манфаатларини энг оқилона тарзда сақлаб қолиш имкониятини берувчи қўшма табиатли вазифа бажарувчи НАУ ва МАТУ туридаги (маблағларни автоматик тартибда ўтказиш) ҳисобрақамларидан фойдаланиш.

АҚШдаги жамғарма банкларида 70 - йиллар аввалида омонатчиға муддатли омонатға нисбатан юқори фойза тўловини кафолотловчи ва бир вақтда ҳисоб - китоб рақами сифатида ҳам қўлланиши мумкин бўлган жамғариш ҳисобрақамла-

ри кенг тарқалди. Бунда чек воситасида ҳисоб - китоб қилишдаги сингари тўлов мажбурияти ижро учун қўйилади. Бу амалиёт маблағ олиб қўйиш тўғрисидаги тескари буйруқ номини олган. Ушбу НАҲ ҳисобрақами деб аталиш ҳисобрақамлар деярли жорий ҳисобрақамлардир ва улар бўйича ҳам фойз тўланади.

Кейинчалик АҚШ тижорат банклари миждозлар учун жуда қулай хизмат турини - автоматик тарзда маблағларни ўтказиш ҳисобрақамини жорий қилишда (automatic transfer service - AMS). Ушбу орқали жамғариш ҳисобрақамидан жорий ҳисобрақамга ҳеч қандай тўққинликсиз (жорий ҳисобрақамда энг кам маблағ қолдиғини сақлаб қолиш, тўлов бажариш, овердрафтни қоплаш мақсадларида) маблағ ўтказиш ҳамда маблағдаги жорий эҳтиёжидан ортиқча пуллари жамғариш омонатига қайтариш имконияти яратилади. Бинобарин миждознинг жорий ва жамғариш ҳисобрақамлари бўйича мувозанатни сақлаб туриш энг қулай тартиби ва демак маблағ қўйилмаларидан энг юқори миқдорда даромад қўришлик таъминланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳисобрақамларга ўхшаш ҳисобрақамлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобрақамларига хизмат кўрсатиш жараёнида мамлакат тижорат банклари ҳам фойдаланишлари мумкин. Бунда жамғариш ҳисобрақамидан маблағ ўтказиш амалиётини бажаришда ундаги энг кам этилган маблағ қолдиғи ҳажмини белгилаб қўйиш мақсадида мувофиқ бўлади.

Депозит ва жамғариш сертификатлари муддатли омонатлар турига мансубдир.

Сертификат - омонатчи ёки унинг қонуний ворисида белгиланган муддат якунида омонатни ва тегишли фойзаларни олиш ҳуқуқи борлигини гувоҳловчи пул маблағ омонати ҳақида эмитент банк томонидан берилган ёзма гувоҳномадир.

Қоидага мувофиқ депозит сертификати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахс учунгина ёзиб берилиши мумкин, жамғариш сертификати эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи жисмоний шахс учунгина ёзиб берилади.

Сертификатлар омонатчининг қайси гуруҳга мансублигига қараб депозит ва жамғариш сертификатларига бўлинади. Бундан ташқари сертификатларни бошқа аломатлар бўйича ҳам таснифлаш мумкин:

чиқарув услуби бўйича:

- бир мартабали тартибда чиқарилган;
- серия тартибида чиқарилган.

расмийлаштириш услуби бўйича:

- исми кўрсатилган;
- тақдим қилувчи учун берилган.

муомала муддати бўйича:

- муддатли;
- талаб қилиб олгунча.

Депозит сертификати бўйича 1 йилгача, жамғариш сертификати бўйича 3 йилгача муомала муддати белгиланган.

Депозитни ёки омонатни олиш муддати ўтказиб юборилганлиги ҳолатида сертификат талаб қилиб олгунча ҳужжати-га тенглашади ва ағасининг биринчи талаби бўйича банк томонидан тўлаб берилиши шарт. Муддатли сертификат бўйича муддатидан илгари ҳақ олиш имконияти ҳам тақдим этилиши мумкин. Бунда сертификат миқдори ва фоизлар камайтирилган тўлов даражасида тўланади:

тўлов шартлари бўйича:

- маълум ҳисоб - китоб даври якунигача мунтазам фоиз даражасини тўлаш шарти билан берилган сертификат;
- сертификат сўндирилган куни фоизларни тўлаш шарти би

лан берилган сертификат.

Сертификат уч услуб билан сўндирилиши мумкин:

- янги чиқарув сертификатлари эвазига;
- бошқа турдаги омонатларга ёки талаб қилиб олгунча ҳисобрақамларига нақд пулсиз тартибда маблағ ўтказиш эвазига;
- нақд пул билан (жисмоний шахслар учун).

Сертификат чиқарувчи банк чиқарув шарт - шароитларини ва ўз сертификатларининг муомала шартларини мустақил тарзда ишлаб чиқади. Сертификатларни фойдали жойлаштириш учун чиқарув шарт - шароитларида қуйидаги ҳолатлар зарурлиги ҳисобга олинмиши лозим:

- инвесторнинг манфаатини уйғутувчи фоиз тўлови;
- омонатчилар учун қулай сертификат бериш энг кам миқдори;
- фоиз тўлови миқдорини қайта кўриб чиқиш мосланувчан механизми;
- чиқарувга оид стандарт шарт - шароитлар (тугал бўлинувчи номинал, эмиссия ва сўндириш қулай муддатлари);
- номинал бўйича ҳақ тўлаш ва фоиз қўшишга оид ишончли кафолат;
- чиқарув шарт - шароитлари ҳақида харидор бўлаувчиларга тўлиқ маълумот бериш, яъни кенг реклама ишлари.

Сертификатлар чиқаруви ва муомаласи шарт - шароитларини, ташқи кўринишининг тавсифи ва сертификат намунаси эмитент банк бошқаруви томонидан тасдиқланади ва вакиллик ҳисобрақами жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Ҳудудий Бош бошқармасига уч нусхада экспертизага юборилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Ҳудудий Бош бошқармаси сертификат чиқарувига оид мавжуд қоидаларга эмитент банк роя эътиборлиги юза-

сидан хулоса чиқаради ва тартиббузарликка йўл қўйилмагани ҳолатида ҳужжатларнинг бир нусхасини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлимига жўнатади. Сертификат чиқаруви шарт - шaroитлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг "Қимматли қоғозлар эмиссияси рўйхатининг таркиби тўғрисида"ги йўриқ-номасига мувофиқ бўлиши лозим.

Қимматли қоғоз бўлмиш сертификатларни рўйхатдан ўтказиш шарт эмас ва чиқаруви юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг махсус қарори талаб этилмайди. Шундай бўлишига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Худудий Бош бошқармаси сертификат чиқарувини таъқиқлаб қўйиши ҳамда амалга оширилган чиқарувни бекор қилиши мумкин. Бунинг учун қуйидагилар сабаб бўлади:

- чиқарув шарт - шaroитлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг қоидаларига зид келиши;
- эмитент банк чиқарув шарт - шaroитлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Худудий Бош бошқармасига ўз вақтида тақдим этмагани;
- сертификат чиқарувига оид рекламада эмитент банк томонидан ҳақиқатдаги ишлар аҳволига, чиқарув шарт - шaroитларига, амалдаги қонунчиликка ёки мазжур хатга зид маълумотлар берилиши;
- сертификат чиқариш, муомала юритиш, тўлов бажариш жараёнида амалдаги қонунчилик ва қоидаларга риоя этилмалиги.

Сертификат бланкалари махсус рухсатномага эга бўлган полиграфия корхоналари томонидан чиқариб берилиши лозим. Ушбу бланкада чиқарув шарт - шaroитлари ва бошқа

маълумотлар кўрсатилиши мумкин, бироқ қўйидаги реквизитлар мажбурийдир:

- номланиши - "депозит (жамғариш) сертификати";
- сертификат ёзиб бериш сабаби (депозит ёки жамғариш омонати киритилгани);
- депозит ёки омонат киритилгани санаси;
- сертификатни сўндириш санаси;
- депозит ёки жамғариш омонатининг миқдори (ёзма тарзда ва рақам билан);
- киритилган пул миқдорини қайтариб бериш ҳақида банк ўз зиммасига олган шартсиз мажбурияти;
- депозит ёки омонат бўйича фоиз тўлови миқдори;
- тегишли фоизлар миқдори;
- эмитент банкнинг ва номланган сертификат бенифициари (омонатчи)нинг номи ва манзилгохи;
- сертификат чиқаруви учун жавоб берувчи иккита маъсулдор шахсларнинг имзолари ва банк муҳри.

Матнда ушбу мажбурий реквизитларнинг бирортаси йўқ бўлса сертификат кучга эга бўлмайди.

Сертификат эгаси сертификат бўйича талаб ҳуқуқини бошқа шахсга берилиши мумкин. Тақдим этилувчи ёзиб бериши сертификат бўйича ушбу амал оддий топшириб қўйиш орқали, номи ёзилган сертификат бўйича эса сертификатнинг тесқари томонида икки ёқлама келишув расмийлаштирилиши орқали амалга оширилади.

Номи ёзилган сертификатлар топшириш ёзуви (цессия) воситасида бошқа шахсга берилиши мумкин.

Пул миқдорини талаб қилиб олиш муддати кетганида сертификат эгаси ушбу сертификат сўндириш услуби курсатилган ариза билан биргаликда банкка тақдим этиши лозим.

Сотиб юборилган сертияикатларга оид ҳисоб олиб бориш

мақсадида тижорат банкларга махсус қайдлафтар юритадилар ёки бўлмаса айнан бир хил реквизитлар ёзилган махсус қирқиб олинувчи патта билан таъминланган сертификат чиқардилар. Сертификатлар 199 - "Бозорда муомала қилаётган қарз мажбуриятлари" баланс ҳисобрақамида қайд қилинади.

Депозит сертификатларининг муомалага чиқарилиши қуйидаги бухгалтерлик ўтказмалар орқали акс эттирилади:

Дт - мижознинг ҳисобрақами;

Кт - 199 - ҳисобрақам.

Фоиш қўшиш ишлари қуйидагича акс эттирилади:

Дт - 970 - "Амалиёт ва бошқа сарф - харажатлар" ҳисобрақами;

Кт - 904 - "Бошқа дебитор ва кредиторлар" ҳисобрақами, умумий шахсий ҳисобрақамда.

Депозит сертификати тўлов учун тақдим этилганида:

а) депозит сертификатини берган банк филиалида:

депозит сертификати бўйича ҳақ тўлашда:

Дт - 199 - ҳисобрақам;

Кт - мижознинг ҳисобрақами.

б) мазкур депозит сертификатни муомалага чиқармаган банк филиалида:

депозит сертификати ҳақини ва тегишли фоишларни тўлашда:

Дт - 904 - ҳисобрақам;

Кт - мижознинг ҳисобрақами, бир вақтнинг ўзидаёқ ушбу депозит сертификатини чиқарган

банк филиали номига икки нусхада фармойиш чиқарилади: депозит сертификати миқдорига оид 199 - ҳисобрақамга тааллуқли фармойиш ва депозит сертификатида кўрсатилган фоизлар миқдорига доир 904 - ҳисобрақамга тааллуқли фармойиш.

Депозит сертификат чиқаруви билан боғлиқ сарф - харажатлар (воситачилик ҳақи, нашриёт ва божхона сарфлари ва ҳоказолар) 970 - ҳисобрақамда қайд этилади.

Жамғариш сертификатларини аҳолига нақд пул эвазига сотиш амалиётлари қуйидагича ўтказмалар орқали акс эттирилади:

Дт - 031 - "Касса" ҳисобрақами,
Кт - 199 - ҳисобрақам.

Фоиз қўшиш ишлари депозит сертификатларини қайд этиш ишларига ўхшаш тарзда амалга оширилади. Жамғариш сертификатини сўндириш ва даромадни тўлаш ишлари нақд пул билан бажарилгани ҳолатида қуйидагича ўтказмалар қилинади:

сертификат номинали миқдорига оид:

Дт - 199 - ҳисобрақам,
Кт - 031 - ҳисобрақам.

кўрсатилган фоиз миқдорига оид:

Дт - 904 - ҳисобрақам,
Кт - 031 - ҳисобрақам.

Фоиз тўлови миқдори омонатнинг ҳажми ва муддатига боғлиқ бўлади. Айрим банклар даромадни индексация қилиб ҳар ойда тўлаб боришади. Депозит ва жамғариш сертификат

лари уларнинг амал қилиш даври давомида исталган вақтда харид қилиб олиниши мумкин - фоишлар харид қилинган кундан эътиборан қўшиб борилади.

Энг барқарор ҳисобланган кредит маблағ манбаасидан айрилиб қолмаслик мақсадида тижорат банклари инқироз шароитида сертификатларга оид индексацияни фоиш тўлови миқдорини ошириш орқали амалга оширишга мажбур бўладилар. Ушбу тадбир сертификатлар харид қилинишига рағбат беради.

Сертификатлар олдий депозит шартномаси билан расмийлаштирилган муддатли омонатларга қараганда анча афзалроқдир:

- сертификат муомаласида ва уларни тарқатишда кўп сонли молиявий воситачилар иштирок этишлиги инвестор бўлиши мумкин шахслар доирасини кенгайтиради;
- сертификатларга оид иккиламчи бозор мавжудлиги уларни сақлаш вақти учун маълум даромад билан муддатидан илгари бошқа шахсга сотиб юбориш имкониятини беради ва бунда банк маблағ манбаалари ҳажми ўзгармасдан қолади, муддатли омонатни муддатидан илгари олиш тадбири эса эгаси учун даромад, банк учун эса маблағ манбааси бир қисмини йўқотиш демакдир;
- депозит сертификат эгалари солиқ борасида даромаднинг камроқ улушини йўқотадилар, чунки сертификатларга оид даромадларни солиққа тортиш тартиби қимматли қоғозларга оид даромадни солиққа тортиш тартибига айнан ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Бинобарин депозит сертификати эгасидан 15 фоиш миқдорида солиқ ушлаб қолинади, муддатли омонат эгаси (юридик шахс) эса кўрилган даромадидан корхона даромадига оид белгиланган солиқ тўлови миқдorigа мувофиқ солиқ тўлайди.

Ҳамғариш сертификатларига оид даромадлар ҳамда талаб

қилиб олгунча ҳисобрақамлари ва фуқароларнинг муддатли омонатларига оид даромадлар даромад солиғига тортилмайди. Сертификатларнинг муддатли омонатларга нисбатан бир камчилиги бор, у ҳам бўлса эмиссияга боғлиқ ортиқча сарф - харажатлар.

Депозит ва жамғариш сертификатлари мамлакат молия бозорида мустахкам ўрин эгаллади. Бунда жамғариш сертификатларининг улуши каттадир. Вексел чиқарувчи банклар сертификат ҳаракатига оид назорат олиб бориш ишларига катта эътибор ажратадилар ва чиқарув шартларида сертификатнинг номли ёзиб берилишини кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк депозит сертификатларининг тўлов воситаси сифатида қўлланишини таъқиқлайди. Шу билан бир вақтда корхоналар маблағ айланувидаги тўлов воситаларининг егишмовчилиги оқибатида пул тўламаслик ҳолатларининг вужудга келиши янги молиявий қуролларни излаб топиш заруратини келтириб чиқаради. Банк вексели буларнинг биридир.

Банк вексели - айнан маълум жойда, белгиланган муддатда маълум пул миқдорини вексел сақловчига тўлаш ҳақида вексел берувчи (банк) томонидан берилган ҳеч қандай шартсиз қарз мажбуриятидан иборат қимматли қоғоздир.

Банк векселига тааллуқли эмиссия шарт - шароитлари унинг депозит табиатини номоён этади ва уни депозит (жамғариш) сертификатига ўхшаш қилади. Бироқ депозит (жамғариш) сертификатидан фарқли ўлароқ банк вексели ўз эгаси томонидан мол - махсулот ва хизматлар учун тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин, қолаверса векселнинг янги эгаси ҳам уни учинчи шахсга топшириш ҳуқуқига эга бўлади (тегишли индоссамент ёзиш орқали).

Чек ва сертификатларнинг депозит табиатидан фарқли ўлароқ вексел муомаласининг мумтоз негизи кредит сифатла

рига эгадир.

Бўш маблағларни жалб этиш шакллари борасидаги вексел афзалликлари бир неча омиллардан иборат:

- молия идораларида эмиссияни рўйхатдан ўтказиш зарурати йўқлиги муносабати билан векселларни муомалага чиқариш ишининг осонлиги;
- векселларни ишлатиш борасида ҳуқуқий негиз мавжудлиги;
- эмитент вексел сўндириш муддатини мустақил тарзда ўрнатишга ва ўз векселларини муддатидан илгари сотиб олишга ҳали эканлиги;
- векселларни тенг номинал билан кетма - кет тартибда ва исталган миқдорда бир мартабали тартибда чиқариш имкониятининг мавжудлиги;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан индоссамент бўйича векселни топшириш имкониятининг мавжудлиги;
- Ҳетарли юқори ва қатъий белгиланган даромад даражасига эга бўлгани ҳолатида векселнинг юқори ликвидлиги;
- юридик шахслардан 15 фоиз, банклардан 18 фоиз тўлов миқдори даражасида даромад солиғи ундирилиши.

Дастлаб аксарият банклар томонидан векселлар дисконт билан чиқарилган, яъни номиналдан паст нархда сотилган ва номинал бўйича сўндирилган. Муомалага чиқарилган қарз мажбуриятлари номинал миқдорининг бир улушини заҳиралаш талаби жорий этилиши муносабати билан фоизи кўрсатилган векселларга эътибор кучайди.

Тижорат банкларидаги ҳисоб юритиш ишларида вексел чиқаруви ва сўндирилиши амалиётлари қўйидагича акс эттирилади. (Дисконтли вексел сотиш вазиятини кўриб чиқайлик).

Тарқатиш учун чиқарилган векселларга оид банклардаги ҳисоб юритиш ишлари комиссия қиймати бўйича 9973 -

“Тарқатиш учун чиқарилган тижорат банкларининг акция, облигация, сертификат бланкалари” балансдан ташқари ҳисобрақамнинг кирим қисмида бажарилади.

Вексел бланкаларини сотиб олиш, босмахона ва банк вексел чиқаруви билан боғлиқ бошқа сарф - харажатлар 970 - “Амалиёт ва бошқа сарф - харажатлар” ҳисобрақамида акс эттирилади.

Банк векселини сотиб олиш учун харидор сотувчи банкнинг ҳисобрақамига пул ўтказиши керак (фуқаролар нақд пул билан тўлашлари мумкин). Сотувчининг ҳисобрақамига пул кирим қилинганидан сўнг харидор номига банк вексел бланкаси ёзиб берилади ва пул кирим қилинган сана қайд этилади. Вексел сақловчи шахс банк учун банкда қолдириш истagini билдирганида 9998 - ҳисобрақам бўйича (номинал қиймати бўйича) балансдан ташқари кирим ордери ёзиб берилади ва қуйидаги амалиётлар орқали акс эттирилади:

- 9998 - “Сақлашга олинган облигациялар” балансдан ташқари ҳисобрақамида кирим қилинади;
- 9973 - “Тижорат банклари томонидан тарқатиш учун чиқарилган акция, облигация, сертификат бланкалари” балансдан ташқари ҳисобрақамида чиқим қилинади.

Харидор вексел бланкасини ўзи учун қулай бўлган исталган вақтида олиши мумкин. Таҳлилий ҳисоб юритишда муомалага чиқарилаётган банк векселлари номинал қиймати бўйича 199 - “Бозорда муомала қилаётган қарз мажбуриятлари” ҳисобрақамида қайд этиб борилади. Банк векселининг сотув нархи ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ (дисконт) 941 - “Бўлғуси давр сарф - харажатлари” ҳисобрақамида қайд қилинади.

Мисол: 10000 сўм номиналдаги банк вексели ўз номинал қийматидан паст бўлган сотув нархи - 8287 сўмга сотиб юборилган. Бухгалтерлик ҳисоб юритишда қуйидаги ўтказмалар

бажарилади:

1. Дт - 031 - ҳисобрақам (нақд пул билан тўланганида) ёки
161 - ҳисобрақам (нақд пулсиз тартибда тўланганида) 8287
сўм;

Кт - 199 - ҳисобрақам;

2. Дт - 941 - "Бўлғуси давр сарф - харажатлари" ҳисобрақа-
ми - 1713 сўм;

Кт - 199 ҳисобрақам.

Банк векселларини сўндириш ишлари муомкала муддати тугаганида уларни сотиб олиш ёки муддатидан илгари сотиб олиш орқали амалга оширилади. Ушбу амалиёт тақдим этилаётган банк вексели кимда, яъни вексел сақловчида ёки банкда сақланаётганига қараб 9973 ёки 9998 - ҳисобрақам бўйича балансдан ташқари чиқим ордери воситасида (икки нусхада) акс эттирилади.

Шу билан бир вақтда бу амалиёт банкнинг тегишли ба-
ланс ҳисобрақамларида ҳам акс эттирилади.

Илгари 941 - "Бўлғуси давр сарф - харажатлари" ҳи-
собрақамида (сотиш пайтида) қайд этилган банк векселнинг
сотув нархи ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ (дисконт)
970 - "Амалиёт ва бошқа сарф - харажатлар" ҳисобрақами
бўйича чиқариб юборилади. Банк векселларига тааллуқли пул
маблағлари нақд пул билан ёки нақд пулсиз тартибда тўлан-
ганига қараб 031 - ёки 161 - ҳисобрақамга кирим қилинади.

Мисол: 10000 сўм номиналдаги банк вексели муомала
муддати тугаганида сўндирилади. Бухгалтерлик ҳисоб юри-
тишда қуйидаги ўтказмалар бажарилади:

1. Дт - 199 - ҳисобрақам,

10000 сўм

Кт - 031 ёки 161 - ҳисобрақам..

2. Дт - 970 - ҳисобрақам,

1713 сўм

Кт - 941 - ҳисобрақам.

Мисол : 10000 сўм номиналдаги банк вексели 9000 сўмга муддатидан илгари сундирилганида:

1. Дт - 199 - ҳисобрақам,

9000 сўм

Кт - 031 ёки 161 - ҳисобрақам.

2. Дт - 199 - ҳисобрақам,

1000 сўм

Кт - 960 - ҳисобрақам.

Ҳақини тўлаш муддати келган банк вексели бир йил мобайнида тўловга тақдим этилиши мумкин.

Ўз фаолияти учун маблағ жалб этиш мақсадида тижорат банклари энг юқори фойда кўриш ва банк ликвидлигини сақлаб қолиш зарурати каби низомда қайд этилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда депозит сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишлари зарурдир. Амалдаги устиворликларни ҳисобга олиб тижорат банки томонидан депозит амалиётлари қондаси ишлаб чиқиолиши ва унда жалб этилиши лозим бўлган асосий омонат турлари, шарт - шароитлари (фонд тўлови даражаси, омонатчиларнинг гуруҳларга бўлиниши, омонат муддатлари), жалб этиш тартиби, депозит шартнома-сининг расмий шакли кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тижорат банки томонидан “депозит куни” номини олган депозит амалиёт бажариш дастурлари таъминотининг ишлаб чиқирилиши ёки сотиб олинлиши мақсадга мувофиқдир.

БАНКЛАРАРО КРЕДИТЛАР

Тижорат банклари ўз кредит маблағ манбааларини бошқа банкларнинг маблағлари, яъни банклараро кредит (БК) ҳисобига тўлдириб туришлари мумкин.

Ортиқча маблағлари доимо мавжуд бўлган молиявий жиҳатдан бақувват банклар бўш кредит маблағларини сотадилар. Бўш маблағларидан фойда кўришлик мақсадида тижорат банклари қарзга пул олувчи бошқа банкларда шу маблағларини ҳаракат қиладилар. Маблағларини фойдали жойлаштиришдан ташқари кредитлар банклар банк фаолиятига оид бошқа масалалар бўйича ҳам иш юзасидан шериклик ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Тижорат банки учун ўз кредит маблағларини хўжалик жабҳасида жойлаштиришдан кўра бошқа банкда жойлаштириш афзалдир, айниқса бугунги кунда, чунки банк томонидан кредит қайтарилиши имконияти хўжалик жабҳасидан қайтишига қараганда юқоридир. Обрули молиявий бақувват банклардан ташқари ривожланишини таъкиллаш босқичида турган банклар ҳам бўш кредит маблағларига эгадирлар, лекин уларнинг мижозлари ҳозирча кам.

Кредит маблағларини қайтариш муддатлари турлича бўлади. Халқаро тажрибада мудати 1,3,6 ойлик депозитлар кенг тарқалган, энг кам ва энг кўп муддатлар бир кундан бир неча йилгача бўлади. Инқироз мавжудлиги муносабати билан бугунги кунда Ўзбекистонда 3 - 4 ойдан иборат муддатлар кўп қулланади. Одатда банклараро кредитга оид фоиз тулови хўжалик жабҳасида тақдим этилган кредит фоиз тулови даражасидан паст бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг расмий қайд этилган тулов даражаси билан мосликка келтириб турилади. Қарзга пул олувчи банк томонидан бошқа банкдан кредит маблағ жалб этилиши сабаби қуйидагидир: ўз

мижозларининг қарз маблағларидаги эҳтиёжларини қондириш, яъни ўз кредит қўйилмалари ҳажмини кенгайтириш ва банк ликвидлигини мувофиқлаш зарурати. Банклараро кредитларни жалб этиш ишлари икки услубда амалга оширилади: тўғридан - тўғри кредитларга учраш орқали мустақил тарзда ва молиявий воситачилар орқали. Банклараро кредит юзасидан воситачиларсиз келишилгани ҳолатида ўзаро муносабатлар махсус шартнома билан расмийлаштирилади. Бундай шартномалар асосан муддатли шаклда тузилади, қолган қисми эса муддатсиз шаклда. Иқтисодий барқарорсизлик шарт - шароитида кредит бозоридаги вазиятни ва банкнинг молиявий аҳволини, яъни кредит маблағ етишмовчилиги ёки ортиқча бўлишлигини олдиндан билиш қийин.

Муддатсиз шаклдаги банклараро шартномасида банклараро кредитнинг шартномада белгиланган энг кам муддатга тақдим этилиши ва ушбу муддат тугаганида кредит муддатсизга айланиши, яъни кредитлар банк томонидан илгаридан хабардор этиш воситасида исталган вақтида қайтариб олинishi мумкинлиги айтиб ўтилади. Кредит маблағларини қарзга олган банк уларни қайтариш имкониятига эга бўлмагани ҳолатида муддатли асосида бошқа банклардан қарз олади.

Муддатли ёки муддатсиз шакл шартномага оид фоиз тўлови шартнома тузилган кундаги бозорда мавжуд фоиз тўлови даражасидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Муддатсиз шаклга оид фоиз тўлови даражаси одатда шартнома амал қилиши бугун даври давомида, яъни энг кам муддат тугаганида ҳам ўзгармасдан қолади. Муддатли шартнома узайтирилгани ҳолатида фоиз тўлови даражаси шу пайтдаги бозорда мавжуд фоиз тўлови даражасидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиладди. Банклараро кредит шартномасида кредит муддати, фоиз тўлови даражаси, кредит маблағларининг ҳажми каби масалаларидан ташқари томонлар ҳуқуқ - мажбурияти, жавобгар-

лик масалалари, низоларни ҳал қилиш тартиби ҳам айтиб ўтилади.

Қарз олувчи банк шартномада кўрсатилган ҳужжатлар рўйхати (баланс, иқтисодий меъёрлар ҳисоб - китоби) ни кредитлар банкка тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади; кредитор банки олдида бутун мулки билан жавобгарлик беради ва қайта ташкиллангани ёки тугатилгани ҳолатида муддатидан қатъий назар кредит бўйича қарздорлигини тўлиқ қоплаши ва фоизларни тўлиқ тўлаши шарт.

Кредитор банк Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан қайд қилинган фоиз тўлови миқдори ўзгартирилиши ёки матбуот орқали эълон қилинган ишқироз индексининг расмий ўзгариши муносабати билан ёки бошқа сабабларга кўра банкaro кредитга оид фоиз тўлови даражасини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир. Қарздор банк шартнома шартларига риоя этмагани ҳолатида кредитор банк банкaro кредитга оид қарздорлини қатъий тартибда ундириб олишга ҳақлидир. Кредитор банк томонидан шартнома шартларига киритилган ўзгартишлар юзасидан келишмовчилик пайдо бўлгани ҳолатида қарздор банк шартномани қайта кўриб чиқишга ҳақи бор. Томонлар шартнома шартларига киритилган ўзгартишлар юзасидан ўзаро келишиб олганлари ҳолатида қўшимча келишувлар расмийлаштирилади.

Бўш маблағларни жалб қилиш (жойлаштириш) ишлари бевосита сотувчи - харидор тарзида эмас, балки воситачилар ишгирокида амалга оширилиши мумкин. Банкларнинг ўзи, бракерлик идоралари жамғарма биржалари, молия уйлари, кредит дўконлари воситачи сифатида чиқишлари мумкин.

Жамғармалар бозорида кредит маблағ манбаалари ким ошди савдоси воситасида тақсимланади. Қолаверса ким ошди савдосининг ҳар бир ишгирокчиси савдо юзасидан ўз қондаларини белгилайди. Амалдаги қондаларга мувофиқ маблағ

манбаалари юридик шахслар томонидан ҳам, жисмоний шахслар томонидан ҳам сотилиши мумкин. Бироқ қонунга мувофиқ омонат жалб этиш ҳуқуқига эга бўлган банклар ёки бошқа молия кредит муассасаларигина қарз олувчи бўлиб чиқишлари мумкин. Қарз олувчилар ўзларининг кредит қайтариш қобилиятига оид аудиторлик ташкilotи томонидан берилган хулосани ким ошди савдосига тақдим этишлари шарт. Ким ошди савдосида ишгирок этиш истагини билдирган ташкilotлар ва банклар ёзма шаклда ёки телефон, телефакс орқали ишгирок этиш аризасини берадилар ва унда қуйидагилар кўрсатилади: жойлаштириш ёки жалб этиш, яъни сотув ёки харид учун таклиф этилаётган маблағлар ҳажми: маблағларни топшириш ёки жалб қилиш муддати: жойлаштиришга оид махсус шартлар: томонларнинг манфаатини ҳимоя этиш ва ҳужжатларни имзолашга ҳақи бор ишонган шахслари.

Савдолашув натижасида кредитнинг аниқ миқдори, фоиз тўлови даражаси. тақдим этиш муддати белгиланади. Харидор ва сотувчининг манфаати бир бирига мос келганлиги ҳолатида ким ошди савдосида келишувга келингани тўғрисида рўйхатли гувоҳнома тўлдирилади ва ушбу келишув банкарро кредит шартномасини тузиш учун асос бўлади. Қарз олувчи шахс биржага воситачилик қилгани учун келишув миқдоридан маълум фоиз тўлайди.

Қайд этилган фоиз тўлови даражаси ва мажбурий заҳиралаш меъёрини оширишда аксини топган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки кредит сиёсатининг янада қаттиқ қилиниши муносабати билан тижорат банкларининг банкарро кредитлар кўринишидаги қўшимча кредит маблағларига бўлган талаби ошди. Банкарро кредитга бўлган қизиқишнинг яна бир сабаби шундаки, ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига ўтказилувчи мажбурий заҳиралаш миқдорини ҳисоб - китоб қилишда маблағ манбааси таркибига

киритилмайди. Аҳоли ўз миждозлари билан омонат амалиётларига оид ишни етарлича йўлга қўймаган кўпчилик банклар учун банкарро кредит қиммат бўлишига қарамасдан анча катта қўшимча маблағ манбааси бўла олади.

Ривожланган мамлакатларда миллий банклараро бозори, айниқса қисқа муддатли кредитлар юзасидаги аҳвол ички тижоратчилик жараёнларининг барқарорлигига алоҳида таъсир кўрсатади. Бир кунлик кредит номини олган банкарро кредитга оид фоиз тўлови миқдори пул бозоридаги жорий фоиз тўлови миқдорини белгилайди. Ушбу миқдори сақлаб туриш мақсадида Марказий банклар жадалкор ва амалий барқарорлаштириш қуроли сифатида очиқ бозордаги амалиётларни асос юритадилар.

Суст ривожланган банклараро бозори шароитида бизнинг мамлакатда бир кундан бир неча кунгача бўлган қисқа муддатга банкарро кредитларни жалб қилиш ишлари айниқса қийин кечмоқда. Қолаверса айнан шу кредитлар жорий банк ликвидлигини нормаллаштиришга кумаклашади. Бугунги кунда банклараро ахборот алмашиш ишлари саноқли лаҳзада ҳисоб - китоб амалиётини бажариш имкониятини берувчи электрон ҳисоб - китоб тизими воситасида амалга оширилади. Кредит маблағ манбаалари электрон биржаси каби банклараро тизимининг ташкил этилиши бу борадаги соғувчи ва харидорлар манфаатини бир бирига яқинлаштириш ва бугун банклараро бозоридаги аҳвол тўғрисида исталган вақтда маълумотга эга бўлиш имкониятини беради.

МАРКАЗИЙ БАНК КРЕДИТЛАРИ

Кредит бериш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Банка Худудий Бош бошқармаси ва тижорат банки ўртасида кредит шартномаси расмийлаштирилади ва унда қўйидагилар

кўрсатилади: кредит тақдим этиш юзасидан юқорида айтиб ўтилган барча шарт - шароитлар, кредит таъминотининг тури, муддати келганида кредит миқдорини ва фоизларни тижорат банкининг вакиллик ҳисоб рақамидан қатъий тартибда чиқариб олиш хусусидаги ҳисоб - китоб - касса марказининг ҳуқуқи.

Вакиллик ҳисоб рақамида бўш маблағлари ликвидлиги ҳолатида тижорат банки қарздорликни муддатидан илгари қоплаши мумкин.

Кредит берилиши қуйидаги бухгалтерлик ўтказмалари орқали расмийлаштирилади;

ҳисоб - китоб - касса марказида:

Дт - 822 - "Бошқа банкларга берилган кредитлар (мблағ манбаалари)" ҳисобрақами,

Кт - 161 - ҳисобрақам (қарз олувчи банкнинг вакиллик ҳисобрақами).

қарз олувчи банкнинг балансида:

Дт - 161 - ҳисобрақам (қарз олувчи банкнинг вакиллик ҳисобрақами),

Кт - 824 - ҳисобрақам.

Кредит қоплашда тескари ўтказмалар қилинади:

ҳисоб - китоб - касса марказида:

Дт - 161 - ҳисобрақам,

Кт - 822 - ҳисобрақам.

тижорат банкининг балансида:

Дт - 824 - ҳисобрақам,
Кт - 161 - ҳисобрақам.

Тижорат банкининг вакиллик ҳисоб рақамида кредит қоплаш учун маблағ йўқлиги ёки етишмаслиги ҳолатида қарздорлик миқдори муддатида қайтарилмаган ссудалар ҳисоб рақамига, тўланмаган фоизлар эса муддатида тўланмаган фоизлар ҳисоб рақамига ўтказиб қўйилади.

Ҳисоб - китоб - касса марказининг балансида ушбу амалиётлар қуйидагича акс эттирилади:

қарздорлик миқдори бўйича:

Дт - 822 - ҳисоб рақам;
Кт - 621 - “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг кредитларига оид муддатида бўланмаган қарздорлик” ҳисоб рақами;

тўланмаган фоизлар бўйича:

Дт - 622 - “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг кредитлари бўйича муддатида тўланмаган фоизлар” ҳисоб рақами,
Кт - 943 - “Бўлгуси давр даромадлари” ҳисоб рақами.

Шу билан бир вақтда тижорат банкининг балансида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

қопланган қарздорлик миқдори бўйича:

Дт - 824 - ҳисоб рақам,
Кт - 623 - “Муддатида қайтарилмаган марказлашган кре-

тўланмаган фоизлар миклори бўйича:

Дт - 904 - “Бошқа кредитор ва дебиторлар” ҳисоб рақами,

Кт - 624 - “Марказлашган кредит маблағлари учун муддатида тўланмаган фоизлар” ҳисоб рақами.

Ҳисоб - китоб - касса марказида 621 ва 622 - ҳисобрақамларда (тижорат банкнинг балансида 623 ва 624 - ҳисоб рақамларда) қайд этилувчи муддатида қайтарилмаган қарздорликларга оид фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан қайд қилинган фоиз тўловининг икки баробарига тенг ҳажмда ҳар ойда ундирилади ва ҳисоб - китоб - касса марказида 622 - ҳисобрақамга, тижорат банкнинг балансида 624 - ҳисоб рақамга киритилади.

Бундан ташқари кредит ўз вақтида қайтарилмагани ҳолатида тижорат банки юзага келган қарздорлик қопланганидан кейин 90 кун давомида бундай кредит олиш ҳуқуқидан мажбур этилади.

Муддатида тўланмаган қарздорлик қарз олувчи банкнинг вакиллик ҳисоб рақамига маблағ келиб тушганлиги ва қонунчиликка мувофиқ биринчи навбатли тўловлар қондирилгани сари қатъий тартибда қопланади. Биринчи навбатда муддатида тўланмаган фоизлар, сўнг муддатида қайтарилмаган кредитлар қопланади.

Кредит бўйича муддатида тўланмаган қарздорликни қоплашда қуйидаги бухгалтерлик ўтказмалари қилинади:

ҳисоб - китоб - касса марказида:

Дт - 161 - ҳисоб рақам,

Ктн - 621 - ҳисоб рақам.

тижорат банкида:

Дтн - 623 - ҳисоб рақам,

Ктн - 161 - ҳисоб рақам.

Фонз бўйича муддатида тўланмаган қарздорликни қоплашда:

ҳисоб - китоб - касса марказида:

Дтн - 161 - ҳисоб рақам,

Ктн - 622 - ҳисоб рақам,

ва шу билан бир вақтда

Ктн - 904 - ҳисоб рақам,

Дтн - 970 - "Амалиёт ва бошқа сарф харажатлар" ҳисоб рақами.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан берилган ссудалар бўйича қопланмаган муддатида тўланмаган қарздорлик мавжудлиги ҳолатида тижорат банкига янги марказлашган кредитлар берилмайди.

В. киллик ҳисоб рақамида сурункасига дебит қолдиғи мавжудлигига йўл қўяётган банкларга нисбатан банк амалиётларини бажариш лицензияси олиб қўйилиши масаласини кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ишлаб чиқилган. Тижорат банклари ўзаро вакиллик алоқаларига эга бўлиб бир бирининг ҳисоб рақамлари бўйича ўзлари иш олиб борганлари ҳолатида вакиллик ҳисобрақами бўйича овердрафт қоплаш шарт - шароитлари ўзлари томонидан шартномада белгиланади ва одатда шерик банкнинг вақтинча бўш маблағлари ҳисобига қоплаб

келинади. Сарз мажбуриятлари - облигацияларни чиқаришлари мумкин.

Облигация - тижорат банкларининг облигациялари бу - облигация эгаси (кредитор) билан облигацияларни чиқарган банк уртасидаги қарз муносабатларини гувоҳловчи исталган қимматли қоғозлардир. Облигация ёзиб бериш негизида банк томонидан сафарбар этилган маблағлар қарзга олинган маблағ деб ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ мижозларнинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағ қолдиқлари негизида сафарбар этилган маблағлар банк тажрибасида жалб этилган маблағлар қаторига киритилади. Облигация чиқариш ташаббуси банкдан чиқади, унинг чиқарувдаги ўрни жуда фаолдир. Омонат жалб этишда эса банк пассив вазият эгаллайди.

Облигациялар депозит ва жамғариш сертификатларидан ҳамда банк векселларидан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

- биринчидан, чиқариш муддати билан (бир йилдан кам муддат билан чиқарилмайди);
- иккинчидан, чиқариш тартиби билан.

Облигация чиқарувчи акциядорлик банкларига нисбатан акция чиқарувдаги каби талаблар қўйилади. Облигация чиқаруви ҳам акция чиқаруви каби меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Қарзга олинувчи маблағларни жалб этиш учун облигация чиқариш ишлари мазкур банк томонидан чиқарилган барча акциялар (акциядорлик банки бўлса) бўйича тўла меъёрга ҳақ тўлангани ҳолатида ёки пайчилар томонидан (пайчилек банки бўлса) банк низомий жамғармасидаги улушлари тўлиқ тўлаб бўлинганидагина ўринли бўлиши мумкин.

Чиқарув ҳажми ва инвесторлар сонидан қатъий назар барча банк облигация чиқарувлари **Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкада мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилган**

шарт.

Облигацияларни харидорлар билан тузилган шартномалар асосида сотиш мумкин ёки илгари чиқарилган облигация ва бошқа қимматли қоғозларга алмашгирса бўлади. Облигациялар шартнома асосида сотилганида улар учун тўлов сифатида нақд пулсиз тартибда тушган маблағлар тижорат банкининг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги махсус жамғариш ҳисоб рақамига ўтказилади, нақд пуллар эса Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига топширилади.

Демак, облигация учун тўланувчи ҳақ тижорат банки акциялари учун ҳақ тўлаш тартибга айнан ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Банкка нақд пул маблағлари тушганлигида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

- Дт - 031 - "Касса" ҳисоб рақами,
- Кт - 904 - "Бошқа дебитор ва кредиторлар" ҳисоб рақами - "Эмиссия қилинган қимматли қоғоз харидорлари" шахсий ҳисоб рақами бўйича.

Нақд пул шаклида қабул қилинган маблағ миқдори эквивалентини банкнинг асосий вакиллик ҳисоб рақамидан жамғариш ҳисоб рақамига ўтказишда:

- Дт - алоҳида шахсий ҳисоб рақам шаклида 161 - "Вакиллик ҳисоб рақами"да очиб берилувчи "Қимматли қоғозлар сотувидан тушган маблағлар" жамғариш ҳисоб рақами,
- Кт - 161 - Вакиллик ҳисоб рақами".

Облигациялар учун нақд пулсиз маблағлар тушганида қуйидаги ўтказмалар қилинади:

Дт - 161 - "Вакиллик ҳисоб рақами" - "Қимматли қоғозлар сотуvidан тушган маблағлар" алоҳида шахсий ҳисоб рақами бўйича,

Кт - 904 - "Бошқа дебитор ва кредиторлар" ҳисоб рақами - "Эмиссия қилинган қимматли қоғоз харидорлари" алоҳида шахсий ҳисоб рақами бўйича.

Кўрсатиб ўтилган маблағлар обуна даврида акциялар учун тушган маблағлар каби банк фаолиятини тавсифловчи иқтисодий меъёрлар ҳисоб - китобига киритилмайди.

Банк томонидан ҳақиқатда сотилган облигациялар сони чиқарув учун мўлжалланган ва қайд ҳужжатларида кўрсатилган облигациялар сонидан ортмаслиги лозим. Шу бир вақтда қимматли қоғозларни қайд ҳужжатларида кўрсатилганидан оз сонда сотиш мумкин. Бунда дастлаб аризада кўрсатилган чиқарув ҳажмига нисатан ҳақи тўланиши лозим бўлган энг кам облигациялар улуши белгиланмайди.

Облигация чиқаруви якунлари қайд этилганидан сўнг эмитент банкка маҳсус жамғариш ҳисоб рақамидан умумий вакиллик ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш руҳсат этилади:

Дт - 161 - "Вакиллик ҳисоб рақами",

Кт - алоҳида шахсий ҳисоб рақам шаклида 161 - "Вакиллик ҳисоб рақамида очиб берилувчи "Қимматли қоғозлар сотуvidан тушган маблағлар" жамғариш: ҳисоб рақами.

Эмитент банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги облигациялар обунаси бўйича маблағ йиғиш жамғариш ҳисобрақами ёпилади.

Бушаган пул маблағлари эмитент банкнинг 199 - "Бозорда муомала қилаётган қарз мажбуриятлари" ҳисоб рақамига ки-

рим қилинади:

- Дт - 904 - “Бошқа дебитор ва кредиторлар” ҳисоб рақа - ми,
Кт - 199 - “Бозорда муомала қилаётган қарз мажбурият - лари” ҳисоб рақами сотилган облигациялар номинал қиймати бўйича.

Облигациялар номинал қийматидан паст нархда сотилган ҳолатида номинал қиймати билан ҳақиқий сотув нархи ўртасидаги фарқ алоҳида шахсий ҳисоб рақам бўйича 941 - “Бўлғуси давр сарф - харажатлари” ҳисоб рақамининг дебитиға киритилади.

Мисол. Номинал қиймати 1000 сўм бўлган облигация 800 сўмга сотиб юборилган. Облигация чиқаруви якунлари қайд қилинганидан сўнг мазкур амалиёт қуйидагича акс эттирилади:

- Дт - 161 - “Вакиллик ҳисоб рақами” - 800 сўм,
Кт - 199 - “Бозорда муомала қилаётган қарз мажбурият - лари” ҳисоб рақами - сотилган облигациялар номи - нал қиймати бўйича 1000 сўм.
Дт - 941 - “Бўлғуси давр сарф - харажатлари” ҳисоб ра - қами - алоҳида шахсий ҳисоб рақам бўйича 200 сўм.

Облигация заёмлари муомала муддати якунланганида но - минал қиймати бўйича сўндирилади ва банк балансида қуйи - даги ўтказмалар орқали акс эттирилади:

- Дт - 199 - “Бозорда муомала қилаётган қарз мажбурият - лари” ҳисоб рақами “Облигациялар” шахсий ҳисоб рақамида номинал қиймати бўйича,

Кт - 161 - "Вакиллик ҳисоб рақами" - заём нақд пулсиз тартибда сўндирилганида ёки: 031 - "Касса ҳисоб рақами - нақд пул билан сўндирилганида.

Пул маблағларини қайд этиш ҳисоб рақамларининг кредит қисмида ҳам сўндирилаётган облигациялар номинал қиймати акс эттирилади.

Облигациялар бирламчи жойлаштирилганида дисконт билан, яъни номинал қийматидан паст нархда сотилгани ва ўртадаги фарқ 941 - "Бўлғуси давр сарф - харажатлари" ҳисоб рақамига киритилгани ҳолатида маблағларни ҳисобдан чиқариб ташлаш учун қўшимча утказмалар қилинади:

Дт - 970 - "Амалиёт сарф - харажатлари" ҳисоб рақами,
Кт - 941 - "Бўлғуси давр сарф - харажатлари" ҳисоб рақами.

Мазкур тартиб муомала муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган облигацияларга нисбатан қўлланади холос. Облигация муомала муддати бир йилдан ортиқ бўлса ва у бирламчи жойлаштиришда дисконт билан сотилгани ҳолатида ушбу облигация бўйича бўлғуси давр сарф - харажатлари бошқача тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Бу ҳолда 941 - "Бўлғуси давр сарф - харажатлари" ҳисоб рақамига киритилган облигациянинг номинал қиймати билан сотув нархи ўртасидаги фарқ (дисконт)нинг бир қисми ҳисобот йилига тегишли ҳажмда ҳар йилнинг охириги иш куни 970 - "Бўлғуси давр сарф - харажатлари" ҳисоб рақами бўйича ҳисобдан чиқариб юборилади. Ушбу миқдор қуйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$C = \Phi \times \frac{d}{D}$$

бу ерда

C - ҳисобот йилига тегишли бўлгуси давр сарф - харажатлар ҳажми;

Ф - облигациянинг номинал қиймати билан ҳақиқатда сотилган нархи ўртасидаги фарқ (дисконт) сифатида 941 - "Бўлгуси сарф - харажатлари" ҳисоб рақамига киритилган маблағ миқдори,

д - облигациянинг ҳисобот йилидаги муомала муддати;

D - облигациянинг умумий муомала муддати.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1 БОБ. Бозор шароитида хўжалик юртишда кредит тизими	
1.1 Бозор иқтисодиётини ривожлантиришда кредит ўрни.....	5
1.2 Бозор иқтисодиётига даврида кредит тизими ва унинг ривожланиши.....	8
2 БОБ. Тижорат банки - банк тизимининг асосий бўғми	
2.1 Тижорат банки тушунчаси ва унинг ташкилий тузилмаси.....	19
2.2 Тижорат банки фаолиятининг тамойиллари.....	28
2.3 Тижорат банкнинг вазифалари.....	31
2.4 Тижорат банкларини очиш, рўйхатга олиш ва тугатиш тартиби.....	37
2.5 Тижорат банки билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни ўртасидаги ўзаро муносабатлар.....	43
2.6 Тижорат банки бухгалтерлик балансини тавсифи.....	53
Банк баланси бўлимларининг қисқача тавсифи.....	57
Балансдан ташқари ҳисобрақамлар.....	63
Баланс ҳисобрақами актив ва пассивлари мазмуни (активлар).....	68
Қарога олинган маблағлар (пассивлар).....	69
Ўз маблағлари (пассивлар).....	70
Балансдан ташқари модда.....	70
3 БОБ. Халқ хўжалигида нақд пулсиз ҳисоб китобларни ташкиллаш ва банкларни касса ишлари	
3.1 Нақд пулсиз ҳисоб - китобларни ташкиллаш умумий асослари.....	71
3.2 Банклараро ҳисоб - китобларни ташкил этиш.....	81
3.3 Амалдаги нақд пулсиз ҳисоб китоб шакллари.....	90
3.3.1 Тулов топишриқлари воситасидаги ҳисоб - китоблар.....	94
Тулов талабнома - топишриқлари воситасидаги ҳисоб китоблар.....	102
Чет воситасида ҳисоб - китоб қилиш шакли.....	107
Аккредитли воситасида ҳисоб китоб қилиш.....	114
Бексел воситасида ҳисоб - китоб қилиш шакли.....	121

· Векселни домциляция қилиш.....	129
Факторлиг.....	131
Биржа савдосига оид ҳисоб - китобларни ташкиллаш.....	138
Тижорат банк касса амалиётлари.....	139
4 БОБ. Банк маблағлари, уларни режалаш ва мувофиқлаш	
4.1 Тижорат банкларининг ўз маблағлари.....	154
4.2 Банк сармоясини шакллаш.....	162
Тижорат Банк қимматли қоғозлари чиқарувини рўйхатдан ўтказиш тартиби.....	166
Эмитент Банк томонидан қимматли қоғозларни сотиш.....	169
Чиқарув якундариши қайд этиши.....	183
Пайчялик банкнинг визомий сармоясини шакллаш.....	187
Банкнинг визомий сармоясини қисқартириш.....	189
4.3 Жалб этилган маблағлар. Депозит ва омонат амалиётлари.....	190
Банклараро кредитлар.....	224
Марказий Банки.....	228

